



*Нақибандия
тариқати*



НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ

*(Туркия туркчасида босилган
манбаалардан фойдаланилди)*

Тузувчи Муҳаммад СОЛИҲ

*Эй иймон этганлар!
Оллоҳдан кўрқинг ва Оллоҳга яқин бўлиш йўлларини изланг.
Ва унинг йўлида мужоҳада этинг,
шоят ўшанда нажот топарсиз
(“Моуда сураси”, 35-оят)*

ТАСАВВУФ ҲАҚИДА УМУМИЙ БИЛГИЛАР

Тасаввуф – қалб ва нафси яхши ва ёмон ҳолларини билиб, ёмон ҳоллардан тозаланиб, яхши ҳоллар ила безанаркан, Оллоҳу Таолога яқин бўлмоқдир.

Тасаввуфнинг мавзуи – маърифатуллоҳдир. Яъни Оллоҳу Таолони билмакдир.

Қуръони Каримда 191 жойда “маънавий қалб”, 49 жойда “Нур”, 59 жойда “Ақл”, 9 жойда “Рух” калимаси ишлатилган. Тасаввуф шу тўртта маънавий унсур – қалб, рух, ақл ва нафс категориялари билан боғланган мушоҳада тарзидир.

Тасаввуф илмига кўра инсоннинг маънавий вужудида икки зид борлик мавжуд, бу – рух ва нафсдир.

Бу иккиси инсон вужудига ҳоким бўлиш учун бир-бири билан курашадилар. Бу курашда нафснинг озиғи – гуноҳ, ёрдамчиси – шайтондир. **“Нафс инсонни муболага ва ёмонликни буюради”** (“Юсуф” сураси, 52).

Тасаввуф инсондаги бу ҳабис борлигининг тарбияси билан шуғулланади.

Аввал Пайғамбарлар, кейин Пайғамбарларнинг вориси бўлган олимлар ва авлиё ул инсон нафсининг мағлуб бўлиб, руҳнинг ғолиб келиши учун фаолият кўрсатадилар.

Нафснинг тозаланиб, қалбнинг нури илоҳий билан тўлиши учун юриладиган орани Мухаммад Баҳоуддин Нақшбандий (қ.с.) хазратлари шундай таърифлаган: “Йўлимиз нодир йўللардандир. Мустаҳкам ҳалқадир. Расулуллоҳ (с.а.в.) Асхоби Киромнинг таъкиб этган йўлида юрмақдан бошқа ғоя йўқдир”.

Мурид ўтмишда қилган гуноҳларига тавба этиб, фарзларни адо этса, бошлаган харомдан қочишга сўз берган одамдир. Энди бу кишининг нафси қатъий назорат остига олингандир. Муриднинг вазифалари деб саналаётган бу ишлар асли ҳар бир мусулмоннинг ишидир. Бу ишларни қилиш учун мурид бўлиш керак, деган койда йўқдир.

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий Ҳазрати Анас (р.а.)дан шундай ривоят этадилар: “Бир киши Пайғамбаримиз(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)дан “Қиёмат қачон келади?” деб сўради. Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи вассаллам) “Сўраяпсан, аммо сен унга нима ҳозирладинг?” деди. У киши

“Ҳозирлигим йўк. Мен фақат Оллоҳ ва унинг Расулини яхши кўраман”, деди. Шунда Пайғамбаримиз “Алмар-у ма-о ман аҳобба” (одам севгани билан биргадир), деб жавоб берди”.

Бу ҳадиси – шарифнинг ровийси ҳазрати Анас(р.а.) дейди: “Исломдан кейин Пайғамбаримиз(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг “сен севганларинг билан биргасан”, деган сўзига севинганимиз каби ҳеч нарсага севинмадик. Мана, мен Абу Бакрни ва Умарни яхши кўраман. Уларникидек амалим бўлмаса ҳам, уларни севганим учун, иншооллоҳ, улар билан бирга бўламан”.

Кўриниб турибдики, Оллоҳнинг вали қулларини севиш мўъминни маълум нуқталарга олиб бора оларкан. Фақат бир шарт билан: агар у Қуръони Каримда “фаттабиуний” буйруғига кўра, Пайғамбаримизнинг суннатига тамоман амал қилса

ВАЛИ – АВЛИЁ

Валилик – юксак мартабадир. Авлиё “вали” калимасини кўплик шаклидир. “Вали” луғатда “дўст” маъносида келади. Оллоҳнинг ўзи дўст ўларок танлагани мўмин зотлар валилардир.

Валиларнинг энг кичик даражаси “вилоятйи суғра” мақомидир. Бунинг ишорати шудир: бу даражадаги вали қанча ҳаракат қилмасин, ўз қалбига Оллоҳдан бошқа бир тушунча кирита олмайди. Валиларнинг бу мақомига “Фанои қалб” мақоми дейилади.

Маънавий даражаси бу мақомга келмаган кишига “вали” ёки “авлиё” дейиш жоиз эмас. Яна бу мақомга келмаган биттасининг “валилик”ни иддао қилиши диний жиҳатдан ниҳоятда хатодир.

Валиликнинг қолган мақомлари шулар: “Вилояти Кубро”, “Вилояти нубувват”, “Вилояти Рисолат”, “Вилояти Улу-ул азм”.

ҚУТБ ВА ҚУТБЛАР

Валиликнинг энг юксак мақомидагиларга “қутб” номи берилади.

Қутблар ҳар даврда бир ёки икки, энг кўпи билан, учта бўлади. Буларга “учлар” дейилади:

Қутб ул Ақтаб, Ғавс ул Аъзам, Қутб ул уло.

“Учлар”нинг энг юксак даражаси Қутб ул ақтабдир. Бу “қутбларнинг қутби” демакдир. Бу зот Пайғамбаримиз(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)ни том ворисидир.

Тасаввуфда икки силсила бор. Бир гизли зикр силсиласи, иккинчиси очик зикр силсиласи.

Тасаввуф арбоби ҳар бир киши мутлақо шу икки силсиланинг биттасига боғлиқдир. Бутун тариқатлар шу икки асос оқимдан чиққан.

Кейинроқ бу икки оқим “Нақший силсиласи” ва “Қодирий силсиласи”, дея номланган эдир.

Бу силсилалар “Силсилаи заҳаб” (Олтин силсила) ва “Силсилаи кибрити аҳмар” номи билан ҳам аталади.

СОХТА “МУРШИДЛАР”

Ҳар нарсанинг ҳақиқий ва сохтаси бўлганидек, муршиди комилнинг ҳам ҳақиқийси ва сохтаси бўлади. Ҳақиқий муршиди комиллар ўтмишда яшаб ўтган, тарих синовидан ўтган Абдуҳолиқ Ғиждувоний, шох Накшбандий, Имом Раббоний ва Абдуллоҳ Дехлавий каби зотлардир. Уларнинг ҳаётлари ўрганилганда уларнинг ҳақиқий эканликлари яққол кўриниб туради. Бу инсонлар солиҳ одамлар бўлганлар. аммо бу нарса улар учун алоҳида мартаба яратмайди. Чунки булардан аввал ҳам бундай солиҳ инсонлар кўплаб ўтганлар.

Ҳақиқийни сохтадан ажратиш ҳам осон иш эмас. Сохта шайхларнинг шаръидан Оллоҳга сийинмок керак. Чунки сохталар ҳар даврда ҳақиқийлардан жуда кўп бўлган. Сохта муршидда очиқ кўринадиган васфлар шулар: сохта муршид дин буйруқларига, суннатга ва Расулуллоҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)га уйғун ҳаракат қилмайди. Бутун даврларда энг очиқ кўринган яна бир васфи, сохта муршиднинг хотинларга қўлини ўптиришидир.

Сохта муршид ўз жамоатини катта қилиб кўрсатишга уринади. Албатта, бир кун сохталиги ифшо бўлиб, шухрати сўнади. Сохта муршид суҳбатларида тушга (рўёга) кенг жой берилади. Ҳадиси шарифлар ва ояти карималарда уламоларнинг бергани маънолардан бошқа маъно берилади, янглиш талкин қилинади.

Сохта шайх диннинг эмас, ўз жамоатининг ёйилиши учун фаолият кўрсатади. Мажруҳларга аҳамият бермайди. Нафила намозларини одамларга кўрсатиб қилади. Бўлар-бўлмаста, ўринли-ўринсиз йиғлайди. Ҳолбуки, тасаввуф инсонлар кўзи олдида нафила ибодат қилишни ва йиғлашни катъиян таъқиқлайди. Бундай сохта муршиднинг ёрдамчиси шайтондир. Сохта муршидга муридни ҳам шайтон тўплайди. Шайтон одамларнинг тушига муршид суратида кириб, алдайди.

Сохта муршиднинг “муридлари” ҳар кеча (гўё) Пайғамбаримизни тушларида “кўра бошлайдилар” ва бу “муридлар” ўз тушларини муршидига етказиб, уларни муҳокама қилишади.

Ҳолбуки, Пайғамбаримиз(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг ҳақиқий юзини кўриш ниҳоятда қийин. Уни маъно оламида кўриш учун қирк йил кечаларини эрталабгача намоз қилиб ўтказган, Каъбада икки ракат намозда Қуръони Каримни ҳатм этган Имом Аъзам ҳазратлари ва унга ўхшаган зотлар кўриши мумкин.

МУРИДЛАР

Муршиди комилга тобе бўлган кишилар учга бўлинади:

1. Муридлар. 2. Халифалар. 3. Ворис.

Муршидга тобе бўлган ҳар ким – муриддир. Муршидлар ичида энг кўп ибодат этган, арбайни чеккан, неч кун оч қолиб, кеча-кундуз зикр ва ибодат билан машғул бўлган кишилар муршиднинг халифалари даражасига юксалиши мумкин.

Абул Ҳасан Ҳарқоний (қ.с.) шундай дейди: “Дунё хирси билан яшаган дин олими ва илмдан маҳрум сўфи чиқарган фитнани шайтон ҳам чиқара олмайди”.

Қуръон ва суннатга уйғун ҳаракат қилмайдиган муршидий комил бўлиши мумкин эмас. Муршидий комил шаръий ва диний илмлардан вокиф бўлиши шарт. Муршидий комил динни ёйиши ва талаба ўқитиши керак.

Оллоҳ Таоло Қуръонда шундай дейди:

«Бандаларим Сиздан (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мен ҳақимда сўрасалар. Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуоғўйларнинг дуосини ижобат қиламан. Бас, ҳақ йўлга юришлари учун (улар ҳам) Менинг (даъватимга) жавоб қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар» (Бақара:186).

НАҚШБАНДИЯНИНГ ТУРКИСТОН ЙЎНАЛИШИ

Нақшбандиянинг Туркистон йуналиши Имом Раббоний (Қуд.Сир)гача бу китобда курсатилган шаклда келиб, Имом Раббонийдан сўнгра шу исмлар билан давом этади:

- 23.Имом Раббоний (Қуд.Сир)
- 24.Муҳаммад Саъид
- 25.Шайх Абдул Аҳад
- 26.Мавлоно Обид
- 27.Муҳаммад Мусоҳон
- 28.Халифа Сиддиқ
- 29.Халифа Хусайн
- 30.Халифа Абдусаттор
- 31.Халифа Муҳаммад Солих
- 32.Халифа Муҳаммад Амин
- 33.Халифа Абдул Воҳид
- 34.Халифа Қори Абдуллоҳ

Халифа Қори Абдуллоҳдан сўнгра Нақшбандиянинг Туркистон йуналишига раҳбарлик қилган ва Урта Осиёда «Хазрат» исми билан машҳур бўлган раҳматлик Қўқонлик Иброҳим Қори негадир ўзини халифалар қаторига тир-камаган. Қўқонлик Иброҳим Қорининг уз муридларига берган мухтасар «Рисолаи Нақшбандия»си куйидагича:

«Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари (1318-1389 й. Бухоро) қуддиси сирруху – асл исмлари бўлиб, Хўжаи Бузрук Шохи Нақшбанд Баҳоуддин номлари билан бутун ғарбу шарқда машҳур, Тасаввуфда Нақшбандия сулукиннинг пиру муршидларига раҳнамо сифатида тан олинган буюк азиз зотдир.

Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир-рожийм

Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳийм.

Тарикан нафйи исбот

Бир марта «Ўтирган жойим қабрим ва кийган либосларим кафаним» дейилади ва ҳар нафасни ичига олишдан олдин бир марта «мани шул нафасим охирги нафасим» дея нафасни ичига тортиб, қалбни андиша билан уч марта «Оллоҳим, менинг мақсудим ўзингсан, сенинг ризолигингдир» дейилади ва

«Ло мақсуди иллаллох» калимасини 3,5,7....25 ва ҳоказо – шу тариқа тоқ ва такрор қилиб, охирида бир марта «Мухаммадур расулуллох» дея нафас бурундан қалбга бўшатилади ва яна қалбга уч бор «Оллохим, менинг мақсудим ўзингсан, сенинг ризолигингдир» дейилади. Машғулотдин сўнг Ахфого ушбу «муруқабаи маъиятни» андиша қилурлар.

Нафйи исбот муруқабаси

Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир-рожийм

Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳийм

Қовлуллоҳи Таъала: *Ва ҳува маъақум айна ма қунтум*. Аллоҳ Таоло дейди: **«Мен сизлар билан биргадурман, сизлар ҳар жойдаки бўлсангизлар»**, деб бир оз Ахфого андиша қилгандин сўнг савобини Пирони Нақшбандияларга ҳадя қилурлар.

РИСОЛАИ НАҚШБАНДИЯ

Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳийм

1. Шукру вузуъ – 2 ракаат

Алҳамдулиллоҳнинг сўнгидан «Инна анзалнаҳу» сураси, аввал 2 марта, сўнг бир марта. (Саҳарда 101 марта истиғфор айтилади). Дуо: Ота-оналар, биродарлар, дин Ислом шариятига ва Ислом подшоларига.

2. Таҳажжуд – 2 ракаатдан икки марта жами 4 ракаат. Алҳамдулиллоҳнинг сўнгидан 3 марта «Ихлос» сураси қўшиб ўқилади. Дуо: Пирони Нақшбандияларга.

3. Ишроқ – 2 ракаат.

Алҳамдулиллоҳнинг сўнгидан «Оятал-курси», сўнг 5 мартадан «Ихлос» сураси қўшиб ўқилади. Дуо: Пирон Нақшбандияларга ҳадя қилинади.

4. Аср намозидан кейин 101 истиғфор.

5. Аср ва шом ораси зикруллох.

6. Тухфат Расулаллох – 2 ракаат.

Алҳамдулиллоҳнинг сўнгидан «Оятал-курси», сўнг 3 мартадан «Ихлос» сураси қўшиб ўқилади. Дуо: Пайғамбарга с.а.в.

МУХОЛИФ ФИКР

Тариқатларга мухалифат қилганлар ҳам бор, уларнинг фикрларидан баъзилари тахминан шундай: «Тариқатларга оид китобларнинг тўғри ёки нотўғри эканини билиш учун уларни Оллоҳнинг китоби ва Росулнинг суннатига суяган ҳолда, тадқиқ этиш лозим.

Оллоҳ Таоло Қуръонда шундай дейди:

«Росулуллоҳ сизларга нимани келтирса, шуни олинглар. (яъни: У киши келтирмаган ва У кишидан кейин чиқарилган нарсаларни олманглар. Нимадан қайтарса, шундан қайтинглар».

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бениқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун Исломни дин қилиб танладим».

Демак, мукаммал дин қўшимча нарсаларга муҳтож эмас.

Оллоҳ Таоло Қуръонда яна шундай дейди: «Агар сизлар бирор нарсани устида ихтилофлашиб қолсангизлар, уни дарҳол Оллоҳ(нинг китоби)га ва Росули(нинг суннати)га ҳавола қилинглар, агар сизлар Оллоҳга ва қиёмат кунига ишонсанглар»

Бу оятларда Қиёматгача бўлган ҳар қандай муаммони ечишга қодир қилиб юборилган эдир.

Динимизни муккамаллигига эътиқод қилган киши унга Росулудлоҳ с.а.в. келтирмаган ибодатларни киритмайди. Чунки динга янгилик киритиш, унинг мукаммал эканини инкор қилмоқликдир.

Ихтилофлик нарсаларни маъсум бўлмаган шахслар ёки иснодсиз ёки исноди заиф бўлган хабарларга эмас, Оллоҳнинг китоби ва Росулидан келган саҳиҳ суннатига ҳавола қиламиз.

Росулудлоҳ С.А.В. шундай дейдилар: «Мен ўзимдан кейин сизларга икки нарсани қолдирдим, у эса, Оллоҳнинг каломи ва менинг суннатимдир. Агар шу икки нарсани мустаҳкам ушласангизлар, асло адашмайсизлар».

Исломнинг аввалида динимизда бугунги кундаги мавжуд тариқатлар бўлмаган.

Саҳобалар Оллоҳнинг росулидан Қуръон ва Суннатни таълим олганлар ва ўзларидан кейинги авлодга олган нарсаларини омонат сифатида етказганлар. Улардан кейин ҳам шу ҳолат хижрий учинчи асрга қадр давом этган.

Тахминан учинчи асрнинг бошларидан бошлаб, тариқатлар вужудга кела бошлаган. Тариқатларни вужудга келишига сабаб бўлган асосий омиллар шулардир:

Халқ орасида олимларнинг озайиши натижасида илмсизлик кучайган. Оддий намозхонларнинг динлари талаб қилган нарсаларга тўла ижобат қилаолмаётганини кўрган бази олимлар масжидларда омиёлар учун махсус дарслар ўткази бошлаганлар. Бу дарсларни ўтказишдан мақсад халқни диний руҳда тарбиялаш бўлган. Молу-дунё, куч қувват, юқори мансаб ва умуман дунё неъматлари Оллоҳнинг юборган бир синовни эканини англатиш учун бу мажлислар ташкил қилинган.

Олимлар мақсади халқни тафриқага бўлиб, умматни парчалаш бўлмаган. Кейинчалик, бу олимларнинг вафотларидан сўнг шу жамоатларни уларнинг шогирдлари давом эттирганлар. Кўпинча, бу жамоатлар уни ташкил қилган олим номига қолган, кейин, замон ўтиши билан, бу жамоатларга ҳар хил бидъатлар кириб, жамоат ўзига хос ақида ва ўзига хос зикрларга эга бўлган. Бир жамоат иккинчи жамоатга қарши руҳда ҳам тарбиялана бошлаганлар. Бу албатта бир маънода мусулмонларнинг бирлигини бузилишига ва қувватини парчаланишига сабаб бўлди. Ҳолбуки, Оллоҳу Таоло «Шўро» сурасининг 13-оятда шундай дейди: «Динни барпо қилинглар ва унда фирка-фирка бўлинманглар!»

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ Накший тарикати мансубларига кўра, тасаввуфнинг, «Саодат силсиласи»нинг биринчи халқаси ҳисобланади.

ҲАЗРАТИ АБУ БАКР СИДДИҚ (РОЗИАЛЛОҲУ АНҲУ)

Пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи вассаллам)нинг “Умматимдан бит-тасини ўзимга дўст танласайдим, Абу Бакрни танлардим”, деган мадҳига муяссар бўлган зот Абу Бакр Сиддиқдир. Ҳазрати Абу Бакр Асҳобий Ки-ромнинг энг устун шахсиятларидан бири эди. Отасининг исми Усмон, она-сининг исми Салмо бинти Саҳрдир. Ҳазрати Абу Бакр ҳам ота, ҳам она тара-фидан Расулуллох(саллаллоху алайҳи вассаллам) билан узоқ қариндошдир. Расулуллох(саллаллоху алайҳи вассаллам)дан 2 ёки 3 ёш кичиқдир.

Мусулмон бўлмасдан олдин исми Абдул Узаа ёки Абдул Каъба эди, Пайғамбаримиз(саллаллоху алайҳи вассаллам)га иймон этгандан сўнгра ис-мини “Абдуллох” деб ўзгартирди.

Пайғамбаримиз(саллаллоху алайҳи вассаллам) вафот этган куни ҳазрати Абу Бакр халифа сайланди. Уни хилофати (халифалиги) 2 йил 3 ой ва 10 кун давом этди. У 63 ёшида, ҳижротнинг 13 йилида, милодий 634 йилда ва-фот этди. Васияти бўйича жасадини хоними Салмо ювди. Жаноза намозини Ҳазрати Умар ўкиди. Пайғамбаримиз(саллаллоху алайҳи вассаллам)нинг қабри ёнига, “Ҳужраи-саодат”га дафн этилди.

Абу Бакр – “кечаси туриб, намоз қилганларнинг отаси”, деган маънони беради. Бу исмини унга Расулуллох(саллаллоху алайҳи вассаллам) берди. Ҳазрати Абу Бакр кечанинг иккинчи ярмида ўрнидан туриб, тонггача намоз қиларди.

У жаннат билан муждаланган 10 та саҳобанинг бири, Расулуллох (саллаллоху алайҳи вассаллам)нинг қайнотаси, ҳазрати Ойшанинг дадаси эди. Расулуллох(саллаллоху алайҳи вассаллам) ҳазрати Абу Бакрни жуда яхши кўрарди. У: “Оллоху Таолонинг жаҳаннамдан озод этганкишисини кўрмоқ истаганлар Абу Бакрга боқсин”, – дер эди.

Ҳазрати Абу Бакр илк мусулмон бўлган хур эркак сифатига соҳибдир. Хотинлардан илк мусулмон Ҳазрати Хадича, қуллардан Зайид бин Ҳориса, болалардан Ҳазрати Алидир.

Ҳазрати Абу Бакр мусулмон бўлмасдан аввал ҳам Расулуллох(саллаллоху алайҳи вассаллам)нинг дўсти эди, катта тужжор эди. Мусулмон бўлгандан сўнг бутун молини, уйини ислом йўлида харжлади.

Расулуллох(саллаллоху алайҳи вассаллам) ўзининг пайғамбарлигини билдириб, мусулмон бўлишга чақирганда Ҳазрати Абу Бакр ҳеч тараддуд эт-масдан исломиятни қабул қилди.

Шундан кейин у ўзининг яқин дўстлари бўлган Усмон бин Аффон, Талхо бин Убайдуллох, Зубайр бин Аввом, Абдуррахмон бин Авф, Саъд бин

Абувакқос, абу Убайда бин Жарроҳ каби юксак ахлокли шахсиятларни ҳам исломиятга даъват этди ва улар ҳам мусулмон бўлдилар. Абу Бакр ва унинг дўстлари исломни Макка халқи орасида ёйиш учун жуда кўп машаққат, азоб чекдилар, мушрикларнинг қийноқларига дучор бўлдилар.

Ҳазрати Абу Бакр Расулulloҳ(саллalloҳу алайҳи вассаллaм) нима айтса, ҳеч иккиланмасдан қабул этар ва унга ишонарди. Меърож воқеасида ҳам шундай бўлди. Пайғамбаримиз(саллalloҳу алайҳи вассаллaм)нинг меърожга юксалгани ҳақда Каъба мушриклари масҳараомуз ғийбатлар тарқата бошлаганларида, улар бу ҳақда ҳазрати Абу Бакрнинг фикрини ҳам сўрадилар. Ҳазрати Абу Бакр:

– Агар (Расулulloҳ с.а.в.) буни айтган у бўлса, бу тўғридир, – деди. Мушриклар “Абу Бакрни Муҳаммад сеҳрлабди”, дея фикс-фасод қила бошладилар.

Ҳазрати Абу Бакр мусулмонлар тарафидан Макка фатҳ этилганда, ўз отаси Абу Қуҳофани Пайғамбаримиз(саллalloҳу алайҳи вассаллaм) ҳузурига олиб келди ва Абу Қуҳофа исломни қабул этди.

Ҳазрати Абу Бакр ҳижратнинг 10-йилида (милодий 632), Пайғамбаримиз (с.а.в.) вафот этган куни Асҳобий Киром тарафидан халифаликка сайланди.

Ҳазрати Абу Бакр душанба куни халифа ўлароқ сайланди, сешанба куни масжиди шарифда мусулмонларга шундай хитоб этди:

“Эй мусулмонлар! Сизга халифа сайландим, амир бўлдим. Ҳолбуки, мен сизлардан энг яхшиси эмасман. Агар мен яхшилиқ қилсам, менга ёрдам этингиз. Агар ёмон иш қилсам, менга тўғри йўлни кўрсатинглар. Тўғрилиқ – омонатдир. Ёлғончилик – хиёнатдир. Сизнинг заифингиз мен учун энг қийматлидир. Унинг ҳақини ҳимоя этман. Сизнинг ичингизда ўз кучига ишонганлар заифдир. Мен ундан бошқасининг ҳақини олиб бераман.

Ҳеч бирингиз жиҳодни тарк этманг. Тарк этганлар залил бўлур. Мен Оллоҳга ва Расулига итоат этганим муддат ичида сиз ҳам менга итоат этинг. Агар мен Оллоҳ ва унинг Расулига осий бўлиб, тўғри йўлдан чиқсам, сизнинг менга итоат этишингиз лозим эмас. Энди оёққа қалқинг, намоз қилайлик. Оллоҳ барчангизга яхшилиқ ато этсин!”

Расулulloҳ(саллalloҳу алайҳи вассаллaм) вафот этганини эшитиб, баъзи инсонлар ва қабилалар исломдан чиқа бошладилар. Яман ва бошқа ўлкалардан ислом маъмурулари Мадинага қайтиб кела бошлади.

Пайғамбаримиз(саллalloҳу алайҳи вассаллaм) вафотидан аввал Шомга бориш учун бир кўшин тайёрлаб, унинг бошига ҳазрати Усомани қўмондон тайинлаган, қўлига санжоқ тутказган эди. Мусулмонлар Расулulloҳ(саллalloҳу алайҳи вассаллaм) вафотидан кейин бошланган фитнадан кўрқиб, бу кўшинни Шомга юбормасликка, унинг Мадинада қолиб янги ислом давлатини ҳимоя қилиши кераклиги ҳақида гапиришга бошладилар.

Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) эса Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳозирлаган кўшинини Шомга сўзсиз, албатта юборилажагини эълон қилди. Бу қатъиятни кўрган ислом душмани мусулмонлардан кўрқдилар.

Айни пайтда ҳазрати Абу Бакр(р.а.) Мадинага ҳужум қилишга тайёрланган тўдаларга бир кечаси қутилмаганда зарба берди. Душман тўдалари тум-тарақай қочди.

Ҳазрати Абу Бакр(р.а.) кўшин бошида туриб, ҳарбий бришга отланганда, уни ҳазрати Али Мадинада қолиб, давлат ишларини йўлга қўйишга чақирди. Асҳобий Киром ҳам буни истади. Шунда ҳазрати Абу Бакр(р.а.) Мадинага қайтди. Ислому қўмондонлари ҳазрати Халид бин Волид, ҳазрати Иқрима қабиларнинг ҳар бирига бир кўшин бериб, уларни кўшни музофат ва ўлкаларга юборди.

Ҳазрати Умар(р.а.) ҳазрати Абу Бакр(р.а.) ҳақда шундай дейди: “Кеча Абу Бакр(р.а.) Расулulloҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)дан Қуръони Каримдаги бир оятнинг маъносини сўради, Расулulloҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) унга тушунтира бошлади. Мен тингладим, аммо ҳеч нарса тушунмадим”. Чунки Расулulloҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) ҳазрати Абу Бакр(р.а.)нинг савиясига кўра тушунтирган эди.

Расулulloҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) Қуръони Каримни бутун тафсирини Асҳобига билдирган эди. Ва Қуръони Карим тафсири учун лозим бўлган бутун билгилар ҳазрати Абу Бакр(р.а.)да мавжуд эди. У ҳаётда экан, бу соҳада Қурайшнинг олими сифатида танилди. Қуръони Каримдан ҳукм чиқаришда маҳорат соҳиби эди. Асҳоби Киром ва тобеиннинг олимларининг кўпчилиги баъзи оятлар тафсирини ҳазрати Абу Бакрдан(р.а.) олиб, билдирар эдилар.

Ҳазрати Абу Бакр(р.а.) Расулulloҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)га жуда яқин эди, ҳадис илмида ҳам катта хизматлар қилди. Унинг 142 та ҳадис ривоят этгани маълумдир.

Ҳазрати Абу Бакр(р.а.) Сиддиқ буюқ фоқиҳ эди. Исломию илмларнинг бутун масалаларидан воқиф эди. Ҳазрати Абу Бакр(р.а.) насаб илмини ҳам яхши биларди.

Асҳобий Киром буюқларидан бўлган Абу Саид Худрий шундай ҳикоя қилади: “Бир куни Расулulloҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) хутба ўқиётган эди. Хутбасидаги “Оллоҳу Таоло бир қулига дунё ва ёки Мени танлашда сен эркинсан, деди. Қул Оллоҳу Таолони танлади”, оятини эшитган Абу Бакр(р.а.) йиғлади. Мен ўз-ўзимга “бу зотни йиғлаган нима?” дедим. Бу калималарнинг нимасига йиғлаш керак, деб ўйладим. Ҳолбуки, бу сўзларда Расулulloҳ(алайҳиссалом)нинг вафотида ишорат бор эди. Буни ҳазрати Абу Бакр(р.а.)дан бошқа ҳеч ким тушунмаган эди. Ҳазрати Абу Бакр(р.а.) бизнинг ичимизда олим эди. Расулulloҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) унга:

“Эй Абу Бакр йиғлама! Мен учун дўстлиги ва мол-мулки Абу Бакрдан баракатлироқ бўлган киши йўқдир, – деди”.

Ҳазрати Абу Бакр(р.а.) ўз тилига ҳоким бўлиш учун, ортикча сўз сўйламаслик учун оғзига тош солиб юарди.

Бир куни Расулulloҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) Асҳоби билан масжидда ўтирар экан, Жаброил(алайҳиссалом) келди ва шундай деди: “Абу Бакр(р.а.)нинг бир соат ибодати бошқаларнинг етмиш йиллик ибодатига тенгдир”.

Расулulloҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) ҳеч кимга гапирмасдан, ҳазрати Билолга ҳазрати Абу Бакр(р.а.)ни чақириб келишни буюрди. Ҳазрати Абу Бакр(р.а.) дарҳол келди. Расулulloҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) ундан:

– Уйда нима қилаётган эдинг, қандай амал билан машғул эдинг? – деб сўрадилар.

Ҳазрати Абу Бакр(р.а.) Пайгамбаримиз Расулуллох(саллаллоху алайҳи вассаллам)нинг вафотидан кейин жуда озиб кетди. Унинг кизи Ойша ҳазратлари буниги сабабини сўраганда, ҳазрати Абу Бакр(р.а.) “Мени Муҳаммад(саллаллоху алайҳи вассаллам)дан айрилиқ шундай ориклатди”, деди.

Яна ҳазрати Оиша волидамиз шундай дейди: “Отам вафот этганда, Асҳабий Киром унинг қаерга дафн этилиши ҳақида ўйлай бошладилар. Ўша кеча уйқумда “дўстни дўстга қовуштиринг”, деган бир овоз эшитдим. Уйғониб, буни Асҳоби Киромга айтдим. Улар ҳам айни овозни эшитганларини эътироф этдилар. Ҳатто масжидда намоз қилганлар буни эшитганини айтишди. Шундан кейин ўйлашга ўрин қолмади. Уни Расулуллох саллоллаҳу алайҳу васаллам ёнига дафн этдилар”.

Ҳазрати Абу Бакр(р.а.) сўнги марта касалланганда шундай деди:

– Халифаликни кимга топшириш хусусида истихора этдим. Ҳақ Таолодан ризосига уйғун бўлишини тиладим. Биласиз, ёлғон сўйламайман. Ҳеч бир ақли одам Ҳақ Таолога қовушиш арафасида ўзига ифтиро этилишини истамайди ва мусулмонларни алдашни ўзига эп кўрмайди...

Асҳоби Киромдан биттаси:

– Эй Оллох Расулининг халифаси, сенинг тўғрилигиндан шубҳамиз йўқ, сўйламак истаганинг не бўлса, сўйла! – деди.

Ҳазрати Абу Бакр(р.а.) шундай давом этди:

– Тун яримдан оққанда ухладим. Тушимда Расули Ақрамни кўрдим. Эгнига иккита оппоқ либос кийган эди. Мен бу либос этақларидан тутган эдим. Шунда бу либослар яшил ранга кирди, порлай бошлади. Расулуллох(саллаллоху алайҳи вассаллам)нинг икки ёнида нурдан либос кийган, кўзни севинтирган икки зот бор эди. Расули Ақром салом бериб мусафоҳа этди ва мени шарафлантирди. Муборак қўлини кўксимга қўйди. Юрагимдаги қадар йўқолди.

– Ё Абу Бакр, сени ғоят соғиндик, дийдор пайти келди, – деди Расулуллох(саллаллоху алайҳи вассаллам).

– Ё Расулуллох, мен ҳам сени соғиндим, – дедим.

– Бу уммат учун одил, содиқ, ерда ва кўкда ҳамманинг ризосини қозонган, замоннинг энг тоза Фаруқи (Ҳазрати Умар)ни халифа тайин эт, – деди. Расулуллох(саллаллоху алайҳи вассаллам).

Сўнгра ёнидаги кишиларни кўрсатиб:

– Булар дунёдаги вазирларинг, вафотинг пайтидаги ёрдамчиларинг, жаннатдаги қўшнилариңг. Улар сенинг исмингни кўкда малаклар орасида, Ерда – инсонлар орасида “Сиддик” эканини хабар бердилар, – деди Расулуллох(саллаллоху алайҳи вассаллам)

– Ё Расулуллох, онам-отам сенга фидо бўлсин, ёнидаги шу икки кишини таний олмадим, улар каби инсон кўрмадим, – дедим мен.

– Булар Жаброил ва Микоилдир, – деди Расулуллох(саллаллоху алайҳи вассаллам), сўнгра кетдилар.

Мен уйғондим. Юзим кўз ёшлардан ҳўл бўлган эди. Бошимда уй аҳли жам туришарди”, – дея хикоясини битирди ҳазрати Абу Бакр(р.а.).

Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) хижратнинг 13-йилида вафот этди.

ҲАЗРАТИ АБУ БАКР(р.а.)НИНГ АЙТГАНЛАРИ

“Тақво – ақл билан қилинган ишларнинг энг гўзалидир. Ҳаққа осий бўлмақ – аҳмоқча қилинган ишларнинг энг чиркинидир.

Берилган омонатни топширмақ – энг устун тўғрилиқдир.

Хиёнат ўлароқ ёлғон энг олдда келади”.

Ҳазрати Абу Бакр туяда ўтирган бўлса-ю, кўлидан туя жиловини туширса, туяни ерга чўктириб, туширган жиловни ўзи оларди, бировга “олиб бер” деб буюрмас эди. Бунинг сабабини сўраганларида, у Расулulloх(саллalloху алайҳи вассаллам) менга “одамлардан ҳеч нарса истама” деган, деб жавоб берди.

Ҳазрати Абу Бакр(р.а.) бир хутбасида шундай деди:

“Мен Расулulloх(саллalloху алайҳи вассаллам)нинг шундай деганини эшитдим:

– Инсонлар ёмонликни кўриб, унга монё (қарши) бўлмасалар, Оллоху Таоло уларни ҳаммасини (ёмонлар қаторида яхшиларини ҳам) азобга учратишидан кўрмоқ лозим.

Яна бир хутбасида ҳазрати Абу Бакр(р.а.) шундай дейди:

“Шуни билингики, тўғри сўздан бошқа ҳеч бир калом хайир ва фойда келтирмас. Ёлғон сўйлаган яратилиш ҳикматини бузган кимсадир”.

САЛМОН АЛ-ФОРСИЙ (РОЗИАЛЛОҲУ АНҲУ)

Салмон Форсий «Саодат силсиласи»нинг иккинчи халқаси ҳисобланади..

Салмоний Форсий (Абу Абдуллоҳ) эронликдир. У ўзининг Мадинага келишини шундай хикоя қилади:

“Исфохоннинг Жайҳон қишлоғидан, эронлик бир ўсмир эдим. Отам бу қишлоқнинг каттаси, обрўли киши эди. Отам мени жуда яхши кўрарди, еру кўкка ишонмас эди. Мен ўзимни маъжусийликка атаган эдим, шу қадарки, ҳатто оташгоҳда олов ёкиш иши менга топширилган эди

Бизнинг катта еримиз бор эди. Отам деҳқончилик қиларди. Бир куни далага кета олмади ва менга:

– Ўғлим, ерга қарай олмадим, сен бориб, бир хабар ол, – деди.

Мен далага йўл олдим. Кетар экан йўлда бир черковга дуч келдим. У ерда ибодат қилаётган кишиларнинг овозини эшитдим. Отам мени ҳеч ким билан кўриштирмагани сабабли, менинг на христиан динидан, на бошқа диндан хабарим бор эди.

Черковга кириб, у ердагиларнинг дуо ва ибодатларини эшитдим, менга ёқди. Мен улардан “бу диннинг асл юрти қаерда?” деб сўрадим. Улар “Сурияда”, дейишди. Мен уларнинг ёнида окшомгача қолдим, далага кетмадим.

Кечкурун уйга қайтиб, отамга:

– Отажон, мен Черковда ибодат этган баъзи инсонларни кўрдим, уларнинг дини менга менга ёқди, – дедим. Отам кўрқиб кетди:

– Болам, бу дин яхши дин эмас. Сенинг боболарингнинг дини яхшироқдир, – деди у.

– Йўқ, уларнинг дини яхши, – дедим мен.

Отам менинг динимиздан чиқишимдан кўрқиб, мени уйга қамаб қўйди.

Мен бир амаллаб христианларга шу мазмунда хабар йўлладим:

– Сурияга кетадиган бир қарвон бўлса, менга хабар беринг.

Бир оз вақт ўтгандан кейин менга қарвон ҳақда хабар беришди. Бир иложини қилиб, оёқларимдаги боғни ечдим. Яширин йўлга чиқдим ва, ниҳоят, Сурияга етиб келдим. У ерда бу диннинг мансубларидан энг кучли ким эканлигини суриштирдим. “Черковнинг идорачиси бош епископ”, дейишди. Унинг ёнига бордим:

– Мен христиан бўлишни истайман, сенинг ёнингда қолиб, сенга хизмат этишни, бу ерда ибодат этишни истайман, – дедим.

– Майли ёнимда қол, – деди у.

Мен унинг ёнида қолиб, унга хизмат эта бошладим. Аммо бир муддат

сўнгра бу одамнинг ёмон бир кимса эканини кўрдим. Бу кимса диндошларини савоб қозонишга чақириб, улардан садақа оларди. Ва Оллох ризоси учун берилган садақаларни ўзи учун олиб, асрар эди. Фақир ва йўқсилларга ҳеч нарса бермас эди. Нақ етти хум олтин бириктирган эди. Бу менга ҳеч ёқмади. Бу одам бир муддат сўнгра ўлди. Христианлар уни дафн этиш учун тўпландилар. Мен уларга:

– Дўстингиз ёмон одам эди. Сиздан садақа талаб этар ва сизни савоб қозонишга ташвиқ этарди, аммо олинган садақаларни ўзи учун сакларди, йўқсилларга ҳеч нарса бермас эди, – дедим.

– Сен буни қаердан биласан? – дейишди улар.

– Сизларнинг берганларингизни яширган жойини кўрсатишим мумкин, – дедим мен.

– Хўп, кўрсат, – дейишди улар.

Мен кўрсатдим.

Улар ўлган роҳибнинг яширган етгита хумини олиб чиқардилар.

– Биз бу одамни кўммаймиз, – дейишди улар ва ўликни чормихга кериб, тошбўрон қилишди.

Бир муддат сўнгра черковга янги идорачи тайинланди. Бу киши каби диндор, охиратга боғлиқ, кеча-кундуз ибодат қилган бошқа одамни кўрмадим. Унинг ёнида узок қолдим. У ўлим тўшагига ётганда, мен ундан:

– Эй фалончи, мени кимга топширасан, нима буйруғинг бор? – деб сўрадим.

– Ўғлим, менга ўхшаган биттаси Мукулда бор, динини ўзгартирмади, ахлоқини бузмади. Сен унинг ёнига бор, – деди у.

Роҳиб ўлгандан кейин мен Мукулдаги одам ёнига бордим.

У яхши инсон эди, аммо у ҳам кўп ўтмай ўлди. Ўлим тўшагида у менга Нусайбиндаги бир шахснинг ёнига боришимни тавсия қилган эди. Мен Нусайбиндаги одам ёнига бордим, уни ҳам яхши инсонлигини кўрдим. Аммо кўп ўтмай, у ҳам ўлим тўшагига ётди ва менга Аммуриядаги фалончи киши ёнига боришимни тавсия этди. Мен ҳам айтилган киши ёнига бордим, у ҳам аввалгиларга ўхшаган тўғри йўлдаги бир зот эди. Мен у ерда хизмат қилиб, бир неча сигир, бир сурув қўй-қўзи мулк этдим. Кўп ўтмай бу зот ҳам ўлим тўшагига тушди. Мен унга:

– Сен менинг аҳволимни биласан. Энди менга кимни тавсия қиласан? – дедим.

– Ўғлим, ер юзида бизнинг инонганимизга инонган инсон ҳали ҳам бор, деб ўйламайман. Фақат Арабистонда бир Пайғамбарнинг чиқажак пайти яқинлашди. У Иброҳим(саллаллоху алайҳи вассаллам)нинг дини билан юборилажак. Кейин ўз юртидан чиқарилиб, икки қора тоғ ўртасидаги, хурмозор боғлари мўл бир ерга хижрат этажак. У ҳадя қабул этади, садақа олмайди. Елкасида, икки кураги орасида пайғамбарлик муҳри (хол) бор. Агар ўша мамлакатга кета олсанг, кет, – деди у. Ва уни ҳам ажал олди.

Мен Қалб қабиласидан баъзи араб тожирлар қарвони Аммурияда тўхташганида, уларга:

– Агар мени ҳам ёнингизда Арабистонга олиб борсангизлар шу сигирларимни ва шу қўй подасини сизга бераман, – дедим.

– Майли, сени ёнимизга оламиз, – дейишди улар.

Мен уларга сигирлар билан қўйлар сурувини бердим. Улар мени ёнига олишди, аммо Водил Кура деган жойга келганда тожирлар сўзидан қайтиб, мени яхудийларга сотишди. Шундай қилиб, мен бир яхудийнинг қулига айландим. Яхудий мени Бани Курайзадан бўлган бир жиянига сотди, у мени Мадинага олиб келди.

Мен у ерда Аммуриядаги зотнинг айтгани хурмозорларни кўрдим. Унинг тасвирагани Мадинани танидим. Ўша кунларда Пайғамбар(саллаллоху алайҳи вассаллам) Маккада қавмини исломга даъват этаётган эди. Лекин мен кул сифатида кўп иш билан машғул бўлганимдан, унинг исмини эшитмаган эдим.

Қиска вақтдан кейин Расулulloх(саллаллоху алайҳи вассаллам) Мадинани ҳижрат этди. Мен хурмо дарахтига чиқиб, хўжайиним буюрган ишларни қилаётган эдим, хўжайин эса дарахт соясида ўтирган эди. Дафъатан амакисининг ўғли келди ва шундай деди:

– Оллох Авс ва Ҳазражини қаҳр айласин! Улар шу онда ўзининг пайғамбар эканини иддао этган, бутун Маккадан келган бир одам учун тўпланишяпти, – деди.

Мен бу сўзларни эшитар-эшитмас, шундай эсанкирадимки, хўжайинимнинг устига йиқилиб тушишимга сал қолди.

Ва дарахтдан тушиб, хабарни келтирган одамга:

– Нималар деяпсан, такрор айтсанг-чи! – дедим мен.

Хўжайиним газабланиб, мени уриб тепа бошлади. Мен кейин тўғри Расулulloх(саллаллоху алайҳи вассаллам)нинг ёнига бордим. Ва унга:

– Мен сенинг тўғри бир инсон эканингни эшитдим. Сенинг ёнингда мухтож, мухожир йўлдошларинг бор. Шу хурмо садақадир. Бу садақага сизни лойиқ кўрдим, – дедим ва хурмоларни унга узатдим. Расулulloх(саллаллоху алайҳи вассаллам) хурмога қўл урмади, асхобига “сизлар энглар” деди.

Мен ичимда “бу биринчи ишорат”, деб қўйдим. Ва ишимга қайтиб келдим.

Сўнгра Расулulloх (саллаллоху алайҳи вассаллам) Кубадан Мадинага кўчиб ўтди. Мен ёнига бордим ва шундай дедим:

– Сенинг садақа емаганингни кўрдим, фақат бу (хурмо) ҳадядир. Сенга икром этапман...

Расулulloх (саллаллоху алайҳи вассаллам) бу сафар хурмодан еди ва асхобига ҳам ейишни буюрди, улар ҳам едилар. Мен ўзимга ўзим “бу иккинчи ишорат” дедим.

Расулulloх (саллаллоху алайҳи вассаллам) Бокий-ул-Ғарқоддалигида учинчи марта хузурига бордим. У ерда ўтирарди. Салом бердим. Пайғамбарлик мухрини кўрармиканман деб, унинг яғринига қараб, атрофида айлана бошладим. Пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи вассаллам)нинг елкасига боққанимни кўриб, нима истаганимни англади ва қўйлагини чиқарди. Мен унинг яғринида мухрни кўрдим. Йиғлаб уни ўпдим. Расулulloх(саллаллоху алайҳи вассаллам):

– Сен уни қаердан биласан? – сўради.

Мен унга бошимдан кечганларни айтиб бердим. Расулulloхга ҳикоям ёқди, буни асхобига ҳам айтиб беришимни сўради. Мен уларга ҳам айтиб бердим. Ҳайрон қолишди, севиндилар.

Пайғамбаримиз(саллаллоху алайҳи вассаллам) Салмон Форсий(р.а.) ҳақида шундай деди:

“Аввал кетиб, пойгада ғолиб келганлар тўртта кишидир. Шу тўрттадан бири – Салмон Форсийдир. Салмон – бизнинг аҳли байтимиздир. Жаннат интизор бўлган кишилардан бири Салмондир. Оллоху Таоло асхобимдан тўрт кишини севади, улардан биттаси Салмондир”.

Салмон Форсий(р.а.) ниҳоятда ғани кўнгилли, зоҳид бир зот эди. Зоҳидларнинг буюклари орасида эди.

МАНКИБА

Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари Кинда қабиласидан бир хотинга уйланган эди. Хотиннинг хонасига кирганда, хонанинг қимматбаҳо тошлар билан безалганини кўриб, “уймиз қиздирилган жаҳаннам бўлдимиз ёки Кинда қиблага айландими?” дея хитоб қилди.

– Расулulloх(саллаллоху алайҳи вассаллам) менга дунёдаги нарсанг бир йўлчининг кўтара оладиган нарсаси қадар бўлиши керак, деб тавсия этди, – деди у.

Кейин хонадаги безаклар олиб ташланмагунча хонага кирмади.

Салмон Форсий(р.а.) ҳақда сўраганларида ҳазрати Али шундай жавоб берди:

– У шундай бир денгиздирки, илмнинг аввалини-охирини олди, аммо тошмади.

ҚАЛБИНГНИ ТОЗАЛА

Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари Хузайфа бин Яман билан Набтияга кетди. У ерда намоз қилиш учун бир жой ахтарди. Ўша ердаги бир кофир хотин унга:

– Қалбингни тозала ва истаган жойингда намоз қил! – деди.

Бу гапдан Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари йиғлади ва Хузайфага шундай деди:

– Бу сўзни ҳикмат ўлароқ кофирнинг қалбидан ол!

ТУНДАГИ ҲОЛИ

Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари кеча қоронғилик тушганда намоз қила бошларди. Намоздан чарчаса, тили билан Оллохни зикр эта бошларди. Тили зикрдан чарчаса, Оллоху Таолонинг борлигига, бирлигига далолат этган оятларни мушоҳада этар, унинг буюклиги ҳақида ўйлай бошларди.

Кейин ўз нафсига шундай дерди:

– Дам олдинг, энди намозга қалқ!

Бир муддат намоз қилгандан сўнг, ўз тилига шундай дерди:

– Дам олдинг, энди Оллоҳни зикр эт!

Салмон Форсий(р.а.)нинг кеча бўйича холи шу эди.

ИШИ

Салмон Форсий(р.а.) ҳазратларининг беш минг (дирҳам ёки динор) маоши бор эди. Ўттиз минг дирҳам (дирҳам ёки динор маош билан Мадойинга волий бўлди. Бу даромаддан ўзига деярли ҳаржламас эди, ҳаммасини тарқатарди.

Хутба ўқирди. Эғнида битта абоси бор эди. Бир қисмига ўраниб, бир қисмини ерга тўшаб, ўтирарди.

Унинг бориб ичида ўтириш учун, дам олиш учун бир уйи йўқ эди. Шу боис, доим соя ахтарарди. Топса, бориб ўтирарди.

Маошининг ҳаммасини тарқатарди, ундан нон емас эди. Фақат ўз кўли билан меҳнат қилиб топган нонни ерди. У хурмо яроғидан сават тўкиб сотарди. Бундан бириктирилган маблағга гўшт ва ёки балиқ оларди. Уларни пишириб, жуззом (мохов) касалига мубтало бўлган одамларга едирар эди. Ўзи ҳам улар билан бирга ерди.

Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари бир нарсани ташимокчи бўлса, ўзи елкасига олиб таширди.

Унинг фақирларга хос кийими бор эди. Йўлда учратганлар уни масхара қилишарди. Улар бу зотнинг ўз шаҳрининг хокими, валийси эканини билмас эдилар.

Баъзан унинг валий эканини билиб, у елкасида ташиган юкни олмоқчи бўлишарди, аммо у шундай дерди:

– Йўқ, кўтариб борадиган жойимгача ўзим олиб боришим керак.

Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари ўз турмушини шундай изоҳларди:

– Сават тўқиш учун хурмо яроғини бир дирҳамдан оламан. Ундан тўқиганим саватни уч дирҳамдан сотаман. Бу уч дирҳамдан бирини япроқ учун тўлайман. Бир дирҳамини садақа сифатида таркатаман. Бир дирҳами билан оиламни боқаман.

Салмон Форсий(р.а.) ҳеч кимдан садақа, закот олмас эди.

КИРЛИ СУВ

Куллардан бири Салмон Форсий(р.а.) ҳазратларига:

– Мени пул эвазига озод қил, – деди.

– Бу пулни қаердан топмоқчисан? – деб сўради Форсий(р.а.) ҳазратлари.

– Пулим йўқ, – деди кул.

– Ундай бўлса, қандай тўламоқчисан?

– Тиланчилик қиламан, – деди кул.

– Сен менга одамлар ювинган кирли сувни ичирмоқчимисан? – деб сўради Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари.

САЖДА

Салмон Форсий(р.а.) хазратлари Ажам диёридан ислом динига илк кирганлардандир. Билол Ҳабаший эса Ҳабашистонданилк мусулмондир. Оллох икковидан ҳам рози бўлсин.

Салмони Форсий(р.а.) хазратларига бир форс хотинни чўри сифатида бердилар. У хотинга:

- Намоз қил, – деди.
- Қилмайман, – деди хотин.
- Ундай бўлса бир марта сажда қил, – деди Форсий(р.а.) хазратлари.
- Бу ҳам бўлмайди, – деди хотин.

Бу хусусда Салмон Форсий(р.а.) хазратларидан “бу хотиннинг бир марта саждасидан нима ютасан?” деб сўрашди.

– Агар сажда қилсайди, намоз қилган ҳисобланарди. Исломи динида намоздан насиби бўлмаган кимса, ислом динидан ҳеч бир насиби бўлмаган кимса кабидир, – деди Форсий(р.а.) хазратлари.

МЕН ЭСА...

Бир куни Қурайш қавмидан биттаси Салмон Форсий(р.а.) ёнида ўз устунлиги ҳақда мактана бошлади. Уни тинглаган Форсий хазратлари шундай деди:

– Мен ҳам ўзимни танитай: мен сассиқ бир сувдан яратилдим, кейин ҳам саसиган бир жасадга айланаман, сўнгра амалларнинг торозида тортилган жойига бораман. Торозида яхшилик тарафи оғир босса, энг устун мен бўламан. Агар енгил келса, ёмонларнинг ёмони бўламан!

ИККИНЧИ ЛИБОС

Ҳазрати Умар р.а. хутба ўқиётган эди. У шундай деди:

- Жим бўлинглар, сизга гапимни эшиттирайин!
- Валлоҳи, сени тинглашни истамаймиз! – деди Салмони Форсий(р.а.) хазратлари.
- Нега? – деб сўради хазрати Умар.
- Сен ўзингни табоангдан устун қўяяпсан, – деди Форсий(р.а.) хазратлари.
- Қандок қилиб? – деб сўради хазрати Умар.
- Устингда икки либос бор, холбуки, бу ердагиларда ҳеч кимда йўқ, – деди Форсий(р.а.) хазратлари.
- Мусоада эт, эй Оллохнинг кули, – деди хазрати Умар ва сўнгра ўғлига юзланиб, – Эй Умарнинг ўғли Абдуллох, айт, бу иккинчи либос кимники? – деди.

Ҳазрати Умарнинг ўғли:

- Ямин этаманки, бу иккинчи либос меникидир, – деди.

Шунда Салмон Форсий(р.а.):

- Мана, энди сени тинглаймиз ва сенга итоат этамиз, – деди.

ИККИ ИШИ

Салмон Форсий(р.а.) валий эди.

Абу Қалаба унинг хузурига келганда, у хамир қораётган эди.

– Бу нимаси, сенинг хизматчинг йўқми? – деб сўради Абу Қалаба.

– Бор. Уни бир ишга йўлладим, хамирни эса ўзим қораяпман. Икки ишни ҳам унга буюришни ўзимга эп кўрмадим.

АСҲОБНИНГ ҲАҚИҚИЙ МАЪНОСИ

Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари Мадинада валий экан, ёнига икки киши келди.

– Сен Салмонмисан? – деб сўрашди улар.

– Ҳа, – деди Форсий(р.а.) ҳазратлари

– Сен Расулulloх(саллalloху алайҳи вассаллам)нинг асҳобиданмисан, – дейишди улар.

– Буни билолмайман, – деб жавоб берди Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари.

– Биз янглиш келибмиз, шекилли. Ахтарганимиз киши сен эмассан, – дедилар икковлари.

Шунда Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари уларга:

– Сиз ахтарган киши менман. Аммо ҳозирча маълум эмас. Тўғри, мен Расулulloх(саллalloху алайҳи вассаллам)ни кўрдим, унинг мажлисларига қатнашдим. Аммо ким у билан жаннатга кирсагина унинг асҳоби бўлган ҳисобланади.

ЮМШОҚ ДЎСТ

Салмон Форсий(р.а.) бир хаста кишини зиёрат қилди. Хаста ўлим тўшагида эди.

– Эй малак, бу хастага дўстона ва юмшоқ муомала эт, – деди Форсий ҳазратлари.

– Ҳозир малак менга “ҳар мўъминнинг юмшоқ муомала қилган бир дўсти бордир”, деб айтди, – деди ўлаётган одам.

ТАБИБЛИК

Салмон Форсий(р.а.) ҳазратларига Абуд Дардо(р.а.) ҳазратларидан бир мактуб келди. У мактубда “инсонларни қутлуғлаштирган маконга кел”, деб ёзган эди.

Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари унга шундай жавоб ёзди:

“Ҳеч бир жой (макон) инсонни қутлуғлаштиролмайди. Инсонни қутлуғ этган нарса – унинг амалидир. Эшитишимча, сен табиблик қилаётган экансан. Хасталарга даво топаётган бўлсанг, не бахт сенга! Аммо табибликка ўйнаб, бир одамни ўлдира кўрма! У ҳолда жаҳаннамга кириш ҳам бор!”

РЎЗАМАН

Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари бир куни Абуд Дардо(р.а.) ҳазратларининг уйига келди.

– Мезбон уйдаими? – деб сўради.

– Ухлаяпти, – дейишди.

– Унинг одати шу, жума кечалари ибодат қилади, кундузлари рўза тутади, – дейишди.

Салмон Форсий овқат ҳозирлашларини буюрди. Овқат тайёр бўлганда, Абуд Дардо(р.а.)ни уйғотишди.

– Овқатга кел, – деди Форсий(р.а.) ҳазратлари.

– Ея олмайман, мен рўзаман, – деди Абуд Дардо.

Лекин Салмон Форсий(р.а.) унга овқатни мажбурлаб едирди. Кейин иккалови Расулulloҳ(саллalloҳу алайҳи вассаллам) хузурига келишди. Масалани тушунтирдилар.

– Уваймир Салмон бу мавзуда сендан билимлироқдир. Кечалардан фақат жума кечасинигина ибодатга айирма, кунлардан эса фақат жума кунинигина рўза тутма, – деди Расулulloҳ(саллalloҳу алайҳи вассаллам).

ИЛК КЕЧА

Салмон Форсий(р.а.) уйланган куни хонимига шундай деди:

– Расулulloҳ(саллalloҳу алайҳи вассаллам) менга “оиланг билан бирлашганигда Оллоҳга тоат устида бирлаш”, деб буюрган. Кел, аввал, биргаликда Оллоҳга ибодат этайлик, сўнгга ётамиз.

ФОРСИЙ (Р.А.) ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ДЕГАНЛАРИ

“Илм кўп, умр қисқа. Шундай экан, диний йўлдан нима керакли бўлса ол, колганини ташла”.

“Бу умматнинг ҳалоки тузган шартномасининг бузилиш пайтига яқин бир замонда амалга ошажак”.

“Қалб билан жасаднинг ҳоли кўр билан шолнинг ҳоли кабидир. Шол шундай деди: “Анави ерда бир мева кўраяпман, аммо ололмапман. Мени елкангга чиқар, уни олайн”. Кўр шолни елкасига чиқарибди, у мевани олади ва биргаликда бу мевани ейдилар”.

“Иложи бўлса, бозорга биринчи бўлиб кирганлардан бўлманг. Бозордан охирги бўлиб ҳам чиқманг. Чунки бозор – шайтоннинг жанг майдонидир. Байроғини у ерга тиккан”.

Абдуллоҳ бин Салом ҳазратлари Форсий ҳазратларига:

“Мендан аввал ўлсам, сенга билдирай”, – деди. Форсий(р.а.) ҳазратлари Абдуллоҳ бин Саломдан олдин вафот этди. Абдуллоҳ бин Салом марҳумни тушида кўрди ва “қалайсан?” деб хол сўради.

– Хайрли бўлди, – деди Форсий(р.а.) ҳазратлари.

– У ерда қайси амални энг яхши деб танидинг, – деб сўради Абдуллох бин Салом.

– Таваккулнинг энг гўзал нарса эканини билдим ва унинг фойдасини кўрдим. Сенга таваккулни тавсия қиламан, – деди Форсий(р.а.) ҳазратлари.

“Оллох Таоло ҳазратларига хуфиёна (гизли) осий бўлган эсанг, унга хуфиёна ибодат қил ва савоб ишла. Агар очикча осий бўлган эсанг, гуноҳ қилган бўлсанг, очикча ибодат қил ва савоб ишла. Булар бир-бирини ўчиради:

“Мени уч кимса ҳайратга солади:

Бири – дунё умидларига тўла одам. Ҳолбуки ўлим унинг изига тушган эдир.

Иккинчиси – ғафлат ичида кезаётган одам. Ҳолбуки ҳеч ғафлатда бўлмаган, уни унутмаган биттаси бор.

Учинчиси – қаҳқаҳа огаётган киши. Ҳолбуки оламларнинг Рабби Оллох ундан хафами, хурсандми асло билмайди”.

Оттия бин Амир шундай хотирлайди:

– Салмон Форсий(р.а.) ҳазратларини кўрдим. Бировлар уни кўпроқ овқат ейишга ундашаётган эди. Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари уларга шундай деди:

– Шу менга етади. Расулulloх(саллаллоху алайҳи вассаллам)дан эшитдим, дунёда қоринларини энг кўп тўйғазганлар Қиёмат куни энг оч қолганлардан бўларкан. У менга, эй Салмон, дунё мўъминнинг зиндони, кофирнинг жаннатидир, деди.

Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари ўз вафоти яқинлашганда йиғлади.

– Нега йиғлаяпсан? деб сўрашди ундан.

– Валлохи, ўлимдан кўркиб йиғлаётганим йўқ. Расулulloх(саллаллоху алайҳи вассаллам) “Ҳар бирингизнинг дунёлигингиз бир йўловчининг озигидан кўп бўлмасин”, деган эди. Шу атрофимдаги ёстикларга қаранг! – деди у.

Атрофида бир кир лагани, бир катта чанок, обдаст олиш учун кумғон ва бир ёстик бор эди.

Ёнидагилар ундан насихат иташди.

Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари шундай деди:

– Бир дардинг бўлса, жаноби Ҳакми зикр эт. Бир нарса ҳақда ҳукм бермоқчи бўлсанг Роббингни хотирла. Бир нарсани таксим қилоқчи бўлсанг аклингга Роббингни келтир...

Салмон Форсий(р.а.) ҳазратларининг вафотидан сўнгра унинг нарсалари сотилди. Ҳаммаси 24 дирхам кумуш пул бўлди.

Салмон Форсий ўлими олдидан атрофидагиларга шундай бир насихат қилди:

“Ўлаётганимда, имконинг бўлса, шу учта ҳолдан биттасида бўл: ҳаж йўлида, Оллох йўлида жиҳодда ёки масжиднинг таъмир пайтида. Фақат шу икки ҳолда, тужжорлик ва солиқчи ҳолида ўла кўрма!..”.

РАСУЛУЛЛОҲНИНГ УЛФАТИ

“Олтин силсила”нинг иккинчи ҳалқаси бўлган Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари Расулуллоҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг яқин улфати эди.

Салмон Форсий ҳазратлари “Ҳандақ жангги”да душманга қарши хандақ қазиш ғоясини ўртага ташлаган эди ва бу фикр Расулуллоҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) тарафидан қабул этилган эди.

Бу ғоя – ўша замоннинг энг илғор ҳарбий тадбирларидан бири эди.

Салмон Форсий(р.а.) ҳазратлари ҳазрати Умарнинг халифалиги даврида Мадоинда волийлик қилди.

Форсий ҳазратлари 250 ёшида, Ҳазрати Усмон(р.а.) хилофати даврида вафот этди. Оллоҳ ундан рози бўлсин.

ҲОФИДИЙ СИДДИҚИЙ АКБАР ҚОСИМ (РОЗИАЛЛОҲУ АНҲУ)

Ҳофидий Сиддиқий Акбар Қосим(р.а.) ҳазратлари Мадинада туғилиб, Асхоби Киромдан кейин фатво беришга бошлаган машҳур “Фукоҳа Саъбо” (Етти фақиҳ)дан биттасидир. Ҳазрати Абу Бакр(р.а.)нинг набирасидир.

Қосим(р.а.) ҳазратлари ҳазрати Ҳусайн(р.а.)нинг ўғли Зайнал Обидин билан хола ўғилларидан. Ҳазрати Қосим(р.а.)нинг онаси Эроннинг сўнгги ҳукмдори Яздужарнинг кизидир.

Ҳазрати Қосим(р.а.) тобеиннинг катталаридан ҳисобланади. “Олтин силсила”нинг учинчиси эди. Омонатни Салмон Форсий ҳазратларидан олган. Бу шаклда файзий илохийнинг сири саҳобалар доирасидан чиқиб, тобеин доирасига кўчди.

Ҳазрати Қосим(р.а.) хижрийнинг 31-йилида, ҳазрати Усмон хилофоти даврида дунёга келди. Отаси Мисрда ўлдирилгандан сўнг, ҳазрати Қосим(р.а.) хола-ласи, мўъминларнинг онаси ҳазрати Оиша ёнида тарбияланди. Саҳобалардан кўпчилигини кўрди....

Ҳоласи ҳазрати Оиша(р.а.)дан, Ибн Умардан, Ибн Аббос, Абу Ҳурайра ва Муовия(р.а.)лардан кўпгина ҳадис ва илм ривоят қилган.

Имом Малик(р.а.) у ҳақда “Қосим бу умматнинг фоқиҳларидан бир фоқиҳ эди”, деган.

Яҳё бин Саид Қосим ҳазратлари ҳақда “Мадинада Қосимдан ҳам устун бир шахсни кўрмадик”, деса, Ибн Саъд “Қосим ишончли инсон эди, олим эди, фоқиҳ эди, имом эди. Кўп ҳадис биларди, такво ва варо соҳиби эди”, деган.

Абу аз-Зино “Мен Қосимдан ҳам кўп фикҳ ва ҳадис билган киши кўрмадим”, деган.

Умар бин Абдулазизнинг ҳам шундай дегани ривоят қилинади:

“Агар бировни ўрнимга халифа танлаш ижоб этсайди, Қосимни танлардим”.

ФАТВО БЕРИШДА ЭҲТИЁТКОРЛИК

Ҳофидий Сиддиқий Акбар Қосим(р.а.) Оллоҳ ва Расули номидан сўз сўйлашнинг ва фатво беришнинг нақадар маъсулиятли иш эканини идрок этган бир зот эди.

“Инсоннинг Оллоҳ ҳаққини билиб, жоҳил сифатида яшаши, уни билмай туриб, фатво беришиндан яхшироқдир”, – деган Қосим ҳазратлари.

У диний масалаларда жуда ҳассос ҳаракат қилар, фақат очик бўлган мавзулардагина фатво беради.

Қосим(р.а.) ҳазратлари боши саждада экан, кўпинча шундай дуо қиларди: “Оллоҳим, отамнинг ҳазрати Усмонга қарши қилган гуноҳини авф эт!”.

ҲАДИСЛАРНИ ТЎПЛАДИ

Халифа Умар бин Абдулазиз Қосим бин Муҳаммадга холаси ҳазрати Ойшага оид қанча ҳадис ва ривоят бўлса, барчасини тўплаш вазифасини топширди.

Қосим бин Муҳаммад ҳадиси-шарифларни маъносига, ҳарфларигача эътибор қилган ҳолда ривоят этарди. Ҳолбуки, тобеиндан бўлган баъзи ҳадис олимлари ҳадиси-шарифни фақат маъноси билан ривоят этишдан тортинмас эдилар, лекин тобеин муҳаддисларининг аксарияти ҳадиси-шарифларни Пайғамбаримиз(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)дан қандай эшитса, шундай ривоят этиш тарафдори эди. Қосим бин Муҳаммад ҳам ҳадис ривоят этаркан, унинг битта ҳарфини ҳам ўзгартиришни истамас эди.

Қосим бин Муҳаммад шундай хотирлайди: “Бир куни холам ҳазрати Ойшанинг ёнига бордим. Унга:

“Эй она, менга Пайғамбаримиз(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг қабрини кўрсат”, дедим. Кўрсатди. У ерда учта қабр бор эди. Қабрлар юксак эмас эди. Устларига қизил тошчалар тўкилган эди. Пайғамбаримиз(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг қабри ҳаммасидан илгарирокда турарди: ҳазрати Абу Бакр Сиддиқнинг боши Фаҳри коинот (Расулulloҳ с.а.в.)нинг елкасига, ҳазрати Умарнинг боши эса унинг оёғи ҳизосига тўғри келарди”.

Қосим бин Муҳаммад вафотидан олдин кўр бўлди. Ўлим тўшагида ўғлига: “Мени устимдаги кийим билан қафанланг”, дея васият этди. Устида кўйлак-иштон ва жубба бор эди.

Ўғли “қафани яна икки қат қилсак бўлмайдими?” деб сўради.

Қосим бин Муҳаммад:

– Бобом Абу Бакр ҳам уч парча қафанга ўралган эди. Биз учун мезон будир. Бу кифоя. Либосга тирикларнинг эҳтиёжи ўликларникидан кўпроқ бўлади, – деди.

Ҳижрий 107 йилда(мелодий 725), етмиш ёшида Маккаи Мукаррама билан Мадинаи Мунаввара орасидаги Қудайда вафот этди. Оллоҳ раҳмат айласин!

ИМОМ ЖАЪФАР АС-СОДИҚ

Имом Жаъфар ус-Содиқ ҳазратлари “Силсилаи Нақшбандия” (“Олтин силсила”)нинг тўртинчисидир.

Ҳижрийнинг 80-йилида (мелодий 699) ва ёки 83-йилида (мелодий 702) да Мадинада дунёга келди. Отаси 12 имомнинг бешинчиси Муҳаммад Бакр, онаси ҳазрати Абу Бакрнинг набираси Қосим бин Муҳаммаднинг кизи Умму Фарводир. Яъни Имом Жаъфар ус-Содиқ ота тарафидан ҳазрати Али, она тарафидан ҳазрати Абу Бакрга бориб тақалади.

Имом Жаъфар ус-Содиқ ҳазратлари Асхоби Киromни кўриш шарафига муяссар бўлган тобеин даврининг катталаридандир. Иршод фаолиятини 34 йил давом эттирди.

Ниҳоятда хушчеҳра, ширинзабон киши эди. Қувватли ва ўрта бўйли эди. Сочлари қум ранг эди. Ҳазрати Али(р.а.)га ўхшаб кетарди. Ўнта фарзанди бўлиб, етти таси эркак, учтаси киз эди.

Ўғилларининг исмлари Мусо Козим, Исҳоқ, Муҳаммад, Исмоил, Абдуллоҳ, Аббос ва Али. Уларнинг ҳаммаси ўша даврнинг олими ва авлиёнинг катталаридан эди.

Имом Жаъфар ус-Содиқ илми отаси Муҳаммад Бакрдан ўрган эди. Илм ва фазилатда даврининг яғонаси бўлди. Диний илмлар каби, фанда ҳам илғор эди. Унинг талабалари алжабр ва кимё илмларида турли кашфиётлар қилган.

Имом Аъзам ҳазратлари Имом Жаъфар ус-Содиқнинг тадрис ва суҳбатларида қатнашиб, унинг гизли ва ошкор маърифат манбаидан, илм ва авлиёлик йўлида кўп истифода қилган эдир.

ДОВУД ТОЙ ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ҲИКОЯСИ

Бир куни замонасининг машхур олим ва зоҳидларидан Довуд Той ҳазратлари Имом Жаъфар ус-Содиқ ҳазратларининг ёнига келиб:

– Эй Пайғамбаримизнинг набираси, менга бир насиҳат бер, қалбим қорайди! – дея илтижо қилди.

– Эй Довуд, сен давримизнинг зоҳиди, Оллоҳдан энг кўп кўрққан инсон, менинг насиҳатимга не эҳтиёжинг бор? – деб сўради Имом Жаъфар ус-Содиқ ҳазратлари.

– Эй Расулуллоҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг набираси, сизнинг қолганлардан устунлигингиз бор, томирларингизда буюк Пайғамбарнинг қони айланмоқда, шу боис ҳар кимга насиҳат бериш сизларга вожибдир, – деди Довуд Той.

– Эй Довуд, қиёмат куни аждодларим Муҳаммад(саллаллоҳу алайҳи

вассалллам) менинг қўлимдан тутиб “Нечун мен билан уйгун ҳаракат қилмадинг?” деса, нима қиламан? Ахир бу уруғ-аждод масаласи эмас, ибодат ва амал ишидир! – деди Имом Жаъфар ус-Содиқ ҳазратлари.

Довуд Той ҳазратлари буни эшитиб, йиғлай бошлади ва:

– Ё Раббий, у Пайғамбарлик уруғидан дунёга келди, сўзлари ҳар кимга далилдир. Бобоси Пайғамбар(саллаллоху алайҳи вассалллам), онаси Батул (ҳазрати Фотима) бўлгани ҳолда, шундай деб турса, Довуд Той ким бўлибдики, киймати бўлсин! – деди.

ОЛИМ ВА МУТАСАВВУФ

Имом Жаъфар ус-Содиқ ҳазратлари орифларнинг, ҳақ ошиқларининг сарвари, тафсир илмининг ҳам буюкларидан эди.

Калом илмида бузук эътиқодли аҳли бидъат ва фалсафачиларга қарши соғлом васиқали жавоблар Аҳли Суннат китобларидан ўрин олди. Имом Жаъфар ус-Содиқ ҳазратлари ҳадис илмида ҳам ишончли бир ровий ўлароқ машҳурдир.

Имом Аъзам ҳазратлари Имом Жаъфар ҳақда “Ундан ҳам фоқиҳ, фикҳ илмини теран билган бир киши қўрмадим”, деганлар. Тўғрилиги ва садокати тўфайли унга “Содиқ” тахаллуси берилган эдир.

Имом Жаъфар ус-Содиқ ҳазратлари бир муддат узлатга чекилди. Уйдан ташқари чиқмай, ёлғизликни танлади. Буюк авлиёлардан Сўфиёний Саврий унинг унга бориб:

– Эй Расулulloх(саллаллоху алайҳи вассалллам)нинг набираси, инсонлар баракатли нафасингиздан – суҳбатингиздан маҳрум қолди, нечун узлатга чекилдингиз, – деб сўради.

– Бугун шуниси маъкул. Замон бузилди, дўстлар ўзгарди. Сўзимизнинг ҳақиқати ўртага чиқди, – деди ва шу маънодаги байтни ўқиди:

Кечган кун каби кечди вафо ҳам.

Ким ҳаёл изида, ким умид пешинда.

Дўстлик, вафо қолди шаклда,

Қалбларда эса ғиж-ғиж чаёнлар.

ФОИЗНИНГ ҲАРОМ ҚИЛИНИШИ

Бир куни Имом Жаъфар ҳазратларидан: “Оллоху Таоло фоизни нега ҳаром қилди?” деб сўрашди.

– Инсонлар бир-бирига яхшилик ва эҳсон қилишлари учун ҳаром қилди. Агар фоиз ҳаром бўлмасайди, бир-бирига беғараз (бадалсиз) яхшилик этган одам қолмас эди. Қилинган ҳар бир яхшилик учун бир манфаат кутмаган одам қолмас эди, – деб жавоб берди Имом Жаъфар ҳазратлари.

МЕН ҲАМ “ОМИН” ДЕДИМ

Имом Жаъфар ус-Содиқ ҳазратлари дуоси мақбул бўлган зотлардан эди. У Оллоху Таолодан бир нарса истаса, сўзи тугамасданок истаги бериларди.

Бир киши Имом Жаъфар ус-Содиқ ҳазратларидан Оллоҳу Таолодан унга эллик ҳаж қилиши учун етарли мол бер, деб дуо этишини илтимос қилди. Имом ҳазратлари ҳам “Ё Рабби, шу одамга эллик ҳаж қилиш учун етадиган мулк бер”, деб дуо қилди.

Ва ўша одам эллик марта ҳаж қилди.

Эллик биринчи ҳаж учун Жухфа деган ерда ғул олаётганда, сел келди ва у одам ҳалок бўлди.

ЭЪТИРОЗНИНГ ОҚИБАТИ

Ҳакам бин Аббос Калбий шундай ҳикоя қилади:

“Менинг Зайд исмли бир амаким бор эди. У Имом Жаъфар ҳазратларига кўп эътироз қиларди. Бир куни гап хурмо ҳақида кетди. Амаким яна эътироз қила бошлади ва:

– Имом Жаъфар қаерда, хурмо каби ишлар қаерда, – деб пичинг қилди.

Имом Жаъфар ҳазратлари бунни эшитиб:

– Ё Зайд Калби, агар эшитганим тўғри бўлса, Оллоҳу Таоло сенга калб катталигида бир ҳайвонни мусаллот этсин, у ҳайвон сени ҳалок айласин! – деди.

Бир куни Зайд йўлда кетаркан, унга бир арслон хужум қилиб, ичак-чавокларини сўкиб чиқарди.

Бу воқеадан сўнгра ҳеч ким Имом Жаъфар ус-Содиқ ҳазратларига эътироз қилмади.

Имом Жаъфар ус-Содиқ ҳазратларининг ўғли Мусо Козим ҳазратларига шундай насиҳат қилди:

“Эй ўғлим, ўз ризкиндан рози бўл. Ризкидан рози бўлган одам ҳеч кимга муҳтож бўлмайди. Кўзи бошқа бировнинг молида бўлган одам фақирликда ўлади. Оллоҳу Таолонинг тақсим этгани ризққа рози бўлмаган кимса, уни казо ва қадарда истаганини яратишда тухмат остига олган ҳисобланади. Ўз қусурларини кичик кўрган киши бошқаларнинг қусурларини катта кўради. Доим ўз қусурларингни катта кўр.

Бошқа бировнинг гизли нарсасини ошкор қилган кимсанинг уйидаги гизли нарсалар ошкор бўлади.

Биродарига чуқур қазиган, унга ўзи тушар.

Аҳмоқлар орасида бўлган – хўрланар,

Олимлар орасида бўлган инсон – ҳурмат кўрар.

Эй ўғлим, инсонлардан жаҳлинг чикмасин, акс ҳолда, уларнинг сендан жаҳли чиқарлар.

Бўш гап ва ишга аралашма, обрўйинг тушади.

Сенга фойда бўлса ҳам, зарар бўлса ҳам – тўғрисини айт. Шунда инсонлар сен билан маслаҳатлашадилар, фикрингни оладилар.

Эй ўғлим, дўст тутинганинг, зиёратига кетганинг яхши ахлоқли инсонлар бўлсин.

Ёмон ахлоқдилар билан дўст бўлма, улар билан кўришма. Чунки улар суви бўлмаган чўл, доллари куртакламаган оғоч, ўт битмаган тупрокдир.

Эй ўғлим, Оллоху Таоло китобининг ўқувчиси, яхшиликларни ўргатувчи, ёмонликларни таъқиқловчи, сенга келмаганга борувчи, сен билан гаплашмаган ила гаплашувчи бўл!

Гийбатдан, чакимчиликдан сақлан! Гап ташимок инсонлар кўнглида душманликни орттиради. Инсонларнинг айбларини кўрмагин. Инсонларнинг айбларини кўрган уларнинг нишонига айланар”.

ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИ

Шу бешта кимса билан бирга бўлма:

1. Ёлғон сўйлаган билан
2. Хасис билан
3. Аҳмоқ билан
4. Қора кўнгилли киши билан
5. Фосиқ билан.

Мусулмон биродарингиздан маъносини англамаганингиз бир сўз эшитсангиз, яхшиликка йўйингиз. Тушунмаганингиз учун ўзингизни айбланг.

Бир хато қилсангиз, истиғфор келтиринг. Хатода давом этиш – ҳалок бўлишга сабабдир.

Кимнинг моддий турмуши оғирлашса, кўп истиғфор қилсин.

Меҳнатга ҳамд ўқимаган, неъматга шукр этмас.

Ҳар пайшанба куни аср пайтида Оллоху Таоло малакларини кўкдан ерга индиради. Малакларнинг кумушдан саҳифалари, олтиндан қаламлари бор. Эртаси куни (жума) куёш ботгунча Расулulloҳга ўқилган саловатни ёзадилар.

Оллоху Таоло дунёга “Эй дунё, менга хизмат этганга сен ҳам хизмат қил, сенинг орқангдан чопганга захмат ва машаққат бер”, дея амр этган.

Шу тўрт нарсани ҳар бир шарафли киши бажариши керак:

1. Отаси келганда, ўрнидан турмок
2. Меҳмонга хизмат этмок
3. Юзта хизматчиси бўлса ҳам, муҳтож бўлмагунча, уловга ўзи (ёрдасиз) минмок
4. Илм берган муаллимига хизмат этмок.

Мол-мулк ва фарзандлари кўп бўлишини истаган киши наботий, яшиллик, ўт-ўландан тайёрланган емакларни кўп есин.

Дин олимлари, фоқиҳлар султонларнинг, давлат одамларининг эшигига бориб, ялтоқланмагунича улар – пайғамбарнинг ворисларидир.

Намоз. Ҳар тақво соҳиби учун (Оллоҳга) яқинлиқдир.

Ҳаж – кучсиз инсоннинг жиҳодидир.

Баданнинг закоти – рўзадир.

Амал, ибодат, хайрли иш қилмай туриб, яхшилик кутган инсон ёйсиз ўкчига ўхшар.

Садақа бериб, ризкингизни кўпайтиринг. Закоат бериб мол-мулкингизни асранг.

Оллоҳу Таоло сабрни ҳам мусибатга тенг миқдорда индиради.

Таквода Оллоҳу Таолодан кўркиб, харомдан сақланишдан ҳам устун озик йўқдир.

Ёлғондан катта хасталик йўқ.

Оллоҳу Таолонинг яратгани тақдирга аралашмоқ фалокатга сабаб бўлади. Масалан, Оллоҳ менга мулк берсайди, ҳажга борардим” ва ёки “Оллоҳ менга соғлиқ берсайди, ибодат қилардим”, дейиш одамнинг ҳалокидир.

Қиз фарзанд ота-она учун – хайр-ҳасанот.

Ўғил фарзанд – неъматдир.

Ҳасанот сохиби бўлганлар савоб қозонадилар, неъмат учун ҳисоб бера-жаклар.

Имом Аҳмад бин Ҳанбал ҳазратлари ўзининг “Муснад”ида шундай дейди:

“Жаброилнинг Расулulloҳ(саллalloҳу алайҳи вассаллам)га Оллоҳ Таолодан нақл этгани: “Ла илаҳа иллalloҳ” менинг қалъамдир, ким бу қалъага кирса, азобимдан қутилар”, дуоси ривоят этганларнинг исми билан, ихлос-ла бир телбага ўқилса, телба шифо топади”.

ИМОМ ЖАЪФАР ҲАЗРАТЛАРИНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Имом Жаъфар ҳазратлари сиёсатдан тамоман узоклашиб, Мадинада илм билан машҳур бўлди ва бу шаклда ҳокимиятдаги Амавийларнинг тазйиқларидан қутилди.

Аббосийлар даврида ҳам бу вазияти ўзгармади, илм билан машғул бўлди.

Имом Жаъфар ус-Содиқ ҳазратлари ражъот, бадъоъ (имомларнинг тирилиши), таносух (рекорнация, руҳларнинг бир бадандан иккинчисига кўчиб юриши), ғайбат (кўринмаслик) каби инончлардан тамоман узокдир.

Унга иснод этилган мутъа никоҳи, ливото каби миш-мишлар ҳам тухмат ва ифтиродир.

Имом Жаъфар ус-Содиқ ҳазратлари ҳижрий 148-йилда (мелодий 765) Ражаб ойининг ўн бешида, душанба куни Мадинада вафот этди. Қабри “Жаннатул боқий”да, отаси ва бобоси ёнида. Оллоҳ ундан рози бўлсин!

АБУ ЯЗИД ТАЙФУР АЛ-БАСТОМИЙ

Авлиё буюкларидан “Силсилаи Нақшбандияи олия”нинг бешинчи ҳалқасидир. “Султонул Орифин” таҳаллуси билан машҳур. Абу Язид (Боязид) Бастомий ҳазратларининг исми Тойфур, отасининг исми Исо эди.

Ҳижрий 188-йил (мелодий 776)да Эронда, Хазар (Каспий) денгизи соҳилида, Бестамда тугилди.

Боязид Бастомий ҳазратлари авлиёнинг буюги, шарият йўлчиси, аҳли суннат вал жамоат ва ҳанафий мазҳабидан эди.

Уни болалигида кўрган ҳадис олимларидан бири, синаш учун:

– Ҳей, яхши бола, намоз ўқишни биласанми?” деб сўраганда, Бастоми унга:

– Ҳа, агар Оллоҳ буюрса, қила оламан”, деб жавоб берди.

– Қандай қилиб? – деди ҳадис олими.

– Буюр, ё Рабби, деб, такбир оламан. Қуръони Каримни ўқийман, таъзим қилиб рукуъга бораман, тавозе билан сажда қиламан, сўнгра видолашиб, салом бераман! – деди бола.

– Эй ақли бола! Сенда бу фазилат ва теран тушунча бор экан, нега катталарга бошингни силашга рухсат берасан? – деб сўради олим.

– Улар менинг бошимни силамайди, улар Оллоҳу Таолонинг безатган гўзаллигини масх этадилар, холос. Менга оид бўлмаган бир нарсани силасалар, мен ҳам қандай уларга монe бўлайин? – дея жавоб берди бола.

Боязид Бастомий кичик ёшда мактабга борди. Дарсларни кунт билан ўрганар эди.

Бир куни мактабда ўқигани Қуръони Каримнинг бир ояти (“Луқмон” сураси, 14) таъсирида, уйига эрта қайтиб келди.

Онаси:

– Нега эрта келдинг? – деб сўради, у шундай жавоб берди:

– Бир ояти карима ўқидим, унда Оллоҳу Таоло ўзига ва сенга хизмат ва итоат этишимни амр этган. Сен Оллоҳу Таолога дуо эт, сенга хизматимни қулайлаштирсин ёки менга рухсат бер, доим Оллоҳга ибодат билан машғул бўлайин. Онаси:

– Сени Оллоҳга омонат этдим. Ўзингни унга бағишла, – деди.

Шундан сўнгра Боязид Бастомий ўзини тўла Оллоҳга бағишлади, аммо онасига хизмат қилишни ҳам унутмади. Чунки Оллоҳу Таолонинг амри шундай эди.

ОНАГА ХИЗМАТ

Совук бир киш кечасида онаси Бастомий ҳазратларидан сув истади. У сакраб туриб, чашмага борди, челакка сув тўлдирди, уйига қайтса, онаси яна ухлаб қолганини кўрди. Ва у онасининг уйғонишини қўлида сув билан кута бошлади.

Онаси уйғонганида Бастомийнинг бармоқлари совукдан сув идишига ёпишиб қолган эди. Онаси:

– Нега уни қўлингда тутиб ўтирибсан, ерга қўйсанг бўлмайдами? – деб сўради. Бастомий ҳазратлари:

– Онажоним, уйғонганингизда дарҳол бериш учун қўлимда тутиб ўтирган эдим, – деб жавоб берди.

Шунда онаси:

– Ё Рабби, мен ўғлимдан розиман, сен ҳам рози бўл! – дея жону кўнгилдан дуо этди. Балки, шу дуо сабаби ила Оллоҳу Таоло Боязид Бастомийга авлиёликнинг юксак мартабаларини эҳсон этди.

У ёшлигида қилган баъзи ибодатларидан завқ ола олмгани учун онасига шундай мурожаат қилди:

– Онажон, мени эмизганингда, мен сабабли бирор харом нарса истеъмол қилганимдинг?

– Ўғлим, сен жуда кичик пайтингда қўшниларникига чикқандим. Сен кучоғимда экан, йиғлай бошладинг. Тинчлантиришинг ҳеч иложи бўлмади. Сени тинчлантириш учун пишаётган шўрвага – қўшнидан рухсат олмасдан – бармоғимни ботирган эдим ва бармоқни сенга ялатган эдим, – деди онаси.

Бастомий ҳазратлари онасидан ўша қўшнидан ҳалоллик олишини илтимос қилди. Онаси бориб, ҳалоллик олгандан сўнг Бастомий ҳазратлари ўз ибодатларидан файз ола бошлади.

Ўттиз йил Шом атрофида яшаб, юз ўн учта олимдан илм ўрган эди. Ишқи илоҳийда шу қадар илгари кетган эдики, намоз қилар экан, Оллоҳ қўркувсидан кўкрак суяклари ғичирлар эди.

Ниҳоятда илмли, фозил ва адиб эди. Шеърлари машҳурдир.

МАРТАБАГА ЮКСАЛИШ

Бу даражага қандай юксалдингиз, деган саволга Бастомий ҳазратлари шундай жавоб берди:

– Болалигимда бир ҳолга кирдим. Шундай бир нарса кўрдимки, ўн саккиз минг олам у ҳузур қаршисида бир заррага айланди. Ақлим бошимдан кетди. Буюк бир ҳол қамради мени.

“Ё Рабби, бу даргоҳ бу қадар кенг ва бу қадар бўм-бўш, у ердаги ишлар у қадар гўзал, у ер нақадар танҳо”, дедим.

Гизли бир овоз деди:

“Даргоҳ бўш эмас. Ҳеч ким бу ерга кела олмайди. Юзи ювуқсизларнинг бу ерга келишини истамайман”.

Мен бутун инсонларни чакиришни истадим. Лекин дарҳол Пайғамбаримиз(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг шафоат макомига одоб кўрсатиш эсимга тушди. Ва яна бир сас деди:

“Бу одобни кўрсатишинг билан исмингни буюк айладинг. Қиёматга қадар сени Султонул Орифин Боязид деб чакиражақлар”.

МУРШИДИМ БИР АЁЛДИР

Бир кун Боязид Бастомий ҳазратларидан: “Муршидингиз ким?” – деб сўрашди.

– Муршидим бир аёл, – деб жавоб берди у.

– Бу канақаси? – дея хайрон бўлдилар.

– Бир куни Оллоҳу Таолога муҳаббатдан хушим учган ҳолда йўлда кетаётган эдим. Бир хотин дуч келди. Қўлида бир халта ун бор эди. Уни кўтариш учун ёрдам истади. Бир қоп унни кўтаролмайман, деб ўйладим. Ўша ерда, қафас ичидаги бир арслонга ишорат қилдим, қафас очилди, арслон келди. Унни арслонга юкладим. Лекин очикдан-очик каромат кўрсатганим учун қаттиқ кўркдим, уялдим. Ва хотиннинг мени таниб-танимаганини билиш учун ундан:

– Бозорга борганинда йўлда кимни кўрдим дейсан? – деб сўрадим.

– Золим Боязидни кўрдим, дейман, – деди хотин.

– Нега? – деб сўрадим мен.

– Оллоҳу Таоло бу арслонни юк ташимоқ учун яратмади, сен нечун юк ординг? Буни одамларнинг сенга “каромат соҳиби”, дейишлари учун қилган бўлсанг, бу жуда ёмон, – деб жавоб берди хотин.

– Шундан кейин мен йиғлаб, жуда кўп истиғфор этдим. Сўнгра менга фавқуллода бир ҳол майдонга келса, мен “Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ, Нуҳ Нажиуллоҳ, Иброҳим Халилуллоҳ, Мусо калимуллоҳ, Исо руҳуллоҳ” ёзувини ва ёки бир нур кўрадиган бўлдим. Шу тарзда менда пайдо бўлган ҳолларнинг тўғри эканини Оллоҳу Таоло тарафидан тасдиқ этилганини англайман.

Боязид Бастомий ҳазратлари Оллоҳу Таоло ишки билан шу қадар бир ҳолга келардики, ундан бошқа ҳеч кимни кўрмас эди. Йигирма йил ёнида юриб, ҳеч айрилмаган талабасини ҳар сафар чакирганда: “Болам, отинг ни-майди?” деб сўради.

Бир марта бу талаба:

– Устодим, 20 йил ҳеч айрилмасдан хизматингизда бўлдим, лекин ҳар сафар исминни сўрашингиздаги хикматни тушуна олмадим, – деди.

– Болам, қусурга боқма. Оллоҳу Таоло муҳаббати қалбга келганда, мени шундай бир ҳол коплайдики, ундан бошқа ҳар нарсани унутаман. Сенинг исмингни эсимда тутишга ҳаракат қиламан, аммо ҳол келса, яна унутавераман. Сен хафа бўлма! – деди Боязид Бастомий ҳазратлари талабасининг кўнглини олиб.

КАРОМАТНИ ЧЎПОНГА ҲАВОЛА ЭТДИК

Боязид Бастомий ҳазратлари ёмғирли бир кунда жума намозини қилиш учун уйдан чиқди. Йўл ботқоқ эди. Бастомий ҳазратлари ёмғир тингунча, бир уйнинг девори панасида турди ва ўша ерда кавушидаги лойни уйнинг тош деворига суриб тозалади.

Ва масжидга кетар экан, ўз-ўзига “кавушимни тозалайман деб, бир мажусийнинг деворини кирлатдинг, бу ҳолда Оллоҳу Таолонинг ҳузурини қандай турмоқчисан?” деди ва мажусийдан узр сўраш учун орқасига қайтди. Унинг эшигини қоқди.

Мажусий чиқиб:

– Нима гапингиз бор эди? – деди.

– Сиздан узр сўрашга келдим, – деди Бастомий ҳазратлари.

– Нима учун?

– Бироз аввал кавушимдаги лойларни деворингизга суриб тозалаган эдим, бу тўғри ҳаракат бўлмади. Ёмғирнинг шиддати менга бу нозикликни унуттирди, – деб жавоб берди Бастомий ҳазратлари.

– Нима зарари бор? Зотан деворимиз лой ичида. Сизнинг оёғингиздан у ерга сурилган лой деворга бир хунуқлик келтирмас, – деди мажусий.

– Тўғри, аммо бу бир ҳақдир ва соҳибининг ризосини олиш керак, – деди Бастомий ҳазратлари.

– Сизга бу нозиклик ва инсон ҳақларига бу қадар ҳурматни сизнинг динингиз ўргатдими? – деб сўради мажусий.

– Ҳа, динимиз ва бу диннинг пайғамбари Муҳаммад(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) ўргатди, – деди Бастомий ҳазратлари.

– У ҳолда биз нечун бу динга кирмаймиз? – деди мажусий ва калимаи шаҳодат келтириб, мусулмон бўлди.

ШАЙТОН НАМОЗГА ТУРҒАЗДИ

Султонул Орифин Боязид Бастомий ҳазратлари бир куни бомдод намозига тура олмади, ухлаб қолди. Ва намозини қазо этар экан, шу қадар йиғлаб, инградики, унга “Эй Боязид, бу гуноҳингни авф этдик, бу пушаймонлигинг ва кўз ёшинг учун 70 минг намоз савоби эҳсон этдим”, дейилди.

Бастомий ҳазратларини яна бир марта уйқу босди. Шайтон келиб, уни уйқудан уйғотди: “Тур, намозга кечикаяпсан!” – деди у.

– Эй малъун! Сен ҳеч бундай қилмас эдинг, одамларнинг намози қазага қолишини истардинг, энди нима бўлди-ю, мени намозга уйғотаяпсан? – деб сўради Бастомий ҳазратлари.

– Бир неча ой аввал сен бомдод намозига туролмай қолганигда, пушаймонликдан кўп йиғлаб, инграган эдинг ва авф қилинган эдинг, устига-устак 70 минг намоз савоби ҳам олган эдинг. Бугун яна 70 минг намоз савоби эмас, битта намоз савоби олишинг учун сени уйғотдим, – деди шайтони лаъин.

ТЕМИРЧИНИНГ ҚУТБЛИГИ

Боязид Бастомий ҳазратлари шундай хикоя қилади:

– Менинг замонимда мингларча вали бор эди. Ҳаммаси ҳам ибодат, риёзат, кашф ва каромат соҳиби эдилар. Фақат асрнинг кутбларидан бири уммий (ўқимаган) бир темирчи эди. Мен бу ишнинг сир ва хикмати олдида ҳайрат ичида эдим.

Бола-чақасини боқиш учун кеча-кундуз босқон бошидан кетмаган бу темирчини кўриш учун бир кун дўконига бордим. Салом бердим. Мени кўриб, болаларча севинди. Кучоклади, қўлларимни ўпди. Ва мендан дуо истади. У ҳали кашф оламига кирмагани учун ўз мақомидан хабарсиз эди.

У мендан дуо истаганига жавобан:

– Мен сенинг оёқларингни ўпайин, сен менга дуо қил, – дедим.

У шундай деди:

– Сенга дуо этганим билан ичимдаги дард енгиллашмайди-да.

Мен ундан:

– Дардинг нима? – деб сўрадим.

– Қиёмат куни шунча одамнинг аҳволи нима бўларкин, деб бунга ёнишдан бошқа дардим йўқ, – деди темирчи. Ва хўнғир-хўнғир йиғлади. Мени ҳам йиғлатди.

Шу он ичимда бир нидо эшитдим: “Булар нафсим, нафсим” деганлардан эмас, “Умматим, умматим”, деганлардандир”.

Буни эшитган заҳоти ичимдаги ҳайрат йўқ бўлди. Қутблик мақомининг бир оддий темирчига нима учун берилганини тушунгандай бўлдим.

Англадимки, бу каби инсонлар пайғамбаримиз(саллаллоху алайҳи вассаллам)нинг қалби тўғрисидадилар, унинг ҳақиқатига мазҳардилар.

Темирчидан:

– Одамларнинг азоб чекиши билан нима ишинг бор? – деб сўрадим.

– Нима ишим бор? Менинг фитратим хамиртуриши шафқат суви билан йўғрилган эдир.

Унинг ҳузурида соатларча ўтирдим. Сухбат этдик. У намозда ўқиш учун фарз миқдоридан ошиқ сура ва оятларни билмас эди. Уларни ўргатдим.

Ва унинг олдидан 40 йил давомида эриша олмаганим даражаларга юксалдим. Ичим файзи илоҳийга тўлди. Ўшанда англадимки, кутблик сири бошқа нарса экан. У фазилат билан, илм билан, ибодат билан қўлга киритиладиган нарса эмас, балки Оллоҳнинг бергани экан.

ҚАНДИЛ НУРИ

Боязий Бастомий ҳазратлари бир кеча талабалари билан бир уйда меҳмон бўлдилар. Уй эгаси қандилни ёқди...

– Бу қандилда бир ғалатилик кўряпман, ёнаяпти, аммо нури йўқ, хикмати надир, – деб сўради Бастомий ҳазратлари.

– Устодим, биз бу қандилни бир кеча учун қўшнимиздан омонат олган эдик. Бу окшом иккинчи кеча ёқаяпмиз, – дейишди.

Буни эшитиб, Бастомий ҳазратлари қандилни дарҳол ўчирди ва:

– Қандилни дарҳол сохибига қайтаринг. Агар истасангиз, яна бир кеча ёқиш учун изн олингиз, – деди.

Уй эгаси қандилни ўчириб, қўшнисига олиб берди ва ундан рухсат олиб, қандилни қайтариб олиб келди.

Қандилни ёқдилар. Хона ёришди.

– Энди нуруни кўраяпман, – деди Боязид Бастомий ҳазратлари.

ҚИРҚ БЕШ ҲАЖ

Боязид Бастомий ҳазратлари қирқ беш марта ҳажга кетган эди. Бир кун Арофат тепасида ўтирганда, нафси унга: “Боязид, сенга ўхшаган ким бор? Қирқ беш марта ҳаж қилдинг, Қуръонни мингларча ҳатм этиш бахтига муяссар бўлдинг!” дея шишшиди.

Бастомий ҳазратлари сапчиб ўрнидан турди ва у ердаги оломонга қараб:

– Ким менинг қирқ беш кез бажо келтирганим ҳажни бир нонга алмашади! – дея хайқирди.

Бир одам бошини кўтариб:

– Мен оламан, – деди ва битта нон узатди.

Боязид Бастомий ҳазратлари нонни олди ва у ерда ётган бир итнинг олди-га ташлади.

РОҲИБЛАР БИЛАН БАҲС

Боязид Бастомий ҳазратлари Рум диёри(Анатолия)га сафарга чиқди. Йўлда бир роҳибга дуч келди. Роҳиб уни уйига чакириб, меҳмон қилди. Уйдан бир хона берди.

Бастомий ҳазратлари ўзига ажратилган хонада ибодатга бошлади ва қалбини Оллоҳу Таолога бурди.

Роҳиб ҳар куни унинг емагини олдига келтириб кўярди. Бу ҳол бир ой давом этди. Боязид Бастомий ҳазратлари ниҳоят: “Эй нафс, сени синдирмоқ истаяпман, аммо сен синмаяпсан!” – деди.

Буни эшитиб қолган роҳиб, ичкарига кирди ва:

– Исминг нима? – деб сўради. .

– Боязид

– Не гўзал инсонсан? Кошки, Масихнинг қули бўлсайдинг! – дея хитоб қилди.

Бу сўзлар Боязид Бастомий ҳазратларига оғир тегди. Роҳибнинг уйини тарк этмоқ истади. Аммо роҳиб:

– Бизнинг уйда 40 кунингни тамомла, сўнгра кетгин. Бизнинг катта байрамимиз бор. Уни кўрсанг, деган эдим. Байрамга қийматли бир воизимиз ҳам

келади. У фақат шу байрамда, йилда бир марта гапиради. Уни тинглаб кўр, – деди роҳиб.

Бастомий ҳазратлари рози бўлди. Қирк кун ўтгандан сўнг роҳиб Бастомий ҳазратларининг хонасига кириб, “Марҳамат, ташқарига чикинг, байрам куни-миз келди”, деди. Лекин сўнгра меҳмонга қараб:

– Фақат сиз бу кийимда қандай роҳибларнинг ичига кирасиз? Яхшиси, бу кийимингизни ечиб, устингизга роҳиб кийимини кийинг ва бўйнингизга “Инжил”ни осиб олинг, – деди. Бу таклифдан оғринган бўлсада, Бастомий ҳазратлари “бунда бир ҳикмат бор”, дея берилган либосни кийиб, роҳиблар орасига қўшилди. Ҳеч кимнинг диққатини чекмади.

Бироздан сўнгра роҳибларнинг каттаси, ўша воиз келди. Лекин, негадир, ваъзга бошламади. Сабабини сўрадилар.

– Орангизда бир Муҳаммадий бўлса, мен қандай гапираман? – деди.

Оломон ғалаёнга келди, “уни кўрсат, парчалаб ташлайлик!” дея ҳайқирди.

– Йўқ, кўрсатолмайман. Фақат унга тегмасликка сўз берсангиз, уни сизга таништиришим мумкин, – деди Бош роҳиб.

Оломон Муҳаммадийга тегмасликка сўз берди.

– Эй Муҳаммадий, Оллох учун оёққа қалқ ва ўзингни кўрсат! – деди бош роҳиб.

Боязид Бастомий ҳазратлари оёққа қалқди.

– Отинг ким? – деб сўради Бош роҳиб.

– Боязид

– Таҳсил кўрдингми?

– Раббим ўргатгани қадар бир нарсаларни ўргандим, – деди Бастомий ҳазратлари.

– У ҳолда шу саволларимга жавоб бер: иккинчиси бўлмаган бир, учинчиси бўлмаган икки, тўртинчиси бўлмаган уч, бешинчиси бўлмаган тўрт, олтинчиси бўлмаган беш, еттинчиси бўлмаган саккиз, ўнинчиси бўлмаган тўққиз, ўн биринчиси бўлмаган ўн, ўн иккинчиси бўлмаган ўн уч – нимадир?

– Мени яхши тингла, – деди Боязид Бастомий ҳазратлари, – иккинчиси бўлмаган бир, бу эши – шериги, тенги ва ўхшаши бўлмаган Оллоху Таолодир. Учинчиси бўлмаган икки – кеча ва кундуздир. Тўртинчиси бўлмаган уч – уч талокдир. Бешинчиси бўлмаган тўрт – Таврот, Забур, Инжил ва Қуръони Каримдир. Олтинчиси бўлмаган беш – беш вақт намоздир. Еттинчиси бўлмаган олти – еру-кўкнинг яратилгани олти кундир. Саккизинчиси бўлмаган етти – етти қат кўкдир. Тўққизинчиси бўлмаган саккиз – Қиёмат куни Аршни ташийдиган саккиз малақдир. Ўнинчиси бўлмаган тўққиз – хотиннинг тўққиз ойлик хомила муддатидир. Ўн биринчиси бўлмаган ўн – Мусо алайҳиссаломнинг Шуойб(алайҳиссалом) пайғамбарга ўн йил чўпонлик қилишидир. Ўн иккинчиси бўлмаган ўн бир – Юсуф алайҳиссаломнинг ўн бир акасидир. Ўн учинчиси бўлмаган ўн икки – йилнинг ўн икки ойидир.

– Тўғри, сўйладинг, – деди Бош роҳиб, энди менга айт-чи, ҳаводан нима яратилди, ҳавода нима муҳофаза этилди ва ким ҳаво билан ҳалок этилди?

– Исо(алайҳиссалом) пайгамбар ҳаводан яратилди, ҳавода муҳофаза этилди. Ад қавми ҳаво билан ҳалок этилди, – дея жавоб берди Боязид Бастомий ҳазратлари.

– Тўғри сўйладинг. Оғочдан ким яратилди, оғочда ким қутқарилди, оғоч билан ким ҳалок этилди? – деди Бош роҳиб.

– Мусо(алайҳиссалом)нинг ҳассаси оғочдан яратилди, Нуҳ(алайҳиссалом) оғочдан ясалган кемада (тошқиндан) сақланди. Закария(алайҳиссалом) оғоч ичида бички билан қирқилиб, ҳалок этилди, – деб жавоб берди Бастомий ҳазратлари.

– Тўғри сўйладинг. Ким оташдан яратилди. Ким оташдан сақланди ва ким оташ ила ҳалок этилди?

– Иблис оташдан яратилди. Иброҳим(алайҳиссалом) оташдан сақланди. Абу Жаҳл оташ ила ҳалок этилди.

– Тошдан ким яратилди? Тош ичида ким яширинди, тош билан ким ҳалок этилди?

– Солиҳ пайгамбарнинг туяси тошдан яратилди. Асҳоби Қаҳф тош ичида сақланди. Архаба ва унинг лашкари тош билан ҳалок этилди.

– Тўғри сўйладинг. Олимлар жаннатда тўрт дарё бор, биттасида асал, иккинчисида сув, учинчисида сут, тўртинчисида шароб бор ва тўрттаси ҳам битта манбаадан оқади дейишади. Бунинг бу дунёда бир муқобили (тимсоли) борми?

– Ҳа, бор. Инсоннинг бошидан тўрт дарё оқади: Кулоқ ёғи – аччиқдир. Кўз ёғи – тузlidir. Бурун суви ҳам ўзига хос таъмга эга. Оғиз суви – шириндир.

– Тўғри айтдинг. Жаннат аҳли еб-ичар, аммо таҳорати бузилмас. Бунинг бу дунёда ўхшаши борми?

– Бор. Она раҳмида (бачадонида) бола еб ичади, аммо ахлат чиқармайди.

– Тўғри сўйладинг. Жаннатда Тубо дарахти бор. Жаннатда ҳеч бир сарой, ҳеч бир кўшк йўқдирки, бу оғочнинг долларига теккан бўлмасин. Бунинг бу дунёда тимсоли борми?

– Бор. Қуёш эрталаб чиққанда, худди ўшанга ўхшамайдимиз?

– Тўғри айтдинг. Энди шуларга жавоб бер: бир оғоч бор, ўн иккита шоҳининг ҳар бирида 30 та япроқ ва ҳар япроқда бешта гул, булардан иккиси қуёшга, учтаси қоронғиликка қарайди. Бу дарахт қайси дарахтдир?

– Бу дарахт бир йилнинг тимсоли. Ўн икки шоҳи – ўн икки ойдир. Ҳар долдаги 30 япроқ ойдаги 30 кундир. Ҳар япроқдаги бешта гул – беш вақт назмнинг тимсолидир.

– Менга шунинг нима эканлигини айт: ҳажга борибди, тавоф қилибди, мақомларга чиқибди, аммо унинг на руҳи бордир, на-да унга ҳаж вожибдир.

– Нуҳ пайгамбарнинг кемасидир, – деб жавоб берди Боязид Бастомий ҳазратлари.

Сўнгра Боязид Бастомий ҳазратлари Бош роҳибга шундай деди:

– Эй роҳиб, бир қанча саволлар бердинг, биз уларга жавоб беришга уриндик. Ижозат берсангиз, менинг ҳам саволларим бор.

Бу саволларим шулар: Жаннатнинг калити қаерда? Жаннат дарвозасига нима деб ёзилган? Роҳиб жим бўлди, жавоб беришни истамади. Бошқа роҳибларнинг бунга жаҳли чиқди.

– Эй каттамыз, мағлуб бўлдингизми? – деб сўрашди улар.

– Йўқ, мағлуб бўлишни истамайман, – деди Бош роҳиб.

– Бўлмаса, нега жавоб бермайсиз? – деб сўради роҳиблар.

– Агар жавоб берсам, менинг жавобимга қўшиласизларми? – деб сўради Бош роҳиб.

– Қўшиламыз, – дейишди роҳиблар.

– Бўлмаса, эшитинглар: жаннатнинг калити ва жаннат эшикларига ёзилган ёзув “Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ”дир, – деди ва мусулмон бўлди.

Қолган роҳиблар ҳам бирга калимаи шаҳодат келтириб, мусулмон бўлишди.

Боязид Бастомий уларнинг ёнида бир муддат қолиб, исломиятни ўргатди.

НАФСГА ЖАЗО

Боязид Бастомий ҳазратларига “нафсингга берган энг енгил жазо надир?” дея савол беришди.

– Бир марта нафсим бир итоатсизлик қилди. Бунга жазо ўларок бир йил сув ичмадим, – деди Боязид Бастомий.

ОЖИЗИЯТ

Бир куни Боязид Бастомий ҳазратларининг қалбига шундай илҳом келди:

“Эй Боязид, хазиналарим одамлар тарафидан қилинган ибодатлар ва гўзал амаллар билан тўлади. Сен бизга шундай бир нарса билан келгинки, у бизда бўлмасин”.

– Ё Робби, хазинангда бўлмаган нарса нимадир? – деб сўради Боязид Бастомий ҳазратлари.

– Ожизлик, аянчлилик, чорасизлик, зиллат ва муҳтожликдир, – дейилди.

БУ ДАРАЖАГА ҚАНДАЙ ЕТДИНГ?

Боязид Бастомий ҳазратларидан “бу даражага нима билан юксалдинг”, деб сўрашди.

– Ҳар ерда Оллоҳу Таолонинг кўриб турганини, билиб турганини ўйлаб, адабга риоя этиш билан, – деб жавоб берди Боязид Бастомий ҳазратлари.

СЎНГГИ СЎЗЛАР

Боязид Бастомий (к.с.) ҳазратлари сурункасига “Оллоҳ, Оллоҳ” дерди. Ўлим тўшагида экан, шундай дуо этди:

– Ё Роббим, сен учун қилган бутун ибодат, тоат ва зикрларни доим ғафлат ичида қилдим. Мана, энди жон бераяпман. Оллоҳим, менга зикр ва хузур холини эҳсон айла!

Бу сўзлардан сўнгра зикр ва хузур холи ичида руҳини таслим этди.

Вафоти ҳижратнинг 231 ёки 232-йилида (мелодий 875) Шайхон ойида юз берди. Қабри шарафлари Хуросонда, Бастим бўлгасидадир.

Боязид Бастомий ҳазратларининг халифаси Шайх Бастомий эди, унинг во-рисси эса Шайх Абул Ҳасан Ҳарқоний эди.

ВАФОТИДАН СЎНГРА

Боязид Бастомий (к.с.) ҳазратлари вафот этгандан сўнгра буюклардан бири уни тушида кўриб, ундан:

“Оллоҳу Таоло сенга қандай муомала қилди?” – деб сўради.

Бастомий шундай жавоб берди:

“Мени тупроққа қўйганларида бир овоз “Боязид, биз учун нима олиб келдинг?” – деди. Мен:

“Ё Робби, сенга лойиқ ҳеч нарса олиб келмадим. Аммо ширк ҳам олиб келмадим”, – дедим”.

НАСИҲАТЛАР

Боязид Бастомий ҳазратлари ўз талабаларига шундай дерди:

“Сиз ҳавода учган битгасини кўрсангиз, дарров унинг каромат соҳиби экани ҳақда ҳукм чиқарманг. Унинг чиндан ҳам фазилат ва каромат соҳиби эканини билиш учун унинг дин амирларига бўйсунушидаги ҳассосиятига, Пайғамбаримиз(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг ахлоқи билан ахлоқланишига, суннати санияга амал қилишга, дин олимларига боғлиқлигига қаранг. Агар у буларга уйғун ҳаракат қилишда энг кичик заифлик бўлса, у кимсани фазилат ва каромат соҳиби дейиш мумкин бўлмайди.

Бир кишининг Оллоҳу Таолога бўлган муҳаббатининг ҳақиқий бўлган-бўлмаганининг аломати – унинг денгиз каби жўмард (сахий), куёш каби шафқатли, тупроқ каби тавозеъли бўлишида кўринади.

Оллоҳу Таолонинг неъматлари ҳар он ҳар кимга келмақдadir. Демак, ҳар он унга шуқр этмоқ лозимдир.

Бизнинг сўзларимиз китоб ва суннатдандир. Кучини ва маъносини шу икки манбадан олмаган сўзда қиймат йўқдир.

ШАЙХ АБУЛ ҲАСАН ҲАРҚОНИЙ

Силсилаи Саодати Нақшбандия олиянинг олтинчи ҳалқасидир. Исми шафиқи Али бин Жаъфардир. Куниyasi Абул Ҳасандир.

Бестамдаги бир кишлоқда дунёга келди.

Абул Ҳасан Ҳарқоний (қ.с.) ҳазратлари Боязид Бастомийни маънода кўриб, иршодга мазҳар бўлганини эътироф этган.

ЧИГИРТКАЛАР

Бир пайт Бастом шаҳрига чигирткалар хужум қилди. Бутун экинларни ва сабзавотларни еб қўйди. Халқ фарёд этиб, дуолар қилди, аммо чигиртка балосидан қутилолмади.

Халқнинг мусибатини кўрган Абул Ҳасан Ҳарқоний ҳазратлари томга чиқди. Ва тўрт тарафга назар солди. Ва... чигирткалар бир жойга тўпланиб, бирдан учиб кетдилар. Аср намози вақти келганда шаҳарда битта ҳам чигиртка қолмаган эди.

МАҲМУД ҒАЗНАВИЙ БИЛАН

Султон Маҳмуд Ғазнавий бутун Осиёга ҳоким бўлган бир даврда Ҳарқон шаҳрига ҳам келган эди. У одамларини юбориб, Шайх Ҳарқоний ҳазратларини ёнига чақирди. Шайх ҳазратлари, узр сўраб, ёнига бормади. Буни эшитган Ғазнавий:

– Қани, юринглар, биз унинг ёнига борайлик, у сиз ўйлаган одамлардан эмас, – деди ва ўз либосини Қози Аёзга кийдирди. Ўзи эса силоҳдор (мухофиз) киёфатида, унинг ёнида йўлга тушди.

Маҳмуд Ғазнавий Қози Аёзнинг ёнида Ҳарқоний ҳазратларининг уйига кирди ва салом берди. Ҳарқоний ҳазратлари унинг саломини олди. Аммо ўрнидан турмади. Шунда Маҳмуд Ғазнавий Абул Ҳасан Ҳарқонийга:

– Нега султон кирганда ўрнингдан турмайсан? – деди.

Ҳарқоний ҳазратлари унга:

– Мадомики, сени олдинга чиқаришган экан, қани ёнимга кел-чи, – деди.

Султон Маҳмуд шу саволни берди:

– Боязид Бастомий қандай зот эди?

– Боязид шундай бир комил вали эдики, уни кўрганлар хидоятга қовушар эди, Оллоҳу Таолонинг рози бўлгани кишилардан бўлар эди, – деб жавоб берди Ҳарқоний ҳазратлари.

– Абу Жаҳл, Абу Лаҳаб каби кимсалар Фаҳри коинот Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи вассаллам)ни қанча марта кўрдилар, аммо ҳидоятга эришолмадилар. Боязидни кўрганлар қандай қилиб дарров ҳидоятга эришдилар, ажабо? – деди Ғазнавий.

– Абу Жаҳл ва Абу Лаҳаб каби аҳмоқлар Оллоҳу Таолонинг Пайғамбарини инсонларнинг энг устуни ҳазрати Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи вассаллам) сифатида кўрмадилар, балки Абу Толибнинг еtimi, Абдуллоҳнинг ўғли ўларок кўрдилар. Агар уни Абу Бакр Сиддик каби кўриб, Расулulloҳ сифатида кўрсалар эди, куфрдан қутулиб, у каби камолга эришардилар, – деб жавоб берди Ҳарқоний ҳазратлари.

Султон Маҳмудга жавоб ёқди.

– Менга насиҳат этинг, – деди у.

– Шу тўрт нарсага диққат қил: гуноҳлардан қоч, намозингни жамоат билан қил, жўмард бўл, Оллоҳу Таолонинг яратганларига шафқатли бўл, – деди Ҳарқоний ҳазратлари.

– Менга дуо қилинг, – деди Ғазнавий.

– Эй Маҳмуд, оқибатинг хайрли бўлсин! – деди Ҳарқоний ҳазратлари.

Султон Маҳмуд Шайх Ҳарқонийнинг олдига бир коса олтин қўйди. Бунга қаршилик қилди. Шайх Султон Ғазнавий олдига арпа унидан ёпилган бир нон қўйди. Султон нондан бир тишлам еди. Аммо луқмани ютолмади.

– Бир луқма нонни ютолмаяпсан, шу косадаги олтинларнинг ҳам томоғимизга тикилишини истайсанми? Биз пул билан алоқамизни кесганмиз. Буни бу ердан олингизлар, – деди Ҳарқоний ҳазратлари ва олтинларни олмади.

Ғазнавий Ҳарқоний ҳазратларидан хотира учун бир нарса истади. Шайх унга ўз хирқасини берди.

Султон Маҳмуд кетар экан, Ҳарқоний ҳазратлари ўрнидан турди.

– Келганимда ўрнингдан турмаган эдинг, энди ўрнингдан тураяпсан, у хол нима эди, бу икром надир? – деб сўради Султон.

– Бу ерга подшоҳлик ғурури ила келган эдинг. Энди эса дарвешлик холи ичида қайтаяпсан. Дарвешлик давлатинг куёши устида порлай бошлади. Аввал сен ғурур ичида бўлганингдан оёққа турмадим, энди дарвеш бўлганинг учун оёққа тураяпман, – деди Шайх.

СЎЗЛАРИ

“Ихлос ва риё нимадир?” деган саволга Ҳарқоний ҳазратлари:

– Оллоҳу Таоло учун қилинган ҳар нарса – ихлосдир. Халқ учун қилинган ҳар иш – риёдир, – деди.

Яна шундай деди:

– Неъматларнинг энг яхшиси – ишлаб топилганидир. Дўстларнинг энг яхшиси – Оллоҳу Таолони хотирлаганидир. Қалбларнинг энг нурлиси – ичида мол-мулк севгиси бўлмаганидир.

Дунё орқасидан чопсанг, дунё сенинг подшоҳинг бўлади. Ундан юз ўгирсанг, сен унинг подшоҳисан.

Оллоху Таоло сендан вақтидан олдиннамоз қилишингни истамагани каби, сен ҳам Ундан вақтидан олдин ризқ истама.

Оллоху Таоло қаршисида шу уч нарсани сақлаш керак: Ҳақ билан бирга экан – сирни, халқ билан бирга экан – тилни, амал, иш қилар экан – тозаликни муҳофаза этиш лозим.

Илмдан энг кўп насиб олган – илмга амал қилган эдир.

Энг фазилатли амал – сенга фарз қилинган амалдир.

Оллоху Таоло қулига иймондан кейин тоза кўнгил ва тўғрисиўз тилдан ҳам қийматлироқ, буюкроқ нарса бермаган эдир.

Кўп йиғланг, оз кулинг. Кўпроқ жим туринг, озроқ гапиринг. Оз еб, оз ухланг”.

Шайх Ҳарқоний ҳазратлари ҳижрийнинг 419 ва ёки 425 йилида, Ашуро куни дунёдан кўз юмди.

Оллоху Таоло ундан рози бўлсин.

Қабри Ҳарқон кишлоғида эканлиги тарихан собитдир.

ШАЙХ МУҲАММАД ФАРМАДИЙ (АБУ АЛИ ФАРМАДИЙ)

Силсилаи Нақшбандиянинг егтинчи ҳалқасидир. Ҳижрийнинг 433 йили (мелодий 1042)да туғилди. Хуросонда яшади. Ҳижрий 478 (мелодий 1085)да вафот этди, қабри Тус, яъни Машҳад шаҳридадир.

Даврининг олимлари орасида ягона эди. Зоҳирий илмларни Абул Қосим Кушайридан ўрган эди. Тасаввуфда иккита муаллими бор эди: Абул Қосим Туркони ва Абул Ҳасан Ҳаркони хазратлари.

ФАРМАДИЙ ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ХОТИРАЛАРИДАН

“Ёшлик йилларимда Нишобурда илм талаби билан машғул эдим. Шайх Абу Саид Абул Хайр хазратлари келганда мен унинг хизматига кетдим. Унинг нури жамолига ошиқ бўлдим.

Шундан кейин илм билан машғул бўлдим. Бир куни қаламни давогга, сиёҳга ботирдим. Қоп-қора сиёҳ оппоқ бўлди. Таажжуб ичида ҳазрати Устознинг ёнига бордим, ходисани айтдим.

Устоз:

– Модомики, қалам сенинг қўлингдан қочибди, сен ҳам уни тарк айла, бошқа иш билан машғул бўл, – деди Устоз хазратлари”.

ЮҚОРИРОҚДА

Абу Али Фармадий хазратлари шундай хотирлайди:

“Бир куни ғаройиб бир ҳол ичига тушдим. Ҳушимдан кетдим. Бу ҳол ичида гўё йўқ бўлдим, кўзга кўринмас бўлдим. Бу ҳолимни Устозим Абул Қосим Кушайрийга айтдим.

– Эй Абу Али, менинг кўнгил қушим бу ердан юкорисини билмайди, – деди.

Мен: “Мени бу мақомдан илгари олиб бора оладиган бир муршидга эҳтиёжим бор”, – деб ўйладим.

Кунлар ўтди. Кун сайин ўша юқорида эътироф этганим ҳол кучайар эди.

Мен Абул Қосим Гургониининг исмини эшитган эдим. Ва Тус шаҳрига қараб йўлга чиқдим. Шаҳарга келиб, у зотни яшайдиган жойини сўрадим. Ай-тишларича, у талабалари билан бир масжидда ўтирганмиш. Мен ҳам икки ракат намоз қилиб, қаршисида тиз чўкиб ўтирдим.

Шайхнинг боши эгик эди.

Бошини кўтариб:

– Кел, эй Абу Али! – деди.

Унга яқин бориб, салом бердим ва ўтирдим. Маънавий ҳолларимни айтиб бердим.

– Бошланғичинг муборак бўлсин! Ҳозирча бир даражага эришибсан, агар тарбия кўрсанг, юксак даражаларга кўтариласан, – деди Шайх.

Абул Қосим Гургоний ҳазратлари мени тасаввуфда етиштирмоқ мақсадида нафсимни тарбия учун турли риёзиётларга бошлади. Ниҳоят, исталган даражага етдим, кейин дўстларимдан Абу Бакр Абдуллоҳ билан мени Абу Саид ҳазратлари ёнига Миҳан тарафга йўллади.

Абу Саид ҳазратлари менга бир парча без бериб, деворларнинг чангини артишни буюрди. Биродарим Абу Бакр Абдуллоҳга эса меҳмонларнинг оёқ кийимларини тузатиш вазифасини берди. Уч кун бу хизматни қилдим.

Тўртинчи куни мени Абул Қосим ҳазратларининг ёнига қайтариб юборишди. Кейин ҳар иккала муаллимим ҳам вафот этдилар. Уларнинг ўрнига суҳбатларни мен қила бошладим. Талабаларим кўпайди. Исмин ҳар ерга ёйилди.

Биродарим Шайх Абу Бакр Абдуллоҳ буюк зот бўлишига қарамасдан, исми ҳеч кимга эшитилмади. У камина ҳақда шундай деган эди:

“Шайх Абу Саид Абу Алига без билан деворнинг чангини артки, сўнгра Оллоҳу Таоло қулларининг кўнгил деворларидан гуноҳларни артгайсан”, деган эди. Менга эса дарвешларнинг оёқ кийимларини тузатишни буюрди. Мен бу вазифада қолдим. Ва ҳеч ким мени танимади, исминни айтмади”.

Абу Али Фармадий ҳазратлари ўз замони авлиёларининг йўлбошчиси эди.

У Низом ул-Мулкнинг саройига келганда, буюк вазир эҳтиром билан оёқка турарди, уни ўз мақомига ўтирғизар эди. Аммо бошқаларга буни қилмас эди. Бунинг сабабини сўраганларида:

– Абу Али Фармадий ҳазратлари юзимга қараб, қусурларимни сўйлайди, қилган хатоли ишлар, ҳақсизликларни очиқ айтиб, мени огоҳлантиради. Бошқалари эса мени мақтайдилар. Бундан нафсим гурурланади. Абу Али Фармадий танқиди мен учун хайрли бўлгани сабабли, унга ҳурматим ҳам баланддир, – дер эди.

Шайх Муҳаммад ул Фармадийнинг халифалари Юсуф ул-Ҳамадоний Шайх Абул Ҳасан Бусний ва Ҳужжат ул-Ислому Муҳаммад бин Муҳаммад Ғаззолий ҳазратларидир.

ШАЙХ ЮСУФ АЛ-ҲАМАДОНИЙ

Силсилаи Саодат Нақшбандиянинг саккизинчи ҳалқаси Юсуф бин Ёқуб Ҳамадонийдир. Имом Аъзам ҳазратларининг наслидандир.

Ҳижрий 440 (мелодий1048) йилда Ҳамадонда туғилди. Ҳижрий 535 (мелодий 1140) йилда Ҳиротдан Марвга кетар экан, йўлда вафот этди.

Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари ўрта бўйли, буғдойранг, кумранг соқолли, ориқ бир зот эди.

У ўн саккиз ёшида Бағдодга келиб, фикҳ илмини Абу Исҳоқ Шерозийдан ўрган эди. Ёши кичик бўлишига қарамасдан, ханиф мазҳабида фикҳ ва мунозара олими бўлди. Исфаҳон ва Самарқандда машҳур ҳадис олимларидан ҳадис илмини ўрган эди.

Тасаввуфни Абу Али Фармадий ҳазратларидан ўрганиб, унинг суҳбатларини тинглади.

Абдуллоҳ Гувайний, Ҳасан Симноний ва бошқа буюк зотлар билан суҳбат этди. Улардан илм ўрган эди.

Яёв ўларок 37 марта ҳаж килди. Қуръони Каримни кўп марта ҳатм килди. Кеча намозларида ҳар ракатда бир жузь ўқир эди.

Тафсир, ҳадис, калом, фикҳ илмидан етти юз жузни ёдлаб олди.

Икки юз ўн уч муршиддан истифода қилди.

Етти минг кофирнинг иймонга келишига сабаб бўлди.

Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари Имом Аъзам ҳазратларига жуда боғлиқ эди. Унга нисбатан буюк бир муҳаббати бор эди. Олтмиш йил иршод вазифаси билан машғул бўлди. Юзларча талаба ундан дарс олди.

Абдуллоҳ Бархий, Ҳасан Андокий, Аҳмад Ясавий ва Абдуҳолик Гиждувоний каби буюк валиларни у етиштирди.

Булардан Аҳмад Ясавий Туркистон тарафида инсонларга буюк хизматлар қилди.

Юсуф Ҳамадоний Хуросон, Мовароуннаҳр минтақаларининг турли шаҳарларида халққа саодат йўлини тушунтириш билан машғул бўлди. Илми, фазилати ва кароматлари билан танилиб, ислом дунёсида буюк муҳаббатга мазҳар бўлди.

Қўлига нима тушса, мухтожларга берарди. Бировдан бир нарса олмас эди. Ҳар кимга илтифот ва марҳамат билан, юмшоқ муносабат кўрсатарди.

Йўлда кетар экан, Қуръони Карим ўқиш билан машғул бўларди. Хушду деган ердан масжидга келгунча бир ҳатм ўқирди. Масжид эшигидан Ҳасан Андокий ва Аҳмад Ясавий хонасига боргунча “Бақара” сурасини ўқир эди.

Қайтиб келаётганда “Оли Имрон” сурасини ўқирди. Баъзан юзини Ҳамадонга буриб, кўп йиғларди. Салмон Форсийнинг асо ва салласи унда эди. Ҳар ой бошида Самарқанд олимларини чақириб, улар билан суҳбат этарди. Бошқа тарафдан қишлоқдан келган оддий одамларга дин илмини ўргатар ва бу ишлар билан машғул бўлишдан зерикмас эди.

Яна касалларнинг, яралиларнинг дардига даво топиб, дори ва малҳамлар тайёрларди. У жисмоний ва маънавий хасталикларнинг мутахассиси эди.

Юраги бутун махлуқотга нисбатан теран бир севги билан тўла эди. Файримуслимларнинг уйига бориб, уларга исломни танитарди. Ҳар нарсага сабр этар, ҳар кимга муҳаббат кўрсатар эди.

Фақирларга бойларга нисбатан кўпроқ эътибор қиларди. Зухд соҳиби эди. Дунёга аҳамият бермас эди. Хонасида ҳосир қумғон ва икки ёстикдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

ЮКСАК ҲОЛИ

Нажибуддин Баргоший Шерозий ҳазратлари шундай хотирлайди: “бир марта машойихлар камолоти ҳақда бир китобни ўқиб, анча таъсирландим. Кимнинг таснифи эканини ва бу зотнинг бошқа асарлари бўлган-бўлмагани билан қизиқа бошладим. Бир кечаси тушимда бир нуруний пирни кўрдим, устига икки ҳирқа кийган эди, оқ ва яшил рангдаги икки гўзал ҳирқа. Изидан бордим. У кийган ҳирқаларини ечиб, менга берди ва таҳорат олди. Таҳорат олиб бўлгандан сўнгра:

– Бу икки ҳирқадан бирини сенга бераман, қайсини истасанг ол, – деди.

– Бериш ва танлаш сизнинг қўлингиздадир, – дедим мен.

Нуруний инсон яшил ҳирқани ўз қўли билан менга кийдирди. Ва: “Мени танийсанми?” деб сўради. Мен: “Йўқ”, дедим.

Муштоқий бўлган бўлсангиз, у жузларнинг мусаннифи менман. Номим Юсуф Ҳамадонийдир. Сен ўқиган Китобимнинг номи “Зайнатул ҳаёт”дир. “Минозилус-Солиқин ва Манзилус-Соирин” каби бошқа таснифлари ҳам бор, – деди ул нуруний зот. Уйғонганимда, жуда севиндим.

САБР ЭТИНГ

Бир куни Ҳамадондан бир хотин йиғлаб Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг хузурига келди ва:

– Ўғлимни Бизонс (Рум)ликлар асир этди, – деди.

– Сабр этинг, – деди Ҳамадоний ҳазратлари.

– Сабр этишга ҳолим қолмади, – деди хотин.

Шунда Ҳамадоний ҳазратлари:

– Ё Рабби, бу хотиннинг ўғлини асирликдан қутқар, қайғусини қувончга айлантир, – дея дуо этди.

Хотин уйига қайтиб, ўғлини кўрди. Ҳайрат ичида қолган хотин ўғлидан:

– Айт, ўғлим, бу ерга қандай келдинг? – деб сўради.

– Бироз аввал Истанбулда эдим. Оёкларим боғланган эди, тепамда соқчилар турган эди. Бирдан бир одам келди. Мени олиб, бу ерга олиб келди, – деди ўғли.

БУЮКЛАРНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

Юсуф Ҳамадоний ҳазратларига:

– Ислол олимлари ва кучли раҳбарлари озайиб, йўқ бўлишганда нима қилиш керак? – деб сўрашди.

– Ўша олимларнинг ёзганларидан ҳар кун бир миқдор ўқиб боринг, – дея жавоб берди Ҳамадоний ҳазратлари.

ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари ҳақида хунук нарсалар айтиб, уни ёмонлаб юрадиган бир кимса бор эди. Бу ҳақда Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари эшитди, жуда хафа бўлди. Ва “яқинда жазосини кўради”, деди. Бир неча кун сўнгра ўша кимса безорилар тарафидан ўлдирилди.

ТИРИК ЭМАССИЗ

Бир марта Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари ваъз этаётган эди, икки кимса келиб:

– Жим бўл! Янглиш нарсаларни айтаяпсан! – дейишди.

– Сизлар жим бўлинглар! Сизларни тирик одам дейиш мумкин эмас! – деди Ҳамадоний ҳазратлари.

РУҲОНИЯТНИНГ КУЧИ

Ҳамадоний ҳазратлари бир кун уйдан кўчага чиққиси келди. Ҳолбуки, жума кунидан бошқа кунлари кўчага чиқмас эди. Кўчага чиқиш истаги шу қадар кучайдики, у эшагига миниб, жиловини қўйиб юборди.

Эшак шаҳардан чиқиб, водий тарафдаги бир масжидга олиб борди. Шайх у ерда бир ёш йигитнинг бошини эгиб, робита қилаётганини кўрди. Уни кутиб турди. Ниҳоят, йигит бошини кўтарди. У Ҳамадоний ҳазратларининг талабаларидан бири эди.

– Эй Устодим, бошимга мушкул бир иш тушди. Яхшиям, сиз келдингиз, нима қилишимни билолмаётган эдим, – деди.

Ёш йигит мушқулини айтди, устоди унга бу мушқулдан қутулиш йўлини кўрсатди. Сўнгра унга:

– Эй йигитча, бошингга яна мушкул иш тушса, менга айт, мени бу ергача қақриб, чарчатма, – деди.

Муҳиддин ҳазратлари бу воқеани айтиб бўлгандан сўнг:

– Содиқ бир талаба тўғрилиги ва ихлоси билан ўз устодини ёнига қақришига ҳам қодир бўла олади, – деди.

САВОЛ

Ибни Ҳажарий Маккий ҳазратларининг “Фатавоий Ҳодисия” номли аса-рида шундай дейилади:

“Абу Саид Абдуллоҳ, Ибн Уос Соққа ва Саййид Абдулқодир Гайлоний илм ўрганиш учун Бағдодга келишди.

Абулқодир Гайлоний ҳазратлари у пайт жуда ёш эди. Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг Низомия мадрасасида ваъз этишини эшитган эдим. Ёшлар уни зиёрат этишга қарор беришди.

Ибн ус-Соққа: “Мен унга бир савол бераманки, у жавоб бера олмаяжак!” – деди.

Саид Абдуллоҳ ҳам: “Мен ҳам унга бир савол бераман, қани жавоб берармикин?” деди.

Буюк адаб тимсоли бўлган Абдулқодир Гайлоний эса: “Оллоҳ сакласин, мен унга қандай савол бераман? Мен фақат ҳузурда ўтириб, уни кўриш ша-рафига муяссар бўламан, ундан баракатланаман”, – деди.

Кейин улар Юсуф Ҳамадоний турган жойга бордилар. У йўқ эди, бир соат сўнгра келди. Ибн ус-Соққага қараб:

– Ҳайф сенга, эй Ибн ус-Соққа! Демак менга жавобини айта олмайдиган-ним бир савол бермоқчисан, шундайми? Саволинг шу, жавоби эса бу. Сезаяп-ман, сендан куфр хиди келаяпти, – Ҳамадоний ҳазратлари.

Кейин Абу Саид Абдуллоҳга ўгирилиб:

– Сен ҳам бир савол бериб, унинг жавобини берадими, деб бир боқмоқчи эдинг, сенинг саволинг шу, жавоби ҳам бу. Афсуски, сен адабга риоят этмаган-нинг учун умринг ғам ичида ўтажак, – деди.

Сўнгра Абдулқодир Гайлонийга яқинлашиб:

– Эй Абдулқодир, бу адабингнинг гўзаллиги билан Оллоҳу Таоло ва Ра-сулини рози этдинг. Мен сенинг Боғдодда бир курсида ўтирганингни, юксак дарслар бериб, “менинг оёғим бутун авлиёнинг бўйни устидадир”, деяётган-нингни кўриб тургандайман, – деди ва кўздан ғойиб бўлди.

Уни шундан сўнг ҳеч кўришмади.

Орадан узун йиллар кечди.

Ҳақиқатан ҳам, Абдулқодир Гайлоний замонаси авлиёлари ичида энг усту-ни бўлди, Ҳамадоний ҳазратларининг у ҳақда бутун айтганлари тўғри чикди.

Ибн ус-Соққа бу воқеадан сўнгра ўзини шаръий илмларга берди. Нотик эди. Шухрати замоннинг подшоҳига етди. Подшоҳ уни элчи қилиб, Бизонс (Византия)га юборди. Христианлар унга яхши муомала қилишди. Уларга ал-даниб, христиан бўлди. Бу ҳақда айтган зот шундай дейди: “Ибн ус-Соққа хаста эди. Ўлаётган эди. Мен юзини қиблага бурдим. У бошқа тарафга бурди. Мен яна қиблага қаратдим. У такрор тесқари бурди ва шу алфозда ўлди”.

Абу Саид Абдуллоҳ дейди:

“Мен Шомга келдим. Баъзи вазифаларни бажардим. Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг уччаламиз ҳақида айтганлари айнан юз берди”.

ВОРИС

Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари бутун дўстларини ўз талабаси Абдулҳолик Гиждувонийга тобеъ бўлишни буюрди.

Ҳамадоний ҳазратлари аввал Марв шаҳрида бир муддат қолди, сўнгра Ҳиротга кетди. Кейин такрор Марвга келди, бир муддат қолиб, яна Ҳиротга кетди.

Ниҳоят, Ҳиротдан Марвга келаётганда, йўлда вафот этди.

Қабри Марв шаҳридадир.

Халифалари Хожа Абдулҳолик Гиждувоний, Шайх Хасан Докий, Хожа Аҳмад Ясавий, Шайх Ҳаким Саноний ва Шайх Абдуллоҳ Баравийлардир.

ХОЖА АБДУЛҲОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ

Тариқат арбобининг йўлбошчиси, илм-маърифат асҳобининг раҳбари бўлган Ғиждувоний ҳазратлари “Ҳожагоний Нақшия” дафтарининг энг бошида келганлардандир.

Туғилган йили ҳақида бир қайд йўқ. Фақат Ҳикротнинг 575 (мелодий 1179) йилда Бухордан олти фарсах узоқликдаги Ғиждувон қишлоғида вафот этгани маълум.

Ғиждувоний ҳазратларининг туғилган ери ҳам Ғиждувондир.

Отасининг исми Абдул Жалил бўлиб, насаби шарифлари Имом Маликка бориб тақалиши ҳақида ривоятлар бор.

Ғиждувоний ҳазратларининг ота ва онаси асли Малатия(Туркия)лик эди. Абдулҳолиқ ҳазратлари туғилмасдан аввал улар Бухорога кўчишган.

Силсилаи Заҳабда илк дафъа ададий вуқуф (муайян сон билан) зикрий ҳофий қилган Ғиждувоний ҳазратлари бўлади.

– Йигирма ёшда эдим. Ҳазратим мени Мовароуннаҳрда Юсуф Ҳамадоний ҳазратларига йўллади. Ундан том маънода истиъфода этдим.

ЎҒЛИГА НАСИҲАТИ

Ҳожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳазратлари ўғли Ҳожа Авлиёи Кабирга шундай насихат қилди:

– Эй ўғлим, илм ва адаб ўрган. Сендан аввал ўтганларнинг асарларини ўқи, такво билан муттасиф бўл. Аҳли суннат валжамоат йўлидан юр ва беш вақт намозни жамоат билан қил. Фикҳ, ҳадис ва тафсир илмларини ўрган. Оз е, оз ухла, оз гапир. Бегона эркак, бегона хотинлар билан суҳбат этма. Ғайратингни дунё учун харжлама. Кўп йиғла, оз кулгин. Кулганда қаҳқаха отма. Кўлингдан келгунча халққа кўнгилдан хизмат эт. Машойхларни ҳурмат қил, ишларини инкор этма. Қалбан доимо маҳзун бўл. Вужудинг ориқ ва ҳафиф (енгил) бўлсин. Кўзларинг ёшли, амалинг холис, дуоларинг хузун ва тазарру ила тўлсин. Кийиминг эски, дўстинг фақир, емагинг ибодат, хонанг масжид бўлсин. Қалбинг зокир, лисонинг шокир ва мунис, йўлдошинг зикр, дўстинг фикр бўлсин.

ЎН БИР АСОС

Ҳожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг тариқати биноси шу ўн бир асос устига қурилган эдир.

1. Хуш дар дам (Ҳар он уйғоқ бўлмоқ). Бу солих (мурид, талаба) нафас

олиб-берар экан, гафлатда бўлмаслиги керак, демакдир. Солиқ фақат уйғок бўлсагина нафасини гафлатдан кўриш олади. Нафасни гафлатдан кўриш – бу трикатда юксак мартабадир. Нафасла муҳофазаси эса хузурга сабабдир. Хузур эса бу тарикатда рукни аъзамдир.

2. Назар бир кадам (Кўз оёққа боқади). Бу талаба йўлда юрар экан, атрофга алангласдан, ерга қараб юриши демакдир. Бу луғавий маъносидир. Тасаввуфдаги маъноси эса шундай: талаба бегоналарни юзига ҳеч қарамайди. У ўз кўнглига қарайди ва уни кузатади. Доим тавозеъда бўлади, осмон эмас, ерга қараб юради. Расулulloҳнинг суннатига уйғун юради. Зотан, у доим олдига қараб юради. Талаба йўлда масофа олишни истаса, оёғи босган ерни кўрсинки, ҳадафига етиб борсин.

3. Сафар дар ватан (Ватанда сафар). Мурид мосивони (дунёни) тарк этиб, жаноби ҳаққа таважжух этмоғи лозим. Бу муриднинг ёмон ахлоқ ва башарий сифатлардан кочиби, яхши ахлоқ ва малаклар (фаришталар)нинг сифатлари бўлган юртга, асл ватанга қайтиш демакдир.

4. Хилват дар анжуман (Жамият ичида ёлғизлик) бу зоҳирда халқ билан, ботинда эса Ҳақ билан бўлишни ифодалайди.

5. Ёдий қард (Қалб билан зикр). Бу нафасни тутиб, зикр этиш демакдир.

6. Боз кашт (Зикр пайтида махлуқот ҳақида ўйламаслик). Зокир нафасини тутиб, тоқ сон билан зикр этиб, нафас чиқарар экан “илоҳи анта мақсудий ва ризока матлуби” (Оллоҳим, мақсадим сенсанва сенинг ризоингни истайман) каломини мушоҳада этмоқдир.

7. Нигоҳ дашт (зикр пайтида дунёни тарк этиш). Қалбни хавотирдан, исталмаган ҳаёллардан муҳофаза этмоқ.

8. Ёд дашт (Унутмаслик). Ҳақ субҳанаҳу таолодан доим огоҳ бўлмоқ. Зикр пайтида ва бошқа пайтларда Оллоҳни ҳеч унутмаслик.

9. Вукуфу замони (Ҳар он холидан воқиф бўлмоқ. Нафсни доим ҳисобга тортмоқ.

10. Вукуфу одати (Ададга воқиф бўлмоқ). Зикрда ададга, сонга риоят этмоқ.

11. Вукуфу қалби (Қалбга воқиф ва соҳиб бўлмоқ). Аввал қалбга таважжух этиб, басират кўзи билан ҳақиқатий қалбга назар этмоқ.

НАСИҲАТЛАРИ

Ғиждувоний ҳазратларининг хузурига келган бир киши:

– Агар Оллоҳу Таоло мени жаннат ила жаҳаннам орасида муҳаййар қилса, мен жаҳаннамни танлайман. Зеро, бутун умрим бўйи нафсимни орзусига кўра амал қилмадим. У ҳолда жаннат нафсининг муродидир. Жаҳаннам эса Оллоҳу Таолонинг муродидир, – деди.

Ғиждувоний ҳазратлари буни рад этиб:

– Қулнинг танлаш ҳаққи йўқдир. Қаерга бор десалар, ўша ерга борамиз. Қаерда қол, деса ўша ерда қоламиз. Шу билан бир вақтда, Раббимиздан яхшилик умидини узмаймиз. Қуллик – будир. Сенинг деганинг қуллик эмасдир.

– Устодим, дин йўлида бўлган бир кимсага шайтон яқинлаша оладими? – деб сўради яна ўша кимса.

– Дин йўлига янги кирган бир талаба нафсини аммора бўлишдан кутқармаган бўлса, шайтон унга яқинлаша олади. Агар у нафси мутмаин даражасига чиққан бўлса, шайтон ундан кочар. Бу сифат у кишига кофийдир. Етарки, ҳаққа йўнал. Оллоҳу Таолонинг китобига ва расули суннатига боғлангин. Бу икки нур орасида дин йўлида юргин, – деди Ғиждувоний ҳазратлари.

Бир куни Ғиждувоний ҳазратларининг хузурига узокдан бир меҳмон келди ва у кишининг хузурида бир неча кун қолди.

– Устодим, сўнги нафасимизда иймон билан кетишимиз учун бизга дуо этасизми? – деди меҳмон.

– Ҳар ким фарзларни адо этгандан сўнгра дуо этса, дуоסי қабул бўлади. Сен фарз ибодатини қилгандан сўнгра, дуода бизни ҳам эсласанг, биз ҳам сени эслаймиз. Бу ҳам сенинг дуоинг, ҳамда бизнинг дуоимиз қабул бўлишига восита бўлар.

Ғиждувоний ҳазратларининг халифалари Хожа Аҳмад Сиддик, Хожа Авлиёи Кабир, Хожа Сулаймон, Хожа Ҳаббоз Бухорий эдилар.

ХОЖА ОРИФ РИВГИРИЙ

Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг энг катта халифаларидан биридир. Бухорога 20 километр, Ғиждувонга 1 километр масофадаги Ривгир қишлоғида дунёга келган. Турк машойихларини энг муттақийларидан, авлиёнинг энг катталаридан эди. Зухд, тақво, риёзат, ибодат ва суннатга иттибо бобида юксак рутбалар соҳибидир.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳазратлари ҳаётлигида унга хизмат этиб, ундан файзланган зотдир. У вафот этгандан сўнгра ўрнига ўтириб, иршод вазифасини давом эттирган эдир.

Хожа Ориф Рифгирий ҳазратлари узун умр кўрди. Устоди Ғиждувоний ҳазратлари вафотидан сўнгра 142 йил яшади.

Хожа Ориф Ривгирий ҳазратлари хижрий 715 (мелодий 1315) йилда туғилган қишлоғида вафот этди.

Оллоҳ ундан рози бўлсин.

ХОЖА МАХМУД АНЖИР ФАҒНАВИЙ

Ривгирий ҳазратларининг халифалари ичида энг каттаси ва унинг сирдоши эди.

Бухорога 12 километр узокликдаги Фағна қишлоғида туғилиб, Эмканг номли кичик шаҳарни ўзига ватан этди. Тижорат ва меъморлик билан кун кечирди.

Кўп олим тарбиялаб етиштирди. Уларнинг ичида энг каттаси Хожа Али Ромитаний эди. У сасли зикр(зикри жаҳрий)ни ўргатди.

Зикри жаҳрий Муҳаммад Баҳоуддин Шоҳ Накшбанд ҳазратларига қадар давом этди.

УХЛАГАНЛАР УЙҒОНСИН

Бир кун яқинлари билан саодат мажлисларида зикри жаҳрий ила машғул экан, Бухоронинг буюк олимларидан Ҳофизуддин ҳазратлари:

– Тарикатимиз зикрий ҳофий (гизли, ичдан) устига қурилган экан, сизнинг жаҳрий зикрга кўрсатган мухаббатингизга сабаб нима? – деб сўради.

– Ухлаганлар уйғонсин, ғофиллар эшитсин ва ҳақ йўлига, шариат ҳадафларига сари юрсин, дея буни бошладик, – деб жавоб берди Фағнавий ҳазратлари.

– Ниятингиз тўғридир ва бу ҳол сизга ҳалолдир, – деди Ҳофизуддин ҳазратлари.

Ҳофизуддин ҳазратлари ҳақиқатни мажоздан ажратиш ҳудуди бўлиши учун сасли зикр чегараси шартини қўйди:

– Сасли зикрни фақат тили ёлғон ва ғийбатдан, бўғзи ва меъдаси ҳаром ва шубҳали емаклардан тоза, қалби риё ва бошқа ҳар нарсага таважжухдан муназзаҳ бўлган киши қилиши мумкин, – деди у.

Буюк олим Али Ромитаний шундай дейди:

“Хожа Махмуд Анжир Фағнавийни кўрдим ва ундан ”Бу замонда этагига ёпишиш мумкин бўлган, тўғрилиқ йўлида собит турган муршид ким?” – деб сўрадим.

– Хожа Махмуд Фағнавийдир, – деди.

Фағнавий ҳазратлари хижрий 715 (мелодий 1315) йилда вафот этди. Халифалари Хожа Али Ромитаний, Хожа Амир Ҳусайн Вобаки, Хожа Амин Билол Ҳусайн Валакилардир.

ХОЖА АЛИ РОМИТАНИЙ

Хожа Али Ромитаний унинг энг катта халифаларидан, “Силсилаи саодат”нинг ўн иккинчи ҳалқасидир. Хожа Ромитаний ҳалолидан ризқ топиш учун газмол тўқирди ва унга “нассож” дейишарди.

Бухорога 8 километр масофадаги Ромитан қишлоғида туғилди.

ЗИКРИ КАСИР

Шайх Ҳасан Балфорийнинг асҳобидан Шайх Бадриддин Ҳамадоний Хожа Али Ромитаний ҳазратлари ҳузурига келиб:

– Оллоҳни кўп зикр этингиз нази жалили билан маъмур бўлганингиз зикр жарҳийми? – деб сўради.

– Мубтадийга кўра “жаҳрий”, мунтахийга кўра “ҳофий”дир. Яъни ҳали йўл бошида бўлганлар учун жаҳрий, йўл сўнгига келганлар учун – ҳофийдир, – деб жавоб берди Хожа Ромитаний ҳазратлари.

ХАЛЛОЖГА ЁРДАМ

Хожа Али Ромитаний ҳазратлари шундай деди:

– Халложи Мансур агар ҳазрати Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг муридларидан бири бўлсайди, албатта унга имдод этиб, уни “Ваҳдати вужуд” мақомидан чиқариб оларди.

ДУО

Бир марта Хожа Али Ромитаний ҳазратлари уйда фақирлик ҳосил бўлди. Уй аҳли уч кун оч қолиб, жуда қийналди. Шунда Шайх ҳазратларининг мухлиси, бир ошпаз йигит ичига гуруч палов тўлдирилган бир хўроз пишириб келди ва уни Шайх ҳазратларига ҳадя этди.

Хожа Али Ромитаний ҳазратларининг тўртта халифаси бўлиб, тўртгалови ҳам комил олимлар эди, тўрттовининг ҳам исми Маҳмуд эди:

Хожа Маҳмуд Қулохдўз Хоразмда дафн этилган эдир.

Иккинчиси, Хожа Маҳмуд Салоҳ Балхий бўлиб, у Балх шаҳрида дафн этилган.

Учинчиси, Хожа Муҳаммад Бовардий.

Тўртинчиси, Хожа Муҳаммад Бобо Самосийдир, унинг қабри шарифи Самосдадир.

Хожа Али Ромитанийнинг иккита ўғли бўлиб, ҳар иккиси ҳам олим эдилар. Катта ўғли Хожа Муҳаммад 715-ҳижрийда, отасидан 19 кун ва ёки 40 кун сўнгра вафот этди. Кенжа ўғли Иброҳим 793 ҳижрийда вафот этди.

Хожа Али Ромитаний ҳазратлари 715-ҳижрийда, Зулқода ойининг 28-нчисида, душанба куни вафот этди.

ЮКСАК ҲОЛИ

Ромитаний ҳазратлари бир зиёфатга даъват этилган эди. Даъват этган кишининг ўғли қароқчилар тарафидан олиб қочилган эди.

Емак дастурхонга қўйилганда, Шайх ҳазратлари шундай дуо қилди:

– Оллоҳим, меҳмони бўлганимиз бу зотнинг қароқчилар қўлидаги ўғли шу эшикдан кириб, дастурхон атрофига ўтирмагунча, оғзимга бир лукма ҳам емак олмайман! – деди ва қўли дастурхонга узанган шаклда муроқабага чўмди.

Хожа Али Ромитаний ҳазратларида пайдо бўлган буюк хайбат ўтирганларни даҳшатга солди, ҳамма жим қолди.

Шу пайт эшик очилиб, асир олинган бола кириб келди ва дастурхон атрофида ўтирганларга қўшилди.

Асир олинган бола воқеани шундай тушунтирди:

– Ҳеч нарсани англамадим. Мени қандайдир ваҳший инсонлар қўлоғимни боғлаб, юртига олиб кетишди. Бирданига узоқлардан бу ерни кўрдим. Кўриб турганингиздек, сизларнинг орангиздаман. Бошқа ҳеч нарса эсимда йўқ.

ХОЖА РОМИТАНИЙНИНГ ҲАЗИНАСИДАН

Хожа Азизон (Ромитаний) шундай дейди:

“Оллоҳга тавба этингиз” деган маънодаги огоҳлантиришда ҳам ишорат, ҳамда башорат бор. Ишорат тавбагадир. Башорат унинг қабул этилишига доирдир. Қабул этилмасайди, амр этилмас эди”.

Ҳар ҳолу қорда амал лозим. Амал қилинса ҳам, у қилинмаган каби, нафси доим айбдор қилмоқ, ҳар амални янгидан ишламоққа муҳтож қабул этмоқ лозим”.

“Бу йўлда мақсадга эришмоқ учун чилладан (риёзатдан) устунроқ бир нарса бор: бу Оллоҳ дўстининг назарига тушмоқлик”.

“Икки ҳолдан эҳтиёт бўлинг: сўз сўйлаётганда ва овқат еганингизда”.

“Муршидлар ҳайвон тарбиячиси каби бўлишлари керак. Ҳайвон тарбиячиси ҳайвонларнинг феълени билади. Муршид ҳар бир талабани унинг қобилият ва истеъдодида кўра тарбиялаши лозим.

ХОЖА МУҲАММАД БОБО САМОСИЙ

Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ҳазратлари Ромитан билан Бухоро орасидаги Самос кишлоғида туғилди.

Ҳижрий 755 (мелодий 1354)да ўша кишлоқда вафот этди.

Тасаввуф илмини устоди Ромитаний ҳазратларидан ўрган эди, юксак даражаларга эришди.

Хожа Азизон Ромитаний ҳазратлари Бухородан Хоразмга ташриф буюрганида, унга йўлчилик қилган Хожа Муҳаммад Бобо Самосий эди.

Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ҳазратлари Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг маънавий фарзандини тарбия этган.

Самосий ҳазратлари Нақшбанд ҳазратларининг отасининг уйи ёнидан ўтаётиб, “бу тупроқдан тариқатга йўлбошчилик қиладиган, ирфон майдони марди хидлари келмоқда”, деган эди.

Нақшбанд ҳазратлари дунёга келганини учинчи куни эса Самосий ҳазратлари “аввал хидини туйган роиҳаи-ирфон бугун янада кўпайди”, деди.

Бу сўзлардан хабардор бўлган Нақшбанд ҳазратларининг бобоси уч кунлик чақалоқни дарҳол Бобо Самосий ҳазратларига олиб борди.

Самосий ҳазратлари севинди:

– Дунёга янги келган бу бола бизнинг ўғлимиздир. Уни фарзандликка қабул этдик. Бу зот тариқатнинг йўлбошчиси бўлажак, ҳар ким унга боғланажак, – деди у.

Кейинроқ у ўзининг энг катта халифаларидан Амир Кулол ҳазратларига:

– Ўғлим Баҳоуддинни сенга топшириб, уни зоҳиран ва ботинан тарбияламоқ сен учун катта вазифадир. Бу ишда қусур этма”, – дея амр этди.

Амир Кулол ҳазратлари буйруқни бажаришга сўз берди.

РИЗОНГ ҚАЕРДА БЎЛСА...

Тариқат пири Хожа Муҳаммад Баҳоуддин ҳазратлари шундай дейди:

– Уйланишни истаганимда бобом (алайҳираҳма) мени Самосий ҳазратларининг ҳузурига йўллади. У билан кўришиш шарафига муяссар бўлганимда, шу каромати зуҳур этди: юксак ҳузурига кетишимдан бир кун аввал, кечаси қалбимда ниёз, йиғи ва тазарру фикри пайдо бўлиб, Самосий ҳазратларининг (жомийсида) масжидида икки ракат намоз қилдим ва “Илоҳи, сенинг балоларингга сабрга хужжат, муҳаббати раббониянгда меҳнатга таҳаммул ва тоқат эҳсон айла”, деб дуо этдим.

Эрталаб, юксак хузурига борганимда, Самосий ҳазратлари:

– Эй ўғил, дуони бундай қилишинг керак эди: “Илоҳи, ризои илоҳиянг нимада бўлса, бу ожиз қулингни ўшанда тут”. Чунки, агар Мавло хикмати комиласи ижоби, қулига бало юборса, яна ўз инояти билан у дўстига балога таҳаммул (чидам) қувватини ҳам эҳсон этади. Қулнинг ўз тилаги билан бало исташи – кустохликдир, – деди.

Ҳазрати Хожа менинг кечаги қилган дуоимни шундай мукошафа этардик, мени тарбия этди.

Кейин бирга емак едик.

Бир нон ортиб қолди. Хожа ҳазратлари “буни ёнингда сакла”, деди.

Мен шундай деб ўйладим: “Биз бу ерда едик, қорнимиз тўйди, энди уй-имизга кетамиз, бу нон бизга нимага керак?”

Йўлда бирга кетаётган эдик. Мен Хожа ҳазратларини адаб билан таъқиб этаётган эдим. Аммо ичимда ҳали ҳам ўша нонни ўйлаб борардим.

Йўлда ошналаридан биттасининг уйига кирди, уй соҳиби бу зиёратдан ниҳоятда мамнун бўлди. Лекин юзида бир бесаранжомлик сезилиб турарди. Хожа ҳазратлари бунинг сабабини сўради. Уй соҳиби:

– Бир коса сутим бор, аммо нон йўқ, бирга ёйишимиз учун, – деди.

– Бизга нимага керак деганинг нон, мана, керак бўлди, нонни унга бер, – деди Хожа ҳазратлари менга.

Хожа Муҳаммад Самосий ҳазратларининг тўртта халифаси бор эди:

Хожа Сўфий Сухорий, ўғли Хожа Муҳаммад Самосий, Хожа Донишманд ва Хожа Амир Қулол ҳазратлари.

Хожа Самосий ҳазратлари 755-ҳижрийда вафот этди. Оллох ундан рози бўлсин.

ХОЖА САЙИД АМИР КУЛОЛ

Силсилаи Саодатнинг, Нақшбандия тариқатининг ўн тўртинчи ҳалқасидир.

Хожа Бобо Самосий ҳазратларининг энг устун халифаларидан эди. Шарият бобида замоннинг энг кучли олими эди.

Ҳазрати Хусайннинг уруғидан бўлиб, кулоллик қилиб кун кечирарди.

Отаси Саййид Ҳамза Солих бир инсон эди, Мадинадан келиб, Бухоронинг Афшона қишлоғига ерлашган эди. Саййид Амир Кулол ҳазратлари Бухоронинг Сухорий қишлоғида туғилди. Ва ҳижрий 772 (мелодий 1370) йилда Сухорийда вафот этди. Қабри ҳам ўша ердадир.

Амир Кулол ҳазратларининг онаси шундай дейди: “Амир Кулолга ҳомила эканман, шубҳали бир нарса есам, дарров қорним оғрирди. Ўша луқмани меъдадан чиқармагунча қорин оғриғидан қутулолмас эдим. Бу ҳол уч марта содир бўлди. Пок ва хайрли бир чақалоққа ҳомила бўлганимни англадим. Ва еганларимнинг ҳалол бўлишига диққат этиб, эҳтиёткор бўлдим”.

Ўша замоннинг машхур валийси Саййид ота ҳазратлари Амир Кулол ҳазратларининг отаси билан дўст эди. У Саййид ота ҳазратлари Саййид Ҳамзага яқинда бир ўғил кўражагини муждалаганда валий унинг отини “Амир Кулол” қўй, дея тавсия қилган эди. Ва айни пайтда бу туғилажак боланинг қатга авлиё бўлажагини айтган эди.

Амир Кулол ҳазратлари 30 километр узокликда яшайдиган устоди Хожа Самосий ҳазратларининг уйига ҳафтада икки марта дарсга бориб келарди.

Ҳожасининг вафотидан сўнгра унинг ўрнида иршод вазифасини давом эттирди.

ОЛЛОҲ ҚЎРҚУВСИ

Саййид Амир Кулол ҳазратлари бир куни талабалари билан машхур авлиё Хайрун ота қабрини зиёрат қилиш учун йўлга чиқди.

Йўл ярмида олдиларига бир арслон чиқиб, йўл ўртасида туриб олди. Талабалар қўрқа бошладилар. Саййид Амир Кулол ҳазратлари арслонга яқинлашиб, унинг ёлидан тутди ва йўлнинг чеккасига чиқариб қўйди. Ва йўлларида давом этдилар.

Арслон бошини ерга қўйиб, уларни кузатиб қолди. Бу воқеанинг хикматини сўраганларга Саййид Амир Кулол ҳазратлари:

– Эй дўстларим, шуни билингки, кимки ҳақиқатан ҳам Оллоҳу Таолодан қўркса, ҳар нарса ундан қўрқар, унга зарар бермас. Оллоҳдан қўрқмаган кимса эса ҳар нарсадан қўрқар, – деди.

ЖАНОЗА НАМОЗИ

Бир кишлоқда солиҳ бир зот вафот этди. У жанозасини Саййид Амир Кулол хазратлари тарафидан ўқилишини васият этган эди. Амир Кулол хазратлари кўп ўтмай пайдо бўлди. Жаноза намозини қилди, марҳумни дафн этдилар.

Амир Кулол хазратлари:

– Биродарларим, Расулulloҳ(саллalloҳу алайҳи вассаллам) “мўмин мўминнинг ойнасидир”, деб айтганлар, – дедилар.

АМИР ТЕМУР БИЛАН МУНОСАБАТИ

Саййид Амир Кулол хазратлари Бухорода жума номозини қилиб, талабалари билан уйига қайтаётган эди. Улар Гулобод билан Фатихобод ўртасида, яшиллик бир ерда бир жамоатга дуч келишди. Жамоат авлиёлик ва қароматлар ҳақида суҳбат этарди. Бу жамоат ичида Амир Темур ҳам бор эди. Йўлдан ўтаётган Саййид Амир Кулол хазратларини кўрган Амир Темур “Булар ким?” деб сўради.

– Саййид Амир Кулол хазратлари, – деб жавоб беришди. Амир Темур дарҳол туриб, фавқулодда бир адаб билан Амир Кулол хазратларига яқинлашди ва деди:

– Эй диннинг буюк олими! Эй тўғри йўлни кўрсатувчи! Бу ерда бир оз тўхтаб, суҳбат этинг, бизга насиҳат беринг, одамлар исътифода этиб, баракатлансинлар! – деди.

– Ҳеч қачон ўзингдан бир сўз сўйлама ва ғофил бўлма. Кўраёпманки, сенинг бошингда буюк бир иш бор, унда муваффақ бўлажаксан, – деб жавоб берди Амир Кулол хазратлари. Кейин йўлида давом этди.

Уйига бориб бир оз дам олди. Кейин чиқиб, жамоат билан намоз қилди. Кейин ёнига шайх Мансур деган бир талабасини чақирди ва унга:

– Тезда Амир Темурга бор. Хоразм тарафга ҳаракат этсин. Агар ўтирган бўлса, ўрнидан турсин, оёқда турган бўлса ҳаракат этсин. Хоразмни олиб, Самарқандга ҳаракат этсин, – деди.

Шайх Мансур бу хабарни Амир Темурга олиб борди. Темур оёқда турар экан, топширилган хабарни айнан етказди. Амир Темур бу хабарни олар-олмас дарҳол қўшинини ҳаракатга кечирди.

Амир Темур кетгандан сўнг, у ўтирган чодирга душманлар ҳужум қилишди. Аммо бу пайт Соҳибкирон йўлнинг ярмидан ўтиб бўлган эди.

Амир Темур Хоразмни олди. У ерни олиб, Самарқандга юрди, у ерни ҳам фатҳ этди. Бу шаклда ҳар куни бир зафар қозониб, ишлари яхши кетди.

ҲАЛОЛ ГЎШТ

Саййид Амир Кулол хазратлари бир кун Шайх Иброҳим деган бир зот яшайдиган Киромон деган бир кишлоққа борди. Ва Шайх Иброҳим Киромонийга:

– Бизга ҳалол эт пишир, – деди.

– Бу қийин иш. Ҳалол эт кам топилади, – деди Киromоний.

– Сен куролингни ол ва овга чиқ. Қушларни чақир, келишса, улардан бир нечасини овла, – деди Саййид Амир Кулол ҳазратлари.

Шайх Киromоний қушларни чақирди, улар келди, бир нечасини овлади ва ҳазрати Амир Кулолга олиб борди.

Бу воқеадан сўнгра, Киromоний:

– Энди қачон овга чиқиб, қушларни чақирсам, қушлар ёнимга тўпланишади, мен ҳам уларни овлайман, – деди.

ТАҚВО ВА АДОЛАТ

Амир Темур Самарқандга ерлашгандан кейин, бир кун Бухорога боришни истади. Саййид Амир Кулол ҳазратларига: “Бизнинг Бухорога келишимизга, ёки ўзлари Самарқандга ташриф буюришларини орзу этмакдамыз – нима ни истасалар, шуни қилайлик”, деган хабар йўллади.

Саййид Амир Кулол ҳазратлари Амир Темурга келишини ва боришини қабул этажани, унга дуо этаётганини ёзди. Бу хабарни етказиш учун ўғли Амир Умарни вазифалантирди. Ўғлига шундай деди:

– Ўғлим, Амир Темурга сўйла, агар Оллоху Таолонинг рози бўлгани йўлда юрмоқ истаса, тақводан ва адолатдан асло айрилмасин. Буларни ўзига шиор этсинки, Қиёмат кун кутила олсин. Агар дунёга майл этса, фойдага қовуша олмас.

Амир Кулол ҳазратларининг ўғли Амир Умар Самарқандга бориб, Амир Темур билан кўришди, отасининг айтганларини етказди. Бир неча кун туриб, Бухорога қайтар экан, Амир Темур унга:

– Бухорони ва атрофини сизнинг амрингизга берайин, қабул этинг, – деди.

– Бунга изн йўқ, – деди Амир Кулол ҳазратларининг ўғли Амир Умар.

– Ундай бўлса, Бухорони Амир Кулол ҳазратларига совға қилайин, – деди Амир Темур.

– Бунга изн йўқ, – деди яна Амир Умар.

– Ундай бўлса, Бухоро яқинидаги сиз истиқомат қиладиган қишлоқни сизга берайин, – деди Амир Темур.

– Отам сиз учун шундай деди: “Агар Оллох одами кўнглида бир ўрин топмоқчи бўлса, тақводан ва адолатдан айрилмасин. Қиёмат кун Оллоху Таолонинг раҳматиға қовушмоқ бу билан бўлади”, – деди Амир Умар.

ИССИҚ НОН

Саййид Амир Кулол ҳазратлари ўзига бир уй қурдирмоқда эди. Бинонинг иншоиси учун кўп одам ишлаётган эди. Бир кун Амир Кулол уйига кетганда, ишчилар: “Агар Амир Кулол ҳақиқатан ҳам вали бўлса, бизга ҳар биримизга биттадан иссиқ нон олиб келади”, дейишди.

Бироз сўнгра Саййид Кулол ҳазратлари келди, кўлида ҳеч нарса йўқ эди.

Ишчилар буни кўриб: “Агар вали бўлсайди, бизнинг орзу этганимиз нарсани биларди”, дейишди.

Амир Кулол хазратлари оёққа калқди:

– Эй сабрсиз инсонлар, шуми сизнинг истагингиз! – деди ва қўлтигидан сиссиқ нонларни чиқариб уларга берди.

Ишчилар тавба қилиб пушаймон бўлишди.

НАСИҲАТЛАРИ

Мухаммад Бобо Самосий хазратларининг талабаларидан бир қисми Сайид Амир Кулол хазратларидан авлиё кароматлари ҳақида сўрашди.

– Авлиёнинг каромати ҳақдир. Ақлан ва нақлан жоиздир. Бу хусусда авлиёдан кўп нақллар бор. Қалби иймон нури билан ойдинланган ҳар ким авлиёнинг кароматига инонади ва бундан шубҳа этмайди. Бунга мисол кўп. Сулаймон алайҳиссаломнинг вазири Асофнинг Сана маликаси Балкиснинг тахтини бир онда Санадан Қуддусга олиб келгани каби мисоллар.

Ҳазрати Умар Мадинада, масжидда хутба ўқир экан, бу пайтда узоқларда душман билан урушган ислом қўшинига “Ё Сариғ тоққа чиқинглар, тоққа!” – дея хайкирган эди. Бу хайқирик юзларча чақирим узоқликдаги ислом лашкарига эшитилиб, мусулмонлар тоққа чекинган эди ва душманнинг ҳужумидан сақланган эди. Бу ҳам бир мисол.

Авлиёнинг каромати Пайғамбаримиз(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) мўъжизаси туфайлидир. Бу пайғамбарнинг пайғамбарлигини тасдиқ этадиган нарсадир. Агар пайғамбар тўғриси бўлмаса эди, авлиёдан каромат ҳосил бўлмас эди. Чунки авлиё – набиға тобеъдир, – деди Амир Кулол хазратлари.

ИЛМ

Сайид Амир Кулол ўлим тўшагида ётаркан, “Илм ўрганмоқ мусулмон эркак ва хотин учун фарздир”, деб шу рўйхатни санади:

1. Иймон ва эътиқод билгилари
2. Намоз ҳақида билги
3. Рўза ҳақида билги
4. Агар бой бўлса, ҳаж ҳақида билги
5. Ота-она ҳаққини ўрганмоқ
6. Силои-рахм (қариндошларга меҳр)
7. Қўшни ҳаққини унутмаслик
8. Керакли савдо-сотикни билиш
9. Ҳалол ва ҳаром

НАСИҲАТЛАРИ

Яхши билинги, дунёни ва дунёга ошиқ инсонларни севиш Оллоҳу Таолонинг рози бўлган йўлида юришга ҳалакит беради.

Доимо Оллоҳу Таолони зикр этинг. Шу ҳолда динингизни дунёга алмаштирмаган бўласиз.

Доимо Оллоҳу Таолодан кўркингиз. Ҳеч бир ибодат Оллоҳ кўркувсидан ҳам таъсирироқ эмас эдир.

Оллоҳу Таолодан кўрққан инсондан чекингиз. Оллоҳу Таолодан кўрқмаган инсондан ҳеч кўрқманг.

Эй дўстларим, “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимаи тавҳидини сўйлар экан, “ла” деганда нафий этинг ва Оллоҳу Таолонинг нуқсонлардан муназзах (ҳоли) эканини ўйланг.

Билингки, кўйлакни сув тозалайди, тилни эса Оллоҳ зикри тозалайди.

Баданингизни намоз, молингизни закот тозалайди.

Ўйлингизни одамларнинг сиздан хушнудлиги ва мамнунлиги тозалайди.

Ихлос соҳиби бўлгунча ихлосни, қутулишга эришгунча қутулишни ахтаринг.

Қалбнинг, тилнинг ва баданининг тозалиги ҳалол лукмага (емакка) боғлиқдир. Ҳалол лукма еган инсоннинг меъдаси ичида тоза сув тўпланган ҳовуз кабидир. Бу ҳовуздан атрофга тоза сув ёйилади, бу сувдан гуллар етишади, дарахтлар мева беради.

Расулуллоҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) бир ҳадисда: “Бир кимса ҳеч ҳаром аралаштирмасдан 40 кун ҳалол озикланса, Оллоҳу Таоло унинг қалбини нурга тўлдиради. Қалбига дарё мисоли ҳикматларни оқизади. Дунё севгисини қалбидан кеткизади”, деганлар.

Тавба этингиз. Тавба бутун тоатларнинг бошидир. Тавба фақат тил билан бўлмас. Ишланган гуноҳлар учун қалбдан пушаймонлик ва бошқа гуноҳ ишламаслик билан тўлу.

Ҳеч бир ишга Оллоҳу Таолонинг исмини сўйламасдан бошланг. Шунда охиратда қилган ишингиздан уялмайсиз.

Оллоҳу Таолонинг амрларига итоат этингиз. Қаерда бўлсангиз бўлинг, илм ўрганмакдан ва унга амал этмакдан узоқ қолманг. Нима бўлса бўлсин, қандай тўсиқ чиқса чиқсин, илм ва амални тарк этманг.

Амри маъруф ва наҳий мункар – яхшиликни амр этиб, ёмонликдан огоҳлантириш вазифасини бажо келтиринг. Ояти каримада шундай буюрилган: **“Эй иймон этганлар, ўзингизни ва уйларингизда ва қўл остингизда бўлганларни оташдан (жаҳаннамдан) кўрингки, унинг ёқажаги инсон ва тошлардир”** (“Таҳрим” сураси).

Ривоят этишларича, Фудай бин Иёд шундай деган: “Ҳаво совуқ эди, Шайх Абдуллоҳни кўрдим. Устида юпқа бир кийим бор эди. Қаттиқ совуқ бўлишига қарамай, манглайдан тер оқар эди.

– Бу совуқда нега терлайсан? – деб сўрадим.

– Бир куни бу ерда бир гуноҳ ишланди, мен унга тўскинлик қилишни истадим, аммо қилолмадим. Бунинг изтиробидан ва бунинг гуноҳидан қандай қутуламан, дея терляпман, – деди”.

Ишларингизни дин амирларига уйғун қилингиз. Бир ишни бошламасдан аввал, қаранг, агар у дин амирларига тўғри келмаса – қилманг.

Бутун ишларнинг боши – дин амирларига итоат этмоқдир, Оллоҳ қўйган чегарадан ошмаслиқдир.

Ақлли киши ўзи ва бошқа инсонлар орасидаги ҳудудга (чегарага) риоят этар. Буни менсимаганлар учун берилажак жазолар ояти карималарда нозил бўлган эдир. Ҳалол ризқ учун ишланг.

– Эй талабаларим, инсонларнинг мақсадга, саодатга эришмаганлари сабаби уларнинг охирад йўлини ташлаб, ёлғончи дунёга ёпишиб олганидадир.

Жохиллар билан кўришиш одамни Оллоҳу Таолодан узоқлаштирар. “Само қилаяпмиз”, дея айланиб, сакраб турган кимсаларнинг мажлисидан узоқ туринг. Улар билан ўтирманг. Улар билан суҳбат қалбни ўлдирар. Бу йўлнинг буюклари бу ишдан узоқ турганлардир.

Ҳақиқатан ҳам “само” ҳолида бўлганлар холи шундайки, уларга пичок урсанг ҳам сезмаслар. Агар ҳоллари шундай бўлса, улар чиндан ҳам “само” ҳолида демакдир.

Рухсатлардан узоқ туриб, азимат билан амал этингиз. Рухсатлар билан амал этмак заиф кишиларнинг ишидир.

Агар бундан ҳам кўпроқ насиҳат истасангиз, Абдулҳолиқ Гиждувоний ҳазратларининг асарларига қаранг. Ақлли инсон учун бу ишорат етар.

ВАСИЯТИ, ВАФОТИ

Саййид Амир Кулол ҳазратлари ўз васиятини айтаётганда ўғиллари Амир Бурҳон, Амир Шох, Амир Ҳамза, Амир Умар ва талабалари ҳозир бўлишди.

Ўғилларидан Амир Бурҳонни тарбиялашни халифаси ва талабаси Баҳоуддин Бухорийга топширди. Амир Шохни – Шайх Ёдгорга, Амир Ҳамзани – Мавлоно Ориф Дехдигаронийга, Амир Умарни эса Мавлоно Жамолиддин Даҳқосонийга ҳавола қилди. Сўнгра ўғилларидан:

– Қайсингиз Оллоҳу Таоло қулларига хизмат этишда менинг вакилим бўласиз? – деб сўради. Ўғиллари:

– Эй яқин йўлнинг раҳбари, бизнинг бунга қандай қучимиз етади? Аммо бу хизматни ким қабул этса, биз унинг хизматига қирайлик, – дейишди.

Амир Кулол ҳазратлари бошини эгиб, муроқабага чўмди. Бир муддат сўнгра бошини кўтарди ва:

– Буюкларнинг руҳонияти Амир Ҳамзанинг бу ишни қабул этишини буюрди, – деди.

Амир Ҳамза буни қабул этолмаслигини айтса ҳам, отаси:

– Бошқа чора йўқ, қабул этасан, бу иш бизнинг қўлимизда эмас, ўзинг ҳам биласан, – деди Амир Кулол ҳазратлари.

Ва ўз хонасига чиқди. У ерда уч кеча ва уч кундуз ташқарига чиқмади.

Эртаси куни эрталаб Амир Кулол ҳазратлари вафот этди.

ХОЖА МУҲАММАД БАҲОУДДИН ШОҲ НАҚШБАНД

Отасининг исми Муҳаммад, бобосининг исми ҳам Муҳаммад эди, ўзининг исми Муҳаммад – Баҳоуддин Шоҳ Нақшбанд ал – Бухорий.

Саййид Амир Кулол ҳазратларининг талабасидир.

Бухоронинг Қасри Орифон муҳаррам ойида, хижрий 717 (мелодий 1317) йилда туғилди.

Авлиёulloҳнинг энг буюги бўлган шоҳ Нақшбанд ҳазратлари тариқатнинг имоми ва йўлбошчиларидан эди.

“Равзатул ислом” асарига кўра, насаби бир нечта восита билан Имом Жаъфар ҳазратларига бориб тақалади.

Нақшбанд ҳазратлари тариқати зохирда аввал Муҳаммад Бобо Самосий йўлига кирди, сўнгра Саййид Амир Кулол билан давом этди. Асос иршоди эса Абдулҳолик Ғиждувоний ҳазратлари билан амалга ошди.

ҲИДОЯТ

Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари шундай ҳикоя қилади:

– Ҳали 18 ёшда эдим. Бобом мени Самосга йўллади. У ердаги ориф, машхур муршид, шайх Муҳаммад Бобо Самосийга хизмат этишим учун юборди.

– Унинг ёнига борганимда куёш ботмаган эди. Муршиднинг баракати билан ичимда бир сукунат, хузур, Оллоҳу Таолога қайтишни хис этдим.

Бир куни сахар вақти туриб таҳорат олиб, Самосий ҳазратларининг муридлари тўпланган масжидга кетдим. Илк такбирни олдим, намозга бошладим. Саждага бориб, Оллоҳу Таолога кўп ёлвордим, тилимга шундай бир дуо келди:

– Оллоҳим, бало юкини кўтармоқ учун, севги меҳнатини чекмоқ учун менга куч эҳсон айла!

Кейин бомдод намозини Муҳаммад Бобо Самосий ҳазратлари билан қилдим. Намоз битгандан сўнгра Шайх ҳазратлари менга бурилиб:

– Ўғлим, “Оллоҳим, бу ожиз қулингга ризоингга мувофиқ амаллар ишлашни насиб айла”, деб дуо қилсанг тўғри бўлади. Чунки Оллоҳу Таоло қулини бало ичида бўлишидан хушнуд бўлмайди. Аммо севган бир қулига бало берса, ўша балони ташиш учун етарли куч ҳам беради, балодаги ҳикматни ҳам унга тушунтиради. Шу боис, бир қулнинг балони танлаши тўғри бўлмагани каби, адабга ҳам уйғун эмас, – деди”.

ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

Муҳаммад Баҳоуддин Шоҳ Накшбанд ҳазратлари шундай хотирлайди:

– Ҳақиқий маънода уйғонишим шундай юз берди: сокин ва сассиз бир ерда бир дўстим билан ўтириб, суҳбатлашаётган эдим. Шу пайт менинг қалбимда “сенинг бизга қайтишинг учун ҳали ҳам вақт келмадим”, деган бир фикр пайдо бўлди. Бу фикрдан кейин мени бир улуг ҳол қамради.

Ўтирган жойимда тез туриб, югуриб ташқарига чиқдим. У ерда, яқин бир жойда сув бор эди. Ғусл олдим. Кўйлагимни ҳам ювдим.

Икки ракат намоз қилдим.

Орадан йиллар ўтди. Яна бир марта ўшандай икки ракат намоз қилишни истадим. Аммо мумкин бўлмади.

УНИ БУ ЕРДАН ЧИҚАРИНГ

Бир куни жазба ҳолида, ўзимни йўқотдим. Шуурсиз бир шаклда чиқиб кетдим, ҳар ерга бордим. Тиканларни босиб, оёқларим яра бўлди.

Кейин окшом тушганда, ичимда Саййид Амир Қуллолни зиёрат этиш истаги пайдо бўлди. Қиш пайти эди, совуқ эди. Устимда эски бир пўстиндан бошқа нарса йўқ эди.

Амир Қуллолни қўноғига бордим. Муридлари орасида ўтирарди. Мени кўриб, “бу ким?” деб сўради. Мени танитдилар. “Буни бу ердан чиқаринг!” – деб буйруқ берди.

Мен ташқарига чиқдим.

Нафсимнинг бу йўлдан нафрат этиши, йўлдан озишидан, таслим бўлган бўйини бўйинтуруқдан чиқариб олишидан кўрқдим. Шу пайт Оллоҳнинг ёрдами етишди. Ўз-ўзимга дедим:

– Оллоҳу Таолонинг ризосини қозониш учун ҳар қандай машаққатга чидайман. Бу эшиқдан айрилмоғим имконсиздир.

Сўнгра бошимни тавозъ билан синиқ кўнги билан у юксак копунинг бўсағасига, остонасига қўйдим. Ва ичимда шундай деб ўйладим.

– Бошимни бўсагадан кўтармайман, бошимга нима келса, келсин – эътибор қилмайман.

Устимга паға-паға қор ёғарди, ҳаво совуқ эди. Бўсагадан кимирламадим. Саййид Амир Қуллол ташқарига чиқди. Оёғини бошимга босди. Сўнгра чора кўриб, бошимни бўсагадан кўтарди ва уйга олиб кирди, менга мужда берди:

– Бу саодат либоси сенинг устун қийматингни билдиради, – деди у.

Сўнгра муборак қўли билан оёғимдан тиконларни олди, яраларни силади ва маънавий ёрдам этди. Шу қадар лутфлар қилдики, таърифлаш қийин.

ТИКАНЛИ ЎТИНЛАР

Мен Бухорода эдим. Саййид Амир Қуллол эса Насафда эди. Бир кун Саййид Амир Қуллолни зиёратига кетайин, деган фикр келди. Тез йўлга чиқдим.

Мақомига бориб, унга салом берганимда, у менга шундай деди:

– Ўғлим, таом вақтида келдинг. Овқат пиширмоқчимиз, бизга ўтин керак...

Мен дарҳол ўтин тўплашга кетдим. Ўтин тиканли эди, елкамга санчилди, аммо ўтинларни келтирдим. Ўтинни орқалаб келаркан шундай дер эдим:

Жамол Каъбаси ғоям
У мени чоптирган –
Орқамдаги ип ва тикан
Мени жўштирган!

ҚАБЛАРНИ ЗИЁРАТ

Сулук (талабалик) давримнинг илк кунлари эди. Ҳоллар оғир босган эди. Бухоронинг атрофини айланиб, таскин топишга ҳаракат қилардим. Бир куни кечаси Муҳаммад бин Восийнинг қабрини зиёрат қилдим. У ерда қандил ёниб турган эди, ичида етарли ёғ бор эди, пилиги ҳам узун эди. Аммо пилигини бироз чиқариш керак эди, шунда атрофни яхшироқ ойдинлатиши мумкин эди.

Мен эшакдан тушдим. Қиблага қараб ўтирдим. Бу таважжух асносида ҳушимдан кетдим, туш кўрдим. Қибладаги девор ёрилди, қатта туя чиқди, устида баҳайбат жуссали бир одам бор эди. Салласининг кесилган бир учи билан ўзини буркаган эди. Туянинг атрофида бир жамоат бор эди. Улар орасида Муҳаммад Бобо Самосий турарди.

АМИР КУЛОЛДАН СЎНГРА

Шайх Маҳмуд Анжир Фағнавий замонидан Саййид Амир Кулолга қадар жамоатда жаҳрий (очик, сасли) зикр қилинарди. Аммо дарвешлар жамоатдан айри зикр қилганларида хофий (гизли) зикр қилинарди.

Шайх Нақшбандий тарикатга бош бўлгандан кейин зикрнинг оғир шаклини – гизли зикрни танлади.

Саййид Амир Кулол тарбиясидан сўнгра Шох Нақшбанд ҳазратлари Мавлоно Ориф Диккироний билан етти йил суҳбат этди. Бу хусусда Шох Нақшбанд ҳазратлари шундай дейди:

“Мавлоно Ориф суҳбатларидан сўнгра Шайх Қусамнинг суҳбатига кирдим. Бир кеча тушимда Ҳақим отани кўрдим. Ҳақим ота турк шайхларининг буюкларидан эди. У тушимда менга бир дарвешни тавсия қилди. Уйғонганимда бу дарвешнинг сувратини муҳаййила..... кўрдим.

Менинг бир энагам бор эди.

Кўрган тушимни унга айтдим.

Ўғлим, яқинда сенга Турк шайхларидан насих келажак, – деди у.

Мен ўша дарвеш билан кўришишни кўп орзу қилдим, кутдим. Ниҳоят, унга Бухорода дуч келдим. Дарров танидим. Унинг исми Халил ота эди. Уни кўрдим, аммо у билан қолиш истаги келмади. Уйга кетдим. Аммо ҳали ҳам ўша дарвешни ўйлардим.

Оқшом пайти бир шахс келди ва менга:

Дарвеш Халил сени чакиряпти, – деди.

Унинг берган зиёрат ҳадясини олдим ва дарҳол унинг ёнига бордим. У менга туркча шундай деди:

– Кўрган тушингни биламан, айтиб беришинга ҳожат йўк.

Биз суҳбатлаша бошладик. Унинг сўзларидан ниҳоятда таъсирландим. Унинг суҳбати билан устун ҳолларга эришдим.

Сўнгра Моварауннаҳр халки уни ўзларига раҳбар қилиб кўтарди, у султон бўлди. Ўша пайтда ҳам унинг ёнидан айрилмадим. Унинг салтанати кунларидан ҳам ундан буюк ҳоллар олдим. Қалбим унга нисбатан севгига тўлди.

Халил ота ҳам мени тарбиялашда устун ғайратлар кўрсатди, ҳолларимни устун этишга ҳаракат қилди, менга шафқат билан муомала этди. Менга кўп марта хизмат адабларини ўргатди.

Олти йил Халил отанинг суҳбатларида қолдим. Салтанати даврида, зоҳирда унинг хизмат адабларига риоя этар ва бирор қусур ишламасликка ҳаракат этардим. Унинг тор доирадаги, махсус суҳбатларида қатнашардим. Сараланган муридлари орасида шундай дерди:

Ҳар ким Оллоҳ ризоси учун менга хизмат этса, у халқ орасида буюк бўлади.

Мен унинг бу сўзи билан мени айтмоқчи бўлаётганини англаган эдим. Султонларга ҳурмат унинг салтанати учун бўлмаслиги керак. Чунки улар султонлар султони Оллоҳнинг жалол сифатининг зухур этган жойидир.

Орадан бир муддат ўтгандан кейин Халил отанинг ҳокимияти чўкди. Ва ҳоллар ўзгарди. У дабдаба, у салтанат бир онда тупроққа айланди. Бу воқеа менда дунёга нисбатан ғани кўнгилли ва зоҳир бўлиш орзусини туғдирди.

Дунё ишларига қарши ичимда бир бегоналик пайдо бўлди.

Бухорога қайтдим. Зивортунда яшай бошладим.

Кунларнинг бирида Оллоҳу Таолонинг севган қулларидан бири билан кўришдим. У пайтлар жазба ҳолим анча юксак эди.

– Кўринишингдан сен асхобдан биттасини эслатаяпсан, – деди у киши.

– Оллоҳ дўстларининг ҳиммат назарига учрасам, умид қиламанки, айтганинг каби бўларман, – дедим мен.

– Вақтинг қандай кечаяпти, нималар қилаяпсан? – деб сўради у.

– Топсам шукр этаман, топмасам сабр қиламан, – дедим.

У киши қулимсиради ва:

– Бу осон. Муҳим бўлган иш эса, нафсингни бироз кийнаб, бир ҳафта ейиш-ичишга нарсга тополмасанг ҳам, нафсингнинг сенга қарши бош кўтармаслигидир, – деди.

Бу сўзларидан сўнгра унга тавозеъ кўрсатдим, ундан ёрдам истадим.

– Кўнгил олишга интил, кучсизларга ёрдам эт, заифларни, кўнгли синикларни ҳимоя қил. Булар шундай кишилардирки, халқдан ҳеч бир даромади йўк. Шу билан баробар, улар сукунат, тавозеъ, синиклик ичида яшайдилар. Уларни ахтар ва топ, – деди у зот.

Унинг бу амрига риоя этдим. У айтган йўлда узоқ муддат ишладим. Кейин у менга хайвонларни боқишни буюрди. Уларнинг хасталикларини даволашни амр этди. Бу хизматни ҳам бажо келтирдим.

Бу пайтларда шундай ҳолга келдимки, йўлда бир итни кўрсам, тўхтаб, уни ўтказиб юбориб, кейин юрардим. Бу ҳол етти йил давом этди.

Кейин у зот ўз уйдаги итларга хизмат қилишимни буюрди ва шундай деди:

У кўпаклардан биттасини боқар экан, буюк бахтиёрлик ҳис этажаксан.

Унинг бу амрини ҳам бажо келтирмоқ учун ғайрат қилдим. Унинг ишоратидаги маънони англадим. У берган мужданинг содир бўлишини кутдим.

Бир кўпакнинг ёнида мени буюк бир ҳол қамради. Кўпак қаршисида қаттиқ бир йиғи келди. Мен йиғлар экан, кўпак куларди. Кўпак чалқанча ётиб, оёқларини кўкка узатди. Сўнгра ҳазин саслар чиқариб, йиғлай бошлади. Мен кўлларимни очдим, тавозеъ билан:

– Омин! – дедим.

Ит жим бўлди ва айланиб оёққа турди.

Яна бир кун уйдан чиқиб, бир ерларга кетдим. Йўлда бир қулоғи тешиқ кўй кўрдим. Қуёшга ошиқ бир кўй. Қуёшнинг гўзаллигига хайрон эди. Қуёшга чўмилиб турарди. Қуёшнинг рангига қараб, унинг ҳам ранги ўзгарар эди. Уни бу ҳолда кўриб менга буюк вожз келди.

Ўз-ўзимга шундай дедим:

– Бундан шафоат истайин, у ҳозир шафоат мақомидадир.

Шундай деб, қаршисида том бир адаб ва хурмат билан турдим. Кўлларини кўтарди. Шу пайт у чўмган оламдан чиқди, чалқанча ётди, юзини кўкка қаратди. У бу ҳолда экан:

– Омин! – дедим.

Бу воқеадан кейин у зот мени йўлда одамларнинг ўтишига халакит берадиган нарсаларни олиб ташлаш билан шуғулланишимни буюрди. Шу қадар ишладимки, этагим йўлларнинг тош ва тупроқларидан тоза турганини ҳеч ким кўрмади.

Хуллас, у буюк зот менга нени амр этди эса, бу ишни том садоқат билан, тоза ният билан адо этдим.

Буларнинг гўзал оқибатларини кўрдим, ўзимдаги юксалишни ҳис этдим.

МУЗДА ҒУСЛ

Бир кечаси дўстларим билан бирга Зивортундаги уйда эдик. Уйқуда экан, ғусл олишни лозим қилган бир ҳол юзага келди.

Ғусл олиш учун ташқарига чиқдим.

Қаттиқ қиш эди, сувлар музлаган эди.

Қаерга борсам, ҳамма жойда сувлар дўнган эди. Музни синдирадиган бир нарса ҳам тополмадим.

Бу хусусда дўстларимга ҳеч нарса айтмадим. Уларга юк бўлишни истамас

эдим. Устимда эски пўстиндан бошқа нарса йўқ эди. Зивортунда сув тополмай, Қасри Орифондаги уйимга келдим. У ерда музни тешишга бир нарса қидира бошладим. Оиламга ҳам ҳеч нарса айтмадим.

Нихоят, масжиднинг ёнида сув оладиган бир челак топдим. У билан музни синдира бошладим. Анча қийин бўлди. Ҳатто қўлим ҳам яраланди. Охири, челакда ҳовуздан сув олишга муваффақ бўлдим.

Ғусл олдим.

Қаттиқ музладим.

Ғусл олиб, у пўстинни кийдим. Айни соатда, бу шиддатли совуққа карамай, Қасри Орифондан Зивортунга қайтиб келдим.

ФАНОИ ҲАҚИҚИЙ

Турли ҳолларга кириб турган бир тушда (ўз қабрини айтяпти) эдим. Бир илохий лутф келди. Шундай бир ҳол келдики, на ўтиролдим, на бирор нарса билан машғул бўлолдим.

Қарорсиз бир ҳолатда ўрнимдан турдим. Нега турганимни ҳам билмайман. Дарров қиблага бурилдим, бир ерга ўтирдим. Айни пайтда ўзимдан кетдим.

Мана шу онда фано ҳолини топдим.

Ҳақиқий маънода Оллоху Таолонинг борлиғида эриб, йўқ бўлдим.

У онда ўзимни нурдан бир денгиз, бир юлдуз каби кўрдим. Сўнгра у денгиз ичида эридим, битдим.

Менда зоҳирий ҳаётдан асар ҳам қолмади.

У ердагилар менинг бу ҳолимни кўриб, йиғлай бошладилар, бақириб-чақира бошладилар. Олтисоат сўнгра секин-аста менинг башарий (инсоний) ҳолим қайтиб келди.

ҚИПЧОҚЛАР ИСТИЛОСИ

Қипчоқ аскарлари Бухорони қуршаб олдилар. Вазият шу қадар оғир эдики, халқ уйларининг томларини ҳожатхона ўрнида қўллана бошлаган эди.

Бу аснода шоҳ Накшбанд ҳазратлари намоз учун тайёрлангани бир томда ўтирар эди. Ёнига иккита самимий кишини чақирди, улар илм билан машғулдилар. Уларга:

– Шу ўтирганимиз том атрофидаги қўшни томлар устидаги ахлатларни тозаланг, – деди. Сўнгра илова қилди:

– Бухоро мадрасаларининг ҳожатхоналарини мен кўп тозоладим. Бу йўлда ҳақ йўлчиси бўлган талабага боримни харжладан, бир нарсага эга бўлмасликдан ғайрат кўрсатишдан бошқа нарса фойда бермас. Мени бу эшикдан ичкарига киритдилар ҳолос, эришганимга шу айтганим шаклда эришдим, – деди Шоҳ Накшбанд ҳазратлари.

У яна шундай деди:

– Бу йўлда борлиқни йўқ этмоқ, нафснинг борлигини кўрмаслик – қабул давлатининг, эришмоқнинг сармоясидир.

Бу мақомда мен борлиқларнинг ҳар бир табақасига нафсимни боғладим, уларни ёнма-ён қўйиб қарадим. Қарасам, бу борлиқларнинг ҳар бири нафсимдан яхши экан.

Кейин нафсимни ортиқ сарқит табақасига чиқдим. Кўрдимки, уларнинг ҳам бир фойдаси бор, аммо менинг нафсимнинг ҳеч фойдасини кўрмадим.

Сўнггида қўпакдан қолган сарқитга келдим. Ўз-ўзимга шундай дедим: “Бунинг нима фойдаси бор?”

Сўнгра хулосага келдим:

Менинг нафсим ҳам шундай бир нарса!.. аммо кейин ўрганишимча, у сарқитнинг ҳам фойдаси бор экан. Аммо нафсимдан ҳеч бир фойда йўқ.

ҲИММАТНИ ЮКСАК ТУТИНГ

Агар ҳимматингизни юксақ тутмасангиз, ўйинингизни катта ўйнамасангиз, сизга ҳаққимни ҳалол этмайман. Устун ҳимматда шундай бўлишингиз керакки, оёқларингиз билан бошимга босиб, истаган мақомингизга чикмоғингиз керак, – дея буюрди Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари.

ЮКСАК ҲОЛЛАРИ

Мухаммад Баҳоуддин шоҳ Нақшбанд ҳазратларининг манкибаларини тўплаган Мавлоно Салоҳ шундай дейди:

– Ҳижратнинг 709 (мелодий 1387) йили эди, Шоҳ Нақшбанд ҳазратларининг ёнида эдим. Шу гапларни эшитдим: “Йигирма йилдан бери мен Ҳақим Термизийнинг изини таъқиб этаман. Унинг “меники” деяжаги бир сифати йўқ эди. Шу онда мен ҳам шунақаман”, деган эди.

Унинг бу гапларини тушунган тушунди, тушунмаган тушунмади.

НАФС

Бир қудсий ҳадисда шундай дейилди:

“Нафс – сенинг уловингдир, унга шафқат билан муомала эт”.

Буни Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари шундай изоҳлади:

– Бу ерда кўзда тутилган “нафс” мутмаин бўлган нафсдир. У нафс “Юсуф” сурасининг 53 – оятида айтилган “фақат Роббимнинг марҳамат қилгани нафс мустасно” амри билан шарафланган эдир.

“АЗО” НИНГ МАЪНОСИ

Расулуллоҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) бир ҳадиси шарифларида “азият берган нарсани йўлдан четга улоқтир”, деганлар.

Нақшбанд ҳазратлари бу ҳадисни шундай йўримлади (изоҳлади): “ “Азо” калимасининг маъноси бу ерда нафсдир. “Йўл” сўзи эса ҳақ йўлидир.

Ваҳоланки, Боязид Бастомий ҳазратларига ҳам “Нафсингни улоқтир ва кел”, дейилган эдир.

ТЎРТА ИФОДА

Ҳазрати Абу Бакр Сиддик: “Кўрганим ҳар нарсадан аввал Оллоҳни кўрдим”, деган. Ҳазрати Умар: “Кўрганим ҳар нарсанинг сўнггида Оллоҳни кўрдим”, деган. Ҳазрати Усмон эса: “Кўрганим ҳар нарса билан баробар Оллоҳни кўрдим”, деди. Ҳазрати Али: “Кўрганим ҳар нарсада Оллоҳни кўрдим”, дея эътироф этган эдир.

Бу турли мазмунда ифодалар ҳақида Шоҳ Накшбанддан сўраганларида, у:

– Бу турли кўришлар, аслида, айнидир. Фарқ фақат сўздадир. Бу фарқ улар бошдан кечирган ҳоллардан келиб чиққандир, – деди.

СЕВГАНЛАРНИНГ ҲОЛИ

Шоҳ Накшбанд ҳазратлари шундай дейди: “Жаноби Ҳакми севган балони севди”, демакдир. Бу кудсий шарифда шундай таърифланган:

“Мени севганини балога учратаман”. Айни маъно бошқа бир ҳадисда шундай ифодаланди:

“Бир киши Расулуллоҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг ёнига келиб, “Эй Оллоҳнинг расули, сени яхши кўраман”, деди. Расулуллоҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) унга: “Ундай бўлса йўқсилликка ҳозирлан”, – деб жавоб берди.

Иккинчи бир одам келиб, “Ё Расулуллоҳ, мен Оллоҳни севаман”, деди. Расулуллоҳ унга: “Ундай бўлса, балога ҳозирлан”, деб жавоб берди.

МЎМИННИНГ ФАРОСАТИ

Шоҳ Накшбанд ҳазратларидан: “Оллоҳнинг вали қуллари кўнгиллардан кечган ҳаёллардан, гизли амаллардан, гизли ҳоллардан қандай вокиф бўлади?” деб сўрашди.

– Оллоҳу Таолонинг уларга берган фаросат нури билан вокиф бўлишади. Пайғамбаримиз Расулуллоҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) “Мўмин қулнинг фаросатидан кўркинг, чунки, улар Оллоҳнинг нури билан боқарлар”, – деганлар.

КАРОМАТ

Бир куни Шоҳ Накшбанд ҳазратларидан бирор каромат кўрсатишни илтимос қилишди.

– Шунча гуноҳ билан ҳам ер юзида сийланиб юраяпмиз, ундан ҳам катта каромат бўлиши мумкинми? – деб жавоб берди Шоҳ Накшбанд.

СЎФИЛАРНИНГ БАЪЗИ СЎЗЛАРИ

Шоҳ Накшбанд ҳазратларидан: “Сўфий яратилганлардан эмас” жумласининг маъноси нима?” деб сўрашди.

– Сўфийларнинг баъзи ҳоллари борки, у ҳол ичида сўфийларнинг ўзи йўқдир. Юқоридаги сўз бу ҳолга, бу вақтга оид ўлароқ айтилган эдир ҳолос.

Ҳолбуки, сўфий ҳам, бошқа махлуқотлар каби, яратилган эдир, – деб жавоб берди Шох Нақшбанд.

МАЖОЗ

“Мажоз – ҳақиқатнинг кўпригидир. Бу ерда “мажоз” сўзини “модда” ўлароқ қабул қилиш лозим”.

Бу жумлани Шох Нақшбанд ҳазратлари шундай изоҳлади: “Зоҳирда, ботинда, иш ва сўз шаклида қилинган ибодатларнинг ҳаммасини модда сифатида кўриш, мажоз деб билиш керак. Бу ҳақ йўлчиси сулук (талаба) булардан ўтмагунча, ҳақиқатга етиша олмайди”.

ДАРВЕШЛАР

Шох Нақшбанд ҳазратлари дарвешлар ҳақда шундай дейди:

– Дарвеш фақирлар нақдига ишлайдилар, ишни эртага қолдирмаслар. Шу боисдирки, сўфий зоти бу куннинг одамидир, – дерлар.

НИЯТ

Шох Нақшбанд ҳазратлари яна шундай деди:

“Ниятни тузатиш мақсадга етиш учун муҳимдир. Ният ғайб оламидан келади, ишлаб қозониш юртидан эмас... Бу сабабдан ислом буюқларидан Ибн Сирин Ҳасан Басрининг жаноза намозини қилмади. Сабабини сўрашганда, Ибн Сирин “ниятим йўқ эди”, – деб жавоб берди.

Шайх Саҳл Густарийдан “Ният нима?” деб сўрашганда, Шайх:

– Ният – нурдир. Ният сўзидаги “Нун” ҳарфи Оллоҳнинг нуридир. “Йо” ҳарфи Оллоҳнинг қўлидир. “ҳо” ҳарфи Оллоҳнинг ҳидоятидир. Ва ният – руҳдан келган бир шабададир.

ДАРВЕШ

Муҳаммад Баҳоуддин Шох Нақшбанд ҳазратлари муридларига:

– Фақир дарвеш кимдир? – дея савол берди. Муридлар орасида жавоб берган бўлмади. Шунда Шох Нақшбанд ҳазратлари:

– Дарвешнинг ичиди уруш бор, ташида эса – сулҳ.

НОФИЛА ИБОДАТЛАР

Ҳақ йўлчиси сулук (талаба) баъзи пайтларда нафила ибодатларни тўхтатиши мумкин. Бунинг сабаби, табиий ҳолатининг унга кўникишидир. Яъни нафила намозини кўникма ҳолига, келтириб, фақат улар билан чекланиб қолмасин. Зеро, ҳақ йўлчиси жон йўлдоши деб, Ҳақни билажак, амалларни эмас. Шу боисдирки, Расулуллоҳ(саллаллоху алайҳи вассаллам) “Кўзимнинг нури, намоз”, деганлар, “Кўзимнинг нури намозлар”, демаган.

ТЕЛБАНИНГ ШЕЪРИ

Бир телба Шоҳ Накшбанд хазратларининг хузурида шу байтни ўқиди:

Хушланар ҳар ким, ҳар кас хуш нарсалардан фақат,
Буюк ўйнаганлар эса бошқа нарсдан хушланажак.

Шоҳ Накшбанд хазратлари:

– Биз бу йўлда бу тур сўзлар соҳибидан фойдаландик, – деди ва муридларига телбанинг ўқиган шеърини ёдлашни амр этди.

Сўнгра шундай деди:

– Кимки фақат ўзини ўйласа, ўзини ўйламаган бўлади. Аммо бошқалар ҳақда ўйлаган ўзини ўйлаган бўлади.

Оллоҳу Таоло мени дунёни боқиб учун яратди, инсонлар эса мenden бу дунёнинг тикланишини истаяптилар”.

ОЙНА

Бутун нарсаларнинг ойнаси икки юзlidir. Бизнинг ойнамизнинг эса олти юзи бор. Қирқ йилдан бери ойнамга боқмоқдаман, мушоҳада этмакдаман. Унинг устида ишламоқдаман. Борлик ойнам ҳеч бузилмади.

Бир киши Оллоҳни таниса, ҳеч нарса унга қўрқув сололмайди.

АДАБ ҲАҚИҚАТИ

Адабнинг ҳақиқати – адабни тарк этмақдир, яъни самимий бўлмоқдир, ихлос соҳиби бўлмоқдир. Адабга кўрсатиш, кўз-кўз қилиш аралашини мумкин.

БОРЛИК

Ибодатга борлик ахтарилади.

Убудиятда борлик харжланади.

Борлик бор экан, амалдан яхши натижа олиш қийин.

ОРИФЛАР

Шоҳ Накшбанд хазратлари яна шундай деди:

– Ориф зотларни маъруфларига етказган йўл шу уч нарса устига қурилган:

Мууроқаба. Бу билан давомли шаклда Жаноби Ҳақнинг борлиги кузатилади, яратилганлар (махлуқот) эса унутилади.

Мушоҳада. Бу қалбга қирган илоҳий эҳсонлардир. Аммо ҳар нарса ўзгариб турганига кўра, у эҳсонлар ҳам қолувчи (собит) сифатлар бўлолмайди.

Муҳосаба. Бу биз яшаган ҳар бир соат, ҳар онҳар нафасимизни ҳисобга тортиш демақдир. Вақтимиз, ҳар онимиз ҳузурдами ёки паришонликдами кечди, дея ўйлашимиз керак. Қусурларимизни кўрган заҳот, ишга киришмоғимиз лозим.

АДАБЛАР

Бу йўлимизда учта адаб бор:

Оллоҳга нисбатан адаб. Бунда мурид куллигини том бажо келтириш учун ғайрат қилиши керак. Оллоҳнинг амрларини бажо келтиражак, таъқиқланган нарсалардан қочажақдир. Жаноби Ҳақнинг зотидан бошқа ҳеч бир нарсани кўнглига киритмаяжак.

Расулуллоҳга нисбатан адаб. Бу “Оли Имрон” сурасидаги 31-оятда буюрилган “Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи, меҳрибондир””.

Амр ижоби, унга тобе бўлиш мақомида йўқ бўлиш, ҳар ҳол ва замонда унга тобе бўлишни вазифа билмақдир.

Шуни билиш керакки, Расулуллоҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) Жаноби Ҳақ ила куллари орасида бир воситадир. Усиз бир жойга бориш қийин.

МУҶДА

Узоқдан, яқиндан бизни севган, бизга боғланган, майл этган ким бўлса, уни ҳар кунда, ҳар кечасида қузатиб, унга доимий бир шафқат, тарбия кўзи билан ёрдам этамиз.

Фақат бир шартимиз бор: у киши ўзини ёмонликдан кўрисин, ёрдам йўлларини ёпмасин, бу йўлларни моддий манфаатдан, кир ва зангдан тозаласин”.

ҲАҚИҚИЙ РЎЗА

“Рўза мен учундир, унинг мукофотини фақат мен бераман”, деган қудсий ҳадиснинг маъносини Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари шундай тафсир этади:

“Бу ерда ҳақиқий рўзага ишорат бор. Ҳақиқий рўза – Жаноби Ҳақдан ташқарида бўлган ҳеч бир сифатга кўнгили эшигини очмасликдир”.

УММАТ

Расулуллоҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) икки ҳадиси шарифида шундай деган:

“Умматим залолат устида бирлашмас”.

“Умматимнинг жаҳаннам оташидан олажаги насиб Иброҳим алайҳиссаломнинг Намруд оташидан олган насиби қадардир.

Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари бу ҳадиси шарифларда айтилган “уммат” тавбасини шундай изоҳлайди:

“Бу Қуръонга бўйсунган, суннатга тобе умматдир. Зеро, уммат, асосан, уч хилдир.

Даъват уммати. Бунга кофирлар кирази.

Ижобат уммати. Бу гуруҳга амалсиз, ибодатсиз кимсалар кирази.

Мутобаат уммати. Бу гуруҳга Куръон амрларини бажо келтирган, суннатга кўра ҳаракат этганлар, ҳалолни ҳалол, ҳаромни ҳаром деганлар қиради. Асл уммат булардир”

НАМОЗДА ҲУЗУР

“Бир кул намозда ҳузурга эришиши мумкинми?” деган саволга Шох Накшбанд ҳазратлари шундай жавоб беради:

– Тўрт хусусга диққат этилса, намозда ҳузурга эришиш мумкин:

Доимо ҳалол емак ейиш.

Намоз ўқимаган пайтда ҳам Оллоҳни унутмаслик.

Таҳорат олар экан, Жаноби Ҳақни унутмаслик.

Илк такбирни олар экан, Оллоҳу Таоло ҳузурда тургандек турмоқ билан намозда ҳузурга эришиш мумкин”.

БУ ЙЎЛГА ҚАНДАЙ КИРИЛАДИ?

Шох Накшбанд ҳазратлари “Сизнинг йўлингизга қандай кириш мумкин?” деган саволга “Расулуллоҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг суннатларини тадбиқ этиб кириш мумкин”, дея жавоб берди.

ШОҲ НАҚШБАНДНИНГ БАЪЗИ ҲОЛЛАРИ

Муҳаммад Баҳоуддин Шох Накшбанд ҳазратларининг зуҳд ҳоллари кўсурсиз, гани кўнгилли эди. Бутун ишларида шубҳали нарсалардан қочарди. Айниқса, ейишда, ичишда жуда ҳассос ҳаракат қиларди. Арпа нони ва ловиядан бошқа нон емас эди. Арпани ҳам, ловияни ҳам ўзи экарди. Эккани арпанинг, ловиянинг тухумини, экилишини, суғорилишининг ҳалол йўлдан келган ва амалга оширилганига эътибор берарди.

Қанча-қанча олимлар унинг ҳалол емагидан ейиш учун зиёратига келишарди.

Дунёликдан уйда ҳеч нарсаси йўқ эди. Фақирларни ва фақирлик ҳолини севарди. Муридларини ҳам шунга ташвиқ қиларди. Ҳалол йўлдан еб-ичишга даъват этарди. Бунга далил сифатида Расулуллоҳ(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг “Ибодат ўн бўлимдир, уларнинг тўққизтаси ҳалол маошдир. Биттаси – бутун ибодатлардир”, ҳадиси шарифини келтирарди.

– Нимага эришган бўлсам, ҳалол луқма туфайли эришдим, – дер эди Шох Накшбанд ҳазратлари.

ҲАЛОЛ ЕМАК

Фақир дарвешларнинг емаklarини ўз қўли билан тайёрларди, дастурхонларини шахсан ўзи безатарди. Фақирлар дастурхон атрофига ўтирганда, уларга ҳузурли бўлишни тавсия қиларди. Ҳузур мавзуси устида кўп тўхталарди.

Дастурхон атрофидагилардан бири ғафлат ҳолида бир луқма олса, уни кашф йўли билан билиб, дарвешни огоҳлантирарди, ғафлатда овқат емасликни танбех этарди.

Фойдали ишлар фақат ҳалол емакдан вужудга келади. Бу ўз навбатида емакни ҳузур билан ейишга боғлиқ.

Қулга ҳузур ҳалол емакдан келади. Ҳалол емакдан келиши емакни ҳузур ичида ейишга боғлиқ. Қулнинг доимо хушёр бўлиши, айниқса, намозда ҳузурли бўлиши – ҳалол емакни ҳузур ичида ейишига боғлиқдир.

МАМИК ҲУСАЙННИНГ ЗИЁРАТИ

Муҳаммад Баҳоуддин Шох Накшбанд ҳазратлари Ҳиротга келган эди. Султон Ҳусайн олим ва машойихларни чакириб, бир зиёрат берди. Ораларида Шох Накшбанд ҳам бор эди.

– Марҳамат қилинг, еб-ичинг. Бу емак ҳалолдир. Отамдан қолган меросдан олдим. Қиёмат куни бунинг ҳисобини беришга ҳозирман, – деди ҳукмдор Ҳусайн.

Меҳмонлар емакдан ея бошладилар, аммо шох Накшбанд емади.

Шайхул ислом Қутбиддин ҳам ўша ерда эди. У даврининг илғор олими ҳисобланарди.

Шох Накшбанднинг таомдан емаганини кўриб, “Нега емаяпсиз?” деб сўради.

– Бу ишда сен учун икки йўл бор. Бу емакдан емасанг, сўрайдиганларга “Султоннинг дастурхонида бўлдим, аммо ҳеч нарса емадим” деб қутуласан. Агар ейдиган бўлсанг, сенга “Нечун единг? деб сўрасалар, нима деб жавоб берасан?” – деди Шох Накшбанд.

Шайх ул-ислом бу сўзлардан жуда таъсирланди. Ва таомдан қўлини тортди. Султондан узр сўради. Султон Ҳусайн довдираб қолди.

– Хўп, шунча овқатни нима қиламиз? – деб сўради у.

– Ҳазрати Баҳоуддин Накшбанд ҳазратларидан сўрайлик, нима дер экан? – деди Шайх ул-ислом.

– Агар бу таом шубҳали бўлса, уни дарвешларга бериш тўғри бўлмайди. Агар ҳалол эса, Ҳиротдаги факирларга берилса, уйғун бўлади, – деди Шох Накшбанд ҳазратлари.

СУЛТОННИНГ САВОЛИ

– Сизнинг йўлингизга очиқ зикр, хилват ҳоли, само борми? – деб сўради Султон Ҳусайн.

– Бизнинг йўлимиз Хожа Абдуҳолик Ғиждувонийнинг дегани каби “Жалватда хилват” дир, – деди Шох Накшбанд ҳазратлари.

– Бунинг маъноси надир?

– Қулнинг ташқарида ҳалқ билан, ичда (кўнгилда) эса Ҳақ билан бўлиши керак, – деб жавоб берди Шох Накшбанд ҳазратлари.

– Бу мумкинми?

– Албатта мумкин. Оллоху Таоло Куръонда “Нур” сурасидаги (24/37) оятида шундай дейди: “...кишилар борки, уларни на тижорат ва на олди-сотди

Оллоҳни зикр қилишдан, намозни адо этишдан, закотни беришдан чалғита олмайди” – деди Шох Накшбанд ҳазратлари.

МЕҲМОНГА ИКРОМ

Шох Накшбанд ҳазратлари кўпинча рўза тутарди. Аммо унга меҳмон келганда, унга икром учун бир нарса бўлса, у билан бирга ер эди.

Ва муридига шундай дер эди:

– Асҳоби Киром бир ерда тўпланганларда, у ерда бир нарса тот емасдан тарқалмас эдилар. Абул Хасан Ҳарқоний ўзининг “Усулу тариқат вусулу ҳақиқат” китобида дейилганки, “Маъсият ҳисобланмаган ишларда диндош биродарларга уйғун ҳаракат қилиш фазилатлидир. Савоб сифатида ҳам бу нафила рўзадан оз савобли бўлмайди. Қолаверса, нафила рўзанинг аҳамияти унинг гизли (яширин)лигидадир”.

ҲАДЯ

Шох Накшбанд ҳазратлари шартига уйғун бўлса, ҳадя қабул этарди. Ва қаршилиги ўлароқ икки қат қўпроқ ҳадя қайтарарди. Унинг бу ҳоли Расулulloх(саллаллоху алайҳи вассаллам)нинг суннатидан олган намуна эди.

ОЛМАЛАР

Шох Накшбанд ҳазратлари муридларидан биттаси бир миқдор олма ҳадя келтирди. Ҳазрати Хожа олмаларни у ердагиларга тақдим этиб:

– Бир соат давомида олмани емай туринглар, чунки улар ҳозир тасбеҳ этмоқдалар деди.

ТЕРМИЗИЙ

Мавлоно шайх Абдуллох Хўжандий шундай ҳикоя қилади:

– Муҳаммад Баҳоуддин Шох Накшбанд ҳазратларининг суҳбатига келишимга сабаб қуйидагича пайдо бўлди: Йиллар аввал, мен Хўжандда эдим, ичимга бир оташ тушди. Бир ерда туrolмайдиган бўлдим. Бу йўлга кириш ташналиги билан ёна бошладим. Хўжанддан чиқиб, Термизга етишдим. Ва тўғри буюк Ориф Термизийнинг қабрини зиёрат этишга бордим.

Кейин Жайхун дарёси соҳилидаги бир масжидга бориб, у ерда ётдим. Тушимда иккита хайбатли шайхни кўрдим. Улардан бири менга:

– Бизни танидингми? Мен Муҳаммад бин Али Термизийман. – деди.

Мен ўзимга келдим.

Ичимдаги изтироб тинди.

Мен Хўжанддан қайтиб келдим.

Орадан анча вақт ўтди, гузарда иккита туркни кўрдим. Улар масжидга киришди. Бир бурчакда ўтирдилар, гаплаша бошладилар.

Улар тариқат ҳоллари ҳақида суҳбатлашарди. Беихтиёр қалбим уларга

майл этди. Дарҳол чиқиб, улар учун емак келтирдим. Улардан бири шундай деди:

– Бу киши султонимизнинг ўғли Шайх Исоқнинг муриди бўлишга лойиқдир!

Мен бу шайхнинг кимлиги ва ва аҳволини сўрадим.

– У Хўжанднинг фалон ноҳиясида, – деб жавоб беришди.

Мен дарҳол ўша ерга бордим. Шайхнинг бир ўғли бор эди, юзидан тозалиги, ихлоси кўриниб турарди. Шайх ўғлига шундай деди:

– Болам, у Шайх Баҳоуддиннинг ўғиллари орасидадир, унинг устида менинг ҳукмим ўтмайди.

Шундан сўнгра, мен яна кута бошладим.

Анча вақт ўтди. Бир куни ўзимда Бухорога кетиш истагини сездим. Бир он ҳам ҳаялламак истамас эдим. Дарҳол йўлга чиқдим. Бухорога келганим заҳот, Шайх Баҳоуддин Нақшбанд хожаимизнинг хузурига бордим. Унинг муборак юзини кўрар кўрмас, менга шундай деди:

Энди тинчланишинг мумкин, Абдуллох Хўжандий. Ўн икки йилнинг тўлишига уч кун қолди.

Шунда менга бир ҳол кирди. Шоҳ Нақшбанд ҳазратларига севги пайдо бўлди. Қалбимни оидинлик камради. Хожа ҳазратларининг менга айтган сўзини унинг атрофидагилар тушунмади. Бу хусусда мендан “У не демак истади?” дея сўрашди.

Уларга воқеани айтиб бердим. Улар севинди, юзлари порлади.

Сўнгра ҳазрати Устоз том бир иноят ила менга йўналди, химмат кучоғини очди, мени фарзандликка қабул этди.

Оллох ундан рози бўлсин.

ПЕШИН ВАҚТИ

Алоуддин Аттор ҳазратлари шундай хотирлайди: “Булутли бир кунда Муҳаммад Баҳоуддин Шоҳ Нақшбанд ҳазратларининг ёнида эдим. Менга:

– Пешин вақти келди, – деди у.

– Ҳали келмади, – дедим мен.

– Юқорига қара-чи! – деди у.

Мен бошимни кўтариб кўкка боқдим. У ерда ҳеч бир парда кўрмадим. Малаклар (фаришталар) намоз қилаётган эди.

– Нима дейсан, пешин вақти келибдими? – деб сўради Хожа ҳазратлари.

Мен уялдим, боя айтган сўзлар учун узр сўрадим.

ЮКСАК ҲОЛЛАРИДАН БИРИ

Шоҳ Нақшбанд ҳазратларининг муридларидан бири шундай ҳикоя қилди:

– Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари мени бир иш билан бир ерга юборди.

Ишни битириб, қайтиб келсам, муридлар Шайх ҳазратларининг боғчасида, кўлларида белкурак ва замбил туришарди. Мени бир кўркув босди. Бир оз сўнгра Шох Накшбанд ҳазратлари уйдан чиқиб, менга:

– Авзойинг бузук, нега? – деди.

Бу ерга келганимда мени қаттиқ кўркув босди, сабабини билмайман, – дедим.

– Сабабини Амир Хусайндан сўра, – деди Шох Накшбанд ҳазратлари.

Амир Хусайн шундай деди:

“Муридлар бугун эрталаб бу боғчага тупрок ташидилар. Хожа ҳазратлари уларга овқат тайёрлашга киришди. Бир оз сўнгра бир йигит Хожа ҳазратларининг уйдан чиқди, бизга қараб кела бошлади. У келаркан, бир сакраб, ҳавода уча бошлади. Бизнинг бошимиз устидан учиб ўтди. Ҳайрон бўлиб, ишимизни ҳам ташлаб, унга қараб қолдик. Биз бу ҳолда экан, Шох Накшбанд ҳазратлари уйдан чиқди ва бизга:

“Мен келгунча, шу ерда туринглар”, дегандай ишорат этди. Бизни кўркув босди. Сўнгра Хожа ҳазратлари келиб, менга:

– Сендаги кўркув бошқаларда ҳам акс этди. У ёш йигит Насафдан. Бухорога кетаётганда уни учаётган ҳолда кўрдим. Унга “ғайб эрлари билан суҳбатни нега тарк этдинг, аламга ботдинг?” – дедим.

У ёш йигит шундай деди:

– Мен фалон ерданман. Улар мени ораларига қабул этишди. Бир куни улар билан бир тоғда ўтирган эдик, эсимга хотин тушди, болаларим тушди. Улар аклимдан нима кечганини англадилар ва мени дарҳол ташлаб кетдилар. Улар кетаркан, биттасининг этагига ёпишдим. “Ҳеч бўлмаса, мени маскун бир ерга ташлаб кетинглар”, дея ёлвордим. Мени келтириб бу ерга ташладилар.

Муридларнинг айтиб берган бу хикоясидан сўнгра Шох Накшбанд ҳазратлари:

– Мен уни Насафдан Бухорога олти кунда келтирдим, уйимга ерлаштирдим. Сизга емак тайёрлашга кетганимдан сўнг, сизда кўркув, парокандалик ҳолини кўриб, ташқарига чиқдим ва сизга ишорат қилдим. У йигитчада жалол тажаллиси бор эди. Мурид оёғини ерга соғлом босиши керак, ўз шайхидан кўпмаслиги керак. Хизр алайҳиссаломни кўрса ҳам, қайрилиб қарамаслиги керак. У кўрганингиз йигитчани ҳайбат ва савлат ҳоли босган эди. Учиши муҳим эмас. Пашшалар ҳам учади, – деди.

Шундан кейин Шох Накшбанд ҳазратлари Амир Хусайнга ва бошқа муридларга замбилларни тупрок билан тўлдиришни буюрди. Тўлдирдилар. Шох Накшбанд ҳазратлари замбилларга ишорат қилди. Замбиллар ҳаракатга келиб, тупрокни керакли жойга олиб бориб тўқдилар. Кейин аввалги жойига қайтиб келишди. Ва бу ҳаракат бир неча марта такрорланди.

Ниҳоят, Шох Накшбанд ҳазратлари бизга ўгирилиб:

– Бу ва бунга ўхшаганишларнинг Оллоҳу Таолонинг хос қуллари учун ҳеч бир киймати йўқдир, – деди.

СУВДА ЮРИШ

Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари Хоразм тарафига йўлга чиқди, хизматида Шоҳ Шоди бор эди.

Хиром ирмоғига боришганида Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари Шайх Хиромга:
– Сув устида юр! – дея амр этди.

Шайх бундан чекинди. Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари бу амрни бир неча марта такрорлади, аммо шайх ҳеч унамади.

Шунда Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари унга бир қарадики, бу нигоҳдан шайх ҳушини йўқотди. Беҳушлик узок давом этмади. У ўзига келиб, сувга оёқ босди ва сув устида юра бошлади.

Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари унинг орқасидан юрди. Ва ирмоқни кечиб ўтгандан сўнг шайх Шодидан сўради:

– Қани, оёғинга бокиб кўр-чи, пойабзалинг ҳўл бўлибдими, йўқми? – деди. Шайх Шоди оёғини ҳўлланмаганини кўрди.

ҚИПЧОҚЛАР ИСТИЛОСИГА ҚАРШИ ДУО

Бухоро шаҳрини қипчоқ аскарлари ўраб олган эди. Шаҳар ҳалки ниҳоятда кийин аҳволда қолган эди.

Бухоро валийси Шоҳ Нақшбанд ҳазратларига элчи юбориб, шу хабарни берди:

“Биз душман қаршисида тамоман ожиз қолдик. Бутун тадбирларимиз бузулди. Оллоҳу Таолога бир дуо этингки, мусулмонлар уларнинг қўлидан қутулсин!”.

Бу кеча Оллоҳу Таолога ялиниб, ёлворайлик-чи, нима бўлар экан, – деди Шоҳ Нақшбанд.

Тонг оқарганда, элчига шу хабарни берди:

– Олти кун сўнгра, бу балонинг кетишига доир мужда олдим. Бориб валийингизга айтинг, – деди.

Бухоро ҳалки бу хабарни эшитиб жуда севинди. Олти кун сўнгра Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари айтгани каби бўлди, душман қўшини Бухоронинг қуршовини тўхтатиб, кетиб қолди.

СЎНГГИ ДУОСИ

Шоҳ Нақшбанд ҳазратларининг вафоти яқинлашганда, ўз тариқатига кирганлар ва қиражақларнинг ҳаммасига хайр дуоси қилди ва қўлларини ваҳжи саодатлари суриб, руҳини таслим этди.

Ҳожа Алоуддин Аттор шундай баён қилади:

“Ҳожа ҳазратларининг иртиҳоли (вафоти) пайтида “Ёсин” сураи шарифини ўқийётган эдик. Ярмага борганимизда нурлар кўрина бошлади. Калимаи – Тавкид ила машғул бўлгандан кейин муборак нафаси кесилди. (Раҳматуллоҳу Таоло Алайҳи Раҳматан васиатан).

У кеча душанба куни кечаси эди. Рабиул аввал ойининг учинчи куни эди. Хижратнинг 791 (мелодий 1388) йили эди. Тўксон тўрт ёшида эди.

Ўзининг истаган жойи Бўстонга кўмилди. Уни севганлар қабри устига катта кубба юксалтдилар. Сўнгра бу бўстондаа кенг бир масжид қурдилар.

Подшоҳлар у масжид учун вакиф таъсис этдилар.

ВАФОТИДАН СЎНГРА

Узлат аҳлининг кутби шайх Абдулвахҳоб шундай деди:

“Шоҳ Накшбанд ҳазратлари кўмилгандан сўнгра муборак юзи тарафидан унга бир панжара очилди. Бу панжарадан икки хури келди, унга салом берди ва шундай дедилар:

Карамлилар карамлиси Оллоҳу Таоло бизни яратгандан бери сенинг хизматингни қутаяпмиз.

Шоҳ Накшбанд ҳазратлари уларга:

– Менинг Оллоҳу Таолога сўзим бор, ашъдан ҳеч бир нарсага қарамайман. Токи унинг шакли, ўхшаши бўлмаганзотни кўрмоқ шарафига ноил бўлиб, менга боғлиқ бўлганларнинг барчасига шафоат этгунга қадар!

Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Шоҳ Накшбанд ҳазратларининг халифалари Хожа Абдуллоҳ Аттор, Хожа Муҳаммад Рорисо, Мавлоно Дарвеш, Муҳаммад Зоҳир ва бошқалардир.

ХОЖА АЛОУДДИН АТТОР

Исми Муҳаммад бин Муҳаммад Бухорий, тахаллуси Алоуддиндир. Шоҳ Накшбанд ҳазратларининг энг буюк халифаларидандир. Туғилган йили маълум эмас.

Отаси Бухоронинг бойларидан эди. Учта ўғли бор эди.: Шаҳобиддин, Хожа Муборак ва Алоуддин ҳазратлари энг кичиги эди. Уларга катта мерос қолди. Аммо Алоуддин ҳазратлари мерос қабул қилмади, Шоҳ Накшбанд ҳазратларига талабаликни танлади. Ҳузурига бориб, талабалик талабининг қабул этилишини сўради, шоҳ Накшбанд ҳазратлари:

– Ўғлим, бизнинг йўлимизда турли меҳнат ва машаққатлар бор. Дунёни ва нафсни тарк этмак бордир. Сен буларни қила оласанми? – деб сўради ундан.

– Қилоламан, устозим, – деди Алоуддин Аттор ҳазратлари.

– Ундай бўлса, бутун бир сават олма олиб, уни акаларингни маҳалласида сотгин, – деди Шоҳ Накшбанд ҳазратлари.

Алоуддин Аттор ҳазратлари ҳеч кимнинг гап сўзига эътибор қилмасдан, айтилган маҳаллада бакира-бакира олма сотди.

Ва эртаси кун Шоҳ Накшбанд ҳазратлари ёнига бориб:

– Амрларингизни бажаришга ҳаракат қилдим, устодим, – деди.

– Бугун олмани акаларингни дўкони олдида сотасан, – деб буюрди Хожа ҳазратлари.

– Хўп бўлади, устодим, – деди Алоуддин Аттор ҳазратлари деди ва оғаларининг дўкони олдида бакира-бакира олма сотишга бошлади. Оғалари ёнига келиб:

– Бизни эл олдида шарманда қилма, пул керак бўлса, истаганингча берайлик, меросдан ҳам кўпроқ ол, фақат бу ишни тўхтат, – дейишди.

Алоуддин Аттор ҳазратлари уларни тингламай, сотишда давом этди. Шунда оғалари “ҳеч бўлмаса, бизнинг дўконимиз ёнида сотма, бошқа ерга кет”, дейишди. Аммо у тингламади. Оғалари ҳақорат этиб, уни калтакладилар. Аммо Алоуддин Аттор ҳазратларга ҳеч эътибор қилмади. Берилган амрни бажаришда давом этди. Эртаси кун Шоҳ Накшбанд ҳазратлари:

– Энди бу иш битди, – дея олма сотишни тўхтатди ва Алоуддин Аттор ҳазратларини талабаликка қабул этди.

УЙЛАНИШИ

Алоуддин Аттор ҳазратлари талаба сифатида ғайрат билан хизмат этди. Талабалар ичида тезда кўзга кўринди. Дунёга майл этиш кўркувсидан устига

ёпадиган бир йўрғон (кўрпа)ни ҳам олмади. Дўконини дарсларга ва хожасининг хизматига борди.

Хожаси Шоҳ Накшбанд ҳазратлари ҳам унинг камолини, етишганлигини, даражасининг юксаклигини кўриб, хотинига: “Эй хоним, кизимиз балоғатга етганда, менга хабар бер”, деб қўйди. Бир муддат сўнгра кизнинг балоғатга етганини айтишди.

Шоҳ Накшбанд ҳазратлари тўғри Алоуддин Аттор ҳазратларининг хонасига борди.

У бир чипта устида мутолаа билан машғул эди. Хонасида боши остига қўйиш учун бир кирпич бор эди холос, бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

У Шоҳ Накшбанд ҳазратларини рўпарасида кўриб, дарҳол оёкка қалқди.

– Агар қабул этсанг, уйимда балоғат ёшига етган бир кизим бор, сени унга уйлантирай, – деди Шоҳ Накшбанд ҳазратлари.

Алоуддин Аттор адаб ила:

– Ҳаққимда буюк лутф ва саодат буюрдингиз, фақат кўриб турганингиздек, ёнимда дунёлик ўлароқ ҳеч нарсам йўқ, – деб жавоб берди.

– Менинг кизим сенга муяссар ва муқаддасдир, – деди Шоҳ Накшбанд ҳазратлари.

ТАВАЖЖУҲ

Шоҳ Накшбанд ҳазратлари Алоуддин ҳазратларининг суҳбатларида ёнига ўтирар ва гоҳ-гоҳ унга бурилиб, таважжух этарди. Бу мавзуда сўраганларга:

– Уни бўри олиб кетмасин, деб ёнида ўтираман. Чунки нафс доим пистирмада. мен уни кўрар экан, Оллоҳу Таолонинг байтини (Байтуллоҳни) эслайман. Каримнинг хонасида бўлган карамига мазҳар бўлур, – деб жавоб берди.

Шоҳ Накшбанд ҳазратлари ҳаётда экан, бутун талабаларининг тарбиясини Алоуддин Аттор ҳазратларига топширди.

– Алоуддин бизнинг юкимизни энгиллатди, – деди у.

Алоуддин Аттор ҳазратлари авлиёлик мақомида шу қадар юксалдики, тариқатда “Алоийа” деган бир шакл топди. Бу талабаларнинг мақсадга тезроқ етиб бориши учун бир йўл эди.

Олимлар “тасаввуф йўлларининг энг яқини “Алоийа”дир”, дейишади.

ҚАЛБНИНГ ШАКЛИ

Алоуддин Аттор ҳазратлари шундай баён қилади:

– Дарвешлардан биттаси келиб, қалбнинг қандай бўлишини сўради. Мен:

– Билмайман, – дедим. У эса:

– Мен қалбни уч кунлик ой каби кўраман, – деди. Буни устодим Шоҳ Накшбанд ҳазратларига айтдим. У: “Бу унинг қалбига кўради”, – деди.

Шунда Шоҳ Накшбанд ҳазратлари: “Қалб будир. Ўша дарвешнинг айтгани каби эмас. Оллоҳу Таолога қалбнинг яқин бўлгани қадар ҳеч нарса яқин

эмас. Махлуқотнинг энг устуни, шарафлиси қалбдир. Қалб билинмаган сирларга тўла бир оламдир, унда ҳар нарса бордир. Кўрингани каби қалб ҳар нарсадан кенг бир латифликдир. Шундай экан, уни инсон қандай англай олади?”

Кудсий ҳадисда Оллоҳу Таоло: “Ерга ва қўкка сиғмайман, мўмин қулимнинг қалбига сиғаман”, дейилган.

АЛОУДДИН АТТОР ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИДАН

Кўнгилга Оллоҳу Таоло ҳақидаги тушунчадан бошқа тушунчани киритмасликка уриниш қийин иш. Кўнгилга кирган нарсаларни улоқтириб ташламоқ эса янада қийин. Йигирма йил кўнглимга бир нарса киритмасликка интилдим.

Сўнгра яна келди.

Келди, аммо кўнглимда ер тополмади.

ТАЛАБАНИНГ РЎЁСИ

Алоуддин Аттор ҳазратларининг вафотидан кейин уни талабаларидан бири тушида кўрди ва тушини шундай баён қилди:

“Қатта бир ўтов қурилган. Ўтовда Пайғамбаримиз(саллаллоҳу алайҳи вассаллам) ўтирибди. Алоуддин Аттор ҳазратлари ва Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари ўтовнинг ёнида туришарди, ичкарига кириб, Пайғамбаримиз(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)ни кўрмоқ истаётган эдилар. Бир пайт Шоҳ Нақшбанд ҳазратлари ичкарига кирди, сўнгра севинч билан қайтиб чиқди”.

ХАСТАЛИК

Алоуддин Аттор ҳазратлари хижрий 802 (мелодий 1400) йилда бел оғриғи билан бошланган бир хасталикка дучор бўлди. Ражаб ойининг иккинчисида тўшакка ётди.

Унинг талабаларидан Шайх Сафиюздин шундай хотирлайди:

“Ҳожам умрини сўнгида, яқинларининг ёнида бу фақир (камина) ҳақда: “Йигирма йилдан бери Сафиюздин билан орамизда Оллоҳу Таоло ризоси учун бўлган бир дўстлик бор. Албатта, бу дўстлик бузилмас”, – деди.

Ражаб ойининг йигирмасида, чоршанба кечаси, сўнг нафасида “Ла илаҳа иллоллоҳ Муҳаммадун Расулуллоҳ”, деди ва вафот этди.

Ҳожа Алоуддин Аттор ҳазратларининг халифалари Ҳожа Ёқуб Чархий, Мавлоно Саййид Шариф Журжоний, Мавлоно Низомиддин Хомуший, Шайх Умар, Мавлоно Аҳмад, Мавлоно Ходим ва бошқалардир.

ХОЖА ЁҚУБ ЧАРХИЙ

Хожа Ёқуб Чархий ҳазратлари Алоуддин Аттор ҳазратларининг энг улуғ ва фазилатли муридларидан. У Шох Нақшбанд ҳазратларининг суҳбатларини тинглашга мушарраф бўлган эдир.

У зоҳирий ва ботиний илмларни таҳсил этгани каби, шаклий, моддий ва маънавий румузни ҳам ўз нафсида тўплаган бир зотдир.

Асли Ғазнага боғлиқ Чарх қишлоғидан, Ҳиротда ва Мисрда илм билан машғул бўлган. Кейин илоҳий муҳаббат жазбаси билан Шох Нақшбанд ҳазратларининг хизматига кириш учун йўлга чиқади. Йўлда дуч келган девона унга:

– Эй Ёқуб, тез-тез одим отгин, сенинг мақбуллар гуруҳидан ўрин олиш пайтинг келди, – дея унга бир неча чизги чизади.

Сўнгра Хожа Ёқуб Чархий ҳазратлари Шох Нақшбанд ҳазратлари ёнига бориб, ундан иноба истади. Шох Нақшбанд ҳазратлари унга:

– Биз ўзимизча бир иш қилмаймиз, бу кеча истихора қилайликчи, – деди.

Хожа Ёқуб Чархий ҳазратлари у кечани ҳаяжонланиб ўтказди:

– Эргалаб, қўрқа-писа пир ҳазратларининг ёнига бордим. У мени кўриб, табассум ила: “Қабул қилиндингиз”, – деди. Сўнгра менга зикрий шарифни талқин этди ва мени Хожа Алоуддин Аттор ҳазратларига ҳавола қилди, – дея хотирлайди Хожа Ёқуб Чархий ҳазратлари.

ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ АҲРОР

Туркистоннинг буюк валийларидан. Исми Убайдуллоҳ, отасининг исми Маҳмуд, бобосининг исми Шаҳобиддин. Отаси Маҳмуд Шоший ўз даврининг олимларидан бўлиб, вали эди.

“Аҳрор” тахаллуси билан машҳурдир.

Ҳижрий 806 (мелодий 1403) йилда Тошкентда туғилди. Ҳижрий 895 (мелодий 1490) йилда Самарқандда вафот этди.

Болалигида юзида шундай бир нур бор эдики, кўрганлар хайратда қолиб, уни дуо қилишарди.

Тилидан Оллоҳу Таолонинг исми тушмас, давомли зикр билан машғул эди.

Бобоси Хожа Шаҳобиддин ҳам олим ва вали эди. Ўлим тўшагида экан, набиралари билан бир-бир видолашди. Навбат Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларига келганда, “Мени турғазинг” деди ва ўтирган ҳолда набираси Убайдуллоҳни кучоғига олди. Йиғлади ва шундай деди:

– Менинг истагим болам шудир. Мен унинг буюк зот бўлганини қўролмайман. Бу бола Исломиятга хизмат этажак. Жаҳон подшоҳлари бунинг амрига тоат этажаклардир, – деди ва набирасини такрор кучиб, ўғли Маҳмуд Шошийга:

– Менинг бу ўғлимга яхши қара, тарбия эт, – дея васият қилди.

Убайдуллоҳ Аҳрор болалигини шундай хотирлайди:

– Мактабга бориб келардим. Кўнглим доимо Оллоҳу Таоло билан эди. Бир он ҳам уни унутмас, бир он ҳам ғофил қолмас эдим. Қишнинг совуқ кунларидан бирида, оёғим ботқоққа ботди. Чиқишга урундим, янада ботдим. Бу иш билан машғул бўлиб, Оллоҳу Таолони зикр қилишни унутдим деб ўйладим. Нарироқда бир кишлокли ўспирин ер сурарди.

Мен ичимда “Шу болага қара, шунча азият чекса ҳам, Оллоҳни унутгани йўқ, сен оёғингни лойдан қутқариш каби кияик нарса юзасидан Оллоҳни унутасанми?” деб ўйладим ва хўнграб йиғладим. У пайтлар ҳаммани ўзим каби ҳар онда Оллоҳу Таолони зикр қилади, деб ўйлардим.

Булғ чоғига етгунимча, Оллоҳу Таолодан ғофил инсонлар борлигини билмас эдим. Кейин англадимки, Оллоҳу Таолодан ғофил бўлмаслик – баъзи кўлларга берилган илохий бир иноят экан.

Аммо бу риёзат ва нафс мужодаласи билан қўлга киритиш мумкин бўлган, ҳатто баъзида бу билан ҳам эришиш мумкин бўлмаган бир кайфият экан.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг амакисининг ўғли Хожа Исҳоқ шундай хотирлайди:

– Мен ва бошқа болалар ўйин ўйнар эканмиз, уни (Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларини) орамызга чақирсак, ҳеч қўшилмас эди. Ўйнагандай кўришиб, яқин келарди, аммо доим ўз ҳолида бўларди.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг ўзи шундай баён этади:

– Ҳолимни бошланғичида тушимда Расулуллоҳ(саллаллоху алайҳи васаллам)ни кўрдим. Юксак бир тоғ этагида асҳоби билан турарди. Мени кўриб, қўли билан “яқин кел” дея ишорат қилди. Ва “мени шу тоғнинг бошига чиқар”, деб амр этди.

Мен уни елкамга олиб, тоғнинг тепасига олиб чиқдим.

– Сенда шундай қувватнинг борлигини билардим. Фақат буни бошқалар ҳам кўрсин, деб сенга бу ишни топширдим, – деди Расулуллоҳ(саллаллоху алайҳи вассаллам).

Яна ўша даврда Шоҳ Накшбанд ҳазратларини кўрдим. Ботинимга, қалбимга шундай тасарруф этдики, оёқларимда мажол қолмади. Мен ҳам сўнг кучимни тўплаб, унинг орқасидан чопдим ва унга етишдим. У ўгирилиб қаради ва “Муборак бўлсин!” – деди.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари яна шу хотираларини тилга олади:

– Кичиклигимда менда кучли бир ваҳима, хаёл кучи бор эди. Уйдан ёлғиз чиқолмас эдим. Бир кеча менда Абу Бакр Шоший қабрини зиёрат қилиш истаги туғилди. Дарҳол уйдан чиқиб, ўша қабрга бордим, ёнида ўтирдим.

У ердан Шайх Ҳавон Тохурнинг қабрига кетдим. Энди ичимда кўркув йўқ.

У ердан Шайх Иброҳим Кимёгарнинг қабрига ва Шайх Зайниддин Қуий Орифон қабрига бордим. Ичимда кўркув йўқ эди.

Тошкентнинг бутун мазорларини айлана бошладим. Уйимдагилар бу ҳолимдан кўриб, сут биродарим бўлган бир болани изимга солдилар. У мени каерга борсам таъқиб қилиб юрди.

Бир кечаси Шайх Ҳавонд Тохурнинг қабри ёнида ўтирганимда, у ёнимга келди ва қўлимни елкамга қўйиб, титрай бошлади.

– Сенга нима бўлди? – деб сўрадим мен.

– Кўзимга ғалати нарсалар кўринаяпти, сал бўлмаса ўлажақдим, – деди у.

Уни олиб уйга келдим. У уйдагиларга мен ҳақимда:

– Ундан хавотир олманг, хурсанд бўлинг, у биздан бошқа ҳолларга кирибди. Қоронғи кечада ўн киши бўлиб ҳам кириш мушқул бўлган мазористонга яқка ўзи кириб, тонггача ўтира олади, – дебди.

Уйдагилар тинчланди.

Тошкентда бир душманамиз бор эди. Бизга зарар бериш учун пайт пойлаб юрарди. Мен бир кеча Абу Бакр Қафғол мазори бошида муроқабани ҳолида эканман, у душман киши мени кўрkitмок учун, наъра тортиб устимга ташланди.

Аммо мен қилт этмадим, муроқабани давом эттирдим. У менинг ҳолимни кўриб, уялди, йиғлаб, юзтубан тушди. Узр сўради. Ва бизнинг дўстларимиздан бўлди.

ЎЛИК ҚАЛБЛАРНИ ТИРИЛТИРМОҚ

Болалигимда тушимда ўзимни Шайх Абу Бакр Шошийнинг мозори ёнида кўрдим. Мозор эшиги олдида Исо алайҳиссалом бор эди. Дархол унинг пойига йиқилдим. У қўллари билан бошимни кўтарди ва:

– Ғам чекма, мен сени тарбия этаман, – деди.

Тушимни эшитган инсонлар буни тибб (медицина) илми сифатида таъбир этишди. Яъни менинг тибб илмидан насибим бўлажагини айтдилар. Мен бу таъбирга рози эмас эдим. Менинг таъбирим шу эди: Исо(алайҳиссалом) бу фақирнинг тарбиясини зиммасига олган экан, демак менга ўлик қалбларни ихё этажак сифат берилажак.

Чиндан ҳам киска муддат сўнгра Оллоҳу Таоло менга шундай бир ҳол ва қувват бахш этдики, менда у маъно камоли билан зухур этди. Воситамизда неча ўлик қалблар гафлат коронгилигидан шуҳуд ва ҳузур ойдинлигига чиқдилар.

Ҳар кўрганнингни Хизр бил,
Ҳар кечани Қадр бил.

Бир куни Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг онаси унга бир одам воситасида хирмондан тўплаган бугдойини юборди. Бугдойни омборга қўйиш билан машғул бўлган Хожа ҳазратлари бугдойни олиб келган одамнинг бўшаган халталарни олиб, кетиб қолганини сезмади. Хожа ҳазратлари бу бечора, ғариб кишидан дуо олиб қолмаганига каттиқ пушаймон бўлди. Изидан чопди. Унга етиб, тавозеъ билан дуо истади ва:

– Мени кўнглингизга олинг. Ҳолимга бироз иноят билан боқинг. Балки дуоингиз ва ҳиматингиз баракати билан Оллоҳу Таоло мени авф этар, марҳамат қилиб, йўлимни очар, – деди у.

Унга хайрон бўлиб қараган у зот:

– Ўйлайманки, сен турк шайхларининг “ҳар келганни Хизр бил, ҳар кечани Қадр бил” деган сўзига амал қилиб, буни айтдинг. Фақат мен ҳеч бир хусусияти бўлмаган, ўз ҳолидаги бир кимсаман. Қўлимни, юзимни ҳам керагича ювомайман. Сенинг истаганинг нарсадан мен хабардор эмасман. У нарса менда йўқдир, – деди.

Лекин у Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг ёлворишларига чидай олмай, кўлини кўкка кўтариб, “Оллоҳу Таоло сенинг қалб кўзингни очсин!” – дея дуо этди. Бу дуо баракати ила Хожа ҳазратларининг қалбида очилишлар зухур этди.

ТАҲСИЛ

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг тарбиясида муҳим ўрин бўлган тоғаси Хожа Иброҳим уни илм таҳсили учун Самарқандга юборди. Икки йил давомида Моварауннаҳрда буюк олим ва валиларнинг суҳбатида бўлган Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари сўнгра Бухорога, Ҳиротга кетди.

У ерларда Шоҳ Нақшбанд ҳазратларининг халифаларидан бўлган катта олимлар суҳбатларида бўлди.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари бу даврни хотирлар экан, шундай дейди:

– Саййид Қосим Табрихийнинг суҳбатларидан шундай таъсирландимки, буни таъриф қилиш қийин. Гўё бутун коинот унинг атрофида айланар ва ундан йўқликка кетаётгандай кўринарди. Унинг бир эшикбони бор эди. Бу эшикбоннинг руҳсатисиз ҳеч ким ичкарига қира олмас эди. Табризий ҳазратлари бу эшикбонга: “Бу ерга Туркистонлик бир йигит келса, унга тўсиқ бўлма, истаган пайтда менинг ёнимга кирсин”, дея танбех қилган эди. Шунга қарамай, ҳар кун эшигига борардим, аммо ёнига уч кунда бир марта кирардим. Талабалари: “Сенга изн берилган, нечун ҳар кун кирмайсан?” – деб сўрашарди.

Саййид Қосим Табризий ҳазратларининг суҳбатлари жуда ширин бўларди, келганлар кетишни истамас эди. У суҳбат тугаганда, талабаларга бир ишорат билан, тарқалишларини билдирарди. Аммо мени ҳеч қачон ҳузуридан узоклаштирмаган эди.

У яқинларига “Бо-бу” дея хитоб этарди. Мендан:

– Бо-бу, сенинг исминг ким? – деб сўраганида, мен:

– Убайдуллоҳ (Оллоҳнинг кичик қули), – дедим. У эса менга:

– Исмингни маъносини татбиқ эт, – деди.

Мавлоно Фатҳуллоҳ Табризий шундай хотирлайди:

– Саййид Қосимнинг суҳбатига кўп борордим. Бир марта у ерга Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор келди. Саййид Қосим унга алоҳида эътибор кўрсатди. Суҳбагида ғаройиб ва ажойиб ҳикматлар пайдо бўлди. Убайдуллоҳ Аҳрор ҳар сафар келганида Саййид Қосим ғайриихтиёрий равишда энг нозик масалаларни музокара қилишни бошларди.

Бир куни Убайдуллоҳ Аҳрор суҳбатдан чиқиб кетгандан сўнг Саййид Қосим менга:

– Мавлоно Фатҳуллоҳ, бу мажлисининг тили, сўзлари ғоят тотлидир. Аммо фақат тинглаш билан иш битмас. Агар ҳиммат соҳибларининг орзу этгани саодатга эришмоқ истасанг, бу Туркистонли йигитнинг этагини қўйиб юборма, – деди.

Султон Абу Саид замонида Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари Тошкентдан Самарқандга келди. Мен унинг хизматига кирдим. Тез орада Саййид Қосимнинг ишорат этгани устунликларни унда кўра бошладим.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари суҳбатини севган яна бир зот Баҳоуддин Умар ҳазратлари эди. Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари бу шайхнинг ёнида тўрт йил қолди.

Сўнгра асос Хожаси Ёқуб Чархий ҳазратлари ёнига келди ва унга талаба бўлди.

ЁҚУБ ЧАРХИЙ ҲАЗРАТЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВИ

Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари Мавлоно Ёқуб Чархий ҳазратлари билан танишуви тафсилотини шундай баён қилади:

– Ҳиротда хушфеъл ва юзи нурли бир тужжор билан танишдим. Хожакон йўлида эканлиги билиниб турарди. Ундан бу йўлни кимдан ўрганганини

сўрадим. У Ёқуб Чархийдан ўрганганини айтди. Ёқуб Чархийнинг устун ҳоллари ҳақида гапириб берди.

Мен Ёқуб Чархийнинг суҳбатини олмоқ учун Ҳолфатуга йўлга чиқдим. Чигонёнга борганда ҳасталандим, йигирма кун у ерда қолдим. Бу орада Ёқуб Чархий ҳақида манфий сўзлар эшитдим. Саёҳатимни давом эттиришим керакми-йўқми деб, тараддудга тушдим. Фақат шунча йўлни босиб ўтиб, энди орқага кетаманми, дея йўлда давом этдим.

Ёқуб Чархий ҳазратларининг ҳузурига етиб келганимда, у катта илтифот кўрсатди. Иккинчи марта зиёратига борганимда ҳашаматли ва дағал муомала қилди. Бу йўлдаги ҳис қилганим тараддуд сабабли, деб ўйлардим.

Орадан бир соат ўтиб, Ёқуб Чархий ҳазратлари менга такрор лутф ва илтифот билан муомала қилди. Менга қўлини узатиб:

– Кел, талабам бўл, – деди.

Мен унинг юзига боқдим. Юзида мохов касаллигига хос оқ доғ кўрдим. Шу боис, дарров баёт этмадим. У буни тушуниб, дарров қўлини тортиб олди.

Кейин юзи бирданига ўзгариб, шундай гўзал шакл олдики, мен ҳайрон қолдим. Қалбимда пайдо бўлган муҳаббат таъсирида уни кучоклаб, бағримга босишдан зўрга ўзимни тутдим.

У яна қўлини узатди ва менга:

– Шох Нақшбанд ҳазратлари бу қўлни тутиб, сенинг қўлинг – менинг қўлимдир, ким бу қўлни тутса, менинг қўлимни тутган бўлади деган эди, – деди.

Кейин сасини юксалтириб:

– Бу қўл Баҳоуддин Бухорийнинг қўлидир, тутинг! – деди.

Мен дарҳол узатилган қўлни тутдим.

Менга вуқуфий адад (ток сон) бўлиш шарти билан Нафий ва исбот (Ла илаҳа иллаллоҳ) зикрини таълим этди.

Кейин:

– Бизга Хожамиздан келган усул будир. Агар сиз толибларни жазба йўли билан тарбия этмоқ истасангиз, тарбия этаверинг, – деди у.

УЧ ОЙ

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари Ёқуб Чархий ҳазратлари суҳбатида уч ой қолди. Ундан илм олиб, тасаввуф ҳолларида юксалди.

Таблиг учун саёҳатга чиқаётган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларига Устоди Ёқуб Чархий Робита усулини тушунтирди:

– Бу йўлни ўргатаркан, одамларда даҳшат ҳисси уйғотмасликка ҳаракат қил, омонатни истаклиларга, истеъдодлиларга бер, – дея амр этди.

Ёқуб Чархий ҳазратлари талабаси Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари ҳақда “Талаба устодининг ёнига келаркан, Хожа Убайдуллоҳ каби келсин. Қандил осилган, пилиги ва ёғи ҳозир, ёниши учун гугурт чаксанг бас”, деган эди.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари 29 ёшида илм таҳсилини тамомлаб, тасав-

вуфда юксак даражаларга етган эди. У 29 ёшида юртига қайтиб, ҳалол ризк топиш учун зироат билан ва одамларга тўғри йўл кўрсатиш билан машғул бўлди. Зироатда қисқа муддат ичида катта ҳосил ола бошлади.

Экин экилган майдон сони 1300 тага етди. Ҳар бирида 3 минг деҳқон ишларди. Оллоҳу Таоло унга шундай баракат бердики, ҳар йил 800 минг ботмон зоҳира ушр берадиган бўлди.

Буни кўрган халқ Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларига янада мустаҳкамрок боғланарди.

– Бизнинг молимиз фақирлар учундир. Бунча молнинг хоссаси мана шундадир, – дер эди Хожа ҳазратлари.

Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари танҳо бўлсин, халқ ичида бўлсин зоҳирий ва ботиний адабларга қатъий риоя этарди. Хизматида бўлганларга лутфкор эди. Умри бўйича ҳеч кимсадан ҳеч нарса олмади. Ҳада ҳам қабул этмади. Ҳаммага хизмат этди.

“Рашоҳат” китобининг муаллифи шундай деб ёзади:

“Бу фақир Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг хизматида кеча-кундуз бўлдим. Унинг йўталганини, ўксириб, оғизларидан бир нарса чиқганини кўрмадим. Бурун қоққанини ҳам кўрмадим. Инсонлар орасида ва ёки ёлғизлигида, ҳеч қачон боғдош қуриб, ўтирганини кўрмадим”.

Саййид Абдулқодир Машҳадий Султон Абу Саид замонида Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари ҳақида шундай дейди:

“Хуфтон намозини қилгандан сўнгра менга:

– Бу кеча баъзи дўстлар билан ўтирмак истаймиз, сен ёшсан, дам ол, истироҳат қил, – деди. Мен:

– Агар изн берсангиз, суҳбатингизга қўшилмоқ истардим, – дидим мен.

– Агар ўтиришга куч топсанг, ўтир, – деди у.

Мен уч киши билан ҳазрати Убайдуллоҳ Аҳрорнинг суҳбагида бўлдим. У кеча бўйи тавозеъ билан ўтирди. Тиззаларини ҳеч ўзгартирмасдан, тиз чўкиб ўтирди. Ҳеч бир узвини ўйнатмади. Таҳажжудга турди. Намоздан сўнгра яна айни шаклда, бомдодга қадар виқор билан ўтирди. Мен ёш бўлишимга қарамай, ҳар соатда тиззамни алмаштириб турдим. Кейин хуфтон таҳорати билан бомдод номозини қилдилар”.

Шайх Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари талабаси Шайх Иён шундай бир воқеани айтиб берди:

– Баҳор мавсумида Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари сел сувлари билан тўлиб-тошган бир дарадан ўтиш учун биз талабалар қамишдан сол тўқидик ва унга ўтириб, тез оқаётган дарани кечиб ўта бошладик. Даранинг ўртасига келганда оқим шиддатланди ва сол қамишлари тарқала бошлади.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари бу таҳликали вазиятни кўриб, жим ўтирарди. Ниҳоят, қутилмаганда “Оллоҳ!” дея ҳайқирди. Минганимиз сол таҳликали нуқтадан ўтди, бирорта қамиш ажрамасдан, нариги қирғоққа ўтдик.

Хожа ҳазратлари оёғини ерга қўйгани заҳот, сол худди шуни кутиб тургандай, тўзғиб кетди..

ҚАБУЛ ЭТИЛМАГАН ҚОЗИ

Бир қози талаба бўлишни истаб, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари ҳузурига кўп келди. Аммо Хожа ҳазратлари уни ҳеч қабул этмади.

Унинг яқин бир талабаси:

– Қози бўйинини эгиб, иноятингизни кутаяпти, – деди.

– Мен бировнинг ичида катталик ва устунлик орзусига ўхшаган нарса сезсам, ҳатто бу орзуга 10 йил сўнгра эришадиган бўлса ҳам, унга Хожагон йўлидан сўз очмайман, – деб жавоб берди Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари.

Ҳақиқатан ҳам, ўша қози 10 йил сўнгра мамлакатида ҳоким ва раис мақомига чиқди. Унинг қалбида тарикат йўлига кириш орзуси қолмаган эди.

СЕЛ

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари Ҳиротдан Тошкентга йўлга чиққанди. Баҳор ойи эди. Унга йўлдош бўлган талабаси Хожа ҳазратлари билан бир уйда тунадик. Бу талаба шундай баён қилади:

– Ярим кечаси Хожа ҳазратлари мени турғазди ва:

– Қийматли нарсаларингни ол ва бу уйдан тез чиқ, – деди, ўзи ҳам уйдан чиқди. Кейин атрофидаги одамларга ҳам, уйдан чиқишини буюрди, сўнгра ҳаммамиз тўпланиб, бир тепага чиқдик. Одамлар:

– Ярим кечада уйқумизни бузиб, нега бу ерга келдик? – дея ғудрана бошлаганларида, бирдан дахшатли бир сел келди. У олдига чиққан тош, дарахт, девор, уй – ҳаммасини оқизиб келарди. Биз боя ётган уйимиз ҳам сув остида қолган эди. Биз билан келмаганлар ҳам селга тутилган эдилар. Бу воқеа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг қароматини намойиш қилди ва халқнинг унга нисбатан севгисини орттирди.

СОҲТА ШАЙХ

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари замонида Тошкентда шайхлик илдо қилиб, иршод мақомига даъво қилган кўп одам бор эди. Булар Хожа ҳазратларига ҳасад қилишарди. Аммо улар битта-битта йўқолиб кетишди.

Шундай сохта шайхлардан бири бир кун Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларига келиб, унга таъсир ўтказиш учун, кўзларини тикди. Хожа ҳазратлари унга қаршилиқ қилди, бир соатча ўтди. Ниҳоят Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари ўрнидан туриб, у кишига яқинлашди ва ёнида турган сочикни тортиб олди. Ва юзига уриб:

– Ақли бузилган бир девона билан нега машғул бўлайин! – деди ва у ердан узоклашди.

Ўша одам ерга йиқилди ва ҳушидан кетди. Сўнгра ақлдан озди, бутун билимини йўқотди. Бозорларда кип-яланғоч юриб, шармандали холга тушди.

СЎЗЛАРИ

– Агар биз шайхлик килсайдик, давримизда ҳеч бир шайх ўзига талаба тополмаган бўларди. Бизга бошқа иш амр этилди. Бизнинг ишимиз мусулмонларни золимлар шарридан (ёмонлигидан) кўримоқдир. Шу боис, бизга подшоҳлар билан кўришмоқ, уларнинг кўнглини овламоқ, уларни истаганимиз истикоматга тортмоқ вазифаси топширилган.

Бизнинг мақомда адабли бўлмоқ керакдир. Бу адаб – кулнинг ўз иродасидан воз кечиб, Оллоҳнинг иродасига суянишидир.

СУЛТОН БИЛАН УЧРАШУВ

“Рашоҳат” китобининг муаллифи шундай дейди:

– Бир куни Султон Аҳмад Мирзо Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларини зиёрат қилиш учун Матурид қишлоғига келди. Ҳузурига кириб, тиз чўкиб ўтирди.

Хожа ҳазратлари Султонга кўп илтифот қилди. Шунга қарамай, Султон Аҳмад Мирзо унинг ҳайбагидан дир-дир титрар эди, пешонасидан тер оқарди.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларига бир тушида шундай дейилди:

“Исломият сенинг хизматинг билан қувватланажак”.

Шундан кейин Хожа ҳазратлари “Бу иш султон ва амирларни восита қилмасдан юриши қийин”, дея султон билан кўриш учун Самарқандга кетди. Унга Мавлоно Насриддин Атрорий ҳам йўлдошлик қилди. У шундай эслайди:

– У пайт Самарқандда Мирзо Абдуллоҳ Султон эди. Самарқандга борганимизда, Султоннинг беқларидан бири Хожа Убайдуллоҳ ҳазратларини қаршилади. Хожа ҳазратлари унга:

– Бизнинг бу ерга келишимизга сабаб сизнинг Мирзоингиз билан кўришмоқдир, – деди.

– Бизнинг Мирзомиз бепарво бир йигитча, у билан кўришиш осон иш эмас. Боз устига, дарвешларнинг султон билан кўришишдан не мақсади бўлиши мумкин? – деб жавоб берди адабсиз бек.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари ғазабга келиб:

– Бизга Султон билан кўришиш амр этилган. Мен бу ерга ўз хоҳишим билан келмадим. Сизнинг мирзоингиз парвосиз бўлса, уни ўзгартириб, ўрнига парволи биттасини келтиражақлар! – деди.

Уни қаршилашга келган бек, изига қайтиб кетди.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари унинг исмини сиёҳ билан деворга ёзди, кейин бармоғини тили билан хўллаб, ёзганини ўчирди.

– Бизнинг ишимиз бу султондан ва унинг қўмондонларидан кутилмайди, – деди ва Тошкентга қайтди.

Бир ҳафта сўнгра ўша адабсиз бек вафот этди. Бир ой сўнгра Туркистонда Мирзо Абу Саид майдонга чикди ва Абдуллоҳни ўлдириб, ўрнига Султон бўлди.

СУЛТОН АБУ САИД МИРЗО

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг талабаларидан бири шундай баён қилади:

– Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари билан Фикрат деган бир ерда эдик. Мендан қалам ва қоғоз истади. Қоғозга бир неча исм ёзди. “Султон Абу Саид” исмини ёзиб, чўнтагига қўйди.

У пайтлари Абу Саид Мирзонинг номи нишони йўқ эди. Хожа ҳазратларининг талабаларидан бири Абу Саиднинг кимлигини сўради.

– Яқинда сизу-биз, Самарқанд, Тошкент ва Хуросон бу кишининг табоси (фуқароси) бўлса керак, – деди Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари.

Кўп ўтмай Абу Саид Мирзонинг саси бутун Туркистонда юксалди.

Кейин маълум бўлишича, Абу Саид Мирзо тушида Аҳмад Яссавий ҳазратларининг Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларига Абу Саид учун “Фотиҳа” ўқишига ишорат этган экан. Абу Саид Мирзо Аҳмад Яссавий ҳазратларидан “Фотиҳа”ни ўқиган зотнинг исмини сўрабди, у зотнинг сиймосини эсида қолдиришга уринибди.

Эртасига Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларини қаерда эканини сўраб-суриштириб топибди ва Тошкентга йўл олибди.

Хожа ҳазратларини Фикратда эканини эшитиб, унга йўналибди ва у билан Фикрат яқинлида учрашибди. Хожа ҳазратларини узоқдан кўрган заҳот, “бу тушимда кўрганам зот”, дея отдан тушиб, пойига йиқилибди.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари Абу Саид Мирзога лутф этиб, у билан суҳбат қилибди.

Бу суҳбатдан сўнг Абу Саид Мирзо Хожа ҳазратларидан “Фотиҳа” ўқишни илтимос қилибди.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари эса, унинг тушига ишорат этиб:

– “Фотиҳа” бир марта ўқилади, – дебди. Бу учрашувдан сўнгра Султон Абу Саид Мирзонинг атрофида жуда кўп аскар тўпланди. У Самарқандни олишни истади. Буни арз этиш истагида тақрор Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари ёнига келди. Унга мақсадини айтиб, унинг химматини истади.

– Қайси ният билан фатҳ этмоқ истайсан? Агар исломиятни қувватлантирмоқ ва ҳалқингга шафқат кўрсатмоқ нияти билан борсанг, зафар сизникидир, – деди Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари.

Султон Абу Саид бу шартни қабул этиб, исломиятга хизмат этишга, фуқароларига раҳм-шафқат кўрсатишга сўз берди.

Шунда Убайдуллоҳ ҳазратлари:

“Исломиятга хизмат этиш нияти билан кетинг, зафар сизникидир!” – деди.

“Раҳоҳаг” муаллифи бу ҳодисани шундай баён этади:

“Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари Саид Мирзога “душман билан учрашганингизда оркангиздан бир қарга галаси келмагунча, душманга хужум этман-глар”, деб насиҳат қилди.

Абу Саид Мирзонинг қўшини Мирзо Абдуллоҳнинг қўшини билан юз-

лашганда илк ҳужум қарши тарафдан келди, душман Абу Саид қўшиннинг сўл қанотини янчиб ташлади.

Душман соғ тарафдан ҳам шундай бир ҳамлага ҳозирланган пайтда, Абу Саид Мирзо қўшини орқасида бир қарға галаси пайдо бўлди. Бу қарға галаси тўғри душман устига учди. Аскарлар Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг сўзларини эслаб, қалблари жасоратга тўлди ва душманга қарши ҳужумга ўтдилар.

Илк ҳамладаёқ душман сафлари бузилди, Мирзо Абдуллоҳ отдан йиқилиб, ботқоққа ботди. Отларнинг оёқлари остида эзилди. Кейин боши кесилиб, ўлдирилди.

Бу сафардан кейин Султон Абу Саид Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларидан Самарқандга ташриф буюришни илтимос қилди. Ва Хожа ҳазратлари Самарқандга келди. Шу орада ўлдирилган Мирзо Абдуллоҳнинг қариндоши Мирзо Бобурнинг катта қўшин билан Самарқандга ҳаракат этгани хақида хабар келди. Султон Абу Саид саросима ичида “Бу қўшинга қарши келишим қийин”, дея Хожа ҳазратларига шикоят қилди.

Хожа ҳазратлари Султонга таскин бериб, хотиржам кутишни тавсия этди. Бу орада Султон Абу Саиднинг қариндошлари уни Туркистонга қочирмоқ учун, унинг нарсаларини тайёрлаб, туяларга юклаб қўйишди.

Султон Абу Саид Самарқандни тарк этмади. “Биз бу катта лашқарга қандай қарши тура оламиз?” деган бекларига ҳам кулоқ солмади. У Хожа ҳазратлари тавсиясига биноан, қалъанинг йиқилган қисмларини таъмир эттирди ва душманни кутиб олишга тайёрланди. Мирзо Бобур Султон Абу Саиднинг ички қалъага чекиниб, у ерда мустаҳкам мудофаага ўтганини кўриб, эски ҳосорда кўноқлади.

У бирданига ҳужумга ўтишга журъат қилмади. Орадан кунлар ўтди. Аскарлар озик-овқат етишмовчилигидан қийнала бошлади. Атрофга егулик топиб келиш учун юборилган аскарларни самарқандликлар ушлаб олишди. Бир тарафдан очлик, бир тарафдан қасалликлар Бобур лашқарини паршон этди. Мирзо Бобур лашқарларидаги бутун отлар ўлди. Отлар лашидан келган бадбўй хиддан у ерларда юриш мумкин бўлмади қолди.

Нихоят, Мирзо Бобур Султон Абу Саид Мирзо билан шартнома тузишга рози бўлди. Бу иш учун Мавлоно Маҳмад Муаммаий исмли кишини юборди. Бу элчи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари ила узун бир музокара қилди.

– Бизнинг Мирзомиз ниҳоятда ғайратли ва юксак ҳимматли киши, қаерга борса, у ерни олмасдан қайтмайди, – деди элчи.

– Агар Мирзо Бобурнинг бобоси Мирзо Шохруҳнинг қалбимиздаги севгиси ва бизнинг устимиздаги ҳаққи бўлмасайди, натижани кўрардингиз. Мен унинг бобоси даврида Ҳиротда эдим. Унинг замонида кўп яхшиликлар ва ҳимоялар кўрдик. Унинг ҳаққини топтамаймиз, – деди Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари.

Нихоят, элчи шартномага ҳозир эканликларини билдирди ва бунинг учун Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларини Мирзо Бобурнинг ёнига даъват этди. Султон Абу Саид ҳам бу иш учун Хожа ҳазратларидан илтимос қилди. Аммо истишора (маслаҳат)дан кейин шартнома тузиш учун Мавлоно Қосим юборилди.

Шундай қилиб, шартнома имзоланди.

БОЛ ЎРНИГА ШАРОБ

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари Тошкентдан Самарқандга кўчмасдан аввал хизматкорларидан биттасига Самарқанддан бир неча кути соф бол (асал) олиб келишни буюрди.

Хизматкор буюрилган болни олиб, қутиларга солди ва Тошкентга қайтиш олдидан бир косибнинг дўконига кирди. Бол солинган қутиларни ҳам олдига қўйди. Косиб билан суҳбатлашаркан, дўконга бир гўзал хотин кирди. Хизматкор бу хотинга шаҳват билан бир неча марта қаради. Кейин ўрнидан туриб, Тошкент сари йўл олди.

Тошкентга келиб, бол тўла қутиларни Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг олдига қўйди. Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари унга:

– Эй саодатдан маҳрум кимса, мен сенга бол буюртма қилган эдим, сен менга шароб олиб келдингми? – деди.

– Йўқ, устодим, мен сиз айтганингиздайин, бол олиб келдим, – деди хизматкор.

Шунда қутилар очилди. Қутиларнинг ҳаммасида шароб бор эди. Хизматкор бунинг ўша гўзал хотинга шаҳват билан қараши натижасида бўлганлигини англади ва тавба этди.

ОТА-ОНАНГ МЕНИ БЕЗОВТА ҚИЛЯПТИ

“Рашоҳат” китобининг муаллифи шундай баён қилади:

“Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг хузурига илк келганимда, Мавлоно Саодатдин Қошғарий ҳазратларининг ўғли Мавлоно Кулон билан бирга эдим. Йилларча Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларига бирга хизмат қилдик, суҳбатларида бўлдик.

Бир куни Ҳожа Кулон Хуросонга уйига қайтиш учун Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларидан изн сўради, у изн берди ва менга: “Сен ҳам Хуросонга, ота-онанг ёнига қайт”, – деди.

Мен Ҳожа Кулон билан Хуросонга қайтдим.

Уйга келганимда, отам ва онамга Ҳожа ҳазратларининг деганини айтиб бердим. Улар йинглай бошладилар.

– Биз ҳар намоздан сўнгра Оллоҳга ёлвориб, сени юборишни истадик, – деди улар.

Мен бир муддат оиламнинг ёнида қолдим. Сўнгра онам ва отамга ёлвориб, Устодимнинг ёнига қайтиш учун изн истадим. Изн бердилар. Мен иккинчи дафъа Ҳожа ҳазратларининг суҳбатлари ила шарафландим. У ҳам менга бошқа “уйингга кет”, демади.

СУЛТОНЛАР ОРАСИДА

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг машҳур талабаси Мавлоно Муҳаммад қози ўзининг “Силсилатул Орифин” асарида шундай ёзади:

“Бир куни Мирзо Умар шайхнинг қипчоқ султони Султон Маҳмуднинг

ёрдамида, катта лашкар билан Самарқандга юргани ҳақда хабар келди. Самарқанд султони Султон Аҳмад Мирзо урушга ҳозирланиб, душмани қаршилаш учун катта қўшин билан йўлга чиқди.

Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари ҳам қўшин билан бирга кетди. Халқ уни сулҳ тузиш учун қўшин билан бирга кетди деб ўйлаган эди.

Хожа ҳазратлари 40 кун Султон Аҳмад қўшини билан бирга бўлди. Бир куни Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари жалолланиб:

– Мени бу ерга нечун чақирдингиз? Агар урушмоқчи бўлсангиз, нега кечиктираяпсизлар? Менинг бу ерда туришга тоқатим қолмади! – деди.

Султон Аҳмад Мирзо:

– Ҳар нарса сизнинг райингизга ҳавола, сиз нимани айтсангиз, биз уни қабул этамиз, – деди.

Шунда Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари бир отга минди ва ёнига бир жамоатни олиб, қарши тарафдаги Умар Шайх Мирзо ва Султон Маҳмуд турган истиқоматга йўл олди. Буни эшитган ҳар икки султон ҳам Хожа ҳазратларини кутиб олиш учун истиқболга чиқдилар. Кейин Шохруҳга кетишди.

Хожа ҳазратлари Султон Маҳмудга илтифот кўрсатди. Гапирар экан, унга қараб гапирди. Бу суҳбатдан сўнгра уч султон урушмасдан, сулҳ тузишга қарор қилдилар. Уч султон бир чодирда тўпланиб, Хожа ҳазратлари идораси остида шартномани имзолашга келишдилар.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари бу хабарни билдириш учун Султон Аҳмад Мирзо ёнига қайтди.

Эртаси куни эрталаб, Султон Аҳмад аскарлари зирҳли кийимларини киймасдан, фақат қуролларини олиб, келишилган манзилга яқинлашиб, саф ҳолида турдилар. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари қарши тарафдаги икки султонни келтириш учун Шохруҳга кетди.

Султон Маҳмуднинг мамнунияти юзидан кўриниб турарди. Аммо Умар шайхда ғалати бир иккиланиш бор эди.

Буни кўрган Хожа ҳазратлари Султон Маҳмудни ҳар қандай муҳтамал ҳийлага қарши тадбирли бўлиш ҳақида огоҳлантирди. Сўнгра бу тарафнинг аскарлари ҳам зирҳсиз, фақат қуролланган ҳолда, келишилган ерга олиб борилди. Бу шаклда уч ҳукмдорнинг қўшинлари бир-бирлари билан юзма-юз, саф тортиб турдилар. Шартнома имзоланиши керак бўлган чодир қурилаётганда, “чодир сизга яқин, бизга узоқ” кабилида бир тортишма чиқди.

Мунозара бошланди.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари пешин намози таҳоратини саф тортиб турган икки қўшин орасида олди. Сўнгра Аҳмад Мирзога одам юбориб:

– Мен бир кишиман, кексалик заифлиги ичидаги бир одам. Бу машаққатли йўлга чидашга интилишимнинг сабаби, сизларнинг урушмаслигингиз учундир. Агар менга ишонсангизлар тортишмани тўхтатинглар, чодирни қаерга курсалар курсинлар, – деди.

Шунда Султон Аҳмад

– Тўсқинлик қилманглар, чодирни қаерга қуришса курсинлар, – дея буйруқ берди.

Нихоят чодир курилди. Султон Аҳмад Мирзо чодирга ўз муҳофизлари билан биринчи бўлиб келди. Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари Султон Маҳмуд Мирзо ва Умар Шайх Мирзо билан бирга чодирга келдилар.

Султон Аҳмад Мирзо уларни кутиб олди. Хожа ҳазратларининг ишорати билан Султон Маҳмуд Мирзони кучоклади.

Кейин Хожа ҳазратлари Султон Умар Шайх Мирзони акаси Султон Аҳмад Мирзони ёнига келтирди. Султон Умар Шайх акаси Султон Аҳмаднинг кўлини ўпди, кўзига сурди ва йиғлади.

Бу манзарани кўрганлар ҳам кўз ёшларини тўхтата олмадилар.

Кейин чодирга киришди.

Ҳайбатли бир мажлис бўлди.

Ҳар уч султон ҳам бутун масалаларда келишдилар, энди бир-бирига қилич кўтармасликка аҳд қилдилар.

Ахднома ёзилди. Ҳар уччала султон бу ахдномани имзолади. Бу ахднома шарти бўйича, Тошкент Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари воситасида Султон Аҳмад Мирзодан Султон Маҳмуд Мирзога ўтди, унга тобё бўлди.

Сўнгра Фотиҳа ўқилди.

Султонлар бир-бирлари билан хайрлашдилар.

Шартнома тузилган куни халқ Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг таъсиридан хайратга тушди. Унинг тасаввуфда буюк бир вали мақомига юксалганини кўрди. Ўша куни Хожа ҳазратлари Султон Маҳмуд Мирзога:

– Сиз Тошкентга боринг, мен ҳам бошқа бир йўлдан сизга етишаман, – деди ва талабалари билан Тошкентга йўлга чиқди.

Йўлда Мавлоно Муҳаммад Қозига:

– Бу ишлар китобга ёзиладиган ишлардир, – деди Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари.

ҒОФИЛНИНГ КЎЙЛАГИ

Бир талаба Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг мажлисига бир ғофил кимсанинг кўйлагини кийиб келган эди.

Сухбатга ўтирганларида, Хожа ҳазратлари:

– Бу мажлисда бир ғофилнинг ҳиди келаяпти. – ва ўша талабага қараб, – Бу ҳид сендан келаяпти, бир ғофилнинг кўйлагини кийдингми? – деб сўради.

У талаба дарҳол ташқарига чиқди. Устидаги кийимни алмаштириб келди.

ИСТАНБУЛНИНГ МАЪНАВИЙ ФОТИҲИ

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг набираси Хожа Муҳаммад Қосимдан шундай нақл қилинади:

“Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари бир куни пешиндан сўнгра, кутилмаганда отини эгарлашни буюрди. От хозир бўлганда, унга минди ва Самарқандга йўлга чиқди. Талабаларидан бир қисми ҳам унга эргашди.

Хожа ҳазратлари Самарқандга яқинлашганда талабаларига:

– Сизлар шу ерда туринглар, – деди ва отини “Аббос саҳроси” деган жойга йўналтирди.

Талабаларидан Мавлоно шайх уни бир муддат таъкиб этиб борди. У шундай хотирлайди:

“Хожа ҳазратлари билан саҳрога борганимизда, у соғ-сўлга от чоптира бошлади, кейин бирданига ғойиб бўлди.

Бунинг сабабини Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари ўзи айтиб берди:

– Турк Султони Муҳаммад Хон (Фотих) кофирлар билан жанг қилаётган эди. Унга ёрдам этишга кетдим. У Оллоҳу Таолонинг изни ила ғолиб келди, зафар қозонилди, – деди у”.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг ўғли Хожа Абдулаҳад шундай дейди:

“Билодий Рум(Анатолия)га борганимда Султон Муҳаммад Хоннинг ўғли Султон Муҳаммад Боязидхон менга отам Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг шакл-шамойилини тасвираб берди ва:

– У зотнинг оқ оти бормиди? – деб сўради. Мен у тасвираган инсон отам эканини ва ҳақиқатан ҳам оқ оти бўлганлигини айтдим.

АМАЛНИНГ ТАЪСИРИ

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари инсоннинг қилган яхши ёки ёмон ишлари жонсиз нарсаларга ҳам таъсир қилишини айтарди.

“Инсонларнинг ишлари, ахлоқи жонсиз нарсаларга ҳам таъсир қилади. Муҳиддин Арабий ҳазратларининг бу хусусда кўп кашфи бор. Шунинг учун ёмон амаллар ишланган ерда қилинган ибодат билан яхши амаллар ишланган ерда адо этилган ибодат бир-бирдан фарқлидир. Яхши ишлар қилинган ердаги ибодат бошқа намозларнинг мингтасига бадалдир”, – деган Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари.

ФИКРЛАР

Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари тасаввуф ҳақида фикр билдириб, шундай деди:

“Шайх Абу Саид Абулхайр тасаввуфни шундай таъриф қилган:

– Бугунгача авлиёдан етти юз зот тасаввуф ҳақида турли сўзларни айтди, бу сўзларнинг маъзи эса шу: тасаввуф – вақтни энг керакли нарсага сарф этмақдир.

Хожа Ҳазратлари аҳли суннат ҳақида шу фикрни билдирди:

“Бутун ҳолларни ва кашфларни бизга бериб, аҳли суннат ва жамоат эътиқодини қалбимизга ерлаштирмасалар, ҳолимни хароб, истиқболимни қоронғилик, деб билардим.

Агар бизга бутун харобликларни, чиркинликларни бериб, қалбимизни аҳли суннат эътиқоди билан безатсалар, ҳеч қайгуга ботмайман”.

ЎРНИДА ВА ВАҚТИДА ГАПИРИШ

“Саййидлар яшайдиган бир ўлкада мен яшай олмайман. Расулulloх(алайхиссалом)га боғлиқ бир насаб шарафига лойиқ бир таъзимни кўрсатолмасликдан кўрқаман”.

ТАСАВВУФ

“Тасаввуф – ҳар кимнинг юкини ташимоқ ва ҳеч кимга ўз юкини ташитмасликдир”.

ҚАЙСИНИСИ ЯХШИ?

Бир кун Мавлоно Ҳомуш Ҳазратларининг ёнига борган эдим. Ёнидагилар билан илмий масалаларни музокара қилаётган эди. Мен ҳам бир ерга ўтирдим ва ҳеч гапирмадим.

У менга қараб:

– Нима дейсан, жим ўтириш яхшими ёки гапиришми? – деди.

Кейин ўзи жавоб берди:

– Бир киши нафсидан қутила олмаган бўлса, нима қилса – ёмон, – деди.

Мен Мавлоно Ҳомушдан бундан ҳам гўзалроқ сўз эшитмадим.

ЗИКР

“Зикр казиш кабидир. У билан кўнгилдаги бегона туйғу тиканлари казиб, олиб ташланади”.

ҒОЯ

“Инсоннинг яратилишидан мурод – унинг Аллоҳга қулик этишидир. Қуллиқнинг моҳияти – Аллоҳни ҳеч қачон унутмасликдир”.

ИЛМ

“Илм икки хилдир: бири варосат илми, иккинчиси ладун илмидир. Варосат илми ўқиш йўли билан қўлга киритилиши мумкин. Расулulloх(алайхиссалом):

– Ким билганларига амал қилса Аллоҳу Таоло унга билмаганларини ҳам ўргатади, – дегандир.

Илм-и ладун эса Аллоҳу Таолонинг эҳсонидир. Меҳнат қилгиб қўлга киритиш мумкин эмас. Илоҳий мавҳибадир. Аллоҳ уни Ўзи истаганга беради.

ЗАМОНИМИЗДА

“Замонимизда аҳли иродат, мурид (талабалиқ қобилиятига эга бўлганлар) оздир. Бир олим буюқлардан биттасига хабар юбориб: “Бу ерда муридлик васфи бўлган киши оз, сиз тарафларда бўлса, бизга юборинг”, – деган.

Бу хабарни олган буюк зот шундай жавоб берибди: “Сиз айтган васфдаги инсонлар бу ерда ҳам йўқ, агар шайх истасангиз, истаганингизча юборайлик”.

РИЁЗОТ

“Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий Ҳазратлари Аллоҳу Таолонинг ризосига қовушмоқ учун шундай риёзот қилиб, зикрга ғарқ бўлдики, оғзи-бурнидан қон келди. Ерга тушган ҳар томчи қон “Аллоҳ” калимасини ёзди. Шундан кейин унинг хожаси унга ҳар он Аллоҳу Таолони эсдан чиқармаслик маъносини аниқлаган “Ёди-дашт” мақомида бўлишни амр этди”.

УБАЙДУЛЛОҲ АҲРОР ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ВАФОТИ

Умрини ислом дининг амр ва таъқиқларини ўрганиш ва ўргатишга бағишлаган Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари ҳижрий 895 (милодий 1490) йилида вафот этди.

Вафотидан икки кун аввал:

– Агар соғ қолсақ, беш ой сўнгра саксон тўққиз ёшим тамом бўлиб, тўқсонга қираман. Баъзи буюқлар умрининг йил сони билан хаста ётган кун орасидаги уйғунликни ҳадисий шарифдаги “бир кунлик ҳасталик (хумма) бир йилнинг каффорати” ибораси билан уйғунлигини айтгандилар, – деди.

Ҳақиқатан ҳам, Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари 89 кун хаста ётди ва 89 ёшида вафот этди, 90 ёшга етмади.

Вафот этгани кун (Рабби ул-аввал оyi), жума куни хасталиги оғирлашиб, сакароти мавт ҳоли бошланди. Бу кунни талабаси Хожа Муҳаммад Яхё шундай тасвирлайди:

“Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари хонасида бир неча чирок ёниб, хона ниҳоятда ойдin эди. Шу пайт Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратларининг икки қоши ўртасидан яшин каби шундай бир нур чиқдики, уйдаги чироклар гўё сўнгандай хиралашди. Бу нурни ҳама кўрди. Бу нур порлагандан сўнгра Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари сўнг нафасини бериб, вафот этди.

Эртаси куни, шанба куни Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратларининг жанозаси Самарқандга олиб келинди, Кофшир маҳалласида ювилди. Сўнгра дафн этилди.

Ўғиллари қабри устига бир кубба ва ёнига иморатхона қурдилар”.

Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари шу асарларнинг муаллифидир:

”Анис-ус-Соликин фит Тасаввуф”

“Ал-урватул вусқоли арбоб-ил иртико”

“Руқоат”、“Фуқорат рисоласи”

“Волидийа рисоласи”.

ХАЛИФАЛАРИ

Хожа Муҳаммад Зоҳид, Мавлон Сайфиддин Хоразмий, Мавлоно Абдурахмон Жомий, Хожа Муҳаммад Асқар, Хожа Қуллол Муҳаммад Акбар ва бошқалар.

ХОЖА МУҲАММАД ЗОХИД БАДАҲШИЙ

Накшбандия силсиласининг буюк шайхларидан, асрнинг уламози ичида энг кучлиларидан эди. Илоҳий сирлардан вокиф эди. Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратларининг илк халифаларидан бўлиб, омонатни ундан олди.

Тақво, дунёга лоқайдлик, зухд ва бошқа фазилатлар соҳиби эди. Ҳали Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорни танимасдан туриб, буюк ғайрат сарф этиб, нафси билан жиҳод этган зотдир.

Унинг бу ҳоли йилларча давом этди. Ниҳоят, ғайбдан олган ишорат ила Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари турган жойга йўл олди. У ерга яқинлашганда Хожа Аҳрор Ҳазратлари ботин нури билан унинг ҳолидан вокиф бўлди ва истикболига чиқди.

Бир-бирига яқинлашганларида ҳар иккаласи ҳам отларидан тушиб, бир дарахт остига келиб, ўтиришди.

Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари ўша ернинг ўзида келган бу меҳмонни ўзининг иршод ҳалқасига илова этди.

Шундан кейин бу икки зот ҳеч учрашмади.

Муҳаммад Зоҳид Бадахший Ҳазратлари Хожа Ёқуб Чархий Ҳазратларининг синглисининг ўғли бўлиб, ёшлигида Чархий Ҳазратларининг халифалари билан суҳбат этганди, улардан истифода қилганди.

Муҳаммад Зоҳид Бадахший Ҳазратлари хижрий 936-йилида вафот этди.

ХОЖА ДАРВИШ МУҲАММАД

Муҳаммад Зоҳид Бадахший Ҳазратларининг энг катта халифаларидан.

Тавозенинг сўнг нуқтасига етган бир зот эди.

Зоҳирӣ ва ботинӣ илмларни ўзида тўплаган, маънавий рамз ва ишоратлардан хабардор, жўмардлик ва эҳсони билан танилган комил бир шайх эди. Авлиёнинг буюкларидан эди.

Туғилган йили номаълум.

Ҳижрий 970 (м.1562) йилида вафот этди.

Катта олим ва вали бўлган тоғаси Қози Муҳаммад Зоҳиднинг дарсларига қатнади. Ундан иршод олмасдан авал 15 йил зуҳд ва риёзот билан вақт ўтказди. Уйқусиз, зикр ва фикр билан машғул бўлди.

Бир кун очликдан чорасиз қолиб, осмонга қаради. Шу пайт ёнига Хизр алайҳиссалом келди ва:

“Агар сабр-қаноат истасанг, Хожа Муҳаммад Зоҳид хузурига бор, хизматига кир, суҳбатини тингла”, – деди.

Дарҳол Муҳаммад Зоҳиднинг хузурига борди, у ерда илм таҳсил этди, гўзал тарбия кўриб, камолга эришди.

Хожаси унга инсонларга тўғри йўлни кўрсатмоқ, жаҳаннам азобидан кутқарувчи нарсаларни билдирмак учун хилофат берди.

Хожасининг вафотидан сўнгра унинг ўрнига ўтиб, Самарқандда иршодга бошлади ва кўп вали етиштирди.

Ҳижрий 970 (м. 1562) йилда, Имом Раббоний Ҳазратларининг дунёга келишидан бир йил авал Бустардаги Дасфарор қишлоғида вафот этди.

Унинг талабалари кўп эди. Энг каттаси Хожа Муҳаммад Эмкангийдир.

МАВЛОНО МУҲАММАД ХОЖА ЭМКАНГИЙ

Ҳижрий 918 (м. 1512) йилда Самарқанд яқинларидаги Эмканг деган кишлоқда дунёга келди. Муҳаммад Эмкангий Нақшбандия тариқатининг буюк машойхларидан эди. Икки восита билан Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Ҳазратлари билан робита қила оларди.

Хожа Муҳаммад Боқибиллоҳ Ҳазратлари бир куни Моворауннахр шаҳарларидан бирига кетар экан, бир кеча рўёсида Эмкангий Ҳазратларини кўради. У:

– Эй ўғил, кўзларим сенинг йўлингда, – дейди.

Хожа Муҳаммад Боқибуллоҳ бундан севинчга тўлади.

Эмкангий Ҳазратлари Муҳаммад Боқибиллоҳ Ҳазратларига хурмат кўрсатиб, унинг юсак ҳолларини тинглагандан сўнгра уч кеча-уч кундуз у билан ҳалватга кирдилар.

Сўнгра Хожа Боқибиллоҳ Ҳазратлари шундай деди:

“Сизнинг ишингиз Аллоҳу Таоло Ҳазратларининг изни ва бу юсак йўлнинг буюклари тарбияси билан тамомланди. Силсилаи-саодатнинг сиз билан янгидан порлаяжигига инонаман. Баракат ва тарбиянгиздан истифода этиб, буюк ишлар қиладиган зотлар келажак. Сизнинг такрор Ҳиндистонга кетишингиз ижоб этди”.

Хожа Боқибиллоҳ ўзини бу ишга лойиқ кўрмаслигини айтса ҳам, Эмкангий Ҳазратлари унга истиҳора этишни амр этди.

Боқибиллоҳ Ҳазратлари Эмкангий Ҳазратларига кўрган тушини айтиб берди.

Эмкангий Ҳазратлари унга:

– Дарҳол Ҳиндистонга кетинг. У ерда бир авлиё майдонга чиқади, бутун дунё унинг нури билан тўлажак. Ҳатто сиз ҳам ундан насибингизни олажаксиз, – деди. Хожа Боқибиллоҳ Ҳазратлари Ҳиндистондаги Сарханд шаҳрига келганида, унга:

– Кутбнинг атрофига келдингиз, – дея билдирдилар. Бу кутб – Имом Раббоний Ҳазратлари эди.

Эмкангий Ҳазратлари ҳижрий 1008 (м. 1599) йилда 90 ёшида вафот этди ва Эмканг кишлоғида дафн этилди.

ХОЖА МУҲАММАД БОҚИБИЛЛОҲ

Замонасининг энг буюк уламосидир. Ҳижрий 971 (м. 1563) йилда туғилди. Ҳижрий 1012 (м. 1603) йилда вафот этди. Зохирий ва ботиний камолот билан мужаҳҳаз, жазба ва илоҳий ишқ билан безанган, зуҳд ва такво билан маъруф, жўмард бир зот эди.

Маънавий жиҳатдан Баҳовуддин Нақшбанд Ҳазратларига, зохиран Эмкангий Ҳазратларига боғлиқ эди. У Қобулдан Самарқандга келиб, зохирий илмлар билан шуғулланди. Кейин Муҳаммад Эмкангий Ҳазратларидан ботиний илмларни ўрганди.

Бокибиллох Ҳазратларининг кенжа ўғили Муҳаммад Абдуллох кўлида бир ойна билан отасининг хузурига келди. У ўғлига:

– Ойнада ўзингга кара, – деди.

Муҳаммад Абдуллох ойнага каради ва унда отасини оқ соқоли, нуроний юзли кўрди ва хайратланди. Чунки отасининг соч-соқоли хали қоп-қора эди. Буни сезган Бокибиллох Ҳазратлари:

– Юзимизга берилган бу оклик илоҳий нурдандир, хайратланадиган ери йўқ, – деди.

КЕЧАЛАРИ

Хожа Бокибиллох Ҳазратлари ибодат ва тоатда ғайратли эди. Оз ухлар, оз ерди, оз гаплашарди. Ҳар кеча – окшом намозидан таҳажжудга қадар – Қуръони Каримни икки марта хатм этарди. Кейин, таҳажжуд қилиб, тонг оқаргунча 21 марта “Ёсин” сурасини ўқирди, куёш чиққандан кейин эса, шундай дерди:

– Ё Раб, кечалар нақадар тез ўтаяпти!

ВАФОТИ

Хожа Муҳаммад Бокибиллох Ҳазратлари ҳижрийнинг 1013 йилида 40 ёшида вафот этди. Қабри Дехлида. Унинг халифалари Имом Раббоний, Аҳмад Фаруқий Сарҳандий, шайх Тожиддин, Мавлоно Амир Хисомиддиндир.

ИМОМ РАББОНИЙ АҲМАД ФАРУҚИЙ САРҲАНДИЙ

Ҳиндистонда етишган буюк ислом олими, буюк вали, мужаддид ва мустаҳжид эди.

“Силсилаи саодати Накшбандия”нинг йигирма учунчи ҳалқаси.

Ҳижрий 971 (м. 1563) йилида, Ашура куни Сарҳанд шаҳрида дунёга келди. Ҳижрий 1034 (м. 1624) йилининг сафар ойида, сешанба куни Сарҳандда вафот этди.

Исми Аҳмад, отасининг исми Абдулаҳад, бобосининг исми Зайн ал-обидиндир. Тахаллуси Бадриддин, Имом Раббоний исми билан машҳурдир.

Ҳижрий иккинчи минг йилликнинг мужаддиди ўлароқ қабул этилган ва “Мужаддидий Алфи соний” исми билан шарафлантирилгандир.

Шариат ва тарикатни бирлаштиргани туфайли унга “Сило” исми берилди. Ҳазрати Умар уруғидан келгани учун унга “Фаруқий”, Сарҳанд шаҳридан бўлгани учун “Сарҳандий” дейишган.

Имом Раббоний Ҳазратлари Ҳазрати Умар (р.а.)нинг йигирма тўққизинчи наслдан набирасидир.

ОНАСИ

Отаси ва боболари замонасининг олимлари, солиҳ ва фазилатли кишилари эди.

Отаси Абдулаҳад зоҳирий ва ботиний илмлардан хабардор, тасаввуф ҳолларида комил бир олим эди. У ёшлигида илм-ирфон ёймоқ учун Ҳиндистоннинг Скандара шаҳарчасига борганди.

У ернинг аслзода оилаларига мансуб бир хоним Абдулаҳаднинг муборак бир зот эканини англаб, унга “ўз кучоғимда тарбия этганим ифбат ва исмат жавҳари бир синглим бор, бу солиҳа кизнинг сиз билан никоҳланишини орзу этмактаман”, дея хабар йўллади. Абдулаҳад бир муддат ўйланиб, кейин бу таклифга рози бўлди ва у кизга уйланди.

Имом Раббоний Ҳазратлари бу никоҳдан дунёга келди.

КАТТА БОБОСИ

Раббоний Ҳазратларининг ўн бешинчи бобоси Фарруҳ шоҳ Қобил султонларининг вазири эди, бир кумандон эди.

У Фазна ва Қобил тарафларидан келиб, Ҳиндистонга ерлашганди.

ТАҲСИЛИ

Илк дарсларини отасидан олди. Арабчани отасидан ўрганди. Кичик ёшдан Қуръони Каримни ёд ола бошлади. Унинг овози гўзал эди, ҳамма унинг Қуръони Каримдан оятлар ўқишини истарди. Сўнгра Сиёлкут шаҳрига бориб, у ерда зоҳирий ва ботиний илмларни ўрганди. Замонасининг машҳур олими Мавлоно Камолиддин Кашмирийдан дарс олди.

Ҳадис китобларини шайх Ёқуб Кашмирийдан ўрганди.

Қози Бахлулий Бадахшонийдан ҳадис, тафсир ва усул илмларини ўрганиб, ундан ижозат (диплом) олди.

Ўн етти ёшида таҳсилани тамомлади.

Унинг фаросати, балоғати, ақлининг кучи ҳаммани хайратга соларди.

Отаси ҳаётда экан, у зоҳирий ва ботиний илмларни талабаларга ўргатишга бошлади. Айни пайтда, “Рисолаи таҳлил”, “Раддий равофиз”, “Исботун нубувва” номли асарларини ёзди.

УЗТОЗИ БИЛАН ИЛК УЧРАШУВИ

Имом Раббоний Ҳазратларининг бу қадар илми бўлишига қарамай, қалби тасаввуф ишқи билан ёнарди.

У отаси вафот этгандан сўнг, Дехлига келди ва Муҳаммад Бокибиллоҳ Ҳазратларининг талабаси Мавлоно Ҳасан Кашмирий билан кўришди. Мавлоно Ҳасан уни ўз хожаси ҳузурига олиб боришни истаб, устоди ҳақида шундай деди:

– Бутун Аҳрория-Накшбандия йўлида бундай буюк зот йўқ ҳисоби. Ҳақиқий талабалари Аллоҳнинг изни билан шундай даражага етишадик, чекилган риёзотлар, чиллалар билан бунга етолмайдилар.

Имом Раббоний Ҳазратлари Аҳрория йўли ва бу йўлдагиларнинг шони ҳақда отасидан ҳам эшитганди. Бу йўл буюкларининг китобларини ўқиб, ундан файз олганди.

У дарҳол Боқбиллоҳ Ҳазратларининг ҳузурига кетди. У ерда Аллоҳ унинг қалбида бир нур порлатди, у кунгача билмаган нарсалари қалбини тўлдирди.

Ҳаждан қайтаётганда яна бир марта келишга ният қилди. Аммо чидай олмади, бир кун ўтиб, яна Бокибиллоҳ Ҳазратларининг ҳузурига келди ва Аҳрория файзига қўшилиш истагини билдирди. Ва Хожа Ҳазратларининг хизматида қолди.

Адаб билан, жон-жаҳди билан хожасига боғланди. Унинг бу азми Аллоҳ тарафидан мукофотсиз қолмади – у қиска муддатда, икки ой ичида бошқаларда кўрилмаган холларни кўрди.

Муҳаммад Бокибиллоҳ Ҳазратлари унга бир ҳикояни айтиб берди:

“Тушимда бир тўтиқуш кўрдим. У келиб, менинг қўлимга қўнди. Мен оғзимнинг сувини унинг тумшугига оқиздим. У тумшугидан менга шакар берди. Бу рўёмни устодим Муҳаммад Эмкангийга айтиб бедрим. У менга:

– Тўти Ҳиндистон қушларидандир. Дарҳол Ҳиндистонга кетинг. У ерда

сизнинг баракатли тарбиянгиз билан бир авлиё етишажак, дунё унинг нури билан тўлажак, ҳатто сиз ҳам ундан насибингизни оласиз, – деганди”.

Имом Раббоний Ҳазратлари кейинроқ хожасининг ўғилларига юборган мактубида (266-мактуб) шундай ёзади:

“Юксак устодимнинг, мени дунё ва охираат неъматларига қовушимга йўл кўрсатган қийматли Хожамнинг фарзандлари! Билингизки, (мен) ҳар нарсага муҳтож ва заиф биродарингиз, инсонликнинг алифбосини ундан ўргандим. Юксакликлардан хабар берган калималарни ундан ўргандим. Ҳеч бир ишга ярамаган ва инсонликдан хабари бўлмаган бу (мен) заволлик, Аллоҳнинг изни-иродаси билан, икки ярим ой ичида балоғатга етиб, буюкларнинг йўлига кирдим. Шундай қисқа вақтда тасаввуфдан тоғиб кўраолганларнинг айтганлари: тажаллийлар, зухурлар, нурлар, ҳоллар ва кайфиятлар отангизнинг порлоқ калбидаги дарёнинг томчилари бўлиб атрофимга сочилди.

Булардан қайсинисини айтиб берайин!

Унинг лутф этиб, раҳми келиб, муборак кўнглини бу (мен) фақирга очиши билан тасаввуфчиларнинг тавҳид, қурб (Аллоҳга яқинлик), моият (Аллоҳ билан бирга бўлиш) каби сўзлар ила англаштиришни истаган маърифатлардан, нозик билгилардан қўлга киритилмагани деярли қолмади...”

Хожа Муҳаммад Боқибиллоҳ Ҳазратлари эса ўз асхобидан биттасига ёзган хатида: “Сарҳад шаҳридан бир ёш йигит келди. Жуда илмли йигит. Ҳар бир ҳаракати илмга уйғун. Бир неча кун бу фақирнинг ёнида бўлди. Унда кўп нарса кўрдим, дунёни тўлдиражак бир қуёш бўлишини ўйлапман...”

ИЖОЗАТ

Бир неча ой сўнгра Муҳаммад Боқибиллоҳ Ҳазратлари Имом Раббоний Ҳазратларига ижозат берди. Ва ўлкаси Сарҳандга қайтишга буйруқ берди.

Муҳаммад Боқибиллоҳ Ҳазратлари ўз талабаларини етиштиришни ҳам Имом Раббоний Ҳазратларига топшириб, у кетгандан кейин, унинг орқасидан талабаларини Дехлига юборди.

Ва Муҳаммад Боқибиллоҳ Ҳазратлари шундай деди:

“Қалбларга даво, руҳларга шифо бўлган бу тухумни Самарқанд ва Бухоридан келтириб, Ҳиндистоннинг тупроқларига экдим. У (Имом Раббоний) ҳар даражани ошиб бўлганда, мен орадан чикдим ва талабани унга топширдим”.

Имом Раббоний Ҳазратлари ўлкасига келиб, зоҳирий ва ботиний илм нурларини ёйишга бошлади. Талаба етиштириб, ирфон тарқата бошлади.

Замонасининг кўплаб олимлари, зоҳид зотлари унинг маърифат нуридан баҳра олиш учун атрофида парвона каби айландилар.

Талабаларига “Байзовий тафсири”, “Саҳихий Бухорий”, “Мишкотий Масобих”, “Авориф ул – Маориф”, “Усулий Паздавий”, “Ҳидоя ва шарҳий Мавоқиф” асарларини ўқитарди.

Қалбларни илм нури билан тўлдириб, Исломи қувватлантирар эди.

Имом Раббоний Ҳазратлари устоди Муҳаммад Боқибиллоҳ ҳазратларини яна уч марта зиёрат этди ва кўпгина файзли суҳбатларини олди. Ва доим буюк бир хурмат билан, тавозе билан унинг хизматида бўлди.

УСТОЗИНИНГ ВАФОТИ

Имом Раббоний Ҳазратлари Лаҳорда экан, устодининг вафоти ҳақда хабар келди. Қалбидаги фароҳ ва хузур ерини қайғу ва қадар тўлдирди.

Дарҳол Дехлига кетди.

Муҳаммад Боқибиллоҳ Ҳазратларининг кабрига борди, дуо қилди. Ўғилларига, талабаларига таъзия билдирди. Устодига боғлиқ бўлган бутун талабалари ва устодининг яқинлари Имом Раббоний Ҳазратларига буюк хурмат, муҳаббат ва таслимият кўрсатдилар.

Имом Раббоний Ҳазратлари уларнинг илтимосларига биноан бир муддат Дехлида қолди. Иршоди ва суҳбатлари билан талабаларининг таважжухини қозонди. Имом Раббоний Ҳазратлари ҳар йил хожаси Муҳаммад Боқибиллоҳ Ҳазратларининг вафот этгани ойда Сарҳанддан Дехлига келиб, устодининг қабрини зиёрат этар ва такрор Сарҳадга қайтарди.

Икки уч марта Аграга саёҳат қилди. Бундан бошқа ерга кетмади. Доим Сарҳандда яшади ва фаолият кўрсатди.

ҚОДИРИЙ ИЖОЗАТИ

Имом Раббоний Ҳазратлари Муҳаммад Боқибиллоҳ Ҳазратларидан том бир нисбат ила ижозат олиб, Сарҳандга қайтгандан сўнгра, “Қодирия” тарикатининг буюк олимларидан бўлган Шох Камол Қодирий йўлидан ҳам ижозат олишга муяссар бўлди.

Бу воқеа шундай юз берди.

Бир куни эрталаб Имом Раббоний Ҳазратлари талабалари билан муруқоба ҳолида ўтиришганда, Шох Камолнинг набираси Шох Искандар Каҳтандан келиб, Шох Камолнинг ҳирқасини Имом Раббоний Ҳазратларининг елкасига ташлади.

Имом Раббоний Ҳазратлари кўзларини очди.

Шох Искандарни кўрди.

Тавозе билан кучоклашдилар.

Шох Искандар шундай деди:

– Анчадан бери ҳол ва тушларимда бобом Шох Камол ўз ҳирқасини сизга топширишимни буюрмоқда эди. Фақат менга унинг бу баракатли ҳирқасини уйдан чиқариб, бировга бериш жуда оғир келаётганди. Аммо такрор такрор амр келавергандан сўнгра, буни бажо келтириш лозим бўлди.

Имом Раббоний Ҳазратлари ҳирқани кийиб, хусусий хонасига ўтди. Бир муддат сўнгра у ердан чиқиб, энг яқинига, марҳамларига шундай деди:

– Ҳазрати Шох Камолнинг ҳирқасини кийгандан сўнгра жуда кўп гаройиб ҳоллар пайдо бўлди. Инсонлар ва жинларнинг ҳукмдори Абдулқодир

Гайлонийни Шоҳ Камолгача бўлган бутун халифалари ила ёнимда кўрдим. Абдулқодир Гайлоний Ҳазратлари қалбимни ўз тасарруфларига олди ва махсус нисбати ва йўлининг нури мени қамради. Мен бу ҳол ва нурга ғарк бўлдим, ғаввос бўлдим. Бир муддат бу ҳолда қолдим.

Қалбимда “мен Аҳрория йўлида тарбияландим, энди эса бошқача бўлаёпти”, деган тушунча пайдо бўлди. Шу пайт “Аҳрория” йўлининг Абуллоҳ Ғиждувоний Ҳазратларидан тортиб, хоҷам Боқибиллоҳ Ҳазратларигача бўлган бутун халифалари кўринди.

Улар: “Буни биз тарбия қилдик, нега ишимизга аралашаяпсизлар?” дейишди.

Қодирия тарикатидагилар: “Унга болалигидаёқ таважжухимиз бор эди, Аллоҳнинг бизга берган неъмат дастурхонидан тотгандир. Энди бизнинг ҳирқамизни киймактадир”, дедилар.

Улар гаплашаётганда, Кубравия (Нажмиддин Кубро тарикати), Чаштия тарикатидан ҳам биттадан жамоат келди. Ва ўз ораларида келишдилар. Шундан сўнгра, бу икки шарафли нисбатдан қалбимда буюк бир шавқ ҳис этдим...”

Имом Раббоний Ҳазратлари тасаввуфда бу йўлларнинг ҳаммасидан талаба этиштириш учун салоҳиятли бўлди.

МУЖОДАЛАСИ

Пайғамбаримизнинг вафотидан минг йил сўнгра ислом душманлари анча кучга кириб, динимизга қарши қаттиқ ҳужум бошлагандилар. Бу даврда майдонга чиққан Имом Раббоний Ҳазратлари мужаддид вазифасини ўз зиммасига олди.

Аллоҳу Таоло унга теран илм эҳсон этди, унинг воситасида душман ҳужумларини сусайтирди.

Имом Раббоний Ҳазратларининг китоблари ва мактублари инсонларни ғафлатдан уйғотди.

Ҳасадчилар ҳам бекор турмадилар. Улар Имом Раббоний Ҳазратлари ҳақда “у Жунайд Боғдодий, Боязид Бистомий каби буюк машойихни писанд қилмайди”, деган миш-мишлар тарқатишди. “У ваҳдат ул вужудни инкор қилади”, дея игво қилдилар. Фаросатсиз инсонлар бунга ишондилар.

Имом Раббоний Ҳазратлари ўз мактубларида ва рисоаларида Асхоб-и Киром душманларининг жоҳил ва олчоқ эканликларини фош қилди. Бу хусусда, “Раддий равофиз” номли рисола ёзиб, уни Бухоро ҳукмдори Абдуллоҳга йўллади.

Имом Раббоний Ҳазратлари илова мактубида Абдуллоҳга:

“Буни Шоҳ Аббос Сафавийга кўрсатинг. Қабул этса яхши, қабул этмаса, у билан ҳарб жоиз бўлур”, – деб ёзди.

Шоҳ Аббос бу рисолани қабул этмади.

Абдуллоҳ Хон Ҳиротни ва Хуросондаги бошқа шаҳарларни олди. Зотан, Сафавийлар бу шаҳарларни 100 йил авал ишғол қилишганди.

Шундан кейин Ҳиндистондаги бузук фиркалар ҳаракат бошладилар. Бу Асхоб-и Киром душманлари Ҳиндистон Подшоҳи Акбар шоҳга бориб, Имом Раббоний Ҳазратларидан шикоят қилдилар, унга ифтиролар қилдилар.

ЎЛДИРИШГА ТАШАББУС

Акбар ўғли Шоҳ Жаҳонни юбориб шоҳнинг, Имом Раббоний Ҳазратларини, унинг фарзандларини ва талабаларини ўлдиришга амр берди.

Шоҳ Жаҳон бир муфтийни ёнига олиб, Имом Раббоний Ҳазратларининг ҳузурига келди. У султонга сажда қилиш жонлиги ҳақда бир фатво ҳам олиб келганди. Аммо Шоҳ Жаҳон Имом Раббоний Ҳазратларининг устунлигини биларди ва уни ҳимоя қилмоқ истарди.

– Отамга сажда этсанг, сени қутқаришим мумкин, – деди у.

Имом Раббоний Ҳазратлари эса:

– Бу фатво зарурат замонида берилган бир рухсатдир. Азамат ва дин бунглиги асосига қўра сажда лозим эмас. Ажал келса, инсонни ўлимдан ҳеч ким қутқара олмайди, – деди ва Шоҳ Жаҳоннинг таклифини рад этди.

Имом Раббоний Ҳазратлари фарзандларини, талабаларини олмасдан Акбар Шоҳ саройига ёлғиз ўзи кетди.

Ўзига қарши йўналтирилган тухмат ва ифтироларга жавобан шундай бир ҳимоя маърузаси қилдики, Акбар Шоҳ ундан узр сўраб қўйиб юборди. Акбар Шоҳга очик далиллар билан ҳақиқатни тушинтирар экан, буни тинглаган бир оташпараст кўмондон мусулмон бўлди.

ҲИБСДА

Султоннинг Имом Раббоний ҳазратларини қўйиб юборганидан талвасага тушган дин душманлари:

– Бунинг одами кўп, уни қўйиб юборсангиз, ўлкада бир ғавго чиқиши мумкин деб, –деб султонни алдашга муваффақ бўлишди.

Ва Имом Раббоний ҳазратларини энг кўркинчли зиндони “Гувалёр кальаси”га ташладилар.

Бундан ғазабланган талабалар исён кўтармоқ истадилар, улар буни амалга оширадиган кучда эдилар. Аммо Имом Раббоний ҳазратлари талабаларини ҳам тушларида, ҳам маънавий йўл билан бу йўлга кирмасликка чақирди.

Акбар шоҳнинг вазири Имом Раббонийга қарши муҳолиф бўлгани учун зиндонга ўз укасини бошлиқ қилиб, унинг воситасида Раббоний ҳазратларига тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилди. Лекин Имом Раббоний ҳазратларининг бундан ҳафа бўлмай, сабр ва матонат кўрсатганини кўриб, зиндон бошлиғи тавба қилди, ўзининг бузук эътиқодини ташлаб, аҳли суннатни танлади ва Имом Раббоний ҳазратларининг талабаларидан бирига айланди.

Қалъага ҳибс этилган мингларча кофир Имом Раббоний ҳазратларининг суҳбатлари таъсирида мусулмон бўлишди. Гуноҳкорлар тавба этдилар. Ҳатто баъзилари олим бўлишди.

Имом Раббоний ҳазратлари ҳибсда уч йил қолди. Бу орада Акбар шоҳ ўлди,

ўрнига ўгли Шох Жаҳон ўтирди. Шох Жаҳон Имом Раббоний ҳазратларини ҳибсдан чиқариб, унга иқром этди, эҳсонлар килди. Ҳатто унинг ҳолис талабаси ва содиқ дўсти бўлди. Сўнгра хурмат ва эҳтиром билан ватанига жўнатди.

Бир пайтлар Имом Раббоний ҳазратлари шундай деган эди:

“Эришганим даражалар устида бошқа мақомлар ҳам бор. Уларга юксалмоқ фақат Жамол сифати билан, каттиқ тарбия билан мумкин. Ҳолбуки, бугунга қадар фақат Жамол сифати ила, силаб-сийпаланароқ тарбия қилиндим”.

Яна у шундай деганди:

“Эллик билан олтмиш ёки ўртасида бошимга балолар ёғажак”.

Айтганидек бўлди, Аллоҳу Таоло уни ўзининг Жалол сифати билан тарбия этиб, ўша дахшатли зиндонга юборди. Бу васила билан Имом Раббоний ҳазратлари янада юксак мақомларга эришди.

МУЖТАҲИД

Имом Раббоний ҳазратлари ақоид (қалом) илмида мужтахид эди. Пайғамбар алайҳиссалом тушига кириб, унга:

“Сен қалом илмида мужтахид бўласан”, – дея мужда берганлар. У кундан сўнгра эътиқодда Имом Мотуридий билан баравар илми қаломнинг мушқил масалаларида ҳал қилувчи ижтиҳод ва кўришларини эълон қилди.

Эски юнон файласуфларининг Исломиётга уйғун келмаган қарашларини рад этиб, уларнинг ҳатоларини кўрсатди.

Тасаввуф буюқларининг сўзларини тушунмасдан, одамларни чалғитган жоҳил ва аҳмоқларнинг ҳам нотўғри йўлда эканини исбот қилди.

Аввалги асрларда Исломга сукиб киритилмоқчи бўлган бузук фалсафий тушунчаларни бартараф этди. Файласуфларнинг фақат закосини раҳбар этган жўн кимсалар эканлигини кескин далиллар билан таъриф этди.

Аҳли сунна олимлари ва авлиёнинг фақат Муҳаммад алайҳиссалом йўлида юрган юксак руҳли инсонлар эканини, уларга “файласуф” дейиш катта хато эканини кўрсатди.

Имом Раббоний ҳазратлари тасаввуфнинг бутун нозикликларини тушунтириб, Муҳиддин Арабий, Абдулқодир Гайлоний, Боязид Бастомий ва Жунайд Бағдодий каби вали(й)ларнинг сакр ҳолида (ўзидан кетган ҳолида) айтган баъзи сўзларини, “ваҳдатул вужуд” билгиларини ғоят шаффоф шаклда тушунтириб берди. Бу зотларнинг авомлар тарафидан янглиш тшунилиб, уларга душманлик туйғуларининг туғилишига монъе бўлди.

Муршидлик, муридлик, тариқат, қутб, ғавс, авлиё зикр, маърифат, қаромат, қурб, моият каби қалималар маъносини гўзал бир шаклда изоҳлаб берди. Бу мавзуларда лойқа ифодалар орқасига яшириниб, мусулмонларни алдаган “тариқатчи” жоҳилларнинг никобини юлиб олди.

Валоят ва валиликнинг албатта қаромат кўрсатиш эмаслигини, асл валоятнинг Аллоҳу Таолони унутмаслик ва Унинг исмларига, сифатларига феълларига яқинлик эканини таъкидлади.

Тасаввуф дин эмас, бир йўл, Исломи дини ичида Исломи диннинг амри ва таъқиқларини қаътият ила бажарадиган инсонларнинг йўли эканини урғулади.

Имом Раббоний ҳазратлари замонасининг бутун фанларини биларди. Фанлардан мутахассис инсонлар унинг ҳар бир фан шохобчасидаги теран билгисидан хайратга тушгандилар. Масалан, электронлар ниҳоятда тез айланганлиги сабабли уларнинг ичи бўш эканлигини бундан 400 йил аввал Имом Раббоний ҳазратлари кашф қилганди.

Унинг ҳаракатлари билан Иломи дини Ҳиндистонда жуда қувватланди.

СИФАТЛАРИ

Имом Раббоний ҳазратларининг тасаввуфдаги йўлини “муҷаддия” деб аташган.

Замонасининг олимлари Раббоний ҳазратларини “Сило” исми билан ҳам аташган. Сило бирлаштирувчи демакдир.

Имом Суютийнинг “Жам ул-Жавомий” асарида келтирилган бир ҳадиси шарифда Расулulloҳ алайҳиссаломнинг “Умматимдан “Сило” исмида биттаси чиқажак, унинг шарофати билан кўплар жаннатга қиражак”, дегани ёзилгандир. Имом Раббоний ҳазратлари ҳам бир мактубда:

“Мени икки дарё орасида “Сило” айлаган Аллоҳу Таолога ҳамд бўлсин!” – деб ёзади.

“Сило” сифати ила Раббоний ҳазратлари шариат билан тариқатни бирлаштирган зотдир. Мавлоно Абдурахмон Жомий ўзининг “Нафоҳат” асарида шундай деб ёзади:

– Шайхулислом Аҳмад Номик Жомий, “авлиёнинг чеккани бутун риёзатларни, қийинчиликларни ёлғиз бошимга чекдим. Аллоҳу Таоло авлиёга бергани ҳолларнинг ҳаммасини менга берди. Ҳар 400 йилда “Аҳмад” исми ила кулига шундай буюк эҳсонлар берар ва буни ҳар ким кўрар, – дейди.

Аҳмад Жомийдан Имом Раббоний ҳазратлари замонига қадар 400 йил кечди ва бу орада Аҳмад деган буюк зот чиқмади. Аҳмад Жомийнинг хабари Имом Раббонийга ишорат қилмоқдадир.

ҲОЛЛАРИ

Имом Раббоний ҳазратларининг хусусиятларидан бир қисми шулардир:

* Тасаввуфда кутб бўлажаги Муҳаммад Боқибиллоҳга талаба бўлмасдан аввал унга билдирилди.

* Хизир алайҳиссалом билан кўришиб, суҳбат қилган. Имом Раббоний ҳазратлари бу хусусда “Мактубот”нинг 1-жилди, 282-мактубида билдирган.

* Тасаввуфга илк қирган қунлари Хизир алайҳиссалом унга ладун илмини ўргатди.

* Имом Раббоний ҳазратларига “сенинг сўйлаганинг ва ёзганинг илмларнинг ҳаммаси биздандир”, муҷдаси илҳом бўлди.

* Васваса берган “Хоннас” (шайтон) Имом Раббонийнинг кўксидан

чиқарилди. У бу воқеани шундай баён қилади:

– Зухо намозини қилаётгандим. Бирдан кўксимдан бир балонинг чиққанини кўрдим. Кейин унинг уясини ҳам кўксимдан чиқардилар. Атрофимдаги қоп-қоронғи зулматдан асар ҳам қолмади. Қалбимда буюк бир иншироҳ (фароҳлик) хис этдим. Кўксимдан чиққан балонинг ундан Расулulloх (алайҳиссалом) Аллоҳу Таолога сиғиниш керак бўлган бало, яъни “Хоннас” эканлигини билдирдилар. Ва яна билдирдиларки, усули диндан зоҳир бўлган тушунча ва тахминларнинг манбаи бу “хоннас” дирки, унинг кўкракда уяси бор. Қалбни ўша уяда туриб, чақади.

* Аллоҳу Таоло бир иноят билан Имом Раббоний ҳазратларининг ибодатларидан гизли (яширин) ширкни узоклаштирди.

* Имом Раббоний ҳазратлари Пайғамбаримиз алайҳиссаломга қаттиқ боғлиқлиги туфайли Имоми Аъзам ва Имом Шофийнинг ва талабаларининг ижтиҳодларига тоъбе бўлганидан ҳаммасинда фано ва бакога эришди.

* “Эркак ва аёллардан воситали ва воситасиз ўлароқ бизнинг йўлимизга қирадиганлар бизга кўрсатилди. Исmlарини, уруғларини, туғилган ойлари, йиллари ва мамлакатлари бизга билдирилди. Истасанг, ҳаммасини битта-битта санаб беришим мумкин”, – деди Имом Раббоний ҳазратлари.

МУСТАҲОБГА РИОЯТ

Муҳаммад Ҳошимий Кишмий шундай баён этади:

“Бир куни Имом Раббоний Мавлоно Ҳошлошийга “боғчадан бир неча қоронфил келтир”, – деди. У олти дона қоронфил келтирди.

– Бизнинг энг паст мақомдаги талабамиз ҳам “Аллоҳу Таоло тоқдир ва тоқ сонни севади”, иборасини эшитгандир. Тоқликка риоя этиш – мустаҳабдир.

Инсонлар мустаҳабни писанд қилмайдилар, шекилли. Мустаҳаб Аллоҳу Таолонинг севган нарсадир. Агар Аллоҳу Таолонинг севгани бир нарса учун дунё ва охиратни берсалар эди, ҳеч нарса бермаган бўлурдилар, – деди Раббоний ҳазратлари.

АДАБГА РИОЯТ

Бир куни хофизлардан бири Қуръони Карим ўқий бошлади. Имом Раббоний ҳазратлари ўз курсисидан тушиб, пастга ўтирди. У ҳеч қачон Қуръони Карим ўқиган хофиздан юкорироқда ўтирмасди.

ЗОҲИРИЙ ИЛМГА РИОЯТ

Талабаларига кўп зикр қилишларини айтар, ҳузур ва муруқабани талқин қиларди. Ва:

– Бу дунё амал, ҳузур ва ҳолни қўлга киритадиган ердир. Бу қалб ҳолларини динга уйғун шаклда қилинган амаллар натижаси сифатида билингиз, – дер эди Имом Раббоний ҳазратлари.

ФИҚҲ ИЛМИДАГИ ҲАССОСЛИГИ

Имом Раббоний ҳазратлари фикҳ масалаларида ниҳоятда илмли эди. Талабаларига ўрнак бўлиш учун кўп ҳолларда фикҳ китобларига мурожаат қиларди. Сафарда баъзи кийматли фикҳ китобини ёнида олиб юрарди.

Доимо муфтабих ва фикҳ олимларининг иттифок этгани фатволарга уйғун ҳаракат қиларди.

Баъзи фақиҳларнинг “жоиз” деб, баъзиларининг эса “макруҳ” дегани бир ишда у қароҳатни танлар ва у ишни қилмасди.

КЕЧА ИБОДАТИГА РИОЯТ

Ёз бўлсин, киш бўлсин, сафарда бўлсин, уйда бўлсин – кеча ярмидан сўнгра ёки кечанинг учта иккиси ўтганда, ўрндан туриб, суннат дуоларини ўқирди.

ТАҲОРАТ ОЛИШИ

Мукамал бир таҳорат оларди. Таҳорат олар экан, қўлига биров сув куйишини истамасди. Сувга шу қадар эҳтиётан ёндашар эдики, бунақасини тасаввур қилиш қийин.

Таҳорат олар экан, қиблага қараб олишга диққат этарди. Аммо оёқларини юваркан, бошқа тарафга бурилар эди. Ҳар намозда таҳоратини янгилашга ҳаракат қиларди. Ҳар узувни ювар экан “Калимаи шаҳодат” ва “Такмилиан мишкот” каби китобларда билдирилган таҳорат дуоларини ўқир эди.

ТАҲАЖЖУД НАМОЗИ

Узун суралар билан таҳажжуд намози ўқирди. “Ёсин” сурасини такрор-такрор ўқирди, саксон марта ўқиган пайтлари бўлди. Сўнги йилларида Қуръони Каримни ҳатм эта бошлади.

Таҳажжудни битиргандан сўнг сассиз бир шаклда муроқабага ўтирарди. Тонг отишдан икки-уч соат аввал, суннатга уйғун шаклда, бир муддат ётар эди. Кейин тонг оқармасдан туриб, намознинг суннатини уйда қиларди. Суннат билан фарз ўртасида сассиз “СубҳонАллоҳу ва бихамдихи СубҳонАллоҳул азийм” дуосини давомли ўқир эди.

Бомдод намозини қилгандан кейин ишроқ вақтига қадар талабалари, асхоби билан муроқаба халқасида ўтирарди, сўнгра икки “салом” билан тўрт ракат ишроқ намози қиларди.

СУҲБАТЛАРДАГИ ҲОЛИ

Суҳбатларнинг аксарияти шукр қилиш билан кечар эди. Суҳбатларда ҳар қандай бир мусулмон асло ғийбат қилинмасди, ҳеч кимнинг айби очилмасди. Талабалари гоят адабли ва тавозе ичида ўтиришарди.

Имом Раббоний ҳазратлари юксак ҳолларига соҳиб бўлгани ҳолда, юзида

бундан асар ҳам кўринмасди. Жунбушга келиб хайқириш, ҳатто юксак сас билан “Оҳ!” деган хитоб ҳам эшитилмасди.

Муҳаммад Ҳошим Кишмий шундай дейди:

“Икки йил ҳузурида бўлдим, фақат уч-тўрт марта кўз ёшларини кўра олдим. Яна уч-тўрт дафъа юзларида қирмизилик, ҳарорат терларини мушоҳада этдим, холос. Бир кун бир маърифатни баён этар экан, бир муддат жим қолди, бу сонияларда буюк бир ҳол яшади ва шунда ўзидан кетиш аломатлари пайдо бўлиб, юзларида қирмизилик кўринди”.

ҚУШЛИК НАМОЗИДАН КЕЙИН

Қушлик намозини саккиз ракаат ўлароқ, ўз хонасида ўқирди. Кейин талабалари билан емак ер эди. Егани жуда оз бўларди.

– Начораки, охир замон келганидан емакларда ҳам баракат қолмади, – дерди Имом Раббоний ҳазратлари. Яна:

– Орифни фаришталикдан инсонликка яқинлаштирган нарса – емакдир, – дерди ва таомни ҳузур ичида ер эди.

Емак еркан, сўл тиззасини букиб, соғ тиззасини тикка қилиб, ўтирарди. Пешиндан аввал суннат бўлгани учун – бир муддат ухларди. Муаззин пешин намози учун азон ўқигандан кейин, пешиннинг суннат намозини қиларди.

“Пайғамбаримиз алайҳиссалом пешин намозининг суннатини ҳеч тарк этмасди”, дер эди.

Пешин намозидан сўнгра, ҳофиздан Қуръони Карим тингларди. Ҳофиз бўлмаса, ўз хонасига кетиб, Қуръони Карим ўқирди. Аср намозидан кейин талабалари билан муроқабага ўтирарди. Бу халқаларда талабаларининг ҳолларига таважжуҳ этарди.

Оқшом намозининг фарзидан кейин “Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду юҳий ва юмит ва ҳува ҳайюн ла ямут биадихил-хайир ва ҳува аъло куллий шаин кодир” дуосини 10 марта ўқирди.

Фарз ва суннатлардан сўнгра “Аллоҳумма антассалом ва минкассалом таборакта ё залжалолый валикром” дуосидан бошқа нарса ўқимасди.

Аввобин намозини олти ракаат қиларди. Баъзан тўрт ракаат қиларди. Бу намозда кўпинча “Вокиа” сурасини ўқирди.

Хуфтоннинг фарзидан аввал тўрт ракат суннат, фарздан сўнгра икки ракат суннат намозидан кейин яна тўрт ракат нафила намози адо этарди.

“Витр” намозидан сўнгра одат ҳолига келган икки саждани қилмасди.

– Бир кеча менга кўрсатилдики, савоб фариштаси “витр” намозини кейинроқ қиламан деб, кечиктирганга то бу намозни қилгунга қадар савоб ёзади, – деди Имом Раббоний Ҳазратлари.

СУННАТ ҲАҚИДА

Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг суннатига эргашмоқ мусулмон учун нақадар аҳамиятли экани ҳақида Имом Раббоний Ҳазратлари шуларни айтди:

– Рамазони шарифнинг сўнги ўн кунда эътикофда эдим. Талабаларимни тўплаб, дедимки: “Расулulloх(саллalloху алайҳи вассаллaм)га тобе бўлишдан бошқа ҳеч нарсага ният қилмангиз. Бизнинг инсонлардан айрилиб, узлатга чекилишимиздан на чиқар? Аммо тавассулсиз (бир зотга боғланмасдан) мингларча узлатни қабул этолмайман. Аллоҳу Таоло Пайғамбари(саллalloху алайҳи вассаллaм)га тобе бўлмоқни насиб айласин!”.

Хуфтон ва витр намозларини қилгандан сўнгра, дарҳол ухлашга кетарди. Жума кечалари талабаларини тўплаб, мингта саловати шарифа ўқиб, Расулulloх (алайҳиссалом)га ҳада этарди. Жума намозида масжидга, байрам намозлари – намоз қилинган маконга кетарди. Зилҳижжанинг илк тўққиз кунда рўза тутарди.

“Намозда, суннатларда мустаҳобларга ва адабга риоят этмоқ қалбнинг ҳузур ичида бўлишига сабаб бўлади. Чунки бу риоятлар – зикрдир, Аллоҳу Таолони хотирламоқ ва таважжухдир”, дер эди Имом Раббоний Ҳазратлари.

Бу мавзуни давом эттириб, яна шундай дейди:

– Одамлар риёзат ва мужоҳадларга ҳавас қилишади. Ҳолбуки, намоз адабларига риоят ва диққат қилиш риёзат ва мужоҳадлардан анча устундир. Айниқса, фарз, вожиб ва суннат намозларида буюрилгани каби намоз қилмоқ осон қўлга киритилмайди. Шу боис ҳам Аллоҳу Таоло “Муҳаққақ, бу намоз ҳушу (таслимият) ичида бўлмаганларадан бошқаси учун оғир юқдир” (Бақара, 45), дея буюргандир.

Афсуски, вароъ ва риёзат соҳиби бўлган инсонларнинг анчаси риоят ва эҳтиётда ғайрат кўрсатиб, намоз адабларида беписандлик қилмоқдалар”.

Имом Раббоний Ҳазратлари истихора билан иш қилар эди. Ташаҳудда “аттахият”ни ўқир экан, соғ қўлининг ишорат бармоғини кўтармас эди. Бу хусусда “Ханафий олимлари бунинг жоиз эканига доир ривоят қилсалар ҳам, яхши тадқиқ қилинганда, ҳақиқий фатволарнинг буни тарк этишни ижоб этгани тушунилади”, дея эътироф этди.

“Ахрория” йўлини “Асҳоби Киром йўлининг худди ўзидир”, дер эди. Бу йўлнинг бошқаларидан устунлигига сабаб, унинг суннатга уйғун ҳаракат этиб, азиматга риоят этганидан, деб биларди.

Бир ерга сафарга чиқса, суннат бўлган кунларда чиқарди. “Кунларнинг хайрли ва хайрсизлиги (омадли-омадсизлиги) Пайғамбаримиз алайҳиссалом дунёга келгандан сўнгра бекор қилинди.

“Бунга “кунлар Аллоҳнинг кунларидир, куллар ҳам Аллоҳнинг кулларидир” ҳадиси шарифи далилдир”, дер эди.

Сафарга чиқаркан, истихора этарди, йўл дуоларини ўқирди. Меҳмон бўлган жойларида суннат бўлган дуоларни тарк этмасди.

Сув ичар экан, емак ер экан, ойнага боқаркан, буларга уйғун дуоларни ўқирди. Агар бир балога учраса “хунук амалларимиз ва ҳолларимиз сабабли учрадик” дер эди. Аммо у балони кирларни тозаловчи бир совун сифатида кўрар эди. Буни юксалиш сабаби ўларок биларди.

ОЛТИ МИНГ ҚАРОМАТ

Имом Раббоний Ҳазратларининг ҳаёти, манкиба ва қароматлари ҳақида етмишдан ошиқ китоб ёзилган. Бу китоблардан энг машҳури “Ҳадаротул Қудс” китобида Бадриддин Сарҳандий шундай деб ёзади:

“Имом Раббоний Ҳазратларининг хизматида 17 йил бўлдим. Агар хузурига келган илк кунимдан бошлаб, воқеъ бўлган кашф ва қароматларини, юксак ҳолларини, мақом ва даражаларини ёзиб борсам эди, фақат менинг кўрганларим ҳисобга сиғмасди. Чунки ҳар он, ҳар соатда ҳазратларининг қаромати зуҳур бўларди. Агар мен ҳар кун фақат битта қароматини қайд этсам ҳам, бу муддат ичида 6 минг қароматини ёзган бўлардим”.

КЕЧА СОДИР БЎЛГАННИ КУНДУЗ АЙТИБ БЕРМА

Узоқ ўлкадан бир авлиё Имом Раббоний Ҳазратларининг суҳратини эшитиб, Сарҳандга келди.

Кечаси бировнинг уйида меҳмон бўлди. У Имом Раббонийга талаба бўлиш учун келаётганини уй эгасига айтди. Уй эгаси Имом Раббонийни ёмонлай бошлади. Авлиё жуда хафа бўлди, уялди.

Қалбан Имом Раббонийга таважжуҳ этиб, “мен сизга хизмат нияти билан келгандим, бу шахс мени бу саодатдан маҳрум қилмоқчи”, деди.

Шу он Имом Раббоний Ҳазратлари бир қилич бўлиб кўринди ва у ғийбатчи одамни парча-парча қилди.

Авлиё эртасига Имом Раббоний Ҳазратларининг хузурига келганда, бу воқеани айтиб бермоқчи эди, аммо Имом Раббоний Ҳазратлари “кеча бўлган воқеани кундуз айтма”, деди ва ўз қароматини яширди.

УЧ ҚАРОМАТ

Имом Раббоний Ҳазратларининг яқин талабаларидан Шаҳзода валиаҳднинг хожаси бўлган Мирак шайх шундай баён қилади: “Мен авваллари Имом Раббоний Ҳазратларини яхши кўрганлардан эмасдим. Чунки у ҳақда “ўзини Ҳазрати Абу Бакрдан устун кўяди”, деган гап ёйилганди. Шу ораларда Сарҳанд тарафларига бориб, бир ошнам билан учрашгандим. У авваллари ёмон одам эди. Бу гал уни жуда яхши, такво соҳиби ўлароқ кўрдим. Унинг юзида нур бор эди.

– Сен бундай эмасдинг, нима бўлди? – деб сўрадим.

– Мен Имом Раббонийнинг хизматига ва суҳбатига кирдим. Унинг суҳбати баракати ила бу неъматга қовушдим, – деди у.

– Сен айтган зот ўзини Ҳазрати Абу Бакрдан устун эканини ёзибди, унинг суҳбатининг таъсири бўлиши мумкинми? – дедим мен.

– Асло ундай эмас! Билмасдан туриб, инкор этма, у ер юзининг кутбидир. Агар у билан кўришсанг эди, бунинг бир ифтиро эканини тушунадинг, – деди ошнам. Аммо мен:

– Имом Раббонийни кўришни истамайман, – дедим.

Ошнам ниҳоят мени кўндирди, мен Имом Раббоний Ҳазратлари билан танишишга қарор қилдим. “Унга учта савол бераман”, деб ўйладим. Биринчиси, ўзини Ҳазрати Абу Бакрдан устун қўйиши ҳақида. Иккинчи, менинг отам, боболаримни билиш-билмаслигини сўрайман. Учинчи ўлароқ, Хожа Ҳованд Махмуд ҳақда сўрайман, деб кўнглимга тугдим.

Ва Имом Раббоний Ҳазратларининг ҳузурига кетдик.

Уни узоқдан кўрганим захот, бутун аъзоларим ҳайбатидан титради, кўрка-кўрка унга яқинлашдим.

Ўтиришимизга изн берди. Сўнгра ёстигининг остидан бир мактуб чиқариб, менга узатди.

Сўнгра бу мактубга изох бериб, “ўзини Абу Бакрдан устун қўяди”, деган ифтирога жавоб берди. Бунинг ифтиро эканлигига менда шубҳа қолмади.

Сўнгра, ўйлаб қўйганим иккинчи саволга ўтиб, “Мавлоно Мирак, сенинг отанг шундай-шундай зот эди, бобонг эса шундай зот эди, сенинг аждодингнинг шони шундайдир”, дея мадҳ этди.

Кейин, кетиш учун ўрнимдан турар экан, учинчи саволни гапирмади, деган хаёл келди. Имом Раббоний Ҳазратлари шу заҳотиёқ:

“Хожа Ҳованд бизнинг Пирзодамиздир ва жазба соҳибидир”, деди”.

АВВАЛ САЛОМ

Имом Раббоний Ҳазратларининг талабаларидан бири шундай баён этади:

“Имом Раббоний Ҳазратлари ҳаммадан олдин ўзи салом берарди. Бир куни, ҳозир ҳузурига бориб, биринчи бўлиб мен салом бераман, деб ният қилдим. Уйига борганимда одам кўп эди. Оломонни ёриб, ўтиб ёнига бормоқчи бўлгандим, шу онда:

– Ассалому алайкум, ей фалончи! – деганини эшитдим Раббоний Ҳазратларининг. Ноилож, унинг ёнига бориб:

– Ва алайкум ассалом, Хожам! – дедим. Кейин:

– Ниятим сиздан олдин салом” бериш эди, – дедим унга. У табассум этди”.

СЕҲР

Имом Раббоний Ҳазратларининг талабаларидан бири шундай ҳикоя қилади:

“Дин душманлари ва ҳасадгўйларнинг тухмати билан Ҳиндистон ҳуқумдори Акбар Шоҳ Имом Раббоний Ҳазратларини “Гувалёр” калъасига ҳибс этганида бир сеҳргар менинг ёнимга келди ва:

– Мен ҳиндча баъзи исмларни биламан, уларни икки намоз ўртасида ўқисанг, ўша куни душман ҳалок бўлади. Бу кўп тажриба этилди, – деди.

Кейин у ўша исмларни қоғозга ёзиб, менга берди ва:

– Уйингнинг шифтидаги бир ёғоч остига қўй, – деди. Бу қоғозни олиб, айтилган ерга қўйдим. “Эрталаб сешанба куни ўқийман”, деб ўйладим.

Ўша кечаси тушимга Имом Раббоний Ҳазратлари кирди:

– Бизнинг дўстларимизнинг бундай ишга аралашуви хайратланарлидир, синхор бу ишни қилма – бу сеҳрдир! – деди у.

Бу тушни кўриб, сеҳргарнинг ёзганларини ўқишдан воз кечдим.

Аммо “душмандан ўч олишимга керак бўлади”, деб у қоғозни яшириб қўйдим.

Имом Раббоний Ҳазратлари хибсдан чиққандан сўнгра, уч кун Сархандда қолди. Учинчи куни ниҳоят ёнига бораолдим. У:

– Ҳиндча исмларни ўқима, бу – сеҳр, – деди. Мен:

– Бундай нарса йўқ, – дедим. Имом Раббоний Ҳазратлари бу сеҳрни берган сеҳрбознинг исмини айтди. Ва:

– Ўша қоғоз уйингнинг шифтида, оғоч орасида турибди, сеҳр – ҳаромдир, бориб, у қоғозни йирт! – дея буюрди.

Бу қаромат қаршисида хайратга тушдим. Ва уйга бориб, у қоғозни олдим, бурда-бурда қилиб, четга улуктирдим.

ЎЗУМ

Муҳаммад Ҳошим Кишмий шундай баён қилади:

“Имом Раббоний Ҳазратларининг бир талабасининг айтишига кўра, Имом Раббоний Ҳазратлари хасталанганида, ейиш учун 11 дона узум истаган. Хизматчи узумни келтириб, Раббоний Ҳазратларининг олдига қўйган. Ва ҳазрат муроқобага чўмган.

Бир муддат сўнгра бошини кўтариб, шундай деган:

– Ажойиб бир ҳол кўрдим. Бу узумни олдимга қўйганларида, уларнинг Аллоху Таолога муножот этганларини, ёлворганларини эшитдим. Аллоху Таоло уларнинг муножотини қабул этди....

Сўнгра Имом Раббоний бу узумлардан бир неча дона еб, тузалиб кетди.

Қолган узумларни асраб қўйди.

Бир муддат сўнгра кенжа ўғли хасталанди. Бу хасталик чидаб бўлмайдиган даражага етганда, ўша узумдан едиришди ва хасталик ўтиб кетди.

КАСАЛЛИКНИНГ ЁМОНИ

Хожа Девона Суръатийнинг талабаси бўлган Мавлоно Муҳаммад Амин оғир хасталикка дучор бўлди. Табиблар ёрдам этолмади. У Имом Раббоний Ҳазратларига муурожаат этиб, ундан шифоси учун дуо истади ва битта қўйлагини беришини ёлвориб илтимос қилди. Имом Раббоний Ҳазратлари унга шундай мактуб ёзди:

“Қийматли ўғлим! Ўз устингизда шафқатли она каби титрашингиз қачонгача давом этажак? Ўзингиз учун қайғуриб, дардланишдан қачон тўхтайсиз? Инсон ўзини бир ўлик каби кўриб, яшамоғи керак. “Мутлоқо, сен ўлажаксан, муҳаққак улар ҳам ўлажак” (“Зумар”-30), бу бир ояти қаримадир. Бир неча кунлик дунё ҳаётида кўп зикр этиб, қалб ҳасталигидан қутулмоқ –

энг муҳим иш. Бу қисқа замонда маънавий хасталикларнинг дориси – Аллоху Таолонинг зикридир. Мақсадларнинг энг буюғи бўлган қалб Аллохдан бошқасига тутилса, ундан қандай хайр келиши мумкин? Охиратда қалб саломатини ва руҳнинг Аллохдан бошқа нарсалардан қутулишини истарлар. Биз каби тор тушунчали инсонлар доимо қалб ва руҳимизни бошқа нарсаларга боғламоқ учун сабаб ахтарамиз.

Хайҳот, Хайҳот!

Начора! Ояти Каримада Ҳазрати Аллоҳ (ж.ж): “Аллоҳ уларга зулм этмаганди, балки улар ўзларига зулм этар эдилар”, – деди.

Зоҳирий хасталигингиздан ташвишланманг. ИншоАллоҳ, сихҳатингизга қовушарсиз. Биз фақирдан кийим истаган экансиз. Бир кўйлак юбордим. Кийингиз ва баракатли натижаларни кутинг. Аллоҳ йўлида юрганларга саломлар бўлсин!..”

Мавлоно Муҳаммад Амин Имом Раббоний Ҳазратларининг юборган кўйлагини кийди ва йилларча давом этган хасталигидан қутулди. Кейин келиб, Имом Раббоний Ҳазратларининг талабаси бўлди.

БЕВАҚТ ИЖОЗАТ

Имом Раббоний Ҳазратларининг талабаларидан нақл этилишича, бир куни Имом Ҳазратларининг ёнига бир кўнғил соҳиби саййид келди. Уни шундай бир ҳол камраган эдики, унинг юрагининг “Аллоҳ, Аллоҳ” деганини ҳамма эшитарди. Айниқса, ухлаган пайтида юракнинг зикри икки қат юксак сас билан давом этарди. Бу зот замонасининг машойихидан камолга етмасдан туриб ижозат олганди. У Имом Раббоний Ҳазратларидан ҳам изн ва ижозат олишга келганди. Унинг илтимосларидан кейин Имом Раббоний Ҳазратлари у ҳақда шундай фикр билдирди:

– Ўзи муборак бир зот эканлиги кўринаяпти. Аммо бу ҳадга келган қалб зикр истилоси ва эрта берилган ижозат туфайли унинг юксалиш йўллари тўсилган. Бунинг давоси – бу мавжуд холини йўқ этмақдир.

Икки кун ичида бу кишининг қалбидан зикр олинди. У ўзини қанчалик мажбурламасин зикр қила олмади. У хайрон бўлди. Йиғлашга, инграшга бошлади, фарёд этди. Шунда Имом Раббоний Ҳазратлари бир неча кун унга қайта таважжух қилиб, уни эритди, ундаги ғурурнинг илдизини қирқди. Кейин уни чақириб, тасаввуфдаги гизли ҳоллар билан безади, ҳоллантирди.

Сўнгра:

– Қалб ҳоллари қалбга оид ва қалбга илдиз отган бўлиши лозим, – деди Имом Раббоний Ҳазратлари.

ВАФОТИ

Имом Раббоний Ҳазратлари эллик уч ёшида экан, “Менинг умрим олтмиш уч йил экани менга илҳом этилди”, деган эди. Ва бунга севинган эди. Чунки умри Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг ёшига уйғун эди. Айни пайтда бу умр Ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Умар ва Ҳазрати Алининг умрларига ҳам уйғун эди.

Имом Раббоний Ҳазратлари умрининг сўнги кунларида юртига бориб келишга изн сўраган бир талабасига:

- Бир неча кун сабр қил, кейин кетасан, – деди.
- Мен тез бориб қайтаман, – деди талаба.
- Бир неча кун сабр эт, – деди Раббоний Ҳазратлари.
- Энг қиска фурсатда хузурингизга қайтаман, – деди яна талаба.

Шунда Имом Раббоний Ҳазратлари шу мисраларни ўқиди:

Сен қаерда, биз қайдамиз, илк баҳор қайда!

Имом Раббоний Ҳазратлари бу дунёда кечган сўнги кунларини инзивода ўтказди.

– Бу дунёдан кўчишимга яқин қолганини кўраяпман. Шу боис инзивони, ёлғизлиқни танлаб, кўп истиғфор келтираяпман, афв сўраяпман. Бутун нафасларимни зоҳирий ва ботиний ибодатлар билан тўлдиришни истайман. Бу эса, фақат одамлардан айрилмоқ ила, ёлғизликда мумкиндир. Шундай экан, мени ёлғиз қўйинглар, мендан айрилиглар, мени Аллоҳга омонат этинглар, – деди у яқинларига.

Бу орада кўп садақалар берди, катта хайрлар қилди.

– Буни балоларнинг кетказилиши учун қилаяпсизми? – деб сўраганларга:

– Йўқ, – деди Имом Раббоний Ҳазратлари. Ва кўзларидан севинч ёшлари тўкилиб, шу байтларни ўқиди:

Вуслот (висол) кунидир сирдошим,
Оламга кучок очайин!
Бу давлатнинг, бу неъматнинг
Севинчларини сочайин!

Мухаррам ул-Ҳарам ойининг ўн иккинчи куни шундай деди:

– У дунёга кетишимга қирқ ва ёки эллик кун қолгани билдирилди.

Мозоримни ҳам кўрсатдилар. Бу сўзларни эшитганлар қайғуга ботдилар.

Ўша кунларда ўғли Муҳаммад Саид Имом Раббоний Ҳазратларининг йиғлаётганини кўрди ва сабабини сўради.

– Аллоҳу Таолога қовушиш севинчидан йиғляпман, – деди имом Ҳазратлари.

Ўғлининг юзи ўзгарганини кўрди ва унга юзланиб:

– Аллоҳу Таолонинг ғайратига тегаяпсан, – деди.

– Эй кўнглимининг сурури отажоним, бизга қилган бу раҳмсизлик нечун! – дея фарёд этди.

– Аллоҳу Таоло мен учун сиздан суюқлироқдир, – деди Имом Раббоний Ҳазратлари.

Бир кеча ярмида туриб таҳорат олди, таҳажжуд намозини қилди ва:

– Бу бизнинг сўнги таҳажжуд намозимиздир, – деди.

Вафотидан бир оз аввал ҳушдан кетиш ҳоли кўринди.

– Бу хасталиқнинг шиддатиданми ёки истиғроқ (нурга чўмиш) холими?

– деб сўради ўгли.

– Истиғроқ ҳолидир. Баъзи юксак ҳоллар кўринади, уларга таважжух этаман, токи ҳаммасини билайин, ҳар нарса тамом ва комил бўлсин, – деди Имом Раббоний Ҳазратлари. Бу истиғроқ ҳолидан сўнгра талабаларига васиятлар килди. Васиятларнинг аксарияти Пайғамбаримизга тобъе бўлиш, суннатга боғлиқлик, бидъатдан қочиш, зикр ва муроқабага давом этиш ҳақида эди. Яна бир насихатида:

– Мозоримни ҳечким билмайдиган ерда қуринг, – деди.

– Аввал оғамнинг кўмилган у баракотли тупрокка кўмилишни истагандингиз, – деди ўгли.

– Ҳа, шундай эди. Аммо энди мен бундай истайман, – деди Имом Раббоний Ҳазратлари. Ўғлининг тараддугланганини кўриб:

– Агар бу бўлмаса, шаҳар ташқарисидаги отамнинг мозори ёнига кўминглар. Агар бу ҳам бўлмаса, шаҳардан четда бир боғчада менинг қабримни казинг, ҳеч безатманг, шундай турсин. Қисқа замонда ундан номнишон қолмасин, – деди Имом Раббоний Ҳазратлари. Ўғилларининг юзидаги саросимани кўриб, табассум этди ва:

– Майли қаерга муносиб кўрсангиз, ўша ерга кўминг, – деди Имом Ҳазратлари. Сафар ойининг йигирма тўққизида, сешанба куни кечаси хизматчиларига:

– Кўп захмат чекдингиз, бу сизнинг сўнг захматингиздир, – деди у.

Қусишни истади. Лаган келтирдилар. Лаганнинг ичида кум йўқ эди. Имом Раббоний Ҳазратлари “Кум бўлмаса, атрофга сачраши мумкин”, деди ва кусмади. Сўнгра: “Мени ётоғимга ётқизинг”, деди. Ётирдилар. Унга “Вафот этасан, таҳорат олишга улгурмайсан”, деган илҳом келди. Ва таҳоратини бузмасдан, суннатга уйғун шаклда, соғ кўлини ёноғи остига қўйиб, зикрга бошлади. Катта ўғли Муҳаммад Саид отасининг тез-тез нафас олганини кўриб, хол сўради.

– Яхшиман, қилганим у икки ракат кифоядир, – деди.

Шундан кейин ҳеч гапирмади. Фақат Аллоҳу Таолонинг исмини сўйлади. Ва бир оз сўнгра вафот этди. Ҳижрий 1034-йил, сафар ойининг йигирма тўққизинчиси эди.

ВАФОТИДАН СЎНГРА

Катта ўғли Муҳаммад Саид шундай дейди:

– “Отамни вафотидан сўнгра тушимда кўрдим”.

– Жоним отам, шукр мақомидан насиб этганлар бўлдимиз? – деб сўрадим.

– Ҳа. Мени ҳам шукр этганлардан айладилар, – деди отам.

– Қуръони Каримда “шукр этган қуллар оздир” (“Сабаъ”, 13) дейилганига кўра, бу жамоат Пайғамбарлардан иборат холос деб ўйлагандим. Ёҳуд Пайғамбарларнинг энг буюк асҳоблари, Абу Бақр Сиддиқ каби, – дедим мен.

– Ҳа, шундай. Аммо мени ҳам хусусий бир эҳсон ила у жамоатга дохил айладилар, – деди отам.

ЎҒИЛЛАРИ ВА ҲАЛИФАЛАРИ

Имом Раббоний Ҳазратларининг ўғилларидан машҳурлари шулардир:

1. Муҳаммад Саид, иккинчи ўғли, юксак ҳоллар, гўзал ахлоқ ва тоза амаллар соҳиби.
2. Муҳаммад Маъсум Фарукий, учинчи ўғли, муршиди комил эди.

ҲАЛИФАЛАРИ

1. Мир Муҳаммад Нўъмон
2. Шайх Тохир
3. Бадиуддин Саҳорон Пурий
4. Нурмуҳаммад Путний
5. Ҳамид Бандолий
6. Шайх Музаммил
7. Шайх Тохир Бадахший
8. Мавлоно Аҳмад Баркий
9. Мавлоно Қосим
10. Мавлоно Юсуф Самарқандий
11. Мавлоно Муҳаммад Солиҳ Гулобий
12. Мавлоно Муҳаммад Сиддик Кишмий
13. Шайх Абдулхайй
14. Мавлоно Ёрмуҳаммад Талконий
15. Мавлоно Ҳасан Баркий
16. Шайх Абдулҳодий
17. Шайх Ҳожи Хидр Афғон
18. Шайх Юсуф Баркий
19. Шайх Мунибуллоҳ
20. Мавлоно Аҳмад Дайбаний
21. Каримиддин Бобоҳасан Абдолий
22. Шайх Исҳоқ Синдий
23. Мавлоно Абдулвоҳид Лаҳорий
24. Мавлоно Омонуллоҳ Лаҳорий
25. Муҳаммад Содик Бадахшоний
26. Ёрмуҳаммад Қадим
27. Мавлоно Қосим
28. Одам Баннурий
29. Муҳаммад Ҳошимий Кишмий
30. Бадриддин Сарҳанвийлар Имом Раббоний Ҳазратларининг энг машхур талабаларидандир.

АСАРЛАРИ

Имом Раббоний Ҳазратларининг энг машхур асари “Мактубот”дир. Бу асар уч жиддан иборат бўлиб, олимларнинг фикрича, бундай бир китоб Ислому оламида нодир ва мисилсиздир.

“Мактубот”нинг бир қисми арабчада, аксарий қисми форсчада ёзилган.

Биринчи жилдда 313 мактуб, иккинчи жилдда 99 мактуб, учинчи жилдда эса 114 мактуб бор. Жаъми 536 та мактубдан иборатдир.

Турли сабаблар билан талабаларига, дин арбобларига ёзилган бу мактубларда шариат, тариқат ва фикҳга оид жуда кўп масалалар мушоҳада қилинади. Ўша замоннинг олимлари фикрича, “Мактубот” бидъатларга қарши курашда муҳим бир қурол бўлди.

Имом Раббоний Ҳазратларининг бошқа асарлари қуйидагича:

1. “Радди ровоиз”
2. “Исботуи нубувва”
3. “Мабдъава Маъод”
4. “Одобул муродин”
5. “Таликотул Авориф”
6. “Рисолаи таҳлимия”
7. “Шарҳи рубоиятий Абдулбоқий”
8. “Маорифий Ладунния”
9. “Муқошафотий ғайбия”
- 10 “Жазба ва Сулук”

ҲИҚМАТЛИ СЎЗЛАРИ

Адабга риоя қилмоқ зикрдан устундир. Адабга риоя қилмаган Ҳаққа етишаолмайди.

Оиланинг қўнглини олмоқ учун гуноҳ ишламоқ аҳмоқликдир.

Асҳоби киромга тил узатган динни йиқади. Асҳоби киромнинг иймонда фарқлари йўқдир.

Қалбнинг тозаланиши Исломиятга бўйсунуш билан, суннатларни адо этиш билан, бидъатлардан узоқ туриш билан, нафсга хуш келган нарсалардан эҳтиёт бўлиш билан мумкин. Зикр ва раҳбар(тўғри йўлни кўрсатган олим) ни севмак эса бу ишни осонлаштиради.

Макруҳдан сақланмоқ ва адабга риоя қилмоқ – зикрдан, фикрдан ва мууроқабдан устунроқдир.

Мубоҳларни ўйламай қўлланган киши шубҳали нарсаларни қилишга бошлайди. Шубҳали нарсалар эса ҳаромга йўл очади.

Гуноҳдан узоқ туриш нафсга ибодатдан ҳам оғир келади. Шу боис, гуноҳдан қочиш савобдир.

Шухрат – офатдир.

Бу замонда дунёни тарк этмоқ ниҳоятда кийиндир. Дунёни тарк этмоқ лозим. Уни ҳақиқатан тарк этаолмаган киши ҳукман тарк этмоғи лозим. Ки у охиратда қутулаолсин. Ҳукман тарк этмоқ ҳам буюк неъматдир. Бунга ейишда, ичишда, кийинишда, масканда дин худудларини ошмаслик билан эришилади.

Бир фарзни вақтида қилиш – минг йил нафила ибодатдан фойдалироқдир.

Инсонлар риёзат деганда очликни ва рўза тутишни тушунадилар. Холбуки, динимизнинг амр этгани қадар еб-ичишга риоят этиш – минг йил рўза тутишдан афзалдир.

Ўлиш фалокат эмас. Ўлгандан сўнгра бошга келадиганларни билмаслик фалокат.

ШАЙХ МУҲАММАД МАЪСУМ

Мужаддид алфи соний Имом Раббоний Ҳазратларининг учинчи ўғлидир. Ҳижрий 1007 (м.1599) йилда Ҳиндистоннинг Сарҳанд шаҳри яқинидаги Мулки Ҳайдар мавқесига туғилди.

Муҳаммад Маъсум ҳазратлари илми, асосан, отасининг ҳузурига ўрганди. Бу таҳсил пайтида Имом Раббоний Ҳазратлари бир мактубида шундай деб ёзди:

“Бу кунларда ўғлим Муҳаммад Маъсум “Шарҳи Мавоқиф”ни битирди. Бу орада юнон файласуфларининг қусур ва хатоларини англади. Катта фойдалар кўрди. Аллоҳу Таолога ҳамдлар бўлсин”.

Илмининг бир қисмини оғаси Муҳаммад Содикдан ва отасининг халифаларидан бири бўлган Муҳаммад Тохир Лаҳорийдан ўрганди. Ҳадис илмида отасидан ижозат олди. Ўн олти ёшида бутун илмлар таҳсилини тугатди. Ўзидан аввал ўтган валиларнинг бир умр машғул бўлиб эришган даражаларига у ёш йигит экан, эришди.

Отаси умрининг сўнггида ўз муридларининг тарбиясини унга топширди. Муридларининг сони 900 минг кишига етган ва 140 минг талабасининг эса валоят мартабасига, етти минг хилофат мақомига эришгани ривоят қилинади. Хизматда бўлган толибларни баъзан бир ой, баъзан бир ҳафтада камолати валоятга эриштиргани маълумдир.

ҲАЖДА КЎРГАНЛАРИ

Муҳаммад Маъсум Ҳазратлари Ҳижрий 1068 (м.1657) йилда ҳажга борди. Муқаддас бўлгага кириб, “бу ерларнинг ҳар ёнини Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг нурлари билан тўлганини кўраяпман”, деганди.

Макка ва Мадинада кўрган ажойиб ҳолларини шундай таъриф этди:

– Маккаи Мукаррамага келганимда тавофи қудум айладим. Малаклар ва ҳуриларнинг Каъбани тавоф этганларини, улардаги шавқ ва висол ҳасратининг инсонларда бўлмаслигини кўрдим. Улар ҳар даъфа Каъбани уч марта мадҳ этардилар. Улар Каъба атрофини кўкка қадар – тамоман қоплаган эдилар.

Муҳаммад Маъсум Ҳазратлари Каъбадаги “Мақомий Иброҳим”да Иброҳим Алайҳиссаломнинг кўрганини ва унинг яқинида ақл бовар қилмас зуҳурлар ва ҳоллар яшаганини айтади.

Муҳаммад Маъсум Ҳазратлари бу ҳаж сафари ҳақда яна шуни эътироф қилди: “Каъбанинг эшиги ёнида экан, Пайғамбаримиз(саллаллоҳу алайҳи вассаллам)дан иршод билан машғул бўлаётганимни ёки ишни ташлаб, узлатга, ёлғиз

ибодатга чекилайми, деб сўрадим. Иршод билан машғул бўлишга амр қилиндим. Буни тарк этишимнинг Аллоҳ ризосига уйғун эмаслиги билдирилди”.

БОДРИНГ

Бир куни Эрон қўмондонларидан бири, рофизий эътиқодидаги бир киши Ҳиндистон пойтахтига кетар экан, Сарҳанд шаҳри устидан ўтди. У ерда ўз хизматкорларидан биттасини Муҳаммад Маъсум Ҳазратларига юбориб, “мен зиёратига бормоқчиман” дея хабар йўллади.

“Меҳмон кофир бўлса-да, меҳмондир, унга икром қилингиз”, дея амр этди Хожа Ҳазратлари. Бу амрга яраша хозирлик қўрилди, аммо меҳмон келмади. Асргача кутишди, сўнгра у қўмондоннинг кетиб қолганини айтишди.

Қўмондон бу билан Муҳаммад Маъсум Ҳазратларини ерга урмоқчи, масҳара қилмоқчи бўлди. Шу куни Муҳаммад Маъсум Ҳазратларининг энг катта халифаларидан Хожа Муҳаммад Ҳаниф меҳмонга келди. Тайёрланган таомни унга икром қилишди.

Хожа Муҳаммад Ҳаниф ҳадялари орасида бир нечта пичоқ ҳам келтирганди. Муҳаммад Маъсум Ҳазратлари бу пичоқлардан биттасини олиб, “бир бодринг келтиринг”, деб буюрди. Келтиришди. У пичоқ билан бодрингни кесди ва:

– Бодрингни кесаркан, бизни масҳара қилган у рофизийнинг ҳам бошининг кесилганини кўрдим, – деди.

Ҳақиқатан ҳам, у айтгандай бўлди.

ҚИРҚ БЕШ ЙИЛ СЎНГРА

“Баракотий Маъсуми” китобининг муаллифи шундай деб ёзади:

“Мен Аврангзеб(Акбаршоҳнинг невараси)нинг ўғли, замоннинг подшоҳи Муҳаммад Муаззам Шоҳнинг мажлисида эдим. У менга Муҳаммад Маъсум Ҳазратлари хақида шундай деди:

– Султон Аврангзеб Кашмирга кетаркан, иршод диёри Сарҳандда Муҳаммад Маъсум Ҳазратларини зиёрат этди. Мен ҳам отамнинг ёнида эдим. Муҳаммад Маъсум Ҳазратлари менга “Отанг вафот этгандан сўнгра подшоҳлик сенга ўтажак”, деганди. Қирқ беш йил сўнгра бу муждаси рўёбга чиқди”.

ВАФОТИ

Муҳаммад Маъсум Ҳазратлари Ҳижрий 1079 (м.1668) йилда вафот этди. Жаноза намозини кичик укаси Шайх Яхё ўқиди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир қурган империянинг султони бўлган Аврангзеб Оламгир унинг қабри устига юсак қуббали бир турба иншо эттирди. Бу турба отаси Имом Раббоний Ҳазратларининг турбасидан юз метр шимолидадир.

Муҳаммад Маъсум Ҳазратларининг уруғидан қийматли авлиёлар етишиб, Ислом дунёсида илм ва ирфон нури сочилар.

Муҳаммад Маъсум Ҳазратларининг уч жилдлик “Мактуботи Маъсумия” асари бор. Бу асар 352 та мактубдан иборатдир.

НАСИҲАТЛАРИ

Яхши билингизки, намоз – диннинг устунидир. Намоз қилмаганнинг дини йўқ. Намозларни мустаҳоб пайтларда, адабларга уйғун қилингиз.

Намоз жамоат билан қилинса, илк такбирни имом билан олинса, биринчи сафда турилса яхши. Булардан биттаси қилинмаса мотам тутиш керак.

Вақтингизнинг кўп қисмини “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини айтиш билан ўтказинг. Бу қалбни тозалашда таъсирлидир.

Бидъатлар ёйилиб, суннатлар тарк этилган зулматли замонларда Ислом илмининг таҳсили ва наشري – энг муҳим ишлардандир. Ва Муҳаммад Алайҳиссаломнинг суннاتини ёймоқ мақсадларнинг энг буюғидир.

Тавба гуноҳдан сўнгра уч соат ичида қилинса, у гуноҳ амал дафтарига ёзилмайди.

Сўнги нафас кўркуси бир неъматдир. Ки бу кўрқувга Ҳақнинг дўстлари гирифтор бўлмишдир.

Ризқ муқаддасдир. Унинг зиёдалиқ ва нуқсон эҳтимоли йўқдир. Ризқнинг нуқсон ва зиёда бўлиши Ҳақ Таолонинг фазлига боғлиқ, ҳеч кимнинг бу ишда ҳиссаси йўқ.

ШАЙХ САЙФУДДИН ОРИФ

Имом Раббоний Ҳазратларининг набираси, Муҳаммад Маъсум ҳазратларининг ўғлидир. Исми Муҳаммад Сайфуддин Ориф, тахаллуси Мухйиссуна, яъни “суннатни тирилтирувчи”дир. Ҳижрий 1049 (м.1639) йилда Сарханд шаҳрида туғилди. Ҳижрий 1096 (м.1684) йилда аини ерда вафот этди. Қабри отаси Муҳаммад Маъсум Ҳазратлари қабрининг ёнидадир.

Сайфуддин Ориф кичик ёшида Қуръони Каримни ёд олди. Кейин амакиси Муҳаммад Сайиддан ақлий ва нақлий илмларни ўрганди. Отаси Муҳаммад Маъсум Ҳазратларининг таважжух ва суҳбатлари ила Нақшбандия йўлида буюк даражаларга эришди. Юксак ҳол ва қароматлар соҳиби бўлди. Зоҳиран ва ботинан вояга етгандан кейин отасининг ижозати билан одамларга иршод эта бошлади. Замонасининг султони Аврангзеб Оламгир Ҳоннинг диний тарбияси билан вазифалантирилди ва Дехлига кетди.

Сайфуддин Ориф Ҳазратлари Дехлига борганда, шаҳар дарвозасида осиглиқ қутурган филни тизгинлашга уринаётган икки паҳлавон расми олиб ташланмагунча шаҳарга кирмайман, деди. Султон расмларни йўқ эттирди ва Сайфуддин Ориф Ҳазратлари шаҳарга кирди.

Султон Аврангзеб ўз истаги билан Сайфуддин Ориф Ҳазратларига талаба бўлди. Ёши анчага бориб қолганига қарамай, Қуръони Каримни ўқиб ўрганди, уни ёд ола бошлади.

Ҳиндистон мусулмонлари орасида пайдо бўлган бидъат ва бузук одатлар Султон Аврангзеб тарафидан, фармон чиқарилиб, бекор қилинди. Пайгамбаримиз(алайҳиссалом)нинг унутилган, йўқолган суннатлари тикланди.

Султон Аврангзебнинг вазирлари, волийлари ва давлат одамлари Сайфуддин Ориф Ҳазратларининг суҳбатлари воситасида ҳидоят йўлига кирдилар.

Ҳиндистонга Ислоҳ ёйилиб, мусулмонлар қувватланди. Ҳиндистон ҳеч қачон бундай гуллаб-яшнаган давр кўрмаганди.

ОЛТИН БАЛИҚ

Султон Аврангзеб Оламгирхон бир куни Сайфуддин Ориф Ҳазратларини ўзининг хусусий бир боғчасига даъват этди. Боғчадаги ҳовуз ўртасида кўзлари олмосдан, танаси олтиндан ясалган балиқнинг ҳайкаллари бор эди. Сайфуддин Ориф Ҳазратлари:

– Аввал олтиндан ясалган бу балиқларни синдириб, – деди.

Балиқларни синдириб, йўқ этишди. Султон закий, истеъдодли эди. У

тасаввуф аҳлига муҳаббати туфайли, бу воқеадан факат хурсанд бўлди. Ва шундай деди:

– Менинг салтанатим даврида шундай авлиё етишгани учун Роббимга беадад шукурлар бўлсин!

“САМО”

Ҳазрати шайхнинг муридларидан бири бир “само” мажлисига кириб қолади. “Само”нинг таъсири ҳосил бўла бошлаганда, мурид кўркиб, бакириб-чақирмасликка тиришиб, ўзини тутиб, анча ўтиради. Аммо “само” зикри янада жиддийлашганда, у чидай олмай, ўша ернинг ўзида жон беради. Буни эшитган Сайфуддин Ориф Ҳазратлари:

– “Само” дардлиларни ҳалок этади. Мана шу боиски, дин уламоси “Само”га рухсат беришмаган, – деди.

МИНГ ТҶҲРТ ЮЗ ВАЛИ

Сайфуддин Ориф Ҳазратлари минг тўрт юз вали етиштирди. Саййид Нурмуҳаммад Бадвоний у етиштирган валиларнинг энг комилидир.

Саккиз ўғли бор эди.

“Мактуботи Сайфия” номли асари бўлиб, ичида 190 та мактуб ўрин олган. Бу асарни ўғли Муҳаммад Аъзам тўплаб, китоб ҳолига келтирди ва Ҳиндистонда, Ҳайдаробод шаҳрида нашр этилди.

Халифалари Шайх Муҳаммад Нурул Бадвоний, Мавлоно Шайх Аббос, Мавлоно Шайх Садриддин Сўфий, Мавлоно Шайх Абулқосим, Мавлоно Шайх Муҳаммад Исодир.

МУҲАММАД НУРУЛ БАДВОНИЙ

Муҳаммад Нурул Бадвоний ҳазратлари мантиқ, ҳадис, тафсир, маоний илмларида, шариат ва тариқатда асрининг ягона олими эди.

Ҳазрати Муҳаммад Маъсумдан сўффия ҳирқасини кийиб, иршод ва ижозат олди. Истиғроқ ва жазба ҳоллари шу қадар кўп эдики, Жамолий Илоҳияни мушоҳада этиб, 15 йил маст ва мустағроқ вазиятда яшади.

Суннати санияда мислсиз эди. Дунё аҳли билан улфатчиликдан қочарди.

МАНКИБА

Бир куни Ҳазрати Шайхга бир кампир келди:

– Бир бокира қизим бор эди, йўқолиб қолди. Неча кундир хабар йўқ ундан. Соғ-омон қайтиши учун таважжуҳ этинг, – деб илтимос қилди у.

Муҳаммад Нурул-Бадвоний муруқабага кирди. Бир муддатдан сўнгра бошини кўтариб:

– ИншоАллоҳ, қизинг фалон вақт келажак, – дея мужда берди.

Чиндан ҳам, қиз айtilган пайтда уйига қайтиб келди ва онасига “жин тоифаси тарафидан асир олинди, бир саҳрода тутилганини, сўнгра бир юксак зотнинг бу асаротдан қутқарган”ини айтиб берди.

ВАФОТИ

Муҳаммад Нур ул-Бадвоний Ҳазратлари хижрий 1135 (м.1722) йилда вафот этди. Аллоҳ унга раҳмат айласин.

ШАМСИДДИН ҲАБИБУЛЛОҲ МИРЗО ЖОНИ-ЖОНОН

Муҳаммад Нур ул-Бадвоний Ҳазратларининг энг катта халифаларидандир. Насаби Муҳаммад Ҳанафий воситаси ила Ҳазрат Али бин Абу Толибга бориб тақалади.

Амир Абдусултон унинг бобоси бўлиб, “Чаштия” тариқатига мансуб, комил бир зот эди. Вазир Асад Хоннинг қизи эса унинг онаси эди. Онаси ҳам замонининг валия-комиласи эди.

Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони-Жонон Ҳазратлари ҳижрий 1111 (м.1699) йилда туғилди. Ҳижрий 1195 (м.1781) йилда шаҳид этилди. Боболари давлат арбоблари бўлиб, Ҳиндистондаги Тоймурия султонларига яқинлиги бор эди. Отаси Мирзо Жон мавқе ва мақомдан воз кечиб, фақирликни ва қаноатни танлаган зотлардан эди. У ўғли Шайх Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Ҳазратларининг яхши илм ўрганишига ниҳоятда ҳассослик билан ёндошди.

Шайх Шамсиддин Ҳазратлари болалигини шундай эслайди: “муҳтарам отамнинг баракатли тарбияси ила шундай бир ҳол пайдо бўлдики, бир қарашда инсонларнинг қалбидадагиларни англадим. Турганим йўл нури билан инсонларнинг саодат ва ёки шаковат аҳли эканини пешоналаридан билардим”.

ҲАДЯ

Афғон сардорларидан бири Шайх Ҳазратларига “ашрафли” олтиндан уч юз дона ҳадя юборди.

– Ҳар на қадар ҳадя қабул этиш лозим бўлса-да, ҳадяни мутлоқо қабул этиш керак, деган бир ҳукм йўқдир. Биз ҳатто талабаларимизнинг ихлос ва эҳтиёткорлик ила, ҳаром аралаштирмасдан тайёрлагани ҳадяларни қабул этмаймиз. Ҳалол бўлиб-бўлмагани номаълум бўлган бу каби ҳадяларни эса ҳеч қабул қила олмаймиз. Бойларнинг ҳадясида инсонларнинг ҳаққи бордир. Қиёмат куни бунинг ҳисобини бермоқ кийин бўлади, – деди Шайх Ҳазратлари. У шундай деб насихат қиларди:

“Расулуллоҳ Алайҳиссалом “Аллоҳим, Муҳаммаднинг оиласига ризқини етарли шаклда қил”, дея етарди. Инсон учун зарур бўлган нарсаларни етарли даражада исташи керак.

Асҳоби киром ҳам шундай дуо қиларди: “Исрофга туширажак қадар бой, қарзга ботирадиган қадар фақирлик хайрли эмасдир. Инсон қуллик вазифасини бажо келтириб, ўлимга тайёр туриши, бошқа орзуларга боғланмаслиги лозим”.

ВАФОТИ

Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони-Жонон Ҳазратлари бу дунёдан шахид бўлиб кетди. Вафотидан бир неча кун Олдин Аллоҳу Таолога қовушажаги учун завқ ва шавқ ичида эди. Тоат-ибодатларини орттирганди. Суҳбатларида ва мууроқабаларида ақл бовар қилмас ҳузур бор эди. У кунларда талабаларидан Мулла Қосим юртига бориш учун изин сўраганида, Шайх Ҳазратлари унга:

“Энди бизнинг яна кўришмоғимиз маълум эмас”, – дея вафот этишига ишорат қилганди. У яна шундай сўзларни айтганди:

“Хожаларимнинг, муршидларимнинг кўпчилиги шахидлик шарбатини ичмок билан шарафландилар. Мен эса қаридим, вужудим заифлашди. Жиход этажак ва бу билан шахидликка эришажак кучим қолмади”, – деди. Шу кунларда унинг ҳузурига келиб-кетганлар ниҳоятда кўпайганди. Ҳижрий 1195 (м.1781) йилининг муҳаррам ойининг еттисида, чоршанба кечаси Ҳазрати Шайхнинг уйи олдида бир оломон тўпланган эди. Булар орасида уч киши каттиқ илтимос қилишиб, Шайх Ҳазратларининг ҳузурига киришди. Ва кирган заҳот:

– Мазҳарий Жону-Жонон сенмисан? деб сўрашди улар.

– Ҳа, менман, – деди Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони-Жонон Ҳазратлари.

Бу учта кишидан бири Ҳазратларига ташланди ва унга ханжар уришга бошлади. Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони-Жонон Ҳазратлари ерга йиқилди, оғир яраланди. Бундан хабардор бўлган Наввоб Нажаф Хон эрталаб Франсуз бир табиб йўллаб, у муборак зотни даволатиш учун ҳаракатга кечди. Ва қотилларни ушлаб жазолашга амр берди. Франсуз табиб ярадор ётган буюк зотни кўриб, қайтиб кетди ва Наввоб Нажаф Хонга “яхши бўлиб кетади, бошқа табиб юборишга зарурат йўқ”, дея ёлғон сўйлади.

Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони-Жонон Ҳазратларининг ярасидан уч кун қон окди. У жума куни ётган ҳолда, қўлларини очиб, “Фотиҳа”ни ўқиди. Сўнгра:

– Куннинг ботишига неча соат бор? – деб сўради.

– Тўрт соат бор, – дейишди.

Ўша куни ҳам жума, ҳам Ашура куни эди. Окшом кирганда, уч марта теран нафас олди ва шахид ўлароқ вафот этди. Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони-Жонон Ҳазратлари Исломиятнинг ёйилиши ва инсонларнинг саодатга қовушмаси учун буюк хизматлар қилди.

ХАЛИФАЛАРИ

Шайх Абдуллоҳ Дехлавий, Мавлоно Шайх Усмон Панипути, Мавлоно Саййид Мирмуслон, Мавлоно Шайх Фазлуллоҳ, Мавлоно Шайх Аҳмад, Мавлоно Муҳаммад, Мавлоно Шайх Абдурахмон, Мавлоно Муҳаммад Мунир, Мавлоно Шайх Қаландар Бахши, Мавлоно Абдулбоқий, Мавлоно Қутбиддин, Мавлоно Хожа Муҳаммад Кандҳорий, Мавлоно Шайх Мулла Таймур ва бошқалар.

ШАЙХ АБДУЛЛОҲ ДЕҲЛАВИЙ

Нақшбандия Тарикатининг катта олимларидандир. Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони-Жонон Ҳазратларининг энг буюк халифасидир. Насаби Ҳазрати Алига такалади. Ҳижр ойнинг 1158 йилида Ҳиндистоннинг Панжоб вилоятида, Бижола қишлоғида дунёга келди. Отаси Абдуллатиф Ҳазратлари риёзат аҳли бир зот эди. Таом ўрнига яшил ўтларни еб, саҳроларда, инсонлардан узокда очик зикр билан машғул бўларди.

Шайх Абдуллоҳ Деҳлавий Ҳазратлари жуда кўп олим-мутасаввуфларнинг суҳбатида бўлиб, файз олди, балағотга етди. Йигирма икки ёшида Мавлоно Жони-Жонон Ҳазратларининг суҳбатига мушарраф бўлди. Унинг суҳбатларидан шу қадар таъсирландики, хизматиға кирмак истади. Ҳазрати Шайх уни қабул эттиб:

– Ўғлим, бу ер тузсиз тош яламоқ кабидир. Сиз, яхшиси, завқли ва шавқли бўлган бир жойга мурожаат этинг, – деди.

Шайх Деҳлавий Ҳазратлари:

– Мен учун энг завқли ва шавқли нарса тош яламоқдир, – деб жавоб берди.

Шунда Шайх Ҳазратлари уни қабул этди ва “тариқати нақшия”нинг адабларини ўргата бошлади.

Абдуллоҳ Деҳлавий Ҳазратлари том 15 йил Жони-Жонон Ҳазратларига хизмат қилиб, унинг суҳбатларини тинглади. Нақший йўлидаги таълими тамомлангандан сўнгра унга “Қодирия”, “Чаштия” ва “Сухравердия” ҳирқалари ҳам кийдирилди. Шайхи Жони-Жонон Ҳазратлари шаҳид бўлгандан сўнгра, Абдуллоҳ Деҳлавий Ҳазратлари унинг ўрнига иршодни давом эттирди.

“ТАРИҚАТИ НАҚШБАНДИЯ” ҲАҚИДА

Шайх Абдуллоҳ Деҳлавий Ҳазратлари мансуби бўлган Нақшбандия тариқати ҳақда шундай деди:

– Тариқати Нақшбандия тўрт масаладан иборатдир:

1. Дафъи хавотир
2. Давоми ҳузур
3. Жазбот
4. Воридот

Авлиё уч қисмдир:

Арбоби кашф

АРБОБИ ИДРОК

Арбоби жаҳл (ўзларининг вали эканлигини билмаганлар).

ЗИКР

“Жаҳонобод” масжидида оч ва уйқусиз ўларок зикр билан машғул эдим. Очлик ва сувсизлик ортганда, масжид ҳовузидан бир култум сув ичардим. Ва ҳар куни Қуръони Каримни ҳатм этардим. Ҳар куни ўн минг марта нафю-исбот йўли билан калимаи-тавҳидни (ла илаҳа иллАллоҳ) зикр этардим. Зикр асносида қалбим у қадар қувватландики, масжиднинг ичи нур билан тўлганини кўрдим. Қаерга боксам, нурга ғарқ бўлардим”, деб хотирлайди Абдуллоҳ Деҳлавий Ҳазратлари.

Шайх Абдулғани Мужаддий Ҳазратларининг таълиф этгани рисолада Абдуллоҳ Деҳлавий Ҳазратлари ҳақда шундай деб ёзади:

“Шайх Абдуллоҳ Деҳлавий Ҳазратларининг кароматларидан энг каттаси, унинг Ҳақ ва ҳақиқатни излаганларнинг қалбларига тасарруф этиб, уларга файзи-илоҳияни ерлаштирарди”.

ВАФОТИ

Шайх Деҳлавий Ҳазратлари сўнгги марта хасталанганида халифаларидан Шайх Абу Саидга мактуб ёзиб, тез келишини истади. Шайх Абу Саид оиласини ташлаб, дарҳол етиб келди. Шайх Абдуллоҳ Деҳлавий Ҳазратлари уни кўриб шундай деди:

– Сизни кўриб, тўйиб-тўйиб йиғламокчи эдим. Аммо энди, шундай бир вақтда келдингизки, менинг йиғлашга кучим қолмади. Мендан сўнгра ўрнимга сиз ўтирасиз, – деди Абдуллоҳ Деҳлавий Ҳазратлари. Ва Ҳижратнинг 1240 (м.1824) йилида Сафар ойининг йигирма иккисида, 82 ёшида вафот этди.

Халифалари:

Шайх Ҳофиз Абу Саид Соҳиб

Мавлоно Башоратуллоҳ

Мавлоно Холид Зиёвуддин Мужаддийдир.

ШАЙХ АБУ САИД СОҲИБ

Имом Раббоний Ҳазратларининг набирасидир. Ҳижрий 1196 (м.1782) йилда Ҳиндистонда, Рамнур шаҳрида туғилди. Шайх Абу Саид Соҳиб Ҳазратлари ўн ёшда Қуръони Каримни ёд олди. Уни шу қадар гўзал овоз билан ўқир эдики, тинглаганлар ҳайратда қоларди. Тажвид илмини кироат олими Қори Насиндан ўрганди. Сўнгра ақлий ва нақлий илмларни ўргана бошлади. Шоҳ Валиуллоҳ Дехлавий Ҳазратларининг ўғли Мавлоно Рафиуддиндан Ҳадис дарси олди.

ИРШОДГА ИЖОЗАТ

Шайх Дехлавий Ҳазратлари вафотидан олдин иршод вазифасини энг катта халифаси бўлган Шайх Абу Саид Соҳибга топширди.

МАНКИБА

Шайх Абу Саид Ҳазратлари бир куни Рамнурдан Сунбулга йўлга чиқди. Бир аравани кирага олганди. Аравакаш мусулмон эмасди. Оқшом пайтлари дарё соҳилига келишди. Нариги қирғоққа ўтиш учун кема йўқ эди.

– Аравани сувга ҳайда! – деди Шайх Ҳазратлари аравакашга.

Аравакаш Шайх Ҳазратларининг ҳайбати қаршисида кўркиб, аравани сувга йўналтирди. Ва араванинг сувга ботмай, нариги қирғоққа ўтганини, кўриб, ҳайрат ичида қолди ва мусулмон бўлди.

ВАФОТИ

Ҳижрий 1249 (м.1833) йилида Шайх Абу Саид Ҳазратлари ҳажга кетди. Ўрнига ўғли Шоҳ Аҳмад Саидни қолдирди. Ҳажга кетар экан, учраган ҳар ерида инсонларнинг ҳурматига сазовор бўлди, уларни суҳбатларининг файзи билан севинтирди. Маккада ҳам уни буюк эҳтиром ила қаршиладилар. Машҳур дин арбоблари уни зиёрат қилишди. Ҳаждан сўнгра, уйига қайтар экан, хасталиги оғирлашди, Ҳинд мавзелариндан бўлган Лавангга келганида “Сакаротул-мавт” (ўлим касаллиги) пайдо бўлди. Тунк шаҳрига келишди. Байрам куни “Ёсин” сурасини ўқишни амр этди. “Ёсин”ни уч даъфа тинглади.

Сўнгра:

– Оз қолди, – деди ва одамларни ёнига киритмасликни буюрди. “Идорачилар ёнимга келса, зулмат ҳосил бўлаяпти”, деди. Ва ҳижрий 1260/50 (м.1834) йилда, Рамазон байрами куни, пешин ва аср ўртасида, шанбада вафот этди.

Жаноза намозини Тунк шаҳрининг қозиси Мавлоно Ҳалилул-Раҳман

Ўқиди. Ўғли Шайх Абдулгани Ҳазратлари отасининг жасадини тобутга қўйиб, 40 кунда Дехлига олиб борди. Ва Шайхи Абдуллоҳ Дехлавийнинг қабри ёнига, унинг ғарб томонига дафн этдилар. Муборак бадани тобутдан чиқарилиб, лаҳадга қўйилар экан, худди янги ғусл қилингандек эди.

Шайх Абу Саид Ҳазратларининг учта ўғли бор эди:

Аҳмад Саид Ҳабиб

Абдулгани Мужаддидий Абдулмуғний

Шайх Ҳабибуллоҳ Жони-Жонон

Абдуллоҳ Дехлавий Ҳазратларининг фазилатли халифалариндандир. Ҳижратнинг 1213 (м.1827) йилида Рампурда туғилди. Шайх Ҳабибуллоҳ Ҳазратлари ақлий ва нақлий илмларни юксак даражада ўрганди. Бу билан баробар ва мушоҳадани ҳеч тарк этмади.

Ўн беш йил Абдуллоҳ Дехлавий Ҳазратларининг суҳбатида бўлди. Ўттиз икки ёшида ундан иршод вазифасини олди. Отаси Абу Саид Ҳазратлари ҳажга кетганида уни ўз ўрнига тайин этиб кетганди. У ўз муридларига бошқа шайхлардан йиллар давомида ўргана олмаган нарсаларини қисқа муддатда ўргатади. Ҳазрат шайх ўз муридларига худди фарзандларига қарагандай қаради.

Олтмишга яқин муриднинг рўзгорини тебратишни ўз зиммасига олганди. Узок йиллар Дехлида яшади. Ҳижрий 1273 (м.1856) йилида Ҳижозга кетди ва Мадинаи-Мунавварада қолишга қарор берди. Ва умрининг сўнгига қадар Мадинада қолди.

“Анхорий-Арбао”, “Саъдул баён”, “Фисаййидул инс вал жон”, “Ҳаққул мубин фирадил-ваҳҳобин” номли асари бор. Ҳижратнинг 1277 (м. 1860) йилида Мадинаи-Мунавварада вафот этди. Аллоҳ ундан рози бўлсин.

ШАЙХ МАЗҲОР ЭШОН ЖОНИ-ЖОНОН

Шайх Ҳабибуллоҳ Жони-Жонон (Аҳмад Саид)нинг ўғли, бобоси Ҳофиз Абу Саиднинг халифасидир. Ҳижрий 1235 (м. 1819) йилида Ҳиндистоннинг Лакхавна қишлоғида туғилди. Ҳадис, Тафсир, Усул, “Мактубот” ва “Рисолаи Кушайрия” каби китобларни бобосидан ўрганди. Отаси шайх Ҳабибуллоҳ Жони-Жононнинг форсча ёзгани “Анҳорий арбао” китобини арабчага таржима этди. Муҳтарам падарибузуруквори Мадинада вафот этгандан сўнгра, у Маккаи Мукаррамада иршодни давом эттирди.

Шайх Ҳазратларининг зоҳирий ва ботиний илмларда мукаммал эди. Отаси муридларга таважжуҳ ишини унга топширганди. Унинг қийматли суҳбатлари воситасида кўп одам ҳидоят йўлига тушди. Имом Раббоний Ҳазратларининг “Мактубот” асарини арабчага таржима этган Муҳаммад Мурад Қозоний Шайх Мазҳори Эшон Жони-Жононнинг халифасидир. Бу зот асли форсча бўлган “Рашоҳат” китобининг ҳошияларига арабча иловалар ёзиб, уни янада қийматли ҳолга келтиргандир.

Маълумки, “Рашоҳат” китоби Нақшбандия тариқатини Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратларига қадар таърифлаб берган бир асардир. “Рашоҳат” Қозоний илова қилган бўлим Убайдуллоҳ Аҳрордан Мазҳар Эшон Жони-Жонон Ҳазратларига қадар бўлган даврни ёритди. Шайх Мазҳар Эшон Жони-Жонон Ҳазратлари ҳижратнинг 1287 (м. 1870) йилида вафот этди. Аллоҳ ундан рози бўлсин.

ШАЙХ САЛОҲИДДИН ИБН МАВЛОНО СИРОЖИДДИН

Асли Бухороликдир. Шайх Мазҳар Эшон Жони-Жонон Ҳазратларининг энг буюк халифаларидандир. Тасаввуфнинг “олтин силсиласи” бўлмиш Нақшбандия тариқати силсиласининг ўттиз иккинчи ҳамзасидир.

Бу зот давомли истиғфор холида эди. Замонасининг кутби ва тайий-макон соҳиби экани ҳақда ривоят қиладилар. Макка волийси Ҳусайин инглизлар билан тил бириктириб, Усмонли Турк давлатига хиёнат этган йилларда, яъни Биринчи Жаҳон Уруши (1915) йилларида Шайх Мавлоно Сирождин Ҳазратлари Маккаи-Муқаррамада эди.

Хоин Ҳусайин Мавлоно Салоҳиддин Ҳазратларининг қароматлари ҳақда кўп эшитганди, унинг халқ орасидаги обрўсидан кўрқарди. Шу боис, Мавлоно Сирождин мусулмонларни инглизларга ва хоинларга қарши қўтармасин, деб уни зиндонга ташлади. Лекин Салоҳиддин Ҳазратлари кўлига боғланган занжирларни синдириб, зиндондан чиқди. Ва Каъбага бориб, “Авродий Фатҳия”ни ўқий бошлади.

Хоин Ҳусайин уни такрор хибсга олди. Бу сафар қаттиқ тадбирлар олиб, кутилиш қийин бўлган бир катакка қамаб қўйди.

Салоҳиддин Ибни Мавлоно Сирождин Ҳазратлари бу занжирларни ҳам парчалади, тўсиқлардан ўтди ва озодликка чиқди. Хоин Ҳусайин Шайх Ҳазратларининг қочмаслиги учун бутун чораларни кўра бошлади. Бутун йўлларга назорат ўрнатди, кўчалар беркитилди.

Салоҳиддин Ҳазратлари оиласини олиб, Жиддадан ҳаракат этаётган бир кемага чиқди. Бу хабарни эшитган Ҳусайиннинг тарафдорлари кемани титиб-титиб ахтардилар, аммо Сирождин Ҳазратларини ва унинг оиласини топиша олмадилар.

Сирождин Ҳазратлари бу кемада бошқа бир ўлка соҳилига келганда, у ерга ҳам телеграф юбориб, кемани тинтув қилишди, аммо Сирождин Ҳазратларини топиша олмади. Шунда Сирождин Ҳазратлари хоин Ҳусайинга: “Соғ-салим мамлакатимга қайтдим, мени ахтариб овора бўлманглар”, деб бир телеграф юборди.

Ҳазрати Пирнинг бундан бошқа ҳам қароматлари кўпдир. У Султон Абдулҳамид иккинчи замонида Истанбулга келди ва меҳмон қилинди. Ва Султон Абдулҳамид Ҳазратлари билан биргаликда, ўша пайтларда мадрасада талаба бўлган Абулфарук Сулаймон Ҳилми Силистравий Ҳазратларига “Нақшбандия” йўлини ўргатдилар. Бир муддат Истанбулда қолди. Азалий тақдир ижоби, ўзидан сўнгра “Олтин силсила”нинг халқасини ташкил этажак бўлган Абулфарук Сулаймон Ҳилми Силистравий Ҳазратларининг тасаввуф

йўлида тараққийсини таълим этди.

Йигирманчи аср бошларида бўлган бу зиёратлари асносида Усмонли давлатининг бошига келажак фалокатларга қарши Аллоҳга кўп дуо қилди, ёлворди. Бир неча марта “арбойн” чиқарди. Аммо Уммати Муҳаммаднинг бу келаётган балоларни ҳақ этгани, қадарий илоҳийнинг таҳаккук этишига тўсиқ бўла олмаслигини Султон Абдулҳамидхон Ҳазратларига эътироф этди. Шу сабаб, Султон Ҳазратлари бир ихтилол (сарой тўнтариши) билан тахтдан туширилганда, қаршилиқ кўрсатмади.

“Залика тақдирул азизил олийм” оятини ўқиди холос.

Салоҳиддин Ҳазратлари саройга мусофир бўлгани кунларда Истанбулнинг муҳим ерларидан бири бўлган Абу Айюб Султон Ҳазратларининг қабрини ҳам зиёрат этди. Унга берилган аравада Айюбга кетар экан, “Халич” канорида “Ё Вадуд Бобо”нинг турбасини кўрди, бу турбага инаётган илоҳий файз оқимини кўриб, хайратга тушди ва:

– Бу зот кимдир? – деб сўради.

– “Ё Вадуд Бобо” деган бир авлиёдур, – деб жавоб беришди ёнидаги маъмурлар.

Сўнгра, зиёратдан қайтар экан, яна ўша жойга етганда, айна саволни такрорлади Салоҳиддин Ҳазратлари.

Шунда унга хизмат қилаётган маъмурларнинг хаёлидан:

“Бу қари чол биров аввал сўраганини унутди шекилли”, – деган фикр кечди.

Буни англаган Салоҳиддин Ҳазратлари араванинг гилдирагидан тупроқ олиб:

– Шу сизнинг дунёнгиздан кўзларимга биров тупроқ сочайинки, кўрганларимни унутмайдиган бўлай! – деди.

Салоҳиддин Ҳазратлари халифаси Мирзо Абдурраҳим (“Тасбиҳчи бобо”) ни Истанбулда, Абулфарук Сулаймон Ҳилми Силистравий Ҳазратлари ёнига қўйиб, Бухорога кетди. Бухорода вафот этди. Қабри Бухорода, юксак бир тепададир.

Аллоҳ ундан рози бўлсин.

ШАЙХ АБУЛФАРУҚ СУЛАЙМОН ҲИЛМИ СИЛИСТРАВИЙ (ТУНАХОН)

Туркия мутассавуфларининг фикрига кўра, “Олтин силсила”нинг 33-халқасини тамомлаган Сулаймон Ҳилми Силистравий Ҳазратлари Салоҳиддин Ибни Мавлоно Сирожиддин Ҳазратларининг сайри-сулуқининг давомчисидир.

У Салоҳиддин Ибни Мавлоно Сирожиддин Ҳазратлари томонидан Имом Раббоний Ҳазратларининг нисбати руҳиясига таслим этилгандир. Бу шаклда “Олтин силсила”нинг 33 – ва сўнгги халқасини ташкил этади.

Абулфаруқ Сулаймон Ҳилми Силистравий Ҳазратлари хижрий 1306 (м. 1888) йилида Усмонли империяси ҳудудларидаги Булғористоннинг Силистранинг “Фарҳодлар” кишлоғида дунёга келди. 1959 йил 16 сентябрда Истанбулда вафот этди. Аммо тасарруф ва иршоиди бугунгача – юз мингларча издошлари тимсолида – давом этмоқда.

Сулаймон афанди ёшлигида, таҳсил асносида ўзининг фавқуллодда ақли ва тақвоси билан хожаларининг назарига тушганди. Илм таҳсилида шу қадар ғайрат кўрсатардики, китоб саҳифаларига бурнидан қон оқарди. Сулаймон Ҳилми Тунахон Ҳазратларининг аждоди Идрис Бей Фотиҳ Султон Маҳмад Хон тарафидан Туна (Дунай) хони унвони берилган шарафли бир оиладандир. Сулаймон афандининг боболари “Қаймоқ Ҳофиз” таҳаллуси ила машҳур бўлган тақволи бир зот эди. Отаси Усмон афанди эса Силистрада “Сотирли” мадрасасида узоқ йиллар мударрислик қилганди.

Усмон афанди ўғли Сулаймон афандини Истанбулга юбораётди:

– Ўғлим, “Усули Фикҳ” фанида ғайрат кўрсатсанг, динингда қувватли бўласан, илмда қувватли бўласан, – дея маслаҳат берди.

Сулаймон афанди Истанбулга ўша даврнинг машҳур олимларидан Бафроли Аҳмад Ҳамдий афандининг дарс халқасида таълим олди ва у ердан ижозат (диплом) олди.

Сулаймон Ҳилми Тунахон Ҳазратлари Истанбулда илм таҳсилида экан, оғир ҳасталанди. Касаллик шу қадар оғирлашдики, у ҳаётдан умидини узди.

Шундай бир пайтда Шайх Салоҳиддин Ибни Мавлоно Сирожиддин Ҳазратлари уни зиёрат қилди.

– Ўғлим, ҳеч қайғуланма, бу касалликдан қутулажаксан, улғайиб, буюк одам бўласан, – дея унга далда берди Шайх Ҳазратлари.

Сулаймон Ҳилми Тунахон Ҳазратлари 1916 йилда Бафроли Ҳамдий афандининг мактабини аъло даражада битирди. Сўнгра Сулаймония мадрасасининг “Тасавуф ва Ҳадис” бўлимига кирди, айни йилда Қозилик мактабида ҳам ўқиди – ҳаммасини аъло баҳолар билан битирди. Бу йилларда

Усмонли империяси ўзининг сўнгги кунларини яшамокда эди. Усмонли давлати Биринчи Жаҳон Урушида мағлубиятга учраб, Оврупада, Осиеда ва Африкадаги бутун худудлари парчалана бошлаганди.

Нихоят, Антанга (Ғарб давлатлари) Турк давлатини бутунлай йўқ қилиш учун якуний ҳужумга ўтди ва Халифатнинг маркази бўлган Истанбулни ишғол қилдилар. Лекин Турк миллати самандар куш каби кул ичидан чиқиб, душманни ўз тупроқларидан қувиб чиқарди. Усмонли империяси ўрнига қурилган янги давлатнинг динга муносабати бошқача эди. Янги қонунларга кўра, бутун мадрасалар, диний маориф марказлари беркитилди. Дин ўргатувчи янги муассасалар эса тўла давлат назароти остида фаолият кўрсатадиган бўлди.

Сулаймон Ҳилми Тунахон Ҳазратлари бу янги, оғир вазиятда инсонларга дин тарғиботи билан шуғуллана бошлади. Сулаймон афанди у кунларни шундай эслайди:

– Дин ўқитишнинг имкони йўқ эди. Аммо ўқишни истаган одам ҳам оз эди, давлатдан кўрқижарди. Бир ора пул бериб ўқитишни истадим, бўлмади. Ўқитишни истаганим одам пулни олиб кочарди. Мен жуда умидсизландим. Бу илмларнинг йўқолиб кетишидан кўрқдим. Ва ўз кизларимни ўқита бошладим. Келажакда, набираларим бўлса, уларга ўргатажаклар ва илм бу шаклда йўқолмайди, деб ўйлардим. Аммо Жаноби Ҳақ сабаблар халқ этди ва ўқитиш имкони топдим. Ёши катталардан бошладик, ёшлар кейинроқ келишди. Бутун булар Аллоҳ Таолонинг бизга лутфидир.

Сулаймон афанди Ҳазратлари расмий имом сифатида масжидларда ваъз айтиб, айна пайтда, ғайрирасмий шаклда, уйларнинг ертўлаларида болаларга дин дарси берар эди. Унинг илк талабаси тужжор Ҳалил Кожар Бейнинг ўғли Камол Кожар бей бўлди.

Сўнгра секин-аста янги талабалар пайдо бўла бошлади. Гадикпошодаги “Азоқзода” биносининг ертўласида илк халқа шаклланди: Адвокат Усмон Бей, тужжор Ҳожи Рафик Бей, билетчи Маҳмат Афандилар диний дарснинг талабалари бўлишади.

Дин тарғиботчиларига қарши махфий ташкилотнинг таъкиби кун сайин кучайиб борди. Ҳибсга олишлар, сўроқлар, қийноқлар давом этаётганди. Сулаймон афанди Ҳазратларини Истанбулда жуда қийнадилар. У Қобокчага кетди, у ердан Қушқоя моғорасида дарс бера бошлади. У ерда ҳам ушлаб олишди. У Торос тоғларига кетди. Дарс беришга давом этди. Ҳатто поездда, кемада худди йўловчи каби ўтириб, инсонларга дини ўргатишга давом этди.

– Бизнинг кутишга фурсатимиз йўқ. Уммати Муҳаммад авлодлари жаҳаннамга сел каби оқиб кетаётган экан, биз томошабин бўлиб, тура олмаймиз. Бу селда оқиб бораётганлардан битта тўнка бўлса ҳам, кутқариб қолайлик! – дер эди у.

Уни навбатдаги марта Ҳибсга олганларида унинг воизлик ижозатини (дипломини) бекор қилдилар. Аммо бу Сулаймон афанди Ҳазратларини синдира олмади.

– Мозорга кетаётган бўлсак ҳам, ўқитиш учун вақт топамиз, – дерди у.

Йиллар шундай ўтди. Нихоят, 1949 йилда расмий “Қуръон курслари”нинг

очилишига рухсат берилди. 1950-йилларда диний фаолиятлар қисман қулайлашди. 1951 йилда Коња “Лаззат лўқонтаси” (ресторани) соҳиби Мустафо Бейнинг Чомличадаги уйининг биринчи қагида Сулаймон афанди Ҳазратлари илк “Қуръон курслари”ни очди. Курс Ускудор муфтиликка боғлиқ ўлароқ фаолиятга кечди. Сулаймон Афанди Ҳазратларининг икки ойлик дарсидан ўтган талабалар расмий муфтийлик имтиҳонига кириб, имом хотиб факултетига қирабошладилар.

ОНАДЎЛИГА ЁЙИЛА БОШЛАДИ

Сулаймон афанди Ҳазратлари талабаларининг бутун эҳтиёжлари билан кизиқди. Бир курсларнинг биридаги талабаларнинг овқатланиши билан кизиқди.

Мудир: «Аҳволимиз яхши, афандим. Талабалар ўз ораларида пул тўпладилар. Энди овқатнинг ёнида помидор, салат ҳам емоқдалар», деди.

Сулаймон афанди Ҳазратлари чўнтагидан 50 лирالىк банкнот чиқариб, мудирга узатди ва:

– Бундан буюғига талабалардан пул олманг. Еҳтиёжингиз бўлса менга айтинг. Талабалардан пул олинмайди, талабаларга пул берилади, – деди.

Сулаймон афандининг курслари бир неча йил ичида бутун Онадўлу (Анатолия)га ёйилди. Бу баракатли дарсларда ўқиган талабалар қисқа муддат ичида ўзлари ҳам муаллимлик қила бошладилар ва шу тарзда диний таълим халқаси кенгайиб борарди. Сулаймон афанди Ҳазратлари ҳар сафар янги Қуръон курси очилгани ҳақда хабар олса, дарров шукр намози қиларди. Агар жамоат ичида бўлса ҳам, суҳбатини тўхтатиб, “Қани, бир шукр намози қилиб юборайлик”, деб ёнидагилар билан бирга икки ракат шукр намози қиларди.

КУТОҲЯ ТУРМАСИДА

1950 йилларда Туркия давлати бошига Исмат Инўну келгандан бошлаб, динга таъқиб кучайди. Сулаймон афанди Ҳазратлари ва талабалари Истанбулда ҳибсга олинди, Қутоҳя турмасида 59 кун сақландилар. Сўнгра кўйган сохта айблар тасдиқланмаганидан сўнгра уларни кўйиб юборишди. Озодликка чиққан Сулаймон афанди Ҳазратларига яқинлари:

– Афандим, энди бироз дам олинг, – дейишди.

– Болаларим, гилдираги ишдан чиққан араванинг гилдирагини алмаштиришга йўқотган вақтини талофий этмак учун шофер янада тезроқ ҳайдайди аравасини. Биз бу икки ойлик йўқотишни янада кўп ишлаб, қоплашимиз керак, – деб жавоб берди Сулаймон афанди Ҳазратлари.

ВАФОТИДАН ОЛДИН

Бир суҳбатда видео оҳанги жаранглади. У талабаларига қараб:

– Яна бир марга кўриша олмаيمиз. Кўришимиз, иншоАллоҳ, Рўзи жазода бўлажак, явми маҳшарда бўлур, – деди ва эшикка қараб йўналди. Эшикнинг ёнида яна орқасига ўгирилди ва:

– Болаларим, сизларни дунё кўзи ила яна бир марта кўрайин, – деди ва талбаларига бокди. Ва кетди. Қисқа муддатдан сўнг вафот этди.

Жаноза маросимиға ўн мингларча одам тўпланди. Баҳайбат оломон ҳукуматни кўрkitди. Сулаймон афанди Ҳазратлари Фотиҳ жомисининг ховлисидаги мозорликка кўмилиши керак эди. Аммо халқнинг янада кўпайишидан кўрққан давлат аркони “Қорача Аҳмад” қабристонига кўмдирди. Бу воқеа Сулаймон афанди Ҳазратларининг бир пайтлар “Бизнинг дунё ҳаётимиздан кўрққанлари каби, вафотимиздан ҳам кўрқажаклар”, деганини эслади уни севганлар.

НАСИҲАТЛАРИ

Ўғлим, илмсиз ибодатнинг тотти бўлмайди. Бир канот билан қуш учолмайди. Одамларнинг шу дунёга фарқ бўлиб, орзулар савдосига тушган бир пайтда биз Аллоҳу Таолонинг илмини ўқийлик. Бу инсонни ҳар икки дунёда шарафли қиладиган бир ишдир. Охират учун ишлаган дунёни ҳам кўлга киритади. Дунё учун ишлаган эса охиратни кўлга кирита олмайди.

Зеро, охират – ҳақиқат, дунё эса – ҳалафдир. Дарахтни кўчирсанг, соя ҳам у билан бирга келар. Охиратда нима бўлса, дунёда ҳам унинг тимсоли бор. Агар бўлмаса эди, охират ёлғон бўларди. Дунёда нима бўлса, охиратда ҳам унинг бир тимсоли бор. Агар бўлмаса дунё ёлғон бўлур. Таямму – таҳоратнинг ҳалафидир, дунё эса – охиратнинг ҳалафи.

ИЛМ

Илм – нури илоҳийдир. Инсон эса бир уядир. Кири уяда асалари турмагани каби, исён ва зулматдан кирланган қалбда ҳам илм турмайди.

МУРШИД

Дарахт берган мевасидан билингани каби, муршиди комил ҳам етиштирган кишиларнинг сифатига қараб билинади. Ва шунга қараб унга тобе бўлиш, унинг маънавий файзидан истифода этмак мумкин. Шухрати аршга чикса ҳам, муршиднинг ҳақиқий белгиси унинг мевасидир.

БУЙРУҚ БЕРИШ ХУСУСИДА

Буйруқ беришга одатланманг. Мен волидангизга “сув олиб кел” деб ҳам айтмайман. Амр бериш сўзнинг руҳини ўлдиради. Ихбор амрдан муассиррокдир. Масалан, “Менинг ўғлим сигара чекмайди, шунақа эмасми?” каби.

Қуръони Карим ва Ҳадисий шарифда таъвил қиламизу, нега авлиёуллоҳнинг сўзини хусни-таъвил этмаймиз?

РИЗҚ

Ризққа эмас, Раззоққа боғланмоқ лозим. Сабабга боғланмоқ сабаб соҳиби бўлган Жаноби Ҳақдан узоклаштиради.

ВАФОТИДАН СЎНГРА

Сулаймон афанди Ҳазратлари бир куни талабаларига мурожаат қилиб:

– Бу вазифани сизлар давом эттиражаксиз. Агар буни қилмасангиз шу ўн бармоғим маҳшарда ёқангизга ёпишажакдир. Энг мусоид бўлмаган замонларда ҳам талаба ўқитишни тарк этманг. Тоғ бошида бўлсангизу, ёнингизда бир киши бўлса-да, унга Қуръон ва дини ўргатинг! – деган эди.

Устод Сулаймон Ҳилми Тунахоннинг бу амри унинг талабалари тарафидан энг гўзал шаклда бажо келтирилмоқда. Бугун Сулаймон афанди Ҳазратларининг жамоати очган курслар нафақат Туркияда, балки дунёнинг бошқа мамлакатларида – Оврупада, Америкада, Осиёда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

СУРЪАТЛИ ТАЪЛИМ

Сулаймон афанди Ҳазратларининг таълим ва ўқитиш методи қисқа муддатда катта ҳажмдаги билим захирасини ўзлаштириш имконини ўзида мужассам қилган ажойиб бир методдир.

Ҳаётида нашр этилган ягона асари “Қуръонда Ҳарф ва Ҳаракалар”дир. Бу қийматли асардан Қуръони Каримни бир неча кунда, ҳатто бир неча соатда ўрганиш мумкин.

Бу мўъжизавий бир китобдир. Мадрасалардаги 15-20 йиллик таҳсилни Сулаймон афанди Ҳазратлари 2-3 йилга сиғдира олди ва бу ҳайратга шоён воқеа эди.

ТАЛАБАГА МУНОСАБАТИ

Сулаймон афанди талабаларини жуда яхши кўрарди. Ҳар талабанинг моддий-маънавий муаммолари билан қизиқар ва уларга қўлидан келгунча ёрдам этарди. Талаба танламасди. Ўқишни истаган ҳар кимни, суриштирмасдан, ўқитарди. Бой, камбағал, ақлли, ақлсиз, деб ажрим қилмасди.

– Уйининг йўлини топа олса, бу етар. Уни ўқитамиз, – дерди.

Талабалардаги қўрқувни йўқ қилиш учун:

– Алҳамдулиллоҳ, бу чеккан азиятларимиз Расулulloҳ алайҳиссаломнинг йўлида бўлганимизнинг далилидир, – дерди. Яна ўз талабалари хақида фахр билан шундай дерди:

– Менинг ўғилларим чорикларини судрай-судрай келишади ва бир Истанбул афандиси (аслзодаси) каби қайтишади, – дер эди.

Ва бу ҳақиқатан ҳам шунда эди. Сулаймон афанди таълимининг баракати шу қадар буюк.

МУНДАРИЖА

Тасаввуф ҳақида умумий билгилар	4
Абубақр Сиддик	9
Салмон Форсий.....	14
Хофидий Сиддиқий.....	24
Имом Жаъфар.....	26
Абу Язид Бастомий.....	31
Ҳарқоний.....	41
Муҳаммад Фармодий.....	44
Юсуф Ҳамадоний.....	46
АбдуҳоликҒиждувоний.....	51
Ригвирий.....	54
Ғагнавий.....	55
Ромитоний.....	56
Муҳаммад Бобо Самосий.....	59
Амир Кулол.....	60
Шох Нақшбандий.....	66
Алоуддин Агтор.....	84
Ҳожа Ёқуб Чархий.....	87
Убайдуллоҳ Аҳрор.....	88
Бадахший.....	104
Ҳожа Дарвиш Муҳамамад.....	105
Мавлоно Эмкангий.....	106
Ҳожа Дарвиш Боқибиллоҳ.....	107
Имом Раббоний.....	108
Шайх Муҳаммад Маъсум.....	129
Шайх Сафуддин Ориф.....	132
Бадвоний.....	134
Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони Жонон.....	135
Шайх Абдуллоҳ Дехлавий.....	137
Шайх Саид Соҳиб.....	139
Шайх Ҳабибуллоҳ Жони Жонон.....	140
Шайх Мазҳор Жони Жонон.....	141
Шайх Салоҳиддин Ибни Мавлоно Сирожиддин.....	143
Шайх Абулфаруқ Сулаймон Ҳилми Силистравий Тунаҳон.....	144

